


Клиффорд САЙМАК



Товлилар Кўрикхонаси

Клиффорд Саймак

ГОБЛИНЛАР ҚЎРИҚХОНАСИ

Роман

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент–2018

821.111(73)-31 Америка
адабиёти

УЎК 821.512.133

КБК 84 (7 АҚШ)

С 22

Русчадан
Рустам Обид
таржимаси

Саймак, Клиффорд.

Гоблинлар кўрикхонаси: Роман / К.Саймак. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. –240 бет.

Америкалик фантаст-ёзувчи Клиффорд Саймакнинг “Гоблинлар кўрикхонаси” романи фэнтези жанрида яратилган энг ажойиб асарлардан бири ҳисобланади. Унда Ер шарида инсондан анча аввалроқ пайдо бўлган “митти элат” – эльфлар, троллар ва гоблинлар қаторида ҳад-ҳудудсиз Коинотнинг кўз илғамас пучмоқларидан келган ва ақл бовар қилмас шакл-шамойиллардаги беҳисоб онгли мавжудотларни учратасиз. Улар иштирокидаги ажойиб-ғаройиб воқеаларнинг шиддат билан ривожланиши эса ўқувчи ақлини шошириб қўяди.

Альберт Эйнштейндек мутафаккир олим “Тасаввур билимдан кучлироқ” деганида ҳар томонлама ҳақ эди. “Гоблинлар кўрикхонаси” асарининг ўзбек тилида нашр этилиши ёшларимизда Коинот ҳақидаги билимлардан ташқари қудратли тасаввурни ҳам ривожлантиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

УЎК 821.512.133


КБК 84 (7 АҚШ)

88061

© Клиффорд Саймак

© Гафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

ISBN 997-9943-5293-9-7



IV 32521

291

Нозир Дрейтон стол ортида метин қоядек ўтирар ва сабр-токат билан кутарди. У қоксуяк, юзи эса серкўз тўнкадан ўтмас болтада чошиб ясалгандек туюларди. Кўпроқ ей ўкининг кремнийли учлигини эслатувчи кўзлари гоҳ-гоҳ хирагина йилтиллаб қолар – асабийлашаётгани яккол сезилиб турарди. Бироқ Питер Максвелл яхши биладики, бундай одам ички туйғуларини ҳеч қачон сиртига чиқармайди. У бирон нимага булдог итдек каттиқ ёпишади ва атрофдаги ҳамма нарсани инкор этганича, ўжарлик билан ўз ишини қилаверади.

Максвелл айнан шундай вазиятдан қочишга уринганди. Аммо энди кўраяптики, чучварани хом санаган экан. Тўғри, у бир ярим ой мукаддам мўлжалдаги манзилига етиб бормаганидан кейин Ердагилар хавотирланмай қолмаслигини аввалбошдан тушунган ва уйга тинчгина, ҳеч нима бўлмагандек қайта олмаслигини аңларди. Мана энди нозирнинг қаршисида ўтирар экан, қандай бўлмасин хотиржамликни сақлаши, ўзини қўлга олиши керак.

– Очиғи, менинг Ерга қайтишим Хавфсизлик хизматини нима учун қизиқтириб қолганини сираям тушунолмаяман. Исмин Питер Максвелл, Висконсин университети ғайритабиий ходисалар факультети профессориман. Хужжатларим билан танишиб чиқдингиз...

– Ким эканлигингизни жуда яхши биламан, – деди Дрейтон. – Балки ажабланаётгандирман, аммо заррача

шак-шубҳам йўк. Бошқа нарса ғалати. Профессор Максвелл, сиз шу пайтгача қаерда бўлганингизни аниқроқ айтиб бера олмайсизми?

– Лекин буни ўзим ҳам деярли билмайман-да, – жавоб қилди Питер Максвелл. – Қандайдир сайёрада бўлдим, аммо унинг номи ҳам, қаердалиги ҳам менга номаълум. Унгача бўлган масофа балки бир ёруғлик йилига ҳам бормас, эҳтимол, бу сайёра Галактикамиздан анча олисда жойлашгандир.

– Бирок, ҳар нима бўлган тақдирда ҳам сиз чиптангизда белгиланган манзилдаги бекатга етиб бормадингиз.

– Ҳа, – деди Максвелл.

– Нима учун шундай бўлганини тушунтириб беролмайсизми?

– Фақат тахмин қилишим мумкин. Менимча, тўлқин схемам белгиланган йўналишдан оғиб кетган, балки уни тутиб олишгандир. Бу ҳолни мен аввалига тўлқин узаткичдаги бирон носозликка йўйгандим, аммо кейин ўйланиб қолдим. Узаткичлардан юзлаб йиллардан буён фойдаланиб келаяпмиз, бинобарин, унда заррача хатоликка йўл қўйилиши мутлақо мумкин эмас.

– Яъни, кимлардир сизни ўғирлаб кетишган, деб ўйлайсизми?

– Шунақага ўхшайди.

– Лекин, ҳар қалай, менга ҳеч нима айтилмайсиз?

– Тушунтираяпман-ку, ахир, айтадиган гапнинг ўзи бўлмаса, нима қилай?

– Ўша, сиз бориб қолган сайёранинг ғилдиракчиларга ҳеч қандай алоқаси йўкми?

Максвелл бош чайқади.

– Аниқ бир нима деёлмайман, лекин алоқаси бўлмаса керак. Ҳар қалай, у ерда уларни кўрганим йўк. Умуман олганда, бу воқеаларнинг барига уларнинг қан-

дайдири алоқаси борлигини кўрсатувчи ҳеч қандай белги-аломатларни пайқамадим йўқ.

– Профессор Максвелл, ғилдиракчиларни ҳеч кўрганмисиз?

– Бор-йўғи бир марта. Бунга ҳам бир неча йил бўлди. Улардан биттаси Вакт институтида амалиётни ўтаётган экан, бир гал йўлакда бақамти келиб қолганман.

– Демакки, ғилдиракчини учратганингизда уни таниган бўлардингиз?

– Ҳа, албатта!

– Чиптангизга қараганда, сиз Енот Териси тизимидаги сайёралардан бирига бормоқчи бўлгансиз?

– Аждарҳо ҳақидаги гаплар юрувди, – дея изох берди Максвелл. – Лекин, ҳеч нима билан тасдиқланмаган шунчаки овозалар бўлиб чиқди. Бирок мен аниқроқ бирон нимага эриша олармиканман, дея ўйлагандим...

Дрейтоннинг қошлари чимирилди.

– Аждарҳо дейсизми?

– Тўғри, – деди Максвелл, – менинг фанимдан узок одам аждарҳонинг бутун аҳамиятини тушуниб етиши қийин. Чунки шундай мавжудот қачонлардир қаердадир чиндан ҳам яшаганини кўрсатувчи ақалли биронта далил-исбот ҳали-ҳанузгача топилмаган. Ваҳоланки, аждарҳо ҳақидаги афсоналар Ер ва айрим бошқа сайёралардаги фольклорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Феялар, гоблинлар, троллар, баншилар – буларнинг барини чиндан ҳам мавжудот сифатида топа олдик, бирок аждарҳолар ҳамон афсоналигича қолмоқда. Яна шуниси қизиқарлики, ўзимизнинг Еримизда бундай афсоналар одамлар ўртасидагина мавжуд эмас. Аждарҳолар тўғрисидаги асотирлар адирлардаги митти элат орасида ҳам бор. Биз одамлар аждарҳолар ҳақидаги эртак-афсоналарни айнан ўша элатлардан олган бўл-

сак керак, деб ўйлаб қоламан баъзида. Тўғри, буларнинг ҳаммаси шунчаки асотирлар, ривоятлар, холос, уларни тасдиқловчи ҳеч қандай далил-исботлар йўқ...

У ўнғайсизланиб, жим қолди. Тасаввурдан маҳрум полициячи учун аждарҳолар тўғрисидаги афсоналарнинг нима кераги бор?

– Кечирасиз, нозир, – деди у. – Сал чалғиб кетдим шекилли.

– Бу афсоналар замирида аждодларимизнинг динозаврлар ҳақидаги хотиралари ётади, деган гапларни эшитгандим.

– Ҳа, шундай тахминлар ҳам борлигидан хабардорман, – деди Максвелл. – Бироқ бундай бўлиши мумкин эмас. Динозаврлар инсоннинг энг дастлабки аждодлари пайдо бўлишидан анча олдинроқ қирилиб кетишган.

– Бироқ митти элат...

– Балки, – деди Максвелл унинг сўзини бўлиб, – аммо бунинг эҳтимоли кам. Мен адирларда яшовчи элатлар билан яхши танишман, улар билан шу тўғрида ҳам гаплашганман. Уларнинг уруғи бизникидан, шак-шубҳасиз, анча қадимийроқ, бироқ уларнинг аждоди динозаврлар даврида яшагани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ҳар ҳолда уларда шу маънода ҳеч қандай хотира сақланиб қолмаган, ҳолбуки, уларнинг асотирлари ва афсоналари бир неча миллион йиллар олдинги воқеа-ҳодисаларга бориб тақалади. Улар ниҳоятда узок яшайдилар, бизга нисбатан олганда абадий умр кўрадилар, дейиш ҳам мумкин, лекин вақти-соати келиб улар ҳам ўлишади. Ана шу ҳолатда авлоддан-авлодга ўтувчи эртак, ривоятлар сақланиб қолади...

Дрейтон аждарҳоларни ҳам, адирлардаги митти элатни ҳам бир четга суриб қўйди.

– Хуллас, сиз Енот Териси тизимига йўл олдингиз, аммо етиб боролмадингиз.

– Тўппа-тўғри. Мен боя айтганим сайёрада пайдо бўлиб қолдим. Қобикка ўралган биллур сайёрада.

– Биллур сайёрада?

– У кандайдир тошдан иборат эди. Балки у кварцмиди. Ёки, эҳтимол, металлдан иборатмиди. Мен у ерда металлларни кўрдим.

Дрейтон оҳиста сўради:

– Сиз сафарга чикканингизда ўша сайёрага бориб қолишингизни билмаганмидингиз?

– Агар бу иш ўзаро келишиб олинган, деб шубҳаланаётган бўлсангиз, янглишасиз, – дея жавоб берди Максвелл. – Бу мен учун мутлақо кутилмаган ходиса бўлди. Сиздан фаркли ўларок, албатта. Чунки сиз мени бу ерда кутардингиз!

– Тўғри, сизнинг келишингиз мутлақо ногаҳоний бўлди деёлмайман, – маъқуллади Дрейтон. – Бизга шундай иккита воқеа маълум.

– Демак, сизда бу сайёра тўғрисида маълумот бор?

– У сайёра тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ, – деди Дрейтон. – Бизга фақат шу маълумки, қаердадир узаткич қурилмаси рўйхатдан ўтмаган сайёра бор, унинг қабул қилгич қурилмаси ҳам расман қайд этилмаган. Бу ерда, Висконсин бекатида оператор уларнинг узатиш ҳақидаги хабарини олгач, қабул қилгич қурилмалардан биронтаси бўшағунича кутиб туриш тўғрисида уларга сигнал берган, ўзи эса менга уланган.

– Қолган иккитаси-чи?

– Улар ҳам шу ерга келишди. Ҳар иккови Висконсин бекатига йўлланган эди.

– Агар улар қайтишган бўлса...

– Ҳамма гап ана шунда-да! – деди Дрейтон. – Улар қайтишмади. Яъни, шу маънодаки, биз улардан ҳеч нимани сўрай олмадик, бунинг ҳеч қандай иложи йўқ эди.

Тўлқин схемасида қандайдир бузилишлар бўлиб, уларнинг қайта тикланиши нотўғри кечди. Улар бир-бирига чалкашиб кетган эди. Ҳар иккови – ўзга оламлик мавжудотлар, лекин шунақанги чигал калава ҳосил бўлгандики, улар ким бўлиши мумкинлигини аниқлаб олишимизга қадар роса бош котиришимизга тўғри келди. Очиғини айтганда, бунга ҳали-ҳануз тўлиқ ишончимиз йўқ.

– Улар ўлик ҳолдами?

– Ўлик ҳам гапми? Ундан бешбаттар эди! Нихоятда мудҳиш ҳодиса. Сизнинг омадингиз бор экан.

Максвелл титроғини аранг босди.

– Ҳа, шунакага ўхшайди, – деди у.

– Бундай қараганда, – дея давом этди Дрейтон, – материяни масофага узатишга жазм қилмокчи бўлганлар авваламбор бу ишни рисоладагидек бажаришни ўрганиб олишлари керакдек кўринади. Қолаверса, улар канча йўловчиларни нотўғри қабул қилишга улгуришди экан – у ёғи номаълум!

– Лекин сизлар буни билишингиз керак эди-ку! – дея эътироз билдирди Максвелл. – Айтмокчиманки, йўлдаги йўқотишларга доир барча ҳодисалар сизларга маълум бўлиши зарур эди. Ҳар қандай бекат кутилган йўловчи етиб келмагани ҳақида дарҳол хабар берган бўларди.

– Ҳамма гап айнан ана шунда-да! – дея хитоб қилди Дрейтон. – Кимдир йўлда йўқолган биронта ҳам ҳодиса рўй бермаган. Биз ўлик ҳолда қабул қилган иккита ўзга оламлик мавжудот ҳам ўз манзилига эсон-омон етиб олганига заррача шак-шубҳамиз йўқ, негаки, келувчилар рўйхатида биронта ҳам бузилиш қайд этилмаган.

– Бирок мен Енот Териси тизимига йўл олдим ва у ердан хабар қилишлари керак эдики...

У ярқ этган фикрдан гарангсиб қолиб, жим бўлди.

Дрейтон оҳиста бош ирғади.

– Гап нимада эканлигини ўзингиз тушуниб оласиз, деб кутгандим ўзимам. Питер Максвелл Енот Териси бекатига эсон-омон етиб борди ва қарийб бир ой мукаддам Ерга қайтиб келди ҳам.

– Бу қандайдир англашилмовчилик, – деди Максвелл беихтиёр.

У энди иккита танада мавжуд эканлигига ишона олмас, Ерда унга ҳар томонлама ўхшаш бўлган яна битта Питер Максвелл борлигини тасаввурига сиғдиrolмасди.

– Йўқ, бу англашилмовчилик эмас, – деди Дрейтон. – Биз ўша сайёра тўлкин схемаларини тутиб қолмаяпти, деган хулосага келдик. У йўловчилардан нусха кўтараяпти.

– Бундан чикди, мен икки танада мавжуд эканман-да? Балки...

– Йўқ, – деди Дрейтон. – Сиз битта танада мавжудсиз. Питер Максвелл қайтиб келганидан кейин бир ҳафтача ўтиб, бахтсиз ҳодисада ҳалок бўлди.

2

Дрейтоннинг чоғрок кабинетидан чиккан Максвелл бир неча қадамдан сўнг, йўлак муюлишидан ўтгач, бир қатор бўш стулларни кўриб, улардан бирига аста ўтирди ва жомадонини полга қўйди.

Бундай бўлиши мумкин эмас, дерди у ўзига ўзи. Бир йўла иккита Питер Максвелл – ва энди улардан бири ўлган! Биллур сайёра ёруғлик тезлигидан юқори, аникроғи, ёруғлик тезлигидан беҳад юқори тезликда ҳаракатланувчи тўлкинлар тизимидан нусха олишга қодир бўлган қурилмаларга эга эканлигига қандай қилиб ишониш мумкин, ахир? Қолаверса, материяни узатиш тармоғи бутун Галактикани қоплаб олгани ҳолда узатиш лаҳзаси ва қабул қилиш лаҳзаси ўртасида заррача узилиш рўй бергани ҳеч қаерда қайд этилмаган бўлса!

Тутиб олиш – бошқа гап! Тўлқин схемасини йўлда тутиб олиш назарий жиҳатдан мумкин. Аммо ундан нусха кўтариш? Бунга ақл бовар қилмайди!

Ақлга сиғмас икки ҳодиса, деб ўйлади у. Улар юз бериши мутлақо мумкин эмас. Бирок агар биттаси ҳар қалай юз берган десак, демак, иккинчиси унинг табиий оқибати бўлади, ҳолос. Модомики тўлқин схемасидан нусха олинган экан, демак, иккита Максвелл пайдо бўлгани аниқ, уларнинг бири Енот Терисига кетган, иккинчиси эса биллур сайёрага йўл олган. Бирок, агар ўша, бошқа Питер Максвелл чиндан ҳам Енот Териси тизимига кетган бўлса, ҳамон ўша ерда юргандир ёки эндигина қайтиб келгандир. Чунки у ўша ёкка олти ҳафтага кетган ва агар аждарҳо ҳақидаги афсоналарни излаш такозо этгудек бўлса, янада кўпроқ вақт қолиши ҳам мумкин эди.

Бирдан у қўллари титраётганини сезиб қолди ва тиззалари орасига маҳкам қисиб олди.

“Ўзингни тут!” деб буюрди ўзига ўзи. Уни нималар кутаётган бўлишидан қатъи назар бошлаган ишини охирига етказиши керак! Аслини олганда-ку, у ҳеч нарсани билмайди. Қўлида ҳеч қандай далил йўқ. Хавфсизлик хизмати нозирининг айтганлари бор, ҳолос, уларга эса танкидий ёндашмоқ лозим. Чунки бу бор-йўғи полициячининг беўхшов бир ўйинидир, ундан бирон ортиқча гап олиш йўлидаги уринишидир. Бирок бу тўғри бўлиши ҳам мумкин... Ҳар қалай мумкин!

Лекин агар шундай бўлса, у ўзини тутиши янада ҳам зарурроқ. Чунки унинг ҳеч нимани бузмасдан охирига етказиб қўядиган иши бор.

Аммо агар уни кузатиб юрадиган бўлишса, ҳаммаси анча мураккаблашиб кетади. Иккинчи томондан, уни кузатишадими, йўқми – буниси ҳам номаълум. Шошма,

шунчалик муҳиммикан шу ўзи? Ҳаммасидан қийини, Эндрю Арнолднинг ҳузурига кира олиш. Сайёравий университет ректорининг кабулига кира олиш унчалик осон иш эмас. У шунақанги банд одамки, оддий ўқитувчи билан суҳбатлашишга вақтини сарфлай олмайди. Айниқса, ўша ўқитувчи ректор билан нима ҳақида суҳбатлашмоқчи эканлигини лоақал олдиндан айта олмаса.

Қўлларининг титроғи босилган бўлса ҳам тиззалари орасидан олмайди. Бирпасдан кейин бу ердан чиқади, шоссега тушиб, ички тезкор йўлкалардан бирига ўтиради. Бир соатдан сал ошганда университет шаҳарчасидаги уйига етиб олади ва Дрейтон канчалик ҳақлигини тезда билади кўяди. Ўз дўстлари – Алле-Оп, Арвох, Харлоу Шарп, Аллен Престон билан кўришади ва умуман бошқа барча яқинлари билан учрашади. Яна “Чўчка ва Ҳуштак”да тонготар базми жамшидлар бўлади, сояли хиёбонларда узоқ ва оҳиста сайр қилишади, қўл бўйлаб байдаркаларда сузишади. Яна суҳбатлару бахслар бўлади, қадимий афсоналарни айтишади, инсон яшаши учун хордик вақтини қолдирувчи академик кун тартиби оҳиста давом этаверади.

Бўлажак сафар ҳақида мамнуният билан ўйлаётганини сезиб қолди, чунки шоссе Гоблинлар кўрикхонасининг чегараси бўйлаб адирликни айланиб ўтарди. У ерда эса факат гоблинларгина эмас, балки бошқа мавжудотлар ҳам яшайди ва ҳаммалари қадим замонлардан буён митти элат деб аталади. Уларнинг ҳаммаси – жуда ҳаммаси бўлмаса ҳам, ҳар қалай, кўпчилиги унинг дўстлари. Троллар баъзан ҳар қандай одамнинг ҳам жаҳлини чиқариб юборишади, банша каби мавжудотлар билан ҳақиқий ва мустақкам дўстлик ўрнатиш эса анча машаққатли.

Йилнинг бу пайтида адирлар роса гўзаллашиб кетгандир ўзиям. У Енот Териси тизимига йўл олганда ёз

адоғи бўлиб, адирлар ҳали-хануз қорамтир-яшил ли-
босда эди. Лекин ҳозир, октябрь ўрталарида улар куз-
нинг жамики тўлиқ ранглари билан яшнаб ётгандир.
Эманларнинг шаробдай алвон, заранглارнинг тўқ ки-
зил-олтин туслари товланади, алангадек қирмиз рангда-
ги ёввойи ток бошқа барча рангларни бирлаштириб
турган ипдек туюлади. Ҳаводан олма шаробининг иси
келади, хазонрезги ўрмонгагина хос бўлган сархуш ки-
лувчи ва бетакрор хидлар тўйинган ҳамма ёкка.

У ўтирган жойида икки йил бурун худди шундай куз
пайти мистер О'Тул икковлари байдаркаларда дарё бўй-
лаб юқорига – шимолий ўрмонларга йўл олишганини
эслаб кетди, ўшанда улар йўл-йўлакай ожибуэйларнинг
кўхна асотирларида ҳикоя қилинган ўрмон рухлари би-
лан алоқа боғлашдан умид қилишганди. Улар биллур-
дек тиниқ ирмоқлар бўйлаб сузишар, окшомлари қора
қарағайзор яланглигида гулхан ёкишар, шомлик таомга
балик овлашар, кўздан пана сайхонликларда ўрмон гул-
ларини излаб топишар, беҳисоб қушлару ҳайвонларни
кўришар, ҳуллас, мириқиб дам олишарди. Бироқ улар
ҳеч қандай ўрмон рухларини учратишолмади ва бу та-
бiiй ҳол эди, албатта. Шимолий Американинг мит-
ти элатлари билан мулоқот қилиш камдан-кам одамга
насиб этган, зотан улар Европадаги ярим маданий
ва одамлар билан элакишиб кетган адир элатларидан
фарқли ўлароқ, илк, азалдаги табиатнинг ҳақиқий фар-
зандлари эди.

Ғарб томонга қараб ўтирган Максвелл маҳобатли
шиша деворлар орқали дарёни ва унинг ортидаги тик
қирғокни – сутранг-зангори тусли осмон фонидаги қо-
рамтир-нафармон тепаликларни кўрар, қадимда Айова
штатининг чегараси шу ердан ўтган эди. Тик соҳилда
у ёрқинроқ доғни – асосан Центавр Алфаси сайёра-
ла-

ридан келган саккизоёклар дарс берадиган Тавматургия институти биносини илғади. Олисдаги бино шарпасига қараб турган ҳолда Максвелл у ердаги ёзги семинарлардан бирида қатнашишга кўп бора аҳд қилгани-ю, лекин шунга жазм этолмаганини эслаб кетди.

У кўлини чўзиб, жомадонини сал сурди, ўрнидан туришни ўйлади ва яна ўтираверди. У хали-хануз нафасини ростлай олмас, тиззалари ёқимсиз тарзда бўшашиб кетганди. Дрейтондан эшитганлари дастлабки пайтдагидан ҳам кўпроқ энди ларзага солар ва бу ҳолат ўтиб кета қолмасди. У ўзини тинчлантиришга уринарди. Ўзини бунчалик қўйиб юбориши яхши эмас. Эшитганлари балки тўғримасдир, ҳа, ҳа, шундай бўлиши керак. Ҳамма нарсага ўзи ишонч ҳосил қилмагунича асабийлашишга ҳожат йўқ.

Максвелл ўрнидан турди, жомадонини олиш учун энгашди, бироқ кутиш залининг сершовкин югур-югурига аралашиб кетишга журъат этолмай тараддудланиб қолди. Ерлик одамлар ва ўзга оламлик мажвудотлар аллақайларга ошиқишар ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб туришарди. Расмий қора либосдаги оқсоқол қария – кўринишидан мухтарам олим бўлса керак – уни кузатиб чиққан талабаларга нималардир демоқда. Рептилиялар оиласи уларга ўхшаш, яъни ўтира олмайдиган мавжудотлар учун мўлжалланган узун диванчаларга жойлашиб олган. Ёши катта икки рептилия юзма-юз ётганча, уларга хос бўлган тарзда вишиллаб суҳбатлашяпти, болалар эса диванчалар устида ва остида ўйнаб, баъзан ўзаро чирмашиб коптоқ ҳосил қилишади. Мўъжазгина токчада бочкасимон мавжудот ёнбошлаб ётганича у девордан бу деворга ғилдираб бориб-келиб турибди, бу эса ерликларнинг ҳаёл сурганда хонанинг у ёғидан бу ёғига бориб келишига ўхшаб кетади. Ингичка таёқча-

лардан иборат ғаройиб тузилмага ўхшаб кетувчи икки-та ўргимчаксимон мавжудот бир-бирининг қаршисига туриб олган. Улар полга бўр билан ўйин тахтасини чи-зиб, улардаги ғалати тошларни зўр бериб чириллаганча яшин тезлигида суриб ўйнашмоқда.

Дрейтон ғилдиракчилар ҳақида сўради. Биллур сай-ёра билан улар ўртасида бирон-бир алоқа йўқмикан?

Яна ғилдиракчилар! Қаёққа қараманг – ғилдирак-чилар, ғилдиракчилар, ғилдиракчилар, деб ўйлади Максвелл. Эҳтимол, бунинг учун кандайдир асос бўл-са керак. Чунки улар ҳақида деярли ҳеч нарса маълум эмас. Ғилдиракчилар фазонинг кўз илғамас аллақайси қаърида вужудга келган ноаниқ ва ғира-шира бир омил, коинот бўйлаб ҳаракатланаётган яна бир кудратли та-маддун, борган сари кенгайиб бораётган инсон тамад-дуни билан олис сарҳадлардаги айрим жойларда баъзи мулоқотларга киришган.

Максвелл ўзи ғилдиракчига – Рио-де-Жанейрода-ги Қиёсий анатомия институтидан Вақт институтида-ги икки ҳафталик семинарга келган талабага дуч кел-ган биринчи ва ягона ҳодисани эслаб кетди. Ўшанда Висконсин университети шаҳарчасини камраб олган шов-шувли ҳаяжон ҳамон ёдида, гап-сўзлар кўп бўлган, бироқ бу сирли мавжудотни кўриш осон эмас экан – ғил-диракчи семинар ўтаётган бинони деярли тарк этмасди. Аммо бир гал Максвелл биргаликда тушлик қилишга таклиф этган Харлоу Шарпнинг олдига бораётганида ногоҳ йўлакда ғилдиракчига дуч келди ва бундан рос-манасига ларзага тушди.

Ҳамма гап ғилдиракларда, деди у ўзига. Коинотнинг маълум қисмида учраган ҳеч бир мавжудотда ғилдирак-лар йўқ эди. У бирдан кўз олдида иккита ғилдирак ўрта-сига осиб қўйилган юмшоқ халтани кўрди, ғилдираклар

ўки тананинг тахминан ўртасидан ўтган эди. Ғилдираклар мўйна билан қопланган бўлиб, гардиши шохсимон моддадан иборат. Тананинг ўқдан пастки қисми худди ҳалтадек осилиб турибди. Бироқ энг ёмон нарсани у яқинроқ борганда кўрди – тананинг осилган қисми шаффоф бўлиб, ичида нималардир тўхтовсиз қимирлаб ётибди – фараз қилинганки, хилма-хил рангдаги чувалчангларга тўлдирилган баҳайбат шиша банкага қараяпсиз.

Ана шу осилган ҳалтадек хунукдан хунук тана ичида бетиним ғимирлаб ётган нарсалар чувалчанг бўлмаган тақдирда ҳам аллақандай ҳашаротлар, аниқроғи, Ердаги ҳашаротларга ўхшаб кетадиган ҳаёт шакли эди. Бошқача айтганда, ғилдиракчилар ҳашаротлар уясидан иборат организмлар бўлиб, жамият – тамаддун шу хил ҳашарот уяларидан ташкил топган, яъни ҳар бир организм ҳашаротларнинг алоҳида бир уясидан ёки ерликлар назарида ҳашаротларнинг ўзига хос бир гуруҳидан таркиб топган эди.

Ҳашарот уяларига ўхшаш бу хил мавжудотлар коинотнинг аллақайси олис сарҳадларида ғилдиракчилар ҳақида вужудга келувчи даҳшатли воқеаларга асос бўлиши мумкин бемалол. Башарти ўша мудҳиш ҳодисалар ўйлаб топилмаган бўлса, демак, инсон фазога чиққанидан бери учратишга кўркиб келаётгани афсонавий душманига ниҳоят тўқнашибди.

Инсон коинотни тадқиқ этиб юриб, кўплаб ғалати, баъзан эса кўркинчали мавжудотларга дуч келди, деб ўйларди Максвелл, аммо уларнинг биронтаси ҳам ғилдираклар билан таъминланган ҳашаротлар уясидек ваҳима уйғотмаган эди. Шундай онгли мавжудот мавжудлигининг ўзиёқ кўнгилни айнатиб юборишга қодир.

Ер аллақачонлар Галактиканинг улкан ўқув марказига айланган, унинг беҳисоб университетлари ва инс-

титутларида ўқиш ҳамда ўқитиш учун ўн минглаб ўзга оламлик мавжудотлар келиб туради. Вақти-соати келиб, деб ўйларди Максвелл, Ер рамзига айланган ана шу галактик ҳамдўстликка ғилдиракчилар ҳам аъзо бўлишлари мумкин эди. Бунинг учун эса икки ўртада қандайдир ўзаро тушунишни ўрнатиш кифоя, бироқ, афсуски, шу пайтгача бунга эришишнинг йўли топилмапти.

Хатто ғилдиракчилар тўғрисидаги фикрнинг ўзиёқ нима учундир енгиб бўлмас жирканиш туйғусини уйғотади, деб ўйларди Максвелл ҳайрон бўлиб, ҳолбуки, инсон ва коинотнинг бошқа барча мавжудотлари ўзаро яхши чиқишиб кетишган.

Унинг назарида кутиш зали коинотнинг мўъжаз нусхаси бўлиб туюлди бирданига. Бу ерда энг турли-туман юлдузларнинг кўплаб сайёраларидан келган мавжудотлар бор – сакроғичлар ҳам, судралувчилар ҳам, қалтироқчилар ҳам, юмаловчилар ҳам. Ер Галактиканинг шундай бир марказига айланиб қолганки, минглаб юлдузлардан келган мавжудотлар шу ерда учрашиб, бегона тамаддунлар билан танишадилар, ўзаро фикр-ғоя алмашадилар.

– Номер беш-олти-тўққиз-икки! – дея кичқирди овоз кучайтиргич. – Беш-олти-тўққиз-икки номерли йўловчи, сиз жўнаб кетишингизга беш дақиқа қолди. Кабина – ўттиз етти. Беш-олти-тўққиз-икки номерли йўловчи, тездан ўттиз еттинчи кабинага киришингизни сўраймиз.

5692 номерли йўловчи каерга йўл олиши мумкин, деб ўйлади Максвелл. Бош Оғриғи тизимининг иккинчи сайёрасидаги чангалзорларга, Андух IV нинг барча шамолларга очик муз шаҳарларига, Қаттол Қуёшларнинг сувсиз сайёраларига ёки минглаб сайёраларнинг бошқа исталган биронтасига. Бу ердан уларнинг ҳар бирига кўз очиб юмгунча етиб бориш мумкин. Зеро, материяни

узатиш тизими бу оламларнинг ҳаммасини бирлаштириб туради. Бирок шу тизимнинг ўзи космик фазо зулмати орасидан биринчи бўлиб йўл очган разведкачи кемаларга абадий ёдгорлик бўлиб хизмат қилади — улар ҳозирда ҳам коинотнинг инсонга маълум сарҳадларини машаққатлар билан кенгайтириб, аста-секин илгарилаб бормоқдалар.

Кутиш зали суҳандоннинг кечиккан ёки етиб келмаган йўловчиларни қайта-қайта чақиришлари, юзлаб тилларда суҳбатлашаётган минглаб овозларнинг гўнғиллаши, оёқларнинг судралиб босилиши, тапир-тупури ва кўпоёқларнинг такира-тукурларидан гувиллаб турарди.

Максвелл энгашиб, жомадонни кўтарди ва чиқиш эшигини мўлжаллаб юрмоқчи эди, шу заҳотиёқ тўхтаб, бўтана суюқлик билан тўлдирилган аквариумли автокарни ўтказиб юборди. Аквариумнинг хирагина қаърида у ғаройиб бир мавжудотнинг ноаниқ шакл-шамойилини аранг илғаб қолди. У, ҳойнаҳой, суюқ (лекин сувдан иборат эмас!) сайёрада яшовчи қандайдир мавжудот — Ерга фалсафа бўйича туркум маърузалар ўқиш учун, ёинки, у ёки бу физика институтида амалиёт ўташ учун келган профессор бўлса керак.

Аквариумли автокар ўтиб кетганидан кейин Максвелл бошқа алахсимаи чиқиш эшигига етиб борди ва чиройли эспланадага чикди, у кенг-кенг пиллапоялардан иборат бўлиб, шоссенинг югурик йўлчалари сари тушиб борарди. Шоссе ёнида навбат йўқлигини кўриб, қувонди — бунақаси камдан-кам бўлади.

Максвелл куз салқинига тўйинган қаймоқдай хавони ўпкасини тўлдириб симирди. Биллур сайёранинг ўлик ва дим атмосферасида ўтган ҳафталардан кейин бу айниқса ёқимли эди.



Шоссегга якинлашган Максвеллнинг кўзи улкан афишага тушди. Қадимги йирик ҳарфларда терилган эълон мухтарам меҳмонларни тантанали равишда ва эҳтиром билан ўзига чорлаб турарди:

Стрэтфорд-Эйвон (Англия)дан келган

ВИЛЯМ ШЕКСПИР, ЭСКВАЙР

**“ШЕКСПИР ПЬЕСАЛАРИНИ МЕН ЁЗГАН-
МАНМИ?”**

деган мавзуда маъруза ўқийди.

Тадбир Вақт институти ҳомийлигида.

22 октябрда Вақт музейида ўтказилади

Кеч соат 8 да бошланади.

Чипталар барча агентликларда сотилмоқда.

– Максвелл! – деб кичкирди кимдир ва у ўгирилиб қаради. Қандайдир бир одам эспланада бўйлаб у томонга югуриб келарди.

Максвелл жомадонни ерга қўйди ва сўрашиш маъносида қўлини кўтармоқчи эди, чакирган киши мутлақо нотаниш эканлигини кўриб, шу заҳоти туширди. У одам тез-тез юришга ўтиб, якинлашиб келди.

– Профессор Максвеллсиз-а, тўғрими? – деди у. – Мен янглишувим мумкинмас.

Максвелл жиндак ўнғайсизланган кўйи индамай бош ирғади.

– Мен эса Монт Черчиллман, – дея изоҳ берди нотаниш кимса қўл узатиб. – Биз сиз билан бир йилча бурун танишгандик. Нэнси Клейтон уюштирган навбатдаги базм-окшомда.

– Яхшимисиз, Черчилл? – деди Максвелл куруққина қилиб.

Чунки бу одамни энди таниди – юз киёфасини бўлмаса ҳам фамилиясини эслади. Хукукшуносмиди-ей.

Воситачиликка ихтисослашганди шекилли. Мижоз тузукроқ ҳақ тўласа, ҳар қандай ишни зиммасига олишга тайёр нусхалардан бири.

— Ишларим беш! — деди Черчилл кувноклик билан. — Сафардан энди келиб туришим. Ўзиям узоққа чўзилмади. Лекин ҳар қалай уйга қайтиш қанчалик ёкимли-я! Уйдан яхшироқ жой йўқ аслида. Ана шу боис ҳам сизни чакирдим. Тасаввур қила оласизми, бир неча ҳафта мобайнида биронта ҳам таниш одамни учрата олмасам-а!

— А-ҳа, — деб қўя қолди Максвелл.

— Уйингизга — университет шаҳарчасига кетаяпсиз чоғи?

— Ҳа. Энди шоссега тушаётувдим.

— Э, нима кераги бор? — дея эътироз билдирди Черчилл. — Менда автолёт бор. Бекат майдончасида турибди. Икковимизга жой бемалол етарли. Уйга тезроқ етиб оласиз.

Максвелл нима қарорга келишни билмай, жим қолди. Черчилл унга ёқмасди, лекин ҳамроҳи бир нарсда ҳақ — ҳаво орқали тезроқ етиб боришади. Бу эса жуда маъқул — у ахволни тезроқ ойдинлаштиришни хоҳларди.

— Илтифотингиздан беҳад мамнунман, — деди у ниҳоят. — Сизга малол келмаса, албатта.

3

Мотор бир-икки пишкирди-ю, жим бўлди. Бир лахзадан кейин соплоларнинг оҳиста гувиллаши узилди ва ўртага тушган сукунат ичра ҳаво металл сиртга урилганча чинкириб ҳуштак чала бошлади.

Максвелл қўшнисига кўз ташлади. Черчилл кўркувдан ёки хайратдан тошдек қотиб қолганди. Чунки ҳеч қанақасига рўй бериши мумкин бўлмаган, ақл бовар қилмайдиган воқеа рўй берганди. Бу турдаги автолётлар ҳеч қачон бузилмасди.

Улардан пастда тик қояларнинг ўткир чўккилари ва қудратли дарахтларнинг учлари кўринади, улар остида эса ҳалокат яширинган. Чап томонда дарёнинг қумуш тасмаси ўрмонли адирлар пойини ювиб окмоқда.

Вакт гўё тўхтаб қолди ва чўзила бошлади – тушунарсиз жодугарлик ҳар бир лаҳзани бутун бошли дақиқага айлантираётгандек эди гўё. Вакт узайиши билан бирга энди юз бериши керак бўлган ҳодисани хотиржамлик билан англаш туйғуси келди. Максвеллнинг назарида гап у ҳақида эмас, балки бутунлай бошқа одам ҳақида бораётгандай, четда турган қандайдир бир кузатувчи вазиятни жиддий тарзда баҳолаб кўраётгандай туюларди гўё. Бирок миясининг қаердадир олис, пинҳона бир бурчагида дахшатли кўрқув ҳақидаги фикр яшарди, у сал кейинроқ – автолёт пастга шўнғиб, дарахтларнинг ва қояларнинг учларига қулай бошлаганида, вақт эса одатдаги тезлигига қайтганида ярқ этиб портлайди.

У олдинга эгилиб, пастда ястанган жойга қарар экан, бирдан ўрмонда ялангликни – дарахтларнинг қоп-қора денгизида жажжигина оқиш-яшил узилишни кўриб қолди.

У Черчиллни тирсаги билан туртиб, ялангликни кўрсатди. У қараб, бош ирғади ва штурвални бўйсунармикан деган хавотирда аста-секин бура бошлади.

Автолёт сал кийшайиб айлана ясади ва аввалгидек, лекин энди керакли йўналишда охиста пастлай бошлади. У бир зум назоратдан чиққандек туюлди, кейин ён-бошга йўналиб, тезлигини олдингидан кўпроқ йўкота бошлади, аммо энди дарахтлар орасида ёруғлик кўринган жойга қараб пастлашарди.

Дарахтлар тепаси шиддат билан яқинлашиб келар, Максвелл уларнинг кузги рангларини илғай бошлади – бошдан-оёқ қоп-қора ўрмон қизил, олтин ва зарғалдок тусга кирди. Узун-узон алвонранг шохлар уларни худди

найзалардек тешиб юборишга чоғланар, олтин тусли бутоклар маҳкам чангаллаб олгудек таҳдид соларди.

Автолёт эманнинг юкори шохларига тегиб, еру осмон ўртасида бир лаҳза муаллақ қолгандек бўлди ва кейин ўрмоннинг энг қалин бағридаги яшил майсазорга қараб шўнғиди.

Феяларнинг майсазори, деб ўйлади Максвелл. Уларнинг ракс зали, эндиликда эса – кўниш майдончаси.

У бошқарув ричагига ёпишиб олган Черчиллга кўз кирини ташлади ва яна яқинлашиб келаётган яшил доирага назар солди. Майсазор теп-текис бўлиши керак, теп-текис! Ҳеч канаканги ўнқир-чўнқирлар бўлмаслиги зарур! Чунки майдонча яратилаётган пайтда тупрок қабул қилинган андозаларга мувофиқ яхшилаб текисланганди.

Автолёт ерга урилиб сакради ва таҳдид билан кийшайди. Кейин яна майсалар устига тушиб, ҳеч бир силтанмай, ғилдираб кетди. Майсазорнинг нариги томонидаги дарахтлар уларга томон шиддат билан яқинлашиб келарди.

– Маҳкам ушла! – деб кичкирди Черчилл ва шу заҳотиёқ машина бурилиб кетиб, сирпана бошлади. У ниҳоят тўхтаганида дарахтлар деворигача бор-йўғи беш кадамча қолганди. Олачалпок ўрмон ва қояли жарликлардан келаётган мудҳиш сукунат уларни қуршаб олаётгандек эди.

Шу сокинлик ичра Черчиллнинг овози эшитилди:

– Сал қолса...

У машина тепасини кўтариб, ташқарига чиқди. Максвелл унга эргашди.

– Нима бўлганини тушунолмадим, – деди Черчилл. – Бу нарсага шунчалик кўп эҳтиёт мосламалари ўрнатилганки, ақл бовар қилмайди! Тўғри, яшин уриши, ёки тоққа урилиш ёинки қуюн гирдобига тушиб қолиш мумкин – ле-

кин мотор ҳеч қачон ишдан чиқмайди. Уни фақат ўчирибгина тўхтатиш мумкин.

У энги билан пешонасини артди ва кейин сўради:

– Сиз бу майсазорни билармидингиз?

Максвелл бош чайкади:

– Йўк. Лекин шундай майсазорлар борлигини билардим. Қўриқхона яратилганида, унинг ландшафти режасида шу хил майсазорлар бўлиши махсус белгилаб қўйилган. Биласизми, феялар ракс тушишлари учун жой керак. Ўрмонда ялангликни кўриб, у нима бўлиши мумкинлигини тушундим.

Пастни кўрсатганингизда, – деди Черчилл, – мен сизга ишондим. Бўлак ҳеч бир иложимиз йўк эди ва мен таваккал қилдим...

Максвелл ишора билан уни тўхтатди.

– Бу нима бўлсайкин? – деб сўради у кулок соларкан.

– От туёкларининг товушига ўхшайди, – деди Черчилл. – Лекин бу ерда отда айланиб юриш кимнинг ҳаёлига келиши мумкин? Ана бу томондан эшитилаяпти.

От дупури якинлашиб келарди.

Максвелл билан Черчилл автолётни айланиб ўтиб, камбар тоғ тизмасига тикка кўтарилиб кетган сўкмоқни кўришди, тепада эса ўрта асрларга хос ярим вайрона қасрнинг салобатли деворлари савлат тўкиб турарди.

От сўкмоқдан сакраб-ирғишлаб, йўртиб тушиб келарди. Уни миниб олган бакалоқ ҳар бир сакрашда ғалати тарзда ирғишлаб қўярди. Бесўнакай чавандознинг олдинга қараган тирсаклари худди қанот қоқаётгандек кўтарилиб-тушиб турарди.

От ёнбағирликдан майсазорга оғир-оғир сакраб тушиб келди. Ёллари пахмоқ бу жонвор ҳам эгаси сингари беўхшов, аммо бакуват эди, қудратли туёклари чимни ўйиб, орқага иткитиб ташларди. От гўё авто-

лётни ағдариб юбормокчидай тўғри унга караб келди, бироқ сўнгги лаҳзада бесўнақайлик билан бурилди ва такка тўхтади. Унинг биқинлари худди темирчининг босконидай кўтарилиб-тушиб турар, шалвираган бурун катакларидан кучли нафас чикарди.

Чавандоз унинг яғринидан оғирлик билан тушди ва оёқлари ерга тегар-тегмас, жahl аралаш бакира кетди:

– Бу ўшаларнинг – ўша аблахлар ва разилларнинг иши! Ўша ярамас тролларнинг ҳунари! Мен уларга минг марта тайинлаганман: учар супурги учиб кетаяптими – кетаверсин, сизлар унга тега кўрманглар, деганман! Э, қаёқда кулок солишарди дейсиз! Қачон караманг, биронта шумликнинг пайдан бўлишади. Афсун ўқишди-ми – тамом вассалом...

– Мистер О'Тул! – дея хитоб қилди Максвелл. – Сиз мени эслайсизми ҳалиям?

Гоблин ўгирилиб каради ва узокни кўрмайдиган қизил кўзларини қисди.

– Ие, бу профессор-ку! – дея чинкириб юборди у. – Ҳаммамизнинг олижаноб дўстимиз! Эҳ, қандай шармандалик, қандай шармисорлик! Профессор, мен бу тролларнинг терисини шилиб, эшикка ёпиштириб қўяман, кулокларидан дарахтларга михлаб ташлайман!

– Афсун? – дея сўради Черчилл. – Сиз афсун ўқишган дедингизми?

– Бўлмасам-чи? – деди мистер О'Тул ҳануз ҳуноби ошиб. – Учар супургини осмондан ерга яна бошқа нима тушира оларди?

У судралиб Максвеллга яқин келди ва унга ташвишланиб каради.

– Чиндан ҳам ўзингизмисиз? – деб сўради жиндек хавотир аралаш. – Ростдан ўзингизми? Бизга сизни ҳалок бўлди, деб айтишганди. Теран қайғумизнинг белги-

си сифатида омела ва найзабаргдан гулчамбар тайёрлаб юборгандик.

– Йўғ-ей, мен ўзимман, ўзимман, – деди Максвелл одатдагидек адир аҳолисининг шевасига ўтиб. – Шунчаки миш-миш бўлувди, холос.

– У ҳолда, – деб қичкирди О’Тул, – бу кувончнинг шарафига ажойиб октябр элидан бир кружкадан ичамиз! Пиво қайнатиш яқиндагина тугади ва мен сиз жанобларни биринчи бўлиб тотиб кўришга чин юракдан таклиф этаман!

Ёнбағирликдаги сўкмок бўйлаб улар томонга бир канча гоблинлар югуриб келишарди, мистер О’Тул уларни шоширгандек қўл ишораси қилди.

– Доим кечикишгани-кечкикишган! – дея шикоят этди у. – Керак пайтда ҳеч топиб бўлмайти уларни. Келишга-ку келишади-я, лекин албатта кечикишади. Бир-биридан ажойиб йигитлар, юраклари ҳам пок, аммо уларда мен каби ҳақиқий гоблинларда бўладиган ғайрат-шижоат йўқ.

Гоблинлар маймокланганча майсазорга чиқишди ва О’Тул қаршисида саф тортиб, буйруққа мунтазир туришди.

– Менинг сизларга ишим кўп! – дея эълон қилди у. – Авваламбор, кўприкка бориб тролларга айтингким, бундан буён афсун ўқишни йиғиштиришсин. Узил-кесил бас қилишсин ва бошқа такрорлашмасин. Бу сўнгги огоҳлантириш экан, деб айтинг. Агар яна ўз билганларидан қолишмаса, ўша кўприкни парча-парча қилиб, йўсин босган тошларни бир-биридан олис-олисларга олиб бориб ташлаймиз, яъни у кўприк қайта ҳеч қачон тикланмагай. Ҳа, дарвоқе, кулаб тушган мана бу учар супургидан афсунни олишсин ва у худди янгидай парвоз килаверсин! Яна бир гуруҳингиз феяларни излаб

топиб, уларнинг майсазори шикастланганини билдиринг, бу иш мараз тролларнинг қилиғи эканлигини қўшиб қўйиш ҳам ёдингиздан кўтарилмасин, тагин ваъда килингки, улар тўлин ой остида раксга тушиш учун бу ерга келгунларига қадар майсазор теп-текис қилиб қўйилади. Учинчи гуруҳ Доббинга қарасин, унинг бесўнақай туёқлари майсазорга қўшимча шикаст етказмаслиги чорасини кўрсин, лекин агар бўлиқрок майса учраб қолса, бемалол ўтлайверсин. Бунақа яйловда мазза қилиш бояқишга доимо ҳам насиб этавермайди.

Мистер О'Тул Максвелл билан Черчиллга ўғирилди ва мўлжаллаган ишини қотириб қўйгандек кафтларини бир-бирига ишқади.

– Мана энди, жаноблар, – деди у, – мен билан бирга адирга кўтарилишга марҳамат килинг, ажойиб октябр эли қандай чиққанини бир синаб кўрайлик! Фақат илтимос, менга раҳм айлаб, сал секинрок юрсангиз – нимагадир қорним чиқиб қолди, боз устига нафасим каттиқ қисади.

– Йўл бошланг, азизим, – деди Максвелл. – Биз жон деб сизнинг қадамингизга мослашамиз. Октябр элини биргаликда ичмаганимизга ҳам қанча пайтлар бўлиб кетди.

– Ҳа-ҳа, маъқул, – деди Черчилл паришонлик билан.

Улар сўкмок бўйлаб кўтарила бошлашди. Олдинда, оқиш осмон фонида харобалар шарпаси яққол кўринарди.

– Мен қасрнинг аҳволи учун аввалдан узр сўрайман, – деди мистер О'Тул. – У тумов, гайморит ва бошқа боло-баттар касалликларга олиб келувчи елвизакларга тўла. Шамол хоҳлаганича ўйнаб юрибди, ҳамма ёқда намлик ва моғор ҳиди. Мен бир нарсани ҳеч тушунолмайман, модомики сиз одамлар биз учун қасрлар қуриб бера бошлаган экансиз, нега энди шинамгина, шамол-

лару ёмғирлар ўтмайдиган қилиб қурмагансизлар. Башарти биз қачонлардир вайроналарда яшаган бўлсак, бу қулайлик ва шинамликни ёқтирмаймиз, дегани эмас-ку. Бунчалик афтодаҳол яшаганимизнинг сабаби эса шуки, бечора Европа бундан тузукрок нарсани таклиф этолмасди.

У жим қолиб, нафасини ростлади-да, яна давом этди:

– Мен жуда яхши эслайманки, икки минг йил мукаддам ва ундан ҳам бурунрок яп-янги, лекин албатта қашшоқ қасрларда яшаганмиз, чунки ўша даврнинг нодон одамлари дурустрок қуришни билишмасди – маҳоратдан беҳабар, керакли асбоблари йўқ эди, машиналар ҳақида-ку умуман гапирмаса ҳам бўлади. Қисқаси, нимжонрок халқ бўлган. Биз эса қасрларнинг бурчак-бурчакларида яшириниб юришимизга тўғри келарди, негаки ўша замоннинг маърифатдан йирик одамлари биздан қўрқишарди, жоҳилликлари туфайли қудратли сеҳр-жоду ва афсунлар ёрдамида бизлардан ҳимояланишга уринишарди.

– Начора, – дея қўшиб қўйди у ўзидан мамнун оҳангда, – улар бор-йўғи одамлар эди, холос, жодулар ҳам оқсарди. Бизга эса уларнинг ҳатто энг кучли сеҳр-жодулари ҳам қўрқинчли эмасди.

– Икки минг йил? Наҳот сиз айтмоқчисизки... – дея гап бошлаган Черчилл Максвелл бош чайкаганини кўриб, жим қолди.

Мистер О’Тул тўхтади ва Черчиллга менсимайгина назар ташлади.

– Шуни билиб қўйингки, – деди у, – сизлар ҳозир Марказий Европа деб атайдиган ўша ботқоқлик ўрмондан ёпирилиб чиккан ёввойилар ўзларининг қўполдан-қўпол темир шамширларининг дастаси билан нақ Рим дарвозасини тақиллатганларини мен жуда яхши

эслайман. Биз бу ҳақда ўзимиз ўшанда яшаб турган ўрмон чангалзорида эшитгандик. Фермопила тўғрисида Леонид ва унинг жангчилари мағлуб бўлганидан сўнг бир неча ҳафта кейинок хабар топганлар ўшанда биз билан яшашарди, улар аллақачон ўлиб кетишган.

– Кечирасиз, – деди Максвелл. – Лекин митти элат билан ҳамма ҳам яхши таниш эмас...

– У ҳолда, – деди унинг сўзини бўлиб О’Тул, – марҳамат қилиб таништиринг!

– Бу тўғри, – деди Максвелл Черчиллга караб. – Ёки, ҳар қалай, тўғри бўлиши мумкин. Улар абадий яшашмайди, пировард оқибатда ўлишади барибир. Бирок шу қадар узок умр кўришадики, буни биз тасаввур ҳам қилмаймиз. Туғилиш уларда ниҳоятда ноёб, акс ҳолда Ер юзига сиғмай кетишарди. Лекин ақл бовар қилмас ёшгача ҳаёт кечиришади.

– Ҳаммасининг сабаби шуки, – деди мистер О’Тул, – биз табиатнинг нақ юрагида яшаймиз ва руҳимизнинг қимматбаҳо кучини майда-чуйда ташвишларга сарфлаб увол қилмаймиз. Одамларнинг ҳаёти ва орзу-умидлари эса айнан ана шу майда-чуйда ташвишларга урилиб, чил-чил синади. Бирок, келинлар, кузнинг шундай гўзал кунини ўта қайғули мавзуларга қурбон қилмайлик. Бутун фикр-ёдимизни тепада бизни кутиб турган, серкўпик элга йўналтириб, олға интилайлик!

У жим қолди ва яна сўқмоқ бўйлаб юқорига аввалгидан тезроқ кўтарила бошлади.

Тепадан эса уларга караб бир жажжи гоблин оёғини кўлига олиб югурарди – олабайроқ кўйлаги катталигидан елпиллаб келарди.

– Эл! – деб чинкирарди у. – Эл!

У улар олдида тўхтади-ю, оёқларида зўрға турарди.

– Хўш, элга нима бўлибди? – деб сўради О’Тул хансираб. – Ёки уни татиб кўришга журъат этганинг учун тавба килмокчимисан?

– У ачиб қолди! – дея ингранди кичкина гоблин. – Бошдан-оёк ҳаммаси ачиб қолди!

– Бирок эл ачиб қолиши мумкин эмас-ку! – эътироз билдирди Максвелл қандай фожаия юз берганини тушуна бошлаб.

Мистер О’Тул қаҳр-ғазабининг зўридан сўқмоқда ирғишлай бошлади.

– Мумкин, мумкин! Агарда унга кўз тегса! О, лаънатилар-а, о, лаънатилар!

У ўгирилиб, кичкина гоблин ҳамроҳлигида сўқмоқдан пастга қараб ошиқди.

– Ўша жирканч тролларга етиб олсам бўлгани! – дея фарёд урарди мистер О’Тул. – Уларнинг очкўз жиғилдонларини суғуриб оламан, қийма-қийма қилиб ташлайман! Ўша малъунлар ерга кирса, қулоғидан тортиб чиқараман, осмонга учса, оёғидан тортиб тушираман! Ҳаммасининг нақ терисини шилиб оламан! Шундай адабларини берайки, бир умрга унутишмасин!..

У остида троллар яшайдиган кўприк сари ошиқиб, сўқмоқдан пастга шитоб билан тушиб борар экан, дўк-пўписалари бир-бирига қўшилиб, бўғик бир ўқиришга айланиб борарди.

Иккита одам унинг ортидан қойил қолганча қараб туришар ва барча нарсани яксон этувчи бу қаҳр-ғазабдан ажабланишар эди.

– Ана холос! – деди Черчилл. – Ажойиб октябр элини татиб кўриш имкониятидан ҳам маҳрум бўлдиг-а.

Максвелл шоссенинг ташки, анча секинрок юра-
диган йўлкаларидан бирида университет шаҳарчасига
етиб борганида консерватория соати олтига занг ура
бошлади. Черчилл аэропортдан ўз йўлига кетганида
Максвелл бундан жуда хурсанд бўлди – хукукшунос
унга негадир ёкмаслиги учунгина эмас, балки ўзи ёлғиз
қолишни истагани учун ҳам. У ўриндик тўсиғини очиб,
сукунат ичра оҳиста юришни, ҳеч ким билан гаплаш-
масликни, мана шу барча бинолар ва хиёбонларнинг
руҳини ўзига сингдиришни, уйига – бутун борлиғи би-
лан яхши кўрадиган дунёда ягона жойга қайтаётганини
ҳис этишни истарди.

Ғира-шира коронғилик шаҳарча устига оромбахш
харир пардасини ёпиб, бинолар шаклини кўҳна китоб-
лардаги романтик суратларга айлантириб юбормоқда.
Хиёбонларда талабалар гуруҳлари портфелларини кў-
тарганча оҳиста суҳбатлашади. Айримлар китобларни
кўлтиғига қисиб олган. Ўриндикда ўтирган оксоқол
қария майсалар устидаги олмахонлар ўйинини томоша
қилаяпти. Йўлакда судралиб бораётган иккита рептилия
ўзаро суҳбат билан банд. Ёнбош хиёбонда бардам қа-
дам ташлаб бораётган талаба одам йўл-йўлақай ҳуштак
чалаяпти ва бу ҳуштак мўъжазгина осуда ҳовлилардан
акс садо бўлиб қайтаяпти. Рептилияларга яқинлашган-
да у қўлини кўтариб, эхтиром ила сўрашди. Ҳамма ерда
кадимий ва улуғвор бужунлар бўй чўзган, улар аллақай-
си замонлардан бери талабаларнинг янги-янги авлодла-
рига илҳом бағишлаб келмоқда.

Ана шу ерда маҳобатли курантлар соат олтига занг
ура бошлади. Қуюк жаранг олис-олисларга таралар
экан, Максвеллнинг назарида университет шаҳарча-
си у билан дўстона саломлашаётгандек туюлиб кетди.

Соат унинг дўсти эди, нафакат унинг, балки шу садони эшитаётган хамманинг дўсти. У – шаҳарчанинг овози. Кечалари ўрнида ётиб ухлаб кетаётганида соат вақтни ҳисоблаб занг чалаётганини эшитарди. У нафакат занг чалар, балки қоровул сингари ҳамма ёқ осойишта эканлигидан дарак берарди.

Олдинда, ғира-шира қоронғиликда Вакт институ-тининг хайбатли бинолари – пластмасса ва ойнадан иборат, чироқлардан чароғон улкан параллелепипедлар кўринди. Музей уларнинг пойидан ўрин олган. Унинг пештоки бўйлаб чўзилган катта оқ мато шамолда ҳил-пирайди. Қуюклашиб бораётган қоронғиликда шу масо-фадан туриб ёлғиз битта сўзни илғай олди: “Шекспир”.

Ҳозир инглиз адабиёти факультетида қандай ғалаён бўлаётганини ўйлаб, у кулиб қўйди. Икки-уч йил муқад-дам Вакт институти пьесалар муаллифи ҳар қалай граф Оксфорд эмаслигини суриштириб аниқлаганида қария Ченери ва бутун компания шу иши учун Институтни кечиришмаган эди. Мана энди стрэтфордлик эсквайр ўз танасида пайдо бўлиши ҳали битмаган ярага туз сеп-гандек туюлиши аниқ.

Олисда, шаҳарчанинг ғарбий чеккасида, адир устида қад кўтарган маъмурий бинолар уфқ узра сўниб бораёт-ган кизил шафакка гўё сиёҳда чизилгандек кўринади.

Шоссе йўлкаси Вакт институти билан унинг плакати шамолда ҳилпираётган кубсимон музейи ёнидан ўтиб, хануз илгарилайди. Курантнинг занг чалиши тугади ва унинг сўнгги садолари зулмат қаърига сингиб кетди.

Соат олти! Яна икки-уч дақиқадан кейин у йўлқадан тушади ва мана тўрт йилдан бери... Йўғ-е, аниқроғи, беш йилдан бери унинг уйи бўлиб қолган “Уинстонлар герби”га қараб йўл олади! Максвелл куртқасининг ўнг чўнтагига ва унинг ичидаги жажжи чўнтакчага қўл со-либ, ҳалқачадаги калитларни пайпаслади.

Мана энди, Висконсин узатиш бекатини тарк этганидан буён илк марта у бошка Питер Максвелл ҳақида бирданига ўйлаб қолди. Тўғри, нозир Дрейтон унга ҳикоя қилиб берган воқеа ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин, лекин бу жуда шубҳали. Хавфсизлик хизмати одамнинг авра-астарини ағдариб ташлаш учун айнан шундай усул қўллашга қодир бемалол. Бирок, агар бу ёлғон бўлса, нима учун Енот Териси тизимидан у етиб бормагани ҳақида хабар келмади? Қолаверса, бу унга фақат нозир Дрейтоннинг сўзлари орқалигина маълум, шу хил бошка иккита ҳодиса ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мабодо Дрейтоннинг битта сўзи шубҳа уйғотса, қолганларига қандай ишониш керак? Башарти биллур сайёра бошка сайёҳларни ҳам тутиб олган бўлса, ўзи ўша ерда эканлигида бу ҳақда ҳеч нарса эшитгани йўқ. Бирок бу ҳам ҳали ҳеч нимани аңлатмайди, деди Максвелл ўзига ўзи – биллур сайёра эгалари унга нима хабар қилишни лозим топишган бўлса, фақат ўшанигина хабар қилишгани шубҳасиз.

Шу ўринда сезиб қолдики, уни Дрейтон билан суҳбатнинг ўзигина эмас, балки О'Тулнинг “Биз чуқур қайғу белгиси сифатида омила ва найзабаргдан тайёрланган гулчамбар юборгандик”, деб айтганлари ҳам хавотирга солаяпти. Агар эл ачиб қолмаганида у кекса гоблин билан шу ҳафталар мобайнидаги воқеаларни муҳокама қилиб чиққан бўларди, албатта, бироқ начораки яйраб суҳбатлашиб олишга имкон топилмади.

Майли, ҳозирча бу ҳақда ўйламаса ҳам бўлади. Уйга етиб борган заҳоти дўстларидан биронтасига қўнғирок қилиб, ҳақиқатни билади-қўяди. Лекин кимга қўнғирок қилсайкин-а? Вақт институтига, Харлоу Шарпгами? Ёки ўз факультетининг декани Даллес Греггами? Балки Ксигма Маон Тайрга қўнғирок қилсамикан? Қордек

оппоқ мўйнали ва кип-кизил кўзлари ўйчан боқувчи бу'кекса эриданлик¹ бутун умрини чоккина кабинетда асотирлар тузилмаларини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш билан ўтказган. Ёҳуд яқин дўсти, ҳуқуқ-шунос Аллен Престонга қўнғирок қилгани маъқулроқми? Ҳа, Престондан бошлагани дурустроққа ўхшайди – башарти Дрейтон алдамаган бўлса, вазият айнан ҳуқуқий йўналишда мураккаблашиб кетиши мумкин.

Максвеллнинг ўзидан жаҳли чиқиб кетди. У ишона бошлаган кўринади! Ҳар ҳолда, ҳадемай ишониб қолади! Мабодо бу ёғига ҳам шундай кетаверса, шуларнинг бари айна ҳақиқат, деб ўзини ишонтира бошлайди!

“Уинстонлар герби” яқинлашиб қолди. Максвелл ўриндиқдан туриб, жомадонни олди ва аранг силжиётган ташқи йўлкага ўтди. Бино қаршисида тротуарга сакради.

Кенг-мўлгина тош зинапояда ҳам, вестибюлда ҳам ҳеч ким кўринмайди. Чўнтагини қавлаштириб, калитларни ва квартирасининг эшигини очадиган калитни бармоқларига қисиб олди. Лифт тайёр экан, еттинчи қават тугмачасини босди.

Калит кулфга бирданига тушди ва осонгина буралди. Эшик очилиб, Максвелл қоронғи хонага кирди. Орқада эшик ўз-ўзидан ёпилиб, кулф шиқирлади ва у чироқ ёққичга қўл чўзди.

Бироқ шу лаҳзадаёқ қўл кўтарганича қотиб қолди. Нимадир бошқача эди! Қандайдир туйғу... ҳиссиёт... балки ҳидми? Ҳа-ҳа, айнан ҳид! Нотаниш атирларнинг заифгина майин бўйи сезилди.

Максвелл тугмачага мушт урди. Чироқ чарақлаб кетди.

¹ Эридан юлдуз тизимидан келган мавжудот дейилмоқчи. Бу ва кейинги ўринларда. (Тарж. изоҳи)

Хона ўзгариб колганди. Жихозлар бошқача, деворларда ҳаддан зиёд ёркин суратлар. Унда бунақа суратлар ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам!

Оркада кулф яна шиқирлади ва у ялт этиб ўгирилди. Эшик ланг очилиб, хонага қилич тишли йўлбарс кириб келди.

Максвеллни кўрган баҳайбат мушук полга қапишди ва ханжардек-ханжардек келадиган олти дюймли тишларини кўрсатиб, ғудранди.

Максвелл оҳиста тисланди. Йўлбарс хануз ғудранганича аста-секин ўрмалади. Максвелл орқага кадам ташлади ва тўпикларига алланима урилиб, мувозанатини сақлашга уринди ва қулаб кетаётганини сизди. Шу ёстикчани кўрганди-ку, ахир! Эслаши мумкин эди эҳтимол... Аммо эслай олмади ва унга қоқилиб кетди, ҳозир чалқанчасига йиқилади. У қаттиқ полга урилишини қутиб, ўзини бўш қўйишга чоғланди, бироқ бунинг ўрнига елкаси аллақандай юмшоқ нарсага тушди ва у ёстикча ортида турган қушеткага чўзилиб колганини тушунди.

Йўлбарс нафис сакрашда ҳавода муаллақ колди, у қулоқларини бошига қисган, жағини ярим очган ва бақувват панжаларини олдинга чўзган эди. Максвелл қўллари билан кўкрагини тўсди, аммо панжалар уларни пардек итқитиб ташлаб, уни қушеткага босди. Баҳайбат мушуксимон бош ва ярқираган қозик тишлар унинг юзига яқинлашди. Йўлбарс бошини оҳиста, қарийб эркалангандек туширди, узун ва пушти қашлағичдек ғадир-будир тили Максвеллнинг ёноқларини ялади.

Маҳобатли мушук хуриллаб юборди.

— Силвестр! — деган овоз келди эшик ортидан. — Силвестр, дарҳол бас қил!

Йўлбарс Максвеллнинг юзини терисини шилиб олгудек қилиб яна бир бор ялади-да, орқа оёқларига

чўккайиб ўтирди. У оғзи кулоғига етиб, кулоқларини диккайтириб, Максвеллни дўстона ва ҳатто қойил қолгандек бир кизиқиш билан кўздан кечирарди.

Максвелл ўрнидан туриб, кушетканинг суянчиғига суянганча ўтирди.

– Сиз ким бўласиз ўзи? – деб сўради эшикда турган қиз.

– Биласизми, мен...

– Аммо юракдан ҳам бор экан, – деди қиз.

Силвестр каттикрок хуриллади.

– Кечирасиз, мисс, – деди Максвелл, – бироқ мен шу ерда яшайман. Ҳар қалай, олдин яшардим. Бу квартиранинг номери етти йигирма бирми, ахир?

– Ҳа, тўғри, – деди қиз. – Мен бу ерни роса бир ҳафта бурун ижарага олдим.

– Ўзимам тушунишим керагиди, – деди Максвелл елкасини қисиб. – Чунки жиҳозлар бошқача!

– Мен уй эгаси аввалги жиҳозларни улоктириб ташлашини талаб қилдим, – дея изох берди қиз. – Ўзиям алмисоқдан қолган алламбало нарсалар экан.

– Шошманг, – дея унинг сўзини бўлди Максвелл. – Анчагина эскирган эски яшил диван...

– Ва ёнғоқ ёғочидан ишланган бар, – илиб кетди қиз. – Яна жирканч денгиз манзараси ва...

– Етарли, – деди ҳорғингина Максвелл. – Сиз менинг нарсаларимни чиқартириб ташлабсиз.

– Тушунмадим... Уй эгаси бу ерда аввал яшаган одамни ўлган девди-ку. Бахтсиз ҳодиса рўй берган экан, агар янглишмасам.

Максвелл охиста ўрнидан турди. Йўлбарс ҳам туриб, унга яқинлашди ва бошини тиззасига аста ишқай бошлади.

– Силвестр, бас қил! – буюрди қиз.

Йўлбарс ўз ишидан қолмади.

– Ундан хафа бўлманг, – деди киз. – У шунчаки кат-такон мушукча, холос.

– Биомех¹?

Қиз бош силкиди.

– Нихоятда аклли. У ҳамма жойда мен билан юради. Доимо ўзини тутади. Бу сафар нима бўлганини билолмаяпман. Унга ёкиб колдингиз шекилли.

Бу гапларни у йўлбарсчага қараб айтди ва бирдан Максвеллга диққат билан тикилди.

– Мазангиз кочдими?

Максвелл бош чайқади.

– Рангингиз докадек оқариб кетди...

– Сал-пал ларзага тушдим: Ҳамма гап шунда бўлса керак. Мен сизга ҳақиқатни айтдим. Яқин-яқингача ҳам мен чиндан шу ерда яшардим. Қандайдир англашмовчилик юз берганга ўхшайди...

– Ўтиринг, – буюрди киз. – Бирон нима ичгингиз кел-яптими?

– Агар иложи бўлса. Менинг исмим Питер Максвелл, профессор.

– Шошманг! Максвелл дедингизми? Питер Максвелл... Ахир, уни шундай аташганди...

– Ҳа, биламан, – деди Максвелл. – Ўлган одамни шундай дейишганди.

У кушеткага оҳиста чўкди.

– Мен сизга бирон нима келтираман, – деди киз.

Силвестр яқинроқ келиб, баҳайбат бошини Максвеллнинг тиззасига қўйиб эркаланди. Максвелл унинг қулоғи ортини қашиди, йўлбарсча эса баланд товушда хуриллаганича сал бурилиб, қаерини қашиш кераклигини кўрсатди.

Қиз қадаҳ кўтариб, қайтиб келди ва унинг ёнига ўтирди.

¹ Биологик механизм демоқчи.

– Мен барибир тушунолмаяман... Агар сиз ўша одам бўлсангиз...

– Буларнинг бари, – деди Максвелл, – ниҳоятда чалкашиб кетган.

– Айтишим керакки, сиз ўзингизни яхши тутар экансиз. Жиндек шошиб қолдингиз-у, аммо эсанкираганингиз йўқ.

– Очигини айтганда, – тан олди Максвелл, – мен аслида кутилмаган ҳодисага дуч келганим йўқ. Менга бунини маълум қилишувди, аммо ишонмагандим. Аниқроғи, ишонмасликка ҳаракат қилдим. – У қадахни оғзига олиб борди. – Ўзингиз ичмайсизми?

– Агар аҳволингиз яхши бўлса, – деди киз, – ўзингизни дуруст ҳис этаётган бўлсангиз, бориб ўзимга ҳам куяман.

– Мен ўзимни жуда яхши сезаямман, – дея уни тинчлантирди Максвелл. – Бу ғалваларни бир амаллаб бошдан кечирарман.

У суҳбатдошига эндигина тузукрок разм солди – киз адл қадди-коматли, қора сочлари қалта қирқилган, узун-узон киприкли кўзлари қулиб турарди.

– Исмингиз нима? – деб сўради у.

– Кэрол Хэмптон. Мен тарихчиман, Вакт институтида ишлайман.

– Мисс Хэмптон, – деди у, – сиздан узр сўрайман. Сафарга кетгандим, умуман, Ердан узоқдайдим. Мана энди қайтганим. Калитим кулфга тушди, кетаётганимда бу квартира меники эди...

– Тушунтиришга ҳожат йўқ, – дея киз сўзини бўлди.

– Ҳозир ичамиз, – деди у. – Кейин мен туриб, чикиб кетаман. Фақат мабодо...

– Хўш?

– Сиз мен билан тушлик қилишга рози бўлмасангиз. Мени тушунганингиз учун қандайдир тарзда сизга мин-

натдорчилик билдиргим келаяпти. Чунки сиз дод-вой килиб, кочиб чикиб кетишингиз ҳам мумкин эди-да...

– Мабодо буларнинг бари томоша эмасми? – деб сўради киз шубҳаланиб. – Балки сиз...

– Мутлако нотўғри, – деди у. – Ўйин кўрсатишга аклим етмаган бўларди. Қолаверса, калитни каердан топа олардим...

Қиз унга караб туриб, деди:

– Мен бундай қилмаслигим керак эди. Бирок биз Силвестрни ҳам олиб кетишимизга тўғри келади. У ёлғиз қолишга ўлақолса кўнмайди.

– Мен ҳам уни ёлғиз ташлаб кетишга асло рози бўлмасдим! – деди Максвелл. – Икковимиз бир умрга дўстлашиб қолдик.

– Бу сизга битта бифштексга тушади, – дея огоҳлантирди киз. – У доимо оч, лекин факат яхши бифштекс ейди. Айникса, катта ва мазалисини.

5

“Чўчка ва Ҳуштак” ковокхонаси коронғи, сершовкин ва буруксиган эди. Зич жойлаштирилган столчалар орасида энсизгина йўл қолдирилган. Шамлар алангаси титрайди-пирпирайди. Шифти пастаккина зал хилма-хил овозлардаги ғала-ғовурга тўла, барча мижозлар бир-бирининг гапини бўлиб, бараварига сўзлашаётгандай гўё.

Максвелл кўзларини қисганча биронта бўш столчани излай бошлади. Бошқа бирон жойга бора қолишса, тузукрок бўлармиди, деб ўйлади у. Бирок у шу ерда овқатланишни хоҳлар, негаки, бу ковокхонани унинг факультети талабалари ва ўқитувчилари яхши кўришар, шу жойда у ўзини ўз уйидагидай ҳис қиларди.

– Бошқа биронта жойга бора қолганимиз маъкулроқмикан, – деди у Кэрол Хэмптонга ўгирилиб.

– Ҳозир кимдир ёнимизга келиб, бўш столчани кўрсатади, – деди киз. – Ўзиям одам жуда кўп экан, официантлар елиб-югуришини қаранг... Силвестр! Дарҳол бас қил! Уни кечиринг, илтимос, – дея кўшиб кўйди у ўзлари турган жой ёнида жойлашган столча атрофида ўтирган одамларга ўтинч билан қараб. – У мана шунақа тарбиясиз! Айниқса, стол ёнида ўзини тутиб туришни билмайди. Кўзига кўринган нарсани илиб кетади...

Силвестр мамнун ҳолда лабларини яларди.

– Ҳечкиси йўқ, мисс, – деди овқатидан айрилиб қолган соқолли киши. – Очиғи, ўзимам егим келмай турувди. Шунчаки, бифштекс буюрадиган одатим бор, холос.

– Пит! Пит Максвелл! – деб қичкирди кимдир залнинг олис бурчагидан.

Максвелл кўзларини қисиб қараб, нимқоронғи шароитда бурчакдаги столча ёнидан ирғиб турган кандайдир бир одам унга қўл силкиётганини кўрди. Кейин уни таниди. Бу Алле-Оп бўлиб, ёнида Арвохнинг оқиш шарпаси кўзга чалинади.

– Дўстларингизни учратиб қолдингизми? – деб сўради Кэрол.

– Ҳа. Янглашмасам улар бизни ўз ёнларига чақиришаяпти. Сиз қарши эмасмисиз?

– У неандерталми? – сўради киз.

– Уни танийсизми?

– Бир неча марта кўрганман. Лекин у билан танишишни хоҳлардим. Ёнида ўтирган Арвохми?

– Улар ажралмас дўстлар, – дея тушунтирди Максвелл.

– Бора қолайлик бўлмаса!

– Биз шунчаки саломлашиб, кейин бошқа ёкка кетишимиз мумкин.

— Ҳеч қанақасига! — деди Кэрол. — Менимча, бу ниҳоятда кизиқарли жой.

— Авваллари ҳам бўлганмисиз бу ерда?

— Журъат этолмаганман.

— Унақада ортимдан юринг, — деди у ва столчалар оралаб аста-секин ўта бошлади. Қиз билан йўлбарсча изма-из келишарди.

Алле-Оп Максвеллга пешвоз чиқиб, маҳкам бағрига босди, кейин елкасидан сал итариб, юзларига синчиклаб тикила бошлади.

— Ростданам ўзингмисан, кадрдоним Пит? — деб сўради у. — Бизни лакиллатаётган бўлмагин яна?

— Ўзимман, ўзимман, — жавоб берди Максвелл. — Сенингча, ким бўлишим мумкин, ахир?

— У ҳолда, — деди Оп, — уч ҳафта бурун, пайшанба куни биз кимни дафн этган эдик? Мен ҳам, Арвоҳ ҳам катнашганмиз. Сен бизга йигирма танга қарздорсан — иккаламиз номимиздан кўйилган гулчамбар роппа-роса шунча турарди.

— Келинглар, ўтирайлик, — таклиф этди Максвелл.

— Бирон жанжал чиқишидан хавотирланаяпсанми? — сўради Оп. — Бироқ бу жой айнан бирон ишқал чиқариш учун яратилган-да: жадвал бўйича ҳар соатда муштлашув бошланади, улар орасида эса кимдир стол устига чиқиб, нутқ сўзлашга киришади.

— Оп, — деди Максвелл, — ёнимда хоним бор, шунга яраша ўпкангни бос ва маданийлашгин. Танишинглар — мисс Кэрол Хэмптон, бу ковок бош давангирнинг исми эса Алле-Оп.

— Сиз билан танишганимдан мамнунман, мисс Хэмптон, — деди Алле-Оп. — О-хо, бу эски танишим-ку! Қасам ичиб айтаманки, бу қилич тишли йўлбарснинг ўзгинаси! Бир воқеа эсимда: бўрондан қочиб, ғорга

кирсам, ичкарида мана шунга ўхшаган мушукча бор экан, менинг ёнимда эса ўтмас кремний пичоқдан бошқа куролим йўқ эди. Чунки айиқ билан учрашганимда чўкморим синиб қолувди, шундан сўнг...

– У ёғини кейин айтиб берарсан, – дея унинг сўзини бўлди Максвелл. – Балки ўтирармиз ҳар қалай? Биз овқатланишни жудаям истаяпмиз, ковоқхонадан чиқариб ташлашларини эса мутлако истамаяпмиз.

– Пит, – деди Алле-Оп, – мана шундай тамаддихонадан чиқариб ташлашса – бу, ахир, катта шараф-ку! Ана ўшандан кейингина ўзингнинг ижтимоий мавқеингни мустаҳкамланган, деб ҳисоблайверишинг мумкин.

Бироқ у гапириши баробарида ҳар қалай столча ёнига қайтди ва мулозамат билан Кэрол учун стул қўйди. Силвестр қиз билан Максвеллнинг ўртасига жойлашди ва бошини столга қўйиб, Алле-Опга ёмон тикилди.

– Бу мушукчага мен ёқмай қолдим, – дея эълон қилди Оп. – Қадимги ва ажойиб тош даврида мен унинг аждодларидан қанчасини қириб ташлаганимни у эсласа керак, ҳойнаҳой.

– Силвестр бор-йўғи биомех, – тушунтирди Кэрол, – бинобарин, ҳеч нимани билиши мумкин эмас.

– Заррача ҳам ишонмайман, – деди Оп. – Бу хайвон ҳеч қандай биомех эмас. Қилич тишли йўлбарсларгагина хос бўлган қонхўрлик унинг кўзларидан билиниб турибди.

– Илтимос, Оп, бирпас жим тур, – ўтинди Максвелл. – Мисс Хэмптон, сизга эски кадрдон дўстим Арвоҳни таништиришга рухсат этгайсиз.

– Сиз билан танишганимдан беҳад мамнунман, мистер Арвоҳ, – деди Кэрол.

– Факат “мистер” эмас, шунчаки Арвоҳ, – дея тўғрилади у. – Чунки мен бор-йўғи руҳман, бошқа ҳеч нар-

са эмас. Ва энг ёмон жихати шундаки, кимнинг руҳи эканлигимни ўзим ҳам билмайман. Лекин сиз билан танишганимдан ниҳоятда хурсандман. “Улфати чор – анда маза бор” дейишгани бежиз эмас. Умуман, “тўрт” ракамида қандайдир мувозанат мужассам.

– Хўш, – деди Оп, – танишиб бўлганимиздан кейин энди асосий ишга ўтайлик. Ичамиз! Ёлғизликда ичишдан ҳам ёмонроқ нарса йўқ. Тўғри, мен Арвоҳни кўплаб ажойиб фазилатлари учун яхши кўраман, аммо ичмайдиганларни сира ҳазм қилолмайман.

– Ўзинг яхши биласанки, мен ича олмайман, – дея хўрсинди Арвоҳ. – Ейиш, чекиш масаласида ҳам шундай. Руҳларнинг имкониятлари ниҳоятда-ниҳоятда чекланган, бироқ мен истардимки, ким билан танишсак, ўшанга шу нарсаларни пеш қилаверишни йиғиштирсанг.

Оп Кэролга ўгирилди:

– Ёввойи неандертал одам мендек эркин ва чиройли гапиришини кўриб, ажабланаётган бўлсангиз кераг-а?

– Ажабланиш ҳам гапми? Ларзага тушдим, – дея тўғрилади Кэрол.

– Оп, – деди Максвелл қизга, – кейинги йигирма йил ичида оддий одамнинг тушига ҳам қирмайдиган даражада кўп билим олди. Асл маънода болалар боғчаси учун белгиланган дастурдан иш бошлади, ҳозирда эса докторлик диссертацияси устида ишляпти. Энг муҳими, бундан бу ёғига ҳам худди шундай тарзда давом эттириш иштиёқида. Уни энг ажойиб талабаларимиздан бири дейиш мумкин.

Оп официантга қўл силкиб, гулдурос овозда чакирди.

– Бу ёққа! – дея қичқирди у. – Бу ердаги одамлар сизга буюртма бериб, марҳамат кўрсатиш ниятидалар. Уларнинг бари томоғи қакраб ўлиш даражасида.

– Менга унинг энг кўп ёқадиган томонлари, – деди Арвоҳ, – тортинчоклиги ва камтарлигидир.

– Мен хануз ўрганишдаман, – деди Оп. – Билимга интилишдан ҳам кўра менга расмиятчи ўқитувчилару ахмок талабаларнинг чехрасидаги хайрат ифодасини кўриш кўпроқ ёқади. Бирок бу билан, – у Максвеллга ўгирилди, – ўқитувчиларнинг ҳаммаси расмиятчи демокчи эмасман асло.

– Шунисига ҳам шукр, – деб қўйди Максвелл.

– Шундай одамлар ҳам борки, – давом этди Оп, – *Homo sapiens neanderthalensis* беақл хайвон ва ундан бошқа ҳеч нарса эмас, деган фикрни мияларига қуйиб олишганга ўхшайди. Чунки қайси томондан олиб қараманг, у қирилиб кетган, ҳаёт учун курашга бас кела олмаган, бунда эса у одам бўлиб етиша олмаганининг яққол далил-исботи кўриниб тургандек туюлади. Мен бундан кейинги бутун ҳаётимни ҳам ана шу янглиш фикрни инкор этиш учун бағишлайман...

Опнинг ёнида официант пайдо бўлди.

– Э-ҳа, бу яна сизмисиз? – деди у. – Менга бакира бошлаганингиздаёқ ким эканлигингизни тушуниб олса бўларди. Сиз тарбия кўрмагансиз, Оп.

– Бизнинг даврамизда, – деди Оп бу ҳақоратни эшитмагандай бўлиб, – соялар оламидан қайтиб келган инсон ўтирибди. Менимча, унинг тирилиб келишини дўстона зиёфат билан нишонласак муносиброк бўларди.

– Тушунишимча, сиз бирон нима ичмокчисиз шекилли?

– Тушунган бўлсангиз, нега энди бир йўла яхши бир шишаю пакирчада муз ва тўртта... йўғ-е, учта қадах кўтариб келавермадингиз? – сўради Оп. – Биласизки, Арвоҳ ичмайди.

– Хабарим бор, – деди официант.

– Лекин мабодо мисс Хэмптон бошқа бирон ичимликни хоҳлагудек бўлсалар... – дея аниқлаштиришга уринди Оп.

– Ким бўлибманки, қатордан ажралиб қолсам? – деди Кэрол. – Сизлар нима ичасиз?

– Жўхори вискиси, – жавоб берди Оп. – Пит икковимизнинг бу борадаги таъбимиз ҳар қандай танқиддан тубан.

– Менга ҳам жўхори вискиси, – дея ҳал қилди Кэрол.

– Яна тушунишимча, – деди официант, – мен бир шиша олиб келганимда тўлашга пулингиз бўлса керак. Чунки бир гал...

– Бу гал, – деди Оп, – менда пул бўлмаса, Питда бор.

– Питда? – қайта сўради официант ва Максвеллга қаради. – Профессор! Мен эшитувдимки, сиз...

– Бир соатдан буён сизга нимани тушунтираяпман ўзи? – дея унинг сўзини бўлди Оп. – Шу сабабли ҳам байрам қилаяпмиз-да. У нариги дунёдан қайтиб келди, ахир.

– Аммо мен тушунолмааяпманки...

– Тушунишингиз шарт эмас, – деди Оп. – Ичкиликни олиб келаверинг, сиздан бошқа нарса талаб қилинмайди.

Официант шошганича кетди.

– Мана энди, – деди Арвох Максвеллга қараб, – марҳамат қилиб, бизга кимлигингизни тушунтириб беринг. Кўринишдан сиз рух эмассиз ёки мен руҳи бўлган одам танасини тарк этганимдан бери руҳларни тайёрлаш жараёни анча яхшиланиб қолдимикан.

– Ҳар томонлама ўйлаганда, – деди Максвелл гап бошлаб, – бу ўринда шахс иккиланиши ҳодисасига дуч келиб турибмиз. Менинг тушунишимга кўра, киёфадошим бахтсиз ҳодисага учраб, ҳалок бўлган.

– Бирок бу мумкин эмас-ку! – эътироз билдирди Кэрол. – Шахсининг руҳан иккиланиши – тушунарли, аммо жисмонан...

– Ерда ҳам, осмонларда ҳам мумкин бўлмаган ҳеч нарса йўқ, – дея эълон қилди Арвоҳ.

– Сийқаси чиққан гап, – деди Оп. – Боз устига бузиб айтдинг.

У жундор кўкрагини калта бармоқларида зўр бериб ишқай бошлади.

– Менга бунақа кўркув билан қараманг, – деди у Кэролга. – Шунчаки кичишди, бошқа ҳеч гап йўқ. Мен табиат фарзандиман, шу сабабли қашинаяпман. Лекин яланғоч эмасман. Калта шим кийиб олганман.

– Уни икки оёқда юришга ўргатишди, – дея изох берди Максвелл, – яқиндагина.

– Шахсингиз иккиланганига қайтайлик, – деди Кэрол. – Аслида нима воқеа юз берганини тушунтириб беролмайсизми?

– Мен Енот Териси тизимидаги сайёралардан бирига йўл олгандим, йўлда тўлқин схемадан қандайдир тарзда нусха кўчирилган ва шунинг оқибатида бир пайтда икки жойга бориб қолганман.

– Сиз иккита Питер Максвелл пайдо бўлган, демоқчимисиз?

– Худди шундай.

– Сенинг ўрнингда бўлганимда, – деди Оп, – уларни судга берардим. Бу транспортчилар ҳатто одам ўлдириб ҳам сувдан қуруқ чиқиб кетаверишади. Сен улардан дурустгина товон пули ундиришинг мумкин. Мен билан Арвоҳни гувоҳликка чакирасан, чунки икковимиз дафн маросимингда қатнашганмиз! Умуман олганда, – дея қўшимча қилди у, – Арвоҳ икковимиз бизларга етказилган маънавий зарар учун уларга даъво қилсак арзийди. Энг яқин дўстимиз тобутда ётганида биз қанча қайғу-алам чекдик, ахир.

– Чиндан ҳам биз жуда қайғурдик, – деди Арвоҳ.

– Биламан, – жавоб қилди Максвелл.

– Менга қаранглар, – деди Кэрол. – Назаримда, сиз уччовларингиз ҳам рўй берган воқеага қандайдир енгил-елпи қараяпсизлар. Учта дўстдан биттаси...

– Хўш, биздан нима истайсиз? – деб сўради Оп. – “Э, койил-е!” деб дўппимизни осмонга отайликми? Ёки кўз кўриб, кулок эшитмаган бу мўъжизага қараб, анқайиб тураверайликми? Биз дўстимизни йўкотгандик, мана у кайтиб келди...

– Аммо улар иккита эди, биттаси...

– Биз учун у доимо яккаю ягона эди, – деди Оп. – Ана шуниси – энг маъкули. Агар у иккита бўлиб қолганида ким билади қанақа англашилмовчиликлар келиб чикарди.

Кэрол Максвеллга қаради:

– Ўзингиз нима дейсиз?

У бош чайқади.

– Мен бу тўғрида факат икки кундан кейингина жиддий ўйлаб кўришим мумкин. Унгача эса шу ҳақда бош қотиришга ҳам ҳолим йўқ. Бу воқеа ҳақида ўйладим дегунча аллақандай қарахтлик ҳолатига тушиб қолаяпман. Бирок ҳозир шу ерда чиройли бир киз, иккита кадрдон дўстим ва битта каттакон ва ёкимтой мушукча билан ўтирган эканман, факат битта нарсани биламан – бир шиша вискини тинчитиб, кейин яхшилаб овқатланишимиз керак.

У кизга кулиб қаради. Кэрол елкасини қисди:

– Бунақа талабларни шу пайтгача кўрмагандим. Лекин бу менга ёқаяпти.

– Менга ҳам, – деди Оп. – Нима бўлганда ҳам сизларнинг тамаддунингиз кадимги даврлардан анча яхшироқ. Агар билсангиз, менинг ҳаётимда бор-йўғи биттагина бахтли ҳодиса рўй берган – ўшанда Вақт инс-

титутти экспедицияси мени энг зарур дакикада кутқариб қолган, акс ҳолда айрим севимли қабиладошларим мен билан корин тўйдирмокчи бўлиб туришувди. Очиғини айтганда, уларга ҳеч қандай даъвоим йўқ эди. Чунки қиш қаттиқ келиб, узокка чўзилган, қор роса қалин ёккан, ўлжа деган нарсa умуман қолмаганди. Боз устига қабиладошларимдан биттаси менга тиш қайраб юрганди – сизлардан яширмай айтаманки, бунга асос бор эди. Мени орқадан бошимга уриб ўлдириб, кейин катта қозонга ташламокчи бўлиб туришганди, ўзиям...

– Одамхўрлик! – деди Кэрол даҳшат ичра.

– Турган гап, – дея уни юпатди Оп. – Ўша ибтидоий замонларда бундай вазият жуда оддий ҳол эди. Лекин сиз буни тушуна олмайсиз, албатта. Чунки ҳақиқий очлик нималигини ҳеч қачон ҳис қилмагансиз, тўғрими? Ҳолсизликдан силла куриб, ичаклар суякка бориб ёпишганда...

У жим қолиб, залга кўз югуртирди.

– Бу маданиятнинг энг ёқимли жиҳати – озиқ-овқат ниҳоятда мўл-кўллигида, – дея давом этди у. – Бизнинг қадим замонда эса гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ бўлиб турарди. Масалан, мастодонтни ўлдирдикми, гўштини еганимиз-еган эди, то у оғзимиздан қайтиб чиққунича, кейин яна ердик...

– Менинг фикримча, – деди Арвоҳ огоҳлантириш оҳангида, – бу мавзу даврадаги суҳбатимизга унчалик мос келмайди-ёв.

У Кэролга қаради:

– Ҳар қалай, мен ҳамма гапни очик-ойдин айтишимни сиз тан олишингиз керак. Масалан, қайт қилишни кўзда тутсам, тўғридан-тўғри “биз қайт қилардик” дейман, “еганимиз оғзимиздан қайтиб чиқарди” демайман.

Официант келиб, шиша билан музли пақирчани стол устига дўк эттириб қўйди.

– Овқатни ҳозир буюрасизларми? – деб сўради у.

Бу шубҳали ошхонада тузукроқ овқат ея оламизми, йўқми, ҳали ўйлаб кўрмадик. Ичиш бир бошқа нарса, овқатланиш эса...

– У ҳолда, марҳамат, сэр... – деди официант ва Опнинг олдига ҳисоб қоғозини қўйди.

Оп чўнтақларини кавлаштириб, пул чиқарди. Максвелл шиша билан пақирчани олдига суриб, қадахларга муз бўлақларини сола бошлади.

– Нима, шу ерда овқатланмаймизми? – деб сўради Кэрол. – Агар Силвестр сиз ваъда қилган бифштекс-ни олмаса, мен ҳеч нимага кафолат беролмайман. Ҳар томондан иштаҳани кўзғовчи ҳидлар келиб турганда шунчалик сабр-тоқат билан одоб саклаб ўтирганига бир қаранг, ахир!

– Боя битта бифштекс еди-ку! – дея эслатди Максвелл. – Яна қанчасини ея олади?

– Сон-саноксиз миқдорда, – жавоб қилди Оп. – Қадимда шунака бир юҳо бир ўтиришда бутун бошли буғуни кўрдим демасди. Дарвоқе, бир воқеани айтиб берганмидим...

– Айтгансан, айтгансан, – деди Арвоҳ шоша-пиша.

– Аммо ўша бифштекс куйган экан! – қаршилиқ билдирди Кэрол. – У эса сингиб пишганини ёқтиради. Боз устига бояги жуда кичкина эди!

– Оп, официантни қайтар, – дея ўтинди Максвелл. – Сен яхши чакира оласан. Овозинг худди шу учун яратилгандек.

Оп бақувват қўлини силкиб, бор овозда бўқирди. Бирпас кутиб тургач, яна бўқирди, аммо бу сафар ҳам натижа бўлмади.

– У менга парво қилмаяпти, – тўнғиллади у. – Бу балки умуман бизнинг официант эмасдир. Мен уларни фарқлай олмайман, ҳаммаси маймунлардек бир хил.

– Бугун бу ерга йиғилганлар менга ёкмаяпти, – деб қолди Арвоҳ. – Атрофни кузатиб ўтирибман. Қандайдир ишқаллик етилиб келаяпти.

– Шу ўтирганларнинг нимаси ёмон? – деб сўради Максвелл.

Инглиз адабиётини ўрганувчи жанжалкаш талабалар ниҳоятда кўп тўпланган. Одатда улар бу ерга киришмасди. Бу жойнинг кунда-шундалари – вақт ва ғайритабиийлик бўйича мутахассислар.

– Шекспир туфайли деб ўйлайсанми?

– Эҳтимол, – деди Арвоҳ.

Максвелл бир қадахни Кэролга узатди, иккинчисини стол оша Опнинг олдига суриб қўйди.

– Сиз ҳеч нимасиз қолаётганингиз қандайдир нокулай бўлаяпти, – деди Кэрол Арвоҳга мурожаат қилиб. – Жилла курса, ҳидлаб кўринг!

– У ёғидан хотиржам бўлинг, – дея аралашди Оп. – Бу нусха Ой нуруни симириб, ғирт маст бўлиб қолади. У камалакнинг устида рақсга туша олади. Сизга нисбатан кўплаб афзалликларга эга. Мисол учун у барҳаёт, негаки, руҳни ҳеч нима билан ўлдириб бўлмайди-да.

– Билмасам, – деди Арвоҳ.

– Мен бир нарсани тушунолмаяпман... – дея тараддудланди Кэрол. – Айтсам, жаҳлингиз чикмайдими?

– Марҳамат, тортиниб ўтирманг!

– Сиз кимнинг руҳи эканлигимни билмайман, дедингиз. Ҳазиллашдингизми ё чинингизми?

– Бу ҳақиқат, – жавоб берди Арвоҳ. – Ишонаверинг, жуда аччиқ ҳақиқат. Мен бундан ниҳоятда ўнғайсизланаман. Лекин начораки – унутиб қўйганман! Англиядан эканлигимни ҳар қалай аниқ биламан. Аммо фамилиямни ҳеч эслаёлмайман. Яна шубҳа қиламанки, бошқа руҳлар ҳам...

– Бу ерда бошқа рухлар йўк, – деди Максвелл. – Улар билан мулоқот, суҳбат, интервью – қанча хоҳласангиз бемалол, бироқ сендан бўлак биронта ҳам руҳ орамизда яшаб қолишни истамади. Сен нега шундай қилдинг, Арвоҳ? Нега биз билан биргасан, деб сўрамоқчиман.

– Бу учига чиккан фирибгар, – дея гапга қўшилди Оп. – Қаерда қулайроқ бўлишини мўлжаллаб юради доимо.

– Хўп, шундай ҳам дейлик, – кўнди Максвелл. – Лекин биз руҳга нима бера олишимиз мумкин, ахир?

– Сизлар менга воқеликни ҳис этиш туйғусини бера-сизлар, – деди Арвоҳ.

– Сабаби нима бўлишидан қатъи назар, бизнинг ёнимизга келганингдан мен бениҳоя хурсандман, – деди Максвелл.

– Уччовингиз илгаридан дўстсизлар, – ўйланиб деди Кэрол.

– Бу сизни ажаблантираяптими? – сўради Оп.

– Балки... Нимани назарда тутганимни, очиғи ўзим ҳам унчалик билолмаяпман.

Залнинг нариги бурчагида қандайдир ғала-ғовур эшитилди. Кэрол билан Максвелл шовкин келган томонга ўтирилиб қарашди, бироқ у ерда нима бўлаётганини англай олишмади.

Тўсатдан аллақандай одам стол устига сакраб чикди-ю, қўшиқ бошлаб юборди:

Билл Шекспир михдай йигит,
Қоғозни бекор қораламаган.
Бирон юбкага йўл бермасди,
Қўшиқни баралла айтарди...

Унга қарши бакир-чакир ва хуштаклар эшитилди. Хонандага нимадир отишганди, тегмай ўтиб кетди. Миждларнинг бир қисми қўшиқчига жўр бўлди:

Билл Шекспир михдай йигит,
Қоғозни бекор қораламаган...

Қандайдир гулдурос овоз кулоқларни тешиб юбор-
гудек хайкирди:

– Жин урсин Билл Шекспирни!

Шу заҳотиёк зал портлаб кетди. Стуллар полга улоқ-
тирилди, одамлар ирғиб столларга чиқиб олишди, бор
овозда бакириб, бир-бирларини итариб тушира бош-
лашди. Муштлар ишга тушиб кетди. Қўлга илинган
нарсалар осмонга отиларди.

Максвелл сакраб турди-ю, қўлини чўзди ва Кэролни
бир силташда оркасига отиб юборди. Оп кулоқларни
кар қилувчи жанговар хайкирик билан стол оша сакра-
ди ва пакирчани тепиб ўтди. Муз бўлаклари ҳар томон-
га сочилиб кетди.

– Мен уларни ўтдек ўриб ташлайман, – дея кичқир-
ди у Максвеллга, – сен эса бир чеккага улоқтиравер!

Максвелл боши узра кўтарилган муштни кўриб,
чап бериб қолди, аммо у келган томонга берган зарба-
си бўшлиққа дуч келди. Унинг елкаси оша кўринган
Опнинг бақувват қўли баҳайбат муштини кимнингдир
башарасига туширди ва аллаким уларнинг столи тагига
думалаб кетди.

Оркадан катта тезликда учиб келган оғир бир нар-
са Максвеллнинг бошига урилди ва у кулаб тушди.
Атрофда оёқлар девори ҳаракат қиларди. Кимдир қўли-
ни босиб олди, бошқа биров устига ағанади. Қаердадир
тепада Опнинг ёввойи ўкириши эшитиларди.

Максвелл буралиб-буралиб, устига тушган одам-
нинг тагидан чиқиб олди ва гандираклаганича оёққа
турди. Тирсагига кучли бармоқлар ёпишди.

– Тезроқ чиқиб кетайлик, – деди Оп. – Бунинг охири
вой бўладиган.

Кэрол иккала кўли билан Силвестрнинг гарданидан чангаллаганича орқага тортди. Йўлбарсча орқа оёқларида турганча, олдинги панжаларини ҳавога тўхтовсиз урарди. У тинмай ўкирар, узун-узун қозик тишлари ҳатто нимқоронғида ҳам ханжарлардек яркирарди.

– Агар уни ҳозирок бу ердан олиб чикмасак, – деди Оп, – мушукча ўзига бифштекс топиб олади.

У шартта эгилиб, йўлбарсчани корнидан чангаллаб олди ва азот кўтариб, кўкрагига босди.

– Сен қизга кара, – деб буюрди у. – Бу ерда бошка чиқиш йўли бўлиши керак. Ҳа-я, шишани унутма! У бизга ҳали асқатади.

Максвелл шишани бўйнидан тутди.

Арвоҳ ҳеч қаерда кўринмасди.

6

– Мен кўркоқман, – дея тан олди Арвоҳ. – Яшириб не қилдим, жанжалнинг ҳиди чикқан жойдан бир зумда куён бўлиб қоламан.

– Ҳолбуки сен дунёда ягона шундай йигитсанки, ҳеч ким ҳатто черта олмайди, – деди Оп.

Улар тўртбурчак омонат стол атрофида ўтиришар, уни ҳам Оп бир гал ғайрати кўзиб кетганида рандаланмаган тахталардан ўз кўли билан ясаган эди. Кэрол олдидаги ликопчани нари сурди.

– Мен очимдан ўлай дегандим, аммо ҳозир томоғимдан бир лукма ҳам ўтмайди.

– Фақат сизгина эмас, – деди Оп. – Мушукчамизга бир қаранглар-а.

Силвестр ўчоқ олдида ғужанак бўлиб ётарди. Калта думи танасига ёпишган, паҳмоқ панжалари бурнини ёпган, хотиржам нафас олишидан мўйловлари бир маромда силкинади.

– Қилич тишли йўлбарс тўйиб еганини биринчи марта кўришим, – деди Оп.

У шишани кўтариб, чайқатди. У бўм-бўш эди. Неандертал туриб, бурчакка йўл олди, энгашиб, полдаги эшикчани очди ва остини тимирскилай бошлади. У шиша банкани олиб, бир чеккага қўйди. Кейин иккинчисини олиб, унинг ёнига жойлаштирди. Ва ниҳоят, қоронғи тешикдан тантана билан битта шишани кўтарди.

Банкаларни олдинги жойига қўйиб, Оп эшикчани ёпди. Кейин стол ёнига қайтиб, шишани очди ва стаканларга қуя бошлади.

– Энди бу ёғига музсиз ҳам ичаверасизлар-да, – деди у. – Яхши ичимликка сув қўшишнинг нима кераги бор ўзи! Қолаверса, менда музнинг ўзи йўқ.

У полдаги эшикчага ишора қилди.

– Махфий хазинам. Мен у ерда доимо бир-икки шиша сақлайман. Қора кунга атаганим бу. Масалан, оёғим синиб қолган, шифокор эса ичишни таъқиқлаган дейлик...

– Оёғинг сингани учунми? – шубҳаланиб сўради Арвоҳ.

– Оёғим бўлмаса, бошқа нарса учун, ишқилиб сабаб топилади-да.

Улар мамнуният билан вискини майдалаб ўтиришар, Арвоҳ оловга тикилар, ташқарида эса шамол кулба деворларини шитирлатарди.

– Умримда бунчалик мазали шомлик таом емагандим, – уф тортди Кэрол. – Бифштексни чўпга тикиб, олов устида пиширмагандим ҳеч қачон.

Оп қониқиш билан кекирди.

– Тош даврида биз гўштни шундай пиширардик. Ёки манави қиличтишлига ўхшаб хомлигича ютиб қўя қолардик. Чунки бизда на плита, на духовка ва на бошқа мосламалар бор эди.

– Менинг назаримда, – деди Максвелл, – бу гўшт каердан келиб колганини сўрамаганим маъкулрокка ўхшайди. Чунки гўшт дўконларнинг ҳаммаси ёпик эди.

– Тўғри, тўғри, – дея тасдиқлади Оп. – Бироқ шу ўртада бир дўконча бор ва унинг орка эшигида мана бу оддий кулф осиглиқ экан...

– Бир кунмас бир куни бошингга бало орттириб олишинг тайин, – деди Арвоҳ.

Оп бош чайкади.

– Йўк. Ҳар ҳолда бу гал эмас. Ҳаётий муҳим эҳтиёж бу... Йўк, унчалик ўхшамади бу гапим. Одам оч қолганида қандай егулик топа олса, ўшанга ҳақи бор. Ибтидоий даврларда шундай конун бор эди. Ҳозирда ҳам суд уни инобатга олади. Бундан ташқари, мен эртага ўша жойга бораман-да, нима бўлганини тушунтираман. Айтмоқчи, – у Максвеллга ўгирилди, – сенда пул борми?

– Хоҳлаганингча бор, – жавоб қилди у. – Менга Енот Терисига етиб боришим учун сафар харажатлари ажратилган. Ўша пуллардан бир тийин ҳам сарфламадим.

– Демак, бориб колганингиз сайёрада сизни меҳмондек кутиб олишибди-да? – деб сўради Кэрол.

– Тахминан шундай. Маҳаллий аҳоли билан қандай муносабатларда бўлганимни ўзимам охиригача тушуниб етолмадим.

– Улар яхши одамлар эканми?

– Яхшиликка-ку яхши-я, лекин одамлар эдими улар, йўкми – била олмадим. – У Опга ўгирилди. – Сенга қанча керак?

– Юзта етиб қолар. Гўшт, бузилган эшик ва, албатта, қассоб дўстимиз кўрган маънавий зарар.

Максвелл ҳамёнидан бир неча банкнот олиб, Опга узатди.

– Раҳмат, – деди неандертал. – Қарз деб билавер.

– Йўқ, – эътироз билдирди Максвелл. – Бугун мен меҳмон қилаяпман. Негаки мен Кэролни овқатланишга таклиф этгандим, аммо у ёғи унчалик ўхшамади.

Ўчок ёнидаги Силвестр эснади, керишди ва яна ухлай кетди, фақат энди тўрттала панжасини осмонга қилиб, чалқанча ётарди.

– Сиз бу ерда меҳмондамисиз, мисс Хэмптон? – деб сўради Арвох.

– Йўқ, – ажабланиб жавоб берди Кэрол. – Мен шу ерда ишлайман. Сиз нега бундай деб ўйладингиз...

– Йўлбарсингиз туфайли. Сиз уни биомех деддингиз ва мен беихтиёр Биомеханика институтининг ходими бўлсангиз керак, деган хаёлга бордим.

– Ҳа-а, – деди Кэрол. – Нью-Йоркдагими ё Венадагими?

– Агар хотирам панд бермаса, яна Улан-Баторда Осиё маркази ҳам бор.

– Сиз у ерда бўлганмисиз?

– Йўқ. Эшитганман, холос.

– Агар хоҳлаганингда борган бўлардинг, – деди Оп. – Чунки у бир лаҳзада истаган жойида пайдо бўлиш қобилиятига эга. Ғайритабиийлик бўйича мутахассислар ана шу сабабли ҳам уни кўп нарсда кечиришади. Улар пировард оқибатда унинг мана шу хил хусусиятларини ўрганиб олиш ниятидалар. Бирок Арвох дўстимиз ҳам эски туллак, уларга бўш келмайди.

– Аслида-ку, Арвох индамай юрганининг сабаби транспортчилар унга улуш узатиб турганларида, – дея қўшилди Максвелл. – У мик этмай юриши улар учун зарур. Башарти Арвох ўзининг ҳаракатланиш усули ҳақида ҳикоя қилиб берса, транспортчиларнинг уйи куйди деяверинг. Чунки унда одамлар масофа қанча бўлади – бир милями ёки миллион ёруғлик йилими, барибир – хоҳлаган жойларига хоҳлаганча кўчиб юраверадилар.

– Айтдим-ку, у ниҳоятда устаси фаранг! – дея гапни илиб кетди Оп. – Агар сиз биомеханика бўйича му- тахассис бўлмасангиз ва уни ўзингиз ясай олмасангиз, Арвоҳ бундай қилиштиш жуда катта пул туришига шама қилиб, гапни айлантириб келаётган эди-да, ахир!

– Тушунаяпман! – деди Кэрол. – Бу тўғри гап. У чиндан ҳам жуда катта пул туради, менда эса бундай маблағ йўқ. Отам Нью-Йорк Биомеханика институти- да дарс берган, унинг семинар талабалари Силвестрни тайёрлашган ва кейин у нафақага чиқаётганида совға қилишган.

– Бу мушукча биомеханик мавжудот эканлигига мен барибир ишонмайман, – деди Оп. – У менга қараганида кўзлари бир бошқача ялтиллаб кетаяпти.

– Гап шундаки, – изоҳ берди Кэрол, – ҳозирги вақт- да бунга ўхшаганларнинг ҳаммаси “мех”дан ҳам кўпроқ “био” деяверинг. “Биомеханика” деган атама эса ҳаддан зиёд мураккаб электрон мия ва асаб тизими ўзига хос тур- даги протоплазмага жойлаштирилган замонларда пайдо бўлган. Бироқ эндиликда уларда табиий равишда, айниқ- са, тез ишдан чикадиган аъзолар – юрак, буйрак, ўпка ва ҳоказоларгина механик тарзда қолган, холос. Сирасини айтганда, ҳозирги вақтда биомеханика институтлари шун- чаки у ёки бу жонли организмларни яратишаяпти... Аммо буларни ўзларингиз ҳам яхши биласизлар, албатта.

– Миш-мишларга қараганда, – деди Максвелл, – ўта мукамал инсонлар гуруҳи қаердадир ўта махфий тарзда сакланаётган эмиш. Сиз шу тўғрида бирон нима эшитганмисиз?

– Ҳа. Лекин доимо қандайдир ғалати овозалар юра- ди-ку барибир.

– Энг зўр мишмишни яқинда мен топдим, – дея қў- шилди Оп. – Бундан-да ғаройиброғи бўлмаса кераг-ов!

Менга пичирлаб айтишларича, ғайритабийлик бўйича мутахассислар нақ Иблиснинг ўзи билан алоқа ўрнатишган эмиш! Бунга нима дейсан, Пит?

– Эҳтимол, кимдир шунга уриниб кўргандир, – деди Максвелл. – Ўзи шунга қараб бораётганди.

– Наҳотки сизлар Иблис чиндан ҳам мавжуд эканлигига ишонсангизлар? – ажабланди Кэрол.

– Икки юз йил мукаддам, – дея жавоб берди Максвелл, – одамлар айнан шундай оҳангда наҳотки гоблинлар, троллар ва феялар ҳақиқатан бўлса, деб сўрашганди.

– Рухларни ҳам шу қаторга қўшавер, – деди Арвох.

– Сизлар жиддий гапираётганга ўхшайсизлар-а?! – дея хитоб қилди Кэрол.

– Йўқ, албатта, – деди Максвелл. – Бироқ мен ҳатто Иблис мавжудлигини ҳам далил-исботсиз инкор этолмайман.

– Бу ажойиб аср! – деди Оп. – Шу гапимни авваллари ҳам айтганман. Сизлар бидъат-хурофот ва кампирлар эртақларини бир ёқлик қилдингиз. Улардан ҳақиқат уруғларини изламоқдасиз. Аммо менинг кабиладошларим троллар, гоблинлар ва ҳоказоларни билишарди. Улар ҳақидаги афсоналар, ўзингизга маълум фактларга асосланган доимо. Фақат кейинроқ, инсон, агар таъбир жоиз бўлса ёввойи давр йўргагидан чиққандан сўнг у фактларни бир четга суриб қўйиб, ҳақиқатлигини ўзи билган нарсаларга ишонмайдиган бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам фактларни бўяб-бежаб, эртақлар, афсоналар ва асотирларнинг мағиз-мағзига сингдириб юборди. Одамлар кўпайишиб кетганидан кейин эса бу мавжудотларнинг бари улардан яхшилаб яширинадиган бўлиб қолишди. Ва тўғри қилишган экан: ўша мавжудотлар ўша даврларда сиз ҳозир билгандек ювош-мўмин эмасдилар мутлақо.

– Иблис-чи? – деб сўради Арвоҳ.

– Билмадим, – жавоб қилди Оп. – Эҳтимол, лекин аниқ айтилмайман. Ана ўша даврда сизлар ҳозир излаб топиб, ёруғ дунёга чиқариб, кўриқхоналарга жойлаштирган мавжудотларнинг ҳаммаси бор эди. Лекин уларнинг турлари анча кўп бўлган. Улардан айримлари кўркинчли, аммо бари зараркунанда эди.

– Сиз уларни унчалик яхши кўрмаганга ўхшайсиз.

– Ҳа, мисс, шундай.

– Менинг фикримча, – деди Арвоҳ, – Вакт институти шу масала билан шуғулланса арзийди. Бу мавжудотларнинг... уларни одамсимон мавжудотлар деб аташ мумкинмикан?

– Мумкин, албатта, – қувватлади Максвелл.

– ...маймунлар ва одамлардан мутлако бошқача турдаги мавжудотларнинг, чамаси, кўплаб хилма-хил турлари бўлган.

– Мутлако бошқачалик ҳам гапми! – деди Оп қизишиб. – Сассиқ махлуклардан бўлак ҳеч нарса эмас улар.

– Мен ишонаманки, Вакт институти пайти келиб, шу масалани ҳал қилишга ҳам киришади, – деди Кэрол.

– Нимасини айтасиз! – жавоб қилди Оп. – Мен уларга шуни гапирганим-гапирган ва керакли тавсифномаларни ҳам беряпман.

– Вакт институтининг олдида турган вазифалар ниҳоятда кўп, – эслатди уларга Максвелл. – Энг хилма-хил ва бирдек қизикарли соҳаларда. Улар бутун ўтмишни камраб олишлари керак, ахир!

– Маблағлар умуман бўлмаган ҳолда, – қўшимча қилди Кэрол.

– Вакт институтининг фидойи ходими овозини эшитаяпмиз, – киноя қилди Максвелл.

– Лекин бу ҳақиқат-ку! – хитоб этди киз. – Институтимиз ўтказаётган тадқиқотлар бошқа фанларга қан-

чадан-канча фойда келтириши мумкин! Ёзма тарихга ишониб қолавериш ярамайди. Кўплаб ҳолларда воқеа-ҳодисалар ёзма тарихда кўрсатилганидан мутлақо бошқача бўлиб чиқаяпти. Китоблару ҳужжатларга мангу муҳрланиб қолган ғаразғўйлик, нотўғри фикрлаш ва шунчаки тўмтоқ муҳокамалардан иборат ёзма тарих! Бироқ бошқа институтлар мана шу хил тадқиқотлар учун зарур маблағларни ажратиб берармиди? Йўқ ва яна йўқ, деб жавоб бераман бу саволга! Тўғри, истисно ҳоллар ҳам бор, албатта. Масалан, ҳуқуқшунослик факультети бизга доим ёрдам бериб келади, лекин бунақалар кам. Бошқалар эса хавфсирашади. Таваккал қилиб, ўзларининг тинч-осойишта ҳаётларини бузгилари келмайди. Мисол учун Шекспир воқеасини олайлик. Инглиз адабиёти факультети пьесаларнинг ҳақиқий муаллифи ким эканлигини билганидан кейин хурсанд бўлиши керакдек туюлади. Айниқса, бу борадаги баҳслар асрлар мобайнида тинмай келаётганини назарда тутганда. Бироқ Вақт институти бу саволга аниқ жавоб берганида эса улар ўзларини йўқотиб қўйишди.

– Мана энди, – деди Максвелл, – Вақт институти ўша пьесаларни ўзи ёзган-ёзмагани ҳақида маъруза ўқиши учун Шекспирнинг ўзини судраб келди! Сизлар нима дейсизлар, бу иш унчалик одобдан эмасми?

– Гап бутунлай бошқа нарсада! – дея портлаб кетди Кэррол. – Вақт институти керакли маблағни топиш учун тарихни томошагоҳга айлантириб юборишга мажбур! Доимо шу аҳвол. Минг хил режа тузиладики, ҳаммасидан мақсад – пул топиш. Хулласи калом, аллақандай масхарабозларга айланиб қолаётгандекмиз. Наҳотки шу аҳвол декан Шарпга ёқади, деб ўйласангизлар...

– Мен Харлоу Шарпни яхши биламан, – деди Максвелл. – У булардан бир олам қувонч олади, десам, гапимга ишонаверинг.

– Ё алҳазар! – хитоб қилди Оп сохта ваҳима ичида. – Ёки муқаддас сирларни ошкор этганинг учун сени чор-михга тортишлари мумкинлигини билмайсанми?

– Сизлар мендан куляпсизлар! – деди Кэрол. – Ҳам-манинг устидан, ҳамма нарса устидан куляпсизлар. Шу жумладан, сиз ҳам, Питер Максвелл.

– Мен улар номидан кечирим сўрайман, – дея аралашди Арвоҳ, – чунки шундай қилишга ўзларининг ақли етмайди. Факат ўн-ўн беш йил ёнма-ён яшагандан кейингина улар мутлақо беозор эканликларини тушуна бошларкансан.

– Барибир шундай кун келадики, Вақт институти ўзига зарур жамики маблағларга эга бўлади, – деди Кэрол. – Ана ўшанда у белгилаб қўйилган лойиҳаларни бемалол амалга ошира олади. Ана ўшанда бошқа факультетлар билганларини қилаверишсин. Мана шу савдо пишгач...

Қиз бирданига жим бўлди-ю, тошдек қотди-қолди. Беихтиёр оғзини кафти билан бекитмаслик учун ўзини аранг тутиб тургани яққол аён эди.

– Қанақа савдо? – деб сўради Максвелл.

– Чамаси, мен биламан, – деди Оп. – Менга миш-миш, аниқроғи, мишмишнинг бир учи етиб келганди-ю, унга эътибор бермагандим. Нафсиламрини айтганда-ку, айнан ана шундай разилона, пасткаш, ҳеч ким ҳеч қачон ишонгиси келмайдиган овозалар пировард натижада ҳақиқат бўлиб чиқади. Айникса, мишмиш даҳшатли бўлса, ҳамма ёққа ёйилиб кетса ва...

– Оп, гапни чўзма! – дея унинг сўзини бўлди Арвоҳ. – Нима эшитганингни айтгин-қўйгин-да.

– О, бунга ақл бовар қилмайди! – хитоб этди Оп. – Ҳар қанча уринманг, барибир ишона олмайсизлар.

– Бўлди қилинг-е! – кичкириб юборди Кэрол.

Хар уччовлари унга тикилиб, нима дейишини кута бошлашди.

– Мен ортикча гап айтиб юбордим. Қизишиб кетдим чоғи... Хуллас, мен ҳеч нима демадим, сизлар ҳеч нарса эшитмадингиз. Бу иш амалга ошиш-ошмаслигини ҳам билмайман ҳатто.

– Тўғри киласиз! – деди Максвелл. – Чунки ёмон даврага тушиб қолдингиз, ҳар турли кўрслик-қўполликларга чидашингизга тўғри келди ва...

– Йўк, – Кэрол бош чайқади. – Илтимосим бефойда. Қолаверса, илтимос қилишга ҳақим ҳам йўк. Начора бор гапни айтишимга тўғри келади, у ёғи энди виждонингизга ҳавола. Ишончим комилки, булар шунчаки қурук гаплар эмас. Вакт институтига Артефактни сотиш таклиф этилаяпти.

Кулбага оғир сукунат чўкди – Максвелл билан дўстлари тошдек қотиб қолишган, нафас олишлари эшитилмасди. Кэрол уларга бир-бир назар ташлаб ажабланар, нима бўлганини тушунолмаётган эди.

Нихоят, Арвох сал кимирлаган эди, ҳамманинг назарида унинг оппок кафани сокинлик ичра нақ шитирлаб кетгандек туюлди.

– Биз уччовимизга Артефакт нечоғли кадрли эканлиги сизга маълум эмас-да, – деди у.

– Бизни чакмоқ ургандек қилдингиз, – тасдиқлади Оп.

– Артефакт! – деди ярим овозда Максвелл. – Артефакт. Буюк жумбоқ. Ҳаммани боши берк кўчага кири-тиб қўйган, дунёда ягона буюм...

– Сирли тош! – деди Оп.

– Тош эмас, – тўғрилади уни Арвох.

– Демак, у нима эканлигини сизлар менга тушунтириб бера оласизлар? – сўради Кэрол.

Бирок ҳамма гап шундаки, унинг саволига Арвох жавоб бера олмайди, деб ўйлади Максвелл, умуман,

ҳеч ким жавоб беролмайди. Ўн йилча муқаддам Вақт институтининг юра даври¹га йўл олган экспедицияси Артефактни бир адир тепасидан топган ва у ақл бовар қилмас саъй-ҳаракатлару харажатлар билан ҳозирги даврга олиб келинган эди. Уни вақт бўйлаб олиб ўтишда вазни шу қадар улкан қувватни талаб этдики, бунақаси шу пайтгача сира кузатилмаганди. Мазкур тадбирни амалга ошириш учун ўтмишга ихчам ядро генераторини жўнатишга тўғри келди, у қисмларга бўлиб олиб борилди ва ўша ерда йиғилди. Шундан сўнг экспедиция олдида генераторни ҳозирги даврга қайтариш масаласи кўндаланг турди, чунки бу хил нарсани ўтмишда, ҳатто юра даври сингари олис ўтмишда бўлса ҳам қолдириш мутлақо мумкин эмасди.

– Бунини мен сизга тушунтириб беролмайман, – деди Арвох. – Бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

У чин ҳақиқатни айтган эди. Артефакт нима эканлигини тахминан бўлса ҳам аниқлашга ҳали ҳеч ким муваффақ бўла олмаган. Қандай материалдан ясалгани номаълум буюм барча тадқиқотчиларнинг бошини қотирди – уни аввал тош, кейин металл, деб фараз қилишди, аммо униси ҳам, буниси ҳам бўлиб чиқмади. Бўйи олти, баландлиги тўрт футли², чорқирра ва залворли Артефакт бошдан-оёқ зулматдан иборат бўлиб, на энергия ютар ва на чиқарарди. Ёруғлик ва бошқа хил нурланишларни акс эттирувчи сиртида кесувчи асбобларнинг биронтаси заррача из қолдирмади, ҳатто лазер нури ҳам ожизлик қилди. Ҳеч нарса таъсир ўтказа олмайдиган Артефакт ўз сирини маҳкам сақларди. Вақт музейининг биринчи залида супа устида турган бу мўъжиза ҳатто тахминан бўлса-да изоҳи топилмаган дунёда ягона буюм эди.

¹ Мезозой эрасининг иккинчи даври.

² Бир фут – 30,48 см га тенг узунлик ўлчови.

– Мабодо шундай бўлса, – деди Кэрол, – сизлар нега энди шунчалик лол колдингизлар?

– Чунки, – жавоб қилди Оп, – Питнинг назарида бу нарса олис ўтмишда адир элатининг топиниш манбаи бўлгани эҳтимол. Яъни, агар бу ярамаслар умуман бирон нимага сиғинишга кодир бўлсалар, албатта.

– Мен жуда ачинаяпман, – деди Кэрол. – Чини билан. Чунки бун билмовдим. Балки институтга хабар қилсак...

– Бу шунчаки фараз, холос, – эътироз билдирди Максвелл. – Мен асосланишим мумкин бўлган бирон-бир далил-исботнинг ўзи йўқ. Бор-йўғи адир элати билан суҳбатлардан кейин кўнгилда қолган аллақандай ноаниқ ҳиссиётлар. Бирок ҳатто митти элат ҳам бу тўғрида ҳеч нима билмайди. Негаки – бу жуда олис ўтмиш.

Олис ўтмиш! Қарийб икки юз миллион йил муқаддам.

7

– Сизларнинг Опингиз мени ҳайратга солди, – деди Кэрол. – Бир тупканинг тагида курган уйчаси ҳам!

– Унинг турар жойини уйча деганингизни эшитганида каттиқ хафа бўларди, – деди Максвелл. – Бу – кулба ва Оп у билан фахрланади. Тўғридан-тўғри ғордан уйга ўтиш унга анча оғирлик қилган бўларди. Ўзини ниҳоятда ўнғайсиз сезиши аниқ эди.

– Ғордан дейсизми? У чиндан ҳам ғорда яшаганми?

– Қадрдон дўстим Оп ҳақида сизга баъзи нарсаларни айиб беришим керак. У уччига чиққан ёлғончи. Унинг ҳар бир гапига ишонаверманг. Масалан, одамхўрлик ҳақида айтганлари...

– Хайрият-е, шу гапингиздан анча енгил тортдим. Одамлар бир-бирини ейишини тасаввур қилиш қийин...

– Бироқ одамхўрлик ўз вақтида мавжуд бўлгани аниқ маълум. Аммо Оп қозонга тушиши керакмиди –

бу мутлако бошқа масала. Очиғи, умумий маълумотлар тўғрисида гап кетганида унинг айтганларига ишониш мумкин. Лекин ўзининг саргузаштларини тасвирлаши шубҳалироқ.

– Ғалати-я! – деди Кэрол. – Институтда бир неча марта учратганимда у менга кизикарли кўринган, бироқ у билан танишиб коларман, деб сира ўйламовдим. Тўғриси, шунақа истагим ҳам бўлмаган. Шундай одамлар борки, улардан узоқроқ юришни маъкул кўраман, Оп ҳам ўшалардан бири бўлиб туюлган. Уни дағал ва тарбия кўрмаган, деб тасаввур қилардим...

– У айнан шундай!

– Лекин ўзига жалб этадиган жиҳатлари ҳам борда! – эътироз билдирди Кэрол.

Осмоннинг қоронғи каърида кузнинг ёрқин юлдузлари совук милтирайди. Деярли бўм-бўш шоссе адир тепасида тизмалар бўйлаб айланади. Анча пастликда университет шаҳарчасининг чироқлари порлайди. Адирлардан эсган шамол ёкилаётган хазонларнинг заифгина ҳидини келтиради.

– Ўчоқдаги оловни айтмайсизми – қандай гўзаллик-а! – хўрсинди Кэрол. – Питер, биз нега оловсиз яшаймиз? Ўчоқ қуриш унчалик қийин иш бўлмаса кераг-ов.

– Юзлаб йиллар аввал, – деди Максвелл, – ҳар бир уйда ёки деярли ҳар бирида камида битта ўчоқ бўлган. Баъзан бир қанчаси ҳам учраган. Жонли оловга нисбатан интилиш атавизм ҳодисаси, албатта. Олов иссиқлик манбаи ва ҳимоя воситаси бўлган даврлардан бир хотира, холос. Пировард окибатда эса бу ҳиссиёт ортда қолиб кетди.

– Аксинча. Биз бошқа томонга бурилиб кетдик. Ўтмишимизнинг қандайдир қисмига орқа ўгириб қолдик. Оловга бўлган эҳтиёж эса бизда ҳалиям яшаяпти.

Бу соф рухий туйғу эканлиги ҳам эҳтимол. Мен бугун шунга ишонч ҳосил қилдим. Олов бениҳоя жозибадор ва шинам эди! Балки бу ибтидоий хусусиятдир, бироқ бизда илк ҳиссиётлардан ҳам нимадир сақланиб қолиши керак-ку, ахир!

— Оп оловсиз яшолмайди, — деди Максвелл. — Экспедиция уни бизнинг давримизга олиб келганида айнан олов йўклиги уни ҳамма нарсадан кўпроқ хайратга солганди. Дастлабки пайтларда унга худди асирдек муомала қилишган, албатта — қамаб қўйишмаган-у, доимо назорат остида тутишган. Лекин янгича ҳаёт тарзига мослашганидан кейин у шаҳарчадан ташқарида қулайроқ жой топиб, ўзига кулба қуриб олди. Кулбаси ўзи хоҳлаганидек жўнгина, аммо олови бор. Ҳа, яна Оп полиз ҳам қилган, унинг полизини албатта кўришингиз керак. Озиқ-овқатни экиб етиштириш ғояси унинг учун мутлақо янгилик бўлди. Чунки унинг даврида буни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмаган-да. Мих, арра, болға, тахта ва ҳоказолар ҳам унинг учун янгилик эди, албатта. Бироқ у рухий жиҳатдан ниҳоятда мослашувчан чиқиб қолди-ю, янги ғоялар сингари янги асбоб-ускуналарни ҳам осонгина ўзлаштириб олди. Уни ҳеч нарса хайратга сололмасди. Ўз кулбасини ҳам арра, болға, мих, тахта ва бошқа нарсалар ёрдамида қуриб олди. Лекин ҳар қалай, менинг назаримда, полиз — егуликни овлаб юрмай, ерда етиштириш ғояси уни ҳамма нарсадан кўпроқ ларзага солганди. Эҳтимол, эътибор бергандирсиз, егулик бунчалик мўл-кўл эканлигига у ҳали-ҳанузгача кўникиб кетолмаяпти.

— Ичимликлар ҳам шу жумладан! — қўшимча қилди Кэрол.

■ Максвелл кулди.

— Бу ҳам у бир зумда ўрганиб олган яна бир янгилик. Ичкилик унинг жони-дили. Ҳатто ўз кулбасида қурил-

ма ўрнатиб олиб, қўлбола ароқ тайёрлайди. Ниҳоятда заҳарли ичкилик.

– Лекин уни меҳмонларга бермайди, – деди Кэрол. – Биз виски ичдик.

– У ароқни энг яқин дўстлари учун асраб қўяди. Яширин жойдан олган банкалари ўша эди...

– Уларни нега яширади, деб ўйловдим-а. У банкалар менга бўм-бўш кўринди.

– Иккови ҳам тиник ароққа тўла.

– Сиз Оп авваллари асир ҳолатида бўлган дедингиз. Ҳозир-чи? Вақт институтига нисбатан у ким?

– Оп Институтингизнинг васийлигида ҳисобланади. Лекин ҳеч қандай вазифаси йўқ. Шунга қарамай, у Институтдан асло-асло айрилмайди. Сиздан ҳам фидойирок.

– Хўш, Арвоҳ-чи? У ғайритабиий ҳодисалар факультетининг ётоқхонасида яшайдими? У ҳам васийликдами?

– Йўқ, мутлақо. Арвоҳ – дайди мушукнинг ўзгинаси. Қаерда хоҳласа юраверади. Сайёранинг барча бурчакларида дўстлари бор. Менинг билишимча, Арвоҳ Ҳимолайдаги динларнинг қиёсий тарихи институтида катта иш олиб боради. Лекин у бу ерга тез-тез келиб туради. Ғайритабиий ҳодисалар факультети Арвоҳ билан алоқа бошлагандан бери Оп икковлари калин дўст бўлиб кетишган.

– Пит, сиз уни Арвоҳ дейсиз. Лекин аслида у ўзи нима?

– Руҳ, албатта, яна нима бўларди?

– Аммо руҳнинг ўзи нима?

– Билмайман. Тушунишимча, буни умуман ҳеч ким билмайди.

– Бирок, сиз ғайритабиий ҳодисалар бўйича мутахассис ҳисобланасиз-ку!

– Тўғри. Лекин мен доимо митти элат билан ишлайман, гоблинлар бўйича ихтисослашганман. Айни пайт-

да мени бошқа барча мавжудотлар, ҳатто баншилар ҳам кизиктиради. Ҳолбуки, улардек маккор ва писмиқ мавжудотлар бўлмаса керак.

– Бундан чиқди, руҳлар бўйича ҳам мутахассислар бўлиши керак. Улар нима дейишяпти?

– Жуда кўн нарсани айтишади. Арвоҳлар, шарпалар ва хоказолар тўғрисида беҳисоб китоблар ёзилган, аммо уларни ўқиб чиқишга ҳеч қачон вақтим етишмаган. Билганим шуки, қадимги асрларда ҳар бир инсон ўлганидан кейин руҳга айланади, деб ҳисоблашган, бироқ эндиликда, тушунишимча, бу назария инкор этилган. Руҳлар алоҳида, ўзига хос ҳолатларда вужудга келади, аммо улар қандай ҳолатлар эканлиги тўғрисида заррача ҳам тасаввурим йўқ.

– Биласизми, – деди Кэрол. – унинг юзи балки у дунёга хосдир, лекин айти пайтда ғоятда жозибадор. Мен ўзимни ҳеч тутолмадим, ундан кўзимни узолмай қарайвердим. Шу туришида у кафан бурмалари орасидаги бир парча ғира-ширалик, холос, кафан бўлиб кўринаётган нарса ҳам аслида кафан эмас. Гоҳида худди кўзлари бордек туюлади. Аллақандай митти учкунларми-ей, ёки буларнинг бари шунчаки тасаввурим маҳсулимикан?

– Йўқ, баъзида менга ҳам алланималар кўринаётгандек бўлиб кетади.

– Сиздан илтимос, – дея сўради Кэрол, – манави тентакни бўйнидан тутиб, сал орқага суриб қўйинг. Сал қолса тезкор йўлкага тушиб қоладигандек бўлиб турибди. Ё тавба, умуман ҳеч нарсани ўйламайди-я. Билгани факат овқат ейишу ухлаш, бирон нимани ўйлашга қобил эмас.

Максвелл энгашиб, Силвестрни олдинги жойига суриб қўйди. Йўлбарсча уйку аралаш ғудранди.

Ўриндик суянчигига суяниб, Максвелл осмонга назар ташлади.

– Юлдузларга бир каранг-а, – деди у. – Ердаги осмон ҳеч жойда йўқ. Қайтиб келганимдан хурсандман.

– Энди бу ёғига нима қилмоқчисиз?

– Ҳозир сизни уйга кузатиб қўяман-да, жомадонимни олиб, яна Опнинг ёнига қайтаман. У банкаларидан бирини очади ва ўша захри-заккумни ичиб, тонг отгунча суҳбатлашамиз. Кейин мен меҳмонлар учун мўлжалланган тўшакка чўзиламан, у эса бир кучок япроқлар устига гўжанак бўлиб олади...

– Мен бурчакда ўша япроқларни кўрдим ва нима учун кераклигига жудаям кизикдим. Аммо сўрай олмадим.

– Оп улар устида ухлайди. Каравотда ётиш унга нокулай. Энди бу ёғини ўйлаганда, ўзининг даврида кўп йиллар мобайнида унинг учун шу бир кучок япроқлардан ҳам юмшоқроқ тўшак бўлмаган...

– Яна устимдан куляпсиз-а.

– Кулаётганим йўқ, – деди Максвелл, – тўғриси айтаяпман.

– Лекин мен сиздан бугун кечкурун нима килишингизни эмас, балки бундан буёнги режаларингизни сўровдим. Сиз, ахир, ўлгансиз-ку. Ёки буни унутиб қўйдингизми?

– Мен ахволни тушунтираман, – деди Максвелл, – канча керак бўлса, шунча тушунтиришга тайёрман. Қарерга бормай, аслида нима воқеа рўй берганини билишга кизикадиган одамлар топилади. Эҳтимол, ҳатто расмий тадқиқот ҳам ўтказилар. Бунгача етиб бормаса керак, деб чин кўнгилдан хоҳлайман, лекин қоида барибир қоида-да.

– Шундай бўлганидан афсусланаман, – деди Кэрол, – лекин барибир хурсандман. Иккита эканлигингиз жуда соз бўлган.

– Агар транспортчилар бу ҳодисанинг сабабини текшириб аниқлай олишса, – деди Максвелл, – жуда ажо-

йиб кашфиёт қилган бўлишарди. Ана ўшанда ҳаммамиз ўз нусхамизни қора кунга асраб қўя олардик.

– Бу ҳеч қандай фойда бермайди, – эътироз қилди Кэрол. – Яъни, ҳар бир индивид учун демокчиман. Ўша, бошқа Питер Максвелл ҳам мустақил шахс бўлган ва... у ёғига адашиб кетаяпман. Бундай мураккаб ҳодисаларни англаб етиш учун вақт алламаҳал бўлиб қолди, лекин сизнинг ғоянгиз амалга ошмаслигига ишончим қомил.

– Шунақага ўхшайди, – маъқуллади Максвелл. – Бир бемаъни фикр ярқ этиб ўтди-да.

– Оқшом эса жуда кўнгилли кечди, – деди Кэрол. – Раҳмат. Мен жуда мамнун бўлдим.

– Силвестр эса катта бифштексдан мамнун.

– Нимасини айтасиз. У сизни унутмайди энди. Бифштекс билан сийлайдиган одамларни ўлгудек яхши кўради. Тенги йўқ очофат!

– Мен сиздан бир нарсани сўрамокчи эдим, – деди Максвелл. – Сиз бизга Артефактни сотишни ким таклиф этганини айтмадингиз.

– Бунисини билмайман. Шундай таклиф бўлганидан хабарим бор, холос. Менинг тушунишимча, савдо шартлари Вақт институтини жиддий равишда қизиқтирадиган даражада манфаатли. Шунчаки, мен эшитишим керак бўлмаган суҳбатнинг бир учи қулоғимга чалиниб қолувди. Нима, бунинг бирон-бир аҳамияти борми?

– Эҳтимол.

– Бир исм тилга олинганини ҳозир эслаб қолдим, аммо назаримда у одам харидорнинг ўзи эмас. Шу савдога қандайдир даражада алоқадор кимса бўлса керак. Черчилл номли бир одам. Бу сизга бирон нимадан дарак берадими?

Максвелл жомадонини кўтариб қайтганида Оп ўчоқ олдида ўтирган кўйи катта пакки пичоқда оёқларининг тирноғини олиш билан овора эди.

Неандертал пичоқ билан каравотни кўрсатди.

Қўлингдагини бу ёққа кўйгин-да, ўзинг ёнимга чўк. Мен ҳозиргина ўчоққа иккита ғўла ташладим, банкадаги эса икковимизга етади. Етмаса, яна иккитаси бор.

– Арвоҳ қани? – деб сўради Максвелл.

– Ғойиб бўлган. Қаерга кетганини билмайман, у менга бунни айтиб ўтирмайди. Лекин тезда қайтади, чунки ҳеч қачон узоқ йўқолиб кетмайди.

Максвелл жомадонини каравот устига кўйди-да, ўчоқ ёнига қайтиб, унинг ғадир-будир тошларига суяниб ўтирди.

– Бугун роса олиб қочдинг-да ўзиям, – деди у, – бошқа пайтлари бунчалик валдирамасдинг-ку. Нима учун энди?

– Қизнинг чиройли кўзлари учун, албатта, – жавоб килди Оп ишшайиб. – Шундай кўзларни ҳайратга солсам, бирам яйраб кетаманки, асти қўяверасан. Ўзимни тутта олмаганим учун кечир, Пит.

– Одамхўрлигу қайт қилишларни жуда берилиб тасвирладинг-да, – давом этди Максвелл. – Ошириб юбормадингми назарингда?

– Сал кизишиб кетганим тўғри, – дея тан олди Оп. – Лекин начораки, тингловчи ёввойи неандерталдан айнан шуни кутиб туради-да!

– Аммо уям унчалик анойи эмас, – деди Максвелл. – Артефакт масаласида вазиятдан ниҳоятда усталик билан чикиб кетди.

– Шундай деб ўйлайсанми?

– Турган гап. Ёки сен бу хабар кизнинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетганлигига ишонаяпсанми?

– Бу тўғрида умуман ўйлаганим йўқ, – деди Оп. – Балки атайлаб айтгандир. Лекин бундан унга нима фойда?

– Фараз қилайликки, Кэрол Артефакт сотилишини истамаяпти. Лекин шуни биладики, сенга ўхшаган оғзи бўш одамнинг олдида беихтиёр гапириб юборгандек бўлса, бу янгилик эртагаёк бутун шаҳарчага кенг ёйилиб кетади. Бунақа овозалар эса савдони тўхтатиши мумкин, ана шундан умид қилаяпти.

– Мен оғзи бўш нусхалардан эмаслигимни ўзинг яхши биласан-ку, Пит.

– Билишга-ку биламан-а. Лекин бугун ўзингни қандай тутганингни ҳам бир эслаб кўр.

Оп паккини буклаб, чўнтагига солди ва банкани олиб, Максвеллга узатди. Максвелл каттарок бир ҳўплаган эди, оловдай суюқлик томоғини нақ тиғдек тилиб ўтди-ю, йўтала бошлади. “Бу лаънати акалли бир марта тикилмай ўтса кошкийди!” – деб ўйлади. Кейин бир амаллаб ютиб, яна бир неча лаҳза нафас ололмай ўтирди.

– Ажойиб нарсда, – деди Оп. – Айникса, бу галгиси жуда зўр чикди, кўпдан буён шунақасига етишолмаётгандим. Кўрдингми – нақ кўз ёшидек тиник!

Максвелл бирон нима дея олмай, бош ирғаб қўя қолди.

Оп ўз навбатида банкани олиб, оғзига тутди ва бошини орқага ташлади – ичкилик сатҳи бирданига икки-уч энликка пасайиб кетди. Кейин банкани авайлаб кўкрагига босди ва шунақанги кучли нафас чиқардики, ўчоқдаги олов лопиллаб кетди. У бўш қўли билан банкани силаб қўйди.

– Айнан маромида, – деди оғзини кафти билан артиб, сўнгра оловга тикилган қўйи бир муддат жим қолди.

– Лекин сени қиз оғзи бўшлардан деб ўйламагани аник, – деди ниҳоят. – Бу окшом сен ўзинг ҳақиқат атрофида роса айланганингни пайкамадим, деб ўйлайсанми?

– Балки шундайдир, – деди Максвелл ҳаёлчанлик билан, – чунки ўша ҳақиқат нималигини ўзим билмасам нима қилай. Гапларимни эшитишга кайфиятинг борми ўзи?

– Истаганингча бор кайфиятим, агар сен гапиришни истасанг. Лекин ҳеч нима демаслигинг ҳам мумкин. Айтмоқчиманки, дўстлигимиз туфайли ўзингни мажбурлама. Ҳеч нарса гапирмасанг ҳам аввалги дўстлигимизча қолаверамиз. Буни ўзинг биласан. Бу тўғрида умуман гаплашмаслигимиз ҳам мумкин. Бошқа мавзулар озмунчами.

Максвелл бош чайқади.

– Йўқ, Оп. Мен буларнинг барини ким биландир муҳокама қилишим керак. Лекин фақат сенгагина ишонишим мумкин. Ёлғиз ўзим ҳеч нарса қилолмайман.

– Қани, яна ол-чи, – деди Оп банкани унга узатиб, – кейин бошлайвер гапингни, агар хоҳласанг. Мен бир нарсани – транспортчилар бу хатога қандай қилиб йўл қўйганларини сира тушунолмаяшман. Хатога йўл қўйганларига ишонмайман. Шу ўринда бошқа бир нарса бордек туюлаяпти менга.

– Янглишмаётганга ўхшайсан, – жавоб берди Максвелл. – Қаердадир бир сайёра бор, унчалик узоқ ҳам бўлмаса керак менимча. Ҳеч қайси қуёшга боғланмаган, ўз ҳолича юрган сайёра. Бироқ айти пайтда, менинг тушунишимча, қайси бир тизим маъқул келиб қолса, истаган пайтида унга қўшилиб олиши ҳам мумкин.

– Бу анчагина мураккаб масала! Маҳаллий сайёраларнинг орбиталари чигаллашиб кетади.

– Шарт эмас, – эътироз билдирди Максвелл. – У ўз орбитасини бошқа текисликда танлаши мумкин. Бу

холда унинг борлиги бошка сайёраларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

У банкани олиб, кўзларини юмди-да, яхшилаб симириди. Кейин яна дағал тошларга суянди. Мўрида шамол увиллар, аммо юракни сикадиган бу товуш ташқаридан, тахта деворлар ортидан эшитиларди. Ўчоқда ёниб бўлган ғўла тўкилиб, кип-кизил чўғлар сочилди. Аланга лопиллаб, хонадаги ноаник соялар тебраниб кетди.

Оп банкани Максвеллнинг кўлидан олди, лекин ичмасдан тиззалари орасига кистириб қўйди.

– Бошқача айтганда, бу сайёра тўлқин схемангдан нусха олди ва сен иккита бўлиб колдинг, – деди у.

– Буни сен қаердан биласан?

– Дедуктив усул. Рўй берган ҳодисанинг энг мантикий изоҳи. Иккита бўлганинглар менга маълум. Сендан олдин келган бошқаси билан гаплашганман, у – сен эдинг. У худди ўзингдек Питер Максвелл эди. Унинг айтишича, Енот Териси сайёрасида аждарҳонинг ҳеч қандай излари топилмабди, буларнинг барчаси курук гап экан, шу боис у барвактрок қайтибди.

– Мана гап қаерда экан! – деди Максвелл. – Мен эса у нега муддатидан олдин қайтганини тушунолмай юргандим.

– Мен нима қилишга хайронман, – деди Оп, – қувонсаммикан ёки қайғурсаммикан? Ҳар иккала ҳиссиёт ўзаро араллашиб кетди-ю, инсон тақдирининг англаб бўлмас йўллари олдидаги хайратланиш туйғуси колди, холос. У – бошқаси сен эдинг. У ўлди ва мен дўстимдан айрилиб колдим, зотан, у инсон ва шахс эди, инсон шахси эса ўлим билан бирга тугайди. Лекин мана сен рўпарамда ўтирибсан. Башарти мен аввал дўстимни йўкотган бўлсам, энди уни яна топиб олдим, чунки сен худди аввалгиси каби ҳақиқий Питер Максвеллсан.

– Менга айтишларича, у бахтсиз ҳодисага учраган экан.

– Билмадим энди бунисини, – деди Оп. – Мен шу ҳақда кўп ўйладим. Бу бахтсиз ҳодиса бўлганига ишонмайман, сен қайтиб келганингдан кейин эса айникса. У шосседан тушаётганида қоқилиб кетган, йиқилганида энсаси билан урилган...

– Бироқ шосседан тушаётганида ҳеч ким қоқилиб кетмайди-ку, ахир. Мабодо майиб-мажруҳ ёки ўлгудек маст бўлмаса. Ташқи йўлка аранг ҳаракатланади.

– Тўппа-тўғри, – деди Оп. – Полиция ҳам шундай фикрлади. Бироқ бошқа ҳеч қандай изох топилмади, полицияга эса, ўзингга маълум, ишни ёпиш учун биронта изох керак. Бу воқеа кимсасиз жойда рўй берган. Шу ердан гоблинлар кўрикхонасигача бўлган йўлнинг тахминан ўртасида. Гувоҳлар йўқ эди. Бу воқеа, чамаси, шоссе бўм-бўшлик пайтида содир бўлган. Эҳтимол, кечаси. Уни эрталаб соат ўнларга яқин топишган. Соат олтидан шосседа одам кўп бўлган, лекин ҳаммалари ички тезкор йўлкаларда ўтиришган ва чекка томонни кўришмаганга ўхшайди. Жасад уни кўргунларича узок вақт ётиши ҳам мумкин эди.

– Сенингча, бу бахтсиз ҳодиса эмасми? У ҳолда нима – котиликми?

– Билмадим. Шу фикр хаёлимга келди. Тўғри, воқеанинг битта ғалати жихати изохсиз қолаверди. Жасад топилган жойда қандайдир ғайриоддий, ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳид бор эди. Сизлар иккита эканлигингизни кимдир билган, эҳтимол. Ва бу ҳол, аллақандай сабабга кўра, унга маъкул келмаган.

– Бироқ, биз иккита эканлигимизни ким билиши мумкин эди?

– Ўша сайёра аҳолиси. Башарти унда аҳоли бўлса...

– Бор эди, – деди Максвелл. – У хайратомуз жой...

У гапирар экан, ўша жой кўз ўнгида яккол намоён бўлди. Биллур сайёра – илк танишувда у Максвеллга шундай кўринди ҳар қалай. Ҳамма томонга ястанган маҳобатли биллур текислик, унинг тепасида эса биллур осмон. Текисликдан юкорига кўтарилган биллур устунлар, уларнинг учлари осмоннинг окиш-зангори қаърига сингиб кетган, юксакликка интилган ва осмонни тутиб турувчи таянчлар эди улар. Чор атроф кимсасиз. Бу манзара бал ўтказилувчи улкан ўлчамлардаги залга ўхшаб кетар, ҳамма ёқ озода-саришта бўлиб, мусика ва раққосларни кутарди гўё. Улар эса келишмади ва энди ҳеч қачон келишмайди, эртақлардагидек ҳашаматли бу зал бўм-бўш қолаверади асрлар мобайнида ва унинг нафис гўзаллиги ҳеч кимни қувонтирмайди.

Деворлари бўлмаган бу рақс зали олис-олисларга, лекин уфққа эмас (у ерда уфқ умуман йўқдек эди), балки окиш-шиша осмон биллур пол билан туташиб кетган жойларга чўзилиб кетган эди.

У ақл бовар қилмас бу маҳобатдан – осмоннинг чексизлигидан эмас (илло, у чексиз эмасди), улкан кенгликлардан ҳам эмас (илло, улар улкан эмасди), балки айнан ёпик бинонинг бу қадар маҳобатидан хайратланиб, тош қотганди. Бамисоли баҳайбат одамнинг уйига кириб адашиб қолган-у, эшик қаерда бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаётгандек эди.

Бу жой ҳеч қандай фаркланувчи белгиларга эга эмасди, негаки ҳар бир устун қўшни устуннинг аниқ нусхаси бўлиб, осмонда эса (агар бу осмон бўлса) бир парча ҳам булут кўринмасди. Ҳар бир фут бошқа ҳар қандай фут билан, ҳар бир миля¹ бошқа ҳар қандай миля билан айнан бир хил бўлиб, ўзаро мутлако ўхшаш ва теп-те-

¹ Куруклик миляси 7420 м га тенг.

кис биллур плиталар барча йўналишларда чўзилиб кетганди.

У бу ерда бирон одам борми ўзи, деб кичкиргиси келди, аммо бунга журъати етмади – балки унинг овозидан атрофдаги совуқ ва яркирок улуғворлик парчалашиб, жимирловчи киров булутига айланиб кетиши мумкинлигидан хавфсиради чоғи, чунки у ерда тик этган товуш эшитилмайдиган сукунат ҳукм сурарди. Мана шу сокин, совуқ ва кимсасиз жой, унинг бутун улуғворлигию бошдан-оёқ оппоклиги бўм-бўшлик қаърига сингиб кетганди.

У оҳиста, эҳтиёткорлик билан, оёқ товуши бутун шу оламни чанг-тўзонга айлантириб юбориши мумкинлигидан хавфсираган кўйи бурилди ва кўз кири билан... йўқ, ҳаракатни эмас, балки фақат ҳаракатча ишоранигина илғаб қолди, гўёки у ерда нимадир бор эди-ю, нигоҳ пайкамайдиган тезликда учиб кетгандай туюлди. У этлари жимирлашиб кетганини сезиб тўхтади, ҳақиқий хавф-хатардан ҳам даҳшатлироқ бўлган бегоналикни хис этиб, лол қотди, юрагига ваҳима солаётган бу бегоналик жамик нормал нарсаларга мутлақо ўхшамас, улардан шу қадар йироқ эдики, унга қараганда кўзни юмишга улгурмай туриб ақлдан озиш мумкиндек туюларди.

Ҳеч нима рўй бермади ва у яна кимиради, оҳиста-оҳиста бурилди ва бирдан шунча вақт мобайнида орқасида турган аллақандай қурилмани кўрди... У машина-миди? Асбобмиди?

Ва туйқусдан тушунди. Унинг олдида уни бу ерга тортиб олган номаълум мослама – мавжудлиги мумкин бўлмаган шу биллур оламда материяни узатиш ва қабул қилиш қурилмасининг ўрнини босувчи нарса турарди.

Бир нарсани – бу сайёра Енот Териси тизимига мансуб эмаслигини у аниқ биларди. Бу жой ҳақида у ҳеч

качон ҳатто эшитмаган ҳам. Коинотнинг маълум бўлган қисмидан ҳеч қаерида у ҳозир кўриб турган нарсага ҳатто салгина бўлса ҳам ўхшаб кетадиган ҳеч нима йўқ эди. Қандайдир ҳодиса юз берган-у, уни ўзи йўл олган сайёрага эмас, балки коинотнинг аллақандай унутилиб кетган бурчагига улоктириб юборган, бу ерга инсон миллион йилдан аввалроқ кадам қўйиши даргумон – у Ердан шу даражада узоқки, бундай масофани идрок эта олишга мия қодир эмас.

У яна қандайдир ноаниқ жимирилашни илғади, гўёки биллур фонда жонли соялар липиллаётгандек эди. Бу жимирилаш бирданига узлуксиз ўзгарувчан шакллarga айланди ва у бу ерда улар кўплигини кўрди. Тушунарсиз, ҳар бири алоҳида мавжуд бўлган бу ҳаракатдаги шарпалар ўз жимирилашида қандайдир шахсиятни яширгандек эди. Улар номаълум мавжудотларнинг арвоҳларига ўхшайди-я, деб ўйлади у дахшат билан.

– Ва мен уларга воқеликка қарагандек қарадим, – деди Максвелл Олга. – Мен улар мавжуд эканлигига ишондим. Бошқа иложим ҳам йўқ эди-да. Акс ҳолда шу биллур саҳнда ёлғиз қолардим. Ўтган аср одами уларни воқелик сифатида идрок эта олмасди, эҳтимол. Бузилган тасаввурининг маҳсули сифатида уларни ўз онгидан чиқариб ташлашга уринган бўларди. Бироқ мен Арвоҳнинг ёнида жуда узоқ вақт юрганим туфайли ҳам шарпалар ғоясидан кўркадиган одам эмасдим. Ғайритабиий ҳодисалар билан анчадан бери шуғулланишим сабабли ҳам инсонга номаълум мавжудотлар ва кучлар тўғрисидаги фикр мени эсанкиратиб қўя олмасди. Ғалати, аммо таскин берувчи бир нарса – уларни идрок этаётганимни улар сезишди.

– Демак, бу арвоҳлари бўлган сайёра экан-да? – деб сўради Ол.

■ ■ Максвелл бош ирғади.

– Бунга шундай караш ҳам мумкин, лекин менга айт-чи, арвоҳ нима ўзи?

– Шарпа, – деди Оп, – рух.

– Бирок шундай деганингда нимани тушунасан? Қани, ифодалаб бер-чи.

– Мен ҳазиллашдим, – деди Оп айбдорлик оҳангида, – ва ҳазилим беўхшовроқ чиқди. Биз арвоҳ нима эканлигини билмаймиз. У нималигини ҳатто Арвоҳнинг ўзи ҳам аниқ билмайди. Ваҳоланки, ундан бошқа яна ким била олади? Бу тўғрида у кўп фикрлаган. Ҳар томонлама таҳлил этган. Бошқа руҳлар билан мулоқот қилган. Лекин барибир ҳеч қандай изоҳ тополмади. Бинобарин, ғайритабиийликка қайтишга тўғри келади...

– Яъни, тушунтириб бўлмайдиган нарсаларга, – деди Максвелл.

– Улар қандайдир мутантлармикан?¹ – дея тахмин қилди Оп.

– Коллинз шундай деб ҳисоблаганди. Бирок унга тарафдорлар ҳам, издошлар ҳам топилмади. Мен ҳам унга қўшилмасдим – аммо биллур сайёрага бормасимдан авваллари. Эндиликда эса ҳеч нимага ишончим қолмас. Онгли мавжудотлар ирқи ўз тараққиётининг ниҳоясига етиб борганида, яъни ирқ сифатида болалик ва етуқлик босқичларини босиб ўтиб, кексалик палласига қадам қўйганида нима бўлади? Қариб-чуриб ўлаётган инсоннинг ҳолига тушиб қолган ирқ нима қила олади? Қандай чора-тадбир кўради? У индамай, яъни ҳеч нима қилмай ўлиб кетиши мумкин. Бу энг манتيкий яқун бўлади, албатта. Бирок унинг ўлишига йўл қўймаётган қандайдир сабаб бор, деб фараз қилсак-чи? Айтайлик, у қандай қилиб бўлмасин яшаб қолиши зарур, ўлиши мутлақо мумкин эмас?

¹ Мутант – ўзгаришга учраган мавжудот.

– Агар шаффоф ҳолат чиндан ҳам мутация бўлса, – деди Оп, – ва агар улар буни билишса, ва агар улар билимларнинг юксак даражаларига эришиб, мутацияларни назорат қилиш имкониятига эга бўлишса... – У жим қолиб, Максвеллга қаради. – Сенингча, шунга ўхшаш бир нима рўй берганми?

– Шундай, – деди Максвелл. – Мен шу фикрга кўпроқ мойил бўлиб бораяпман.

– Ич, – деди Оп банкани унга узатиб. – Сенга бу фойда беради. Кейин мен ҳам ютиб оламан.

Максвелл банкани олди, аммо ичишга ошиқмади. У ўтинга қўл чўзиб, битта гўлани оловга ташлади. Ҳар томонга сачраган учқунларни мўри тортиб кетди. Ташқарида, деворлар ортида шамол инграрди.

Максвелл банкани лабларига тутди. Ичкилик томоғига худди лава оқимидек қуйилди. Шу заҳотиёқ йўтал тутди. “Бу лаънати ақалли бир марта ҳам тикилмасдан ўтмайди-я”! Кейин банкани Олга узатди. У олди-ю, лекин ичмай туриб, Максвеллга қаради.

– Сен яшашга ундайдиган сабаб ҳақида гапирдинг. Уларни ўлишга қўймайдиган, улар учун мумкин бўлган ҳар қандай шаклда бўлса ҳам яшаб қолишга мажбур этувчи сабаб тўғрисида.

– Айнан шундай, – деди Максвелл. – Бу сабаб – билим. Билимларга бениҳоя бой, уларнинг ҳақиқий ҳазинасига айланган бутун бошли бир сайёрани тасаввур этиб кўргин-а. Бизга маълум нарсалар бу билимларнинг нари борса ўндан бири бўлиши мумкин, холос, менинг фикримча. Қолган ҳаммаси эса – биз учун номаълум нарсалар, янги илмлар. Бунақаси етти ухлаб тушимизга ҳам кирмайди. Бу билимларга биз яна миллион йилдан кейин ҳам етиб бора олмасак керак, ўшандаям агар етиб бориш насиб этган бўлса. Ана шу барча ахборот, менинг билишимча, атом даражасида шундай тарзда қайд

этиб қўйилганки, ҳар бир атом ахборотнинг бир қисми-ни элтувчи воситага айланади. Мазкур ахборот китоб саҳифаларига ўхшаш темир варақларда сақланади, бу варақлар ўз навбатида улкан таҳламларни ташкил этган, қолаверса, атомларнинг ҳар бир қатлами – улар қатлам-қатлам бўлиб жойлашган – қандайдир бир муайян бўлимдан иборат. Биринчи қатламни ўқиб бўлиб, иккинчисига ўтасан. Бу яна китоб саҳифаларига ўхшайди: атомларнинг ҳар бир қатлами – бир саҳифа ва бундай саҳифалар беҳисоб. Ҳар бир металл варақ... Сўраб, овора бўлмай қўя қол, ҳар бир варақ атомларнинг қанча қатламидан иборат эканлигини мен ҳатто тахминан ҳам айта олмайман. Юз минг қатлам бўлса кераг-ов...

Оп банкани шоша-пиша кўтариб, ичкиликни жундор кўкрагига тўкиб-сочиб, ютоққанича ичди ва шовқин билан чуқур нафас олди.

– Улар бу билимларни ўз ҳолича ташлаб кетишолмайди, – деди Максвелл. – Улардан фойдалана оладиган кимгадир беришлари керак. Бунгача эса яшашга маҳкумлар. Айнан шу ўринда уларга мен зарур бўлиб қолибман! Улар билим хазиналарини сотишни менга топширишди.

– Сотишни?! Ўлиб ўлолмай турган бир гуруҳ арвоҳлар савдо қилишмоқчими? Уларга нима керак экан ўзи? Бойликлари учун қандай баҳо сўрашаяпти?

Максвелл қўлини кўтариб, бирдан терлаб кетган пешонасини артди.

– Билмадим.

– Билмайсан? Товарнинг нарҳини, сотувчи қанча сўраётганини билмай туриб, қандай қилиб сотмоқчисан, ахир?

– Улар мен билан яна боғланишларини айтишди. Унгача бу хазина кимни қизиқтириб қолиши мумкинли-

гини суриштириб билишим керак экан. Ўшанда менга нархни билдиришаркан.

– Ўзаро келишувнинг ажойиб усулини топишибди! – киноя қилди Оп.

– Нимасини айтасан.

– Товарнинг нархи ҳақида тахминан ҳам тасаввуринг йўқми?

– Заррача ҳам. Мен аҳволни тушунтиришга уриндим; аммо улар тушуна олишмади. Балки тушунишни иташмагандир. Ўшандан бери бу тўғрида канчалик бош котирмай, ҳеч қандай хулосага келолмадим. Ҳамма нарса айланиб келиб, ёлғиз бир саволга тақалаяпти – бу мавжудотлар нимага мухтож бўлишлари мумкин, ахир? Ўла қолсам ҳам буни тасаввур эта олмаяпман, тамом вассалом.

– Ҳар қалай улар харидорни қаердан излаш кераклигини билишган, – деди Оп. – Хўш, нима қилмоқчисан энди?

– Арнолд билан гаплашиб кўрсаммикан.

– Баланд дорга осилибсан-ку! – яна пичинг қилди Оп.

– Биласанми, мен фақат Арнолднинг ўзи билан гаплашишим мумкин. Бунақа масалани воситачилар орқали ҳал қилиб бўлмайди. Ҳамма нарсани катъиян сир саклаш зарур. Чунки, дастлабки қарашда, бу таклифнинг ўзи кулгули туюлади. Башарти ундан мухбирлар ёки ғийбатчилар хабар топиб қолишса борми, университет ҳар қандай музокарадан дарҳол воз кечади. Негаки, овозаларга ҳам қарамай, шу масалада бирон қадам босадиган бўлса-ю, бу ёқда савдо пишмай қолса, нима бўлади? Модомики, мен кўр-кўрона ҳаракат қилаётган эканман, бу эҳтимол ҳам истисно эмас. Ана у ҳолда бутун Коинот бўйича – ҳатто энг олис пучмоқларида ҳам барча-барча Арнолднинг устидан роса хохалайди. Ба-лога қоладиганлар эса Арнолд, мен ва...

– Арнолд – мансабдор ва бошқа ҳеч нарсa эмас. Сен буни мендан ҳам яхшироқ биласан. У – маъмур. Уни ишдан бошқа ҳеч нима кизиктирмайди. Ректор лавозимида эканлиги билан масаланинг моҳияти ўзгариб қолмайди – у тижоратчи директор, холос. Илм-фан билан заррача иши йўқ. Бинобарин, ўзининг мавқеини сақлаш учун билимлар хазинасига айланган битта эмас, ҳатто учта сайёра учун ҳам таваккал қилмайди.

– Университет ректори аини пайтда маъмур бўлиши ҳам керак-да...

– Бошқа пайтда-ку, қандайдир имкониятларинг бўлиши ҳам мумкин эди, – дея қўшимча қилди Оп тушқун оҳангда. – Бироқ ҳозирда бусиз ҳам Арнолднинг аҳволи танг. У ректоратни Нью-Йоркдан шу мўъжаз шаҳарчага кўчирганида...

– Ўзининг ажойиб илмий аънаналари билан машҳур бўлган шаҳарчага, – унинг сўзини бўлди Максвелл.

– Университет юритаётган сиёсатда аънаналар, илмий ёки бошқача бўлишидан қатъи назар, ниҳоятда кейинги ўринда туради! – дея эълон қилди Оп.

– Шундай ҳам бўла қолсин, – бироқ мен барибир Арнолд билан гаплашишим керак. Тўғри, ундан бошқа бирон одам билан учрашсам маъқулроқ бўларди, албатта. Аммо начора, у менга ёқадими, йўқми, бўлак иложим қолмаган.

– Лекин сен бу ишдан бутунлай воз кечишинг ҳам мумкин-ку, ахир!

– Воситачилик вазифасиданми? Асло-асло! Менинг ўрнимда бошқа ҳеч ким воз кечмаган бўларди. У ҳолда улар яна кимнидир топишларига тўғри келади ва бу вазифани уддалай олмайдиган одамга ишониб қолишлари мумкин. Мен бу билан шу ишни ўзим қотириб ташлайман, демокчи эмасман, албатта, лекин ҳар қалай бор ку-

чимни ишга соламан. Бундан ташкари, гап фақат мен ҳақимда эмас, улар тўғрисида ҳам бораяпти.

– Уларни ёктириб қолибсанми?

– Билмадим, шу ўринда ёктириш-ёктирмасликнинг аҳамияти бормикан. Аниқроғи, уларга қойил қолаяпман. Ёки ачинаяпман. Чунки улар имконлари бор даражада уринишаяпти, ахир! Тўпланган билимларни кимга беришни жуда узоқ излашган.

– Бериш дейсанми? Сотиш ҳақида гапираётувдинг шекилли?

– Шунинг учун гапирдимки, улар нимагадир мухтож. Ўша нарса нималигини билолсам кошкийди-я! Бу барча манфаатдор томонлар учун ишни анча осонлаштирган бўларди.

– Битта қўшимча савол – сен улар билан гаплашдингми? Қай тарзда?

– Жадваллар ёрдамида. Мен сенга улар – ахборот сақловчи металл варақлар ҳақида ҳикоя қилиб бергандим. Улар мен билан шу жадваллар орқали гаплашишди, мен ҳам шу усулда жавоб килдим.

– Сен ўша варақларни қандай ўқидинг?..

– Бунинг учун улар менга бир мослама беришди. Ҳимояловчи кўзойнақларга ўхшаб кетади, аммо жуда катта. Анчагина залворли қурилма. Унга кўплаб ҳар хил механизмлар яширинган бўлса керак, ҳойнаҳой. Мана шу кўзойнақларда мен жадвалларни бемалол ўқидим. Ёзувни эмас, металлга битилган майда белгиларни. Буни тушунтириш қийин. Лекин уларга кўзойнақ орқали қарасанг, улар нимани англатиши аён бўлади. Кейинроқ фокусни истаганча ўзгартириб, турли қатламларни ўқиш мумкин эканлигини пайқаб қолдим. Лекин аввалига улар шунчаки ёзишди... агар шу ўринда “ёзиш” сўзи жоиз бўлса. Худди болалар доскага ёзгандек эди

бу. Мен жавоб берганимда эса кўзойнагимга ўрнатилган яна бир мослама фикрларимни уларга узатиб берарди.

– Таржимон машина! – деди Оп.

– Худди ўзи. У икки томонлама ишларди.

– Биз шундай асбоб ясашга уриниб кўргандик, – деди Оп. – “Биз” деганимда нафақат Ердаги, балки ҳазил тариқасида “Коинотнинг ҳозирча маълум қисми” деб аталувчи жамики оламлардаги энг кучли муҳандисларнинг биргаликдаги ҳаракатларини назарда тутаялман, албатта.

– Биламан.

– Бу йигитларда эса у бор экан. Сенинг арвоҳларингда.

– Уларда турли-туман ажойиботлар сон-саноксиз. Мен миллиондан бир қисмини ҳам кўролганим йўқ. Қўлимга илиниб қолган айрим намуналар билан танишиб чиқдим, холос. Улар айтганлари ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилиш учунгина танишдим.

– Бироқ мен бир нарсани ҳеч тушунолмаяман, – деди Оп. – Сен доимо сайёра ҳақида гапираяпсан. Хўш, юлдуз-чи?

– Сайёра сунъий қобикқа ўралган. Тушунишимча, у ерда қандайдир юлдуз бор, аммо сайёра сатҳидан кўринмайди. Гап шундаки, улар учун юлдуз шарт эмас. Агар янглишмасам, пулсацияланувчи коинот ҳақидаги фараздан хабардорсан-а?

– Ҳа. Портлаб кенгаювчи, кейин торайиб, яна портлаб кенгаювчи коинот.

– Тўғри. Энди бу фараз устида бош қотирмасак ҳам бўлади. У воқеликка мос келади. Биллур сайёра бизнинг коинотимиз вужудга келишидан олдин мавжуд бўлган коинотнинг бир заррасидир. Агар билсанг, улар ҳамма нарсани ўз вақтида тушуниб олишган экан. Вақти келиб барча энергия ғойиб бўлиши ва ўлик ма-

терия янги фазовий тухумга аста-секин йиғилиши ва кейин портлаб, янги коинотни ҳосил қилишини улар олдиндан билишган. Коинотнинг умри поёнига етаётганидан, мабодо бирон-бир чора топа олишмаса, бу ҳол уларни ҳам ҳалокатга учратишидан хабардор бўлишган. Ана шунда улар бутун сайёрага дахлдор лойиҳани яратишган. Қувватни жамлаб, унинг бениҳоя улкан захирасини тайёрлашган... Улар қувватни қаердан олиб тўплашгани ва қандай усулда сақлашгани тўғрисида мендан сўраб ўтирмасанг ҳам бўлади. Бирок, ҳар қалай, бу қувват сайёра моддасининг ўзида жамланган ва шу сабабли ҳам бутун коинот ҳалокатга учраганида улар худди аввалгидек қувватга эга бўлишган ва шу боис ҳам омон қолишган. Улар сайёрани қобикка ўраб, ўз турар жойларига айлантиришган. Улар яратган двигателлар сайёрани уларнинг иродаларига бўйсуниб, фазода ҳаракатланувчи мустақил жисмга айлантирди. Коинотнинг ўлик материясига бир нуктага тортила бошланишидан аввалроқ улар ўчган чўғдай қорайиб қолган ўз юлдузларини тарқ этиб, ўз ҳолларича сайёҳатга йўл олишган. Олдинги олам эгаларининг сайёра-космолётдаги бу сайёҳати ҳали-ҳануз давом этиб келади. Бизнинг коинотимиздан аввалги – ўз коинотлари қандай ҳалокатга учраганини улар ўз кўзлари билан кўришган. Улар фазода ёлғиз ўзлари қолишган – бу фазода на ҳаёт асари, на йилт этган ёруғлик ва на заррача қувват бор эди. Аниғини билмадим-у, улар янги фазовий тухум вужудга келишини ҳам кузатишган бўлса керак. Улар ундан ақл бовар қилмас узокликда бўлишгани ва шунга қарамай уни кўра олишгани эҳтимол. Башарти шундай бўлган тақдирда улар ҳозир биз яшаб турган коинотни яратган дастлабки портлашни – ҳаддан зиёд кучли чакнашни ҳамда қувват яна фазога тарқалганини ҳам кўришган.

Илк юлдузлар вужудга келишига, галактикалар қандай шаклланганига гувоҳ бўлишган. Галактикалар узил-кесил шаклланиб бўлганидан кейин эса улар ана шу янги коинотга йўл олишган. Улар исталган галактикага бо-ришлари, ўзларига ёкиб қолган ҳар қандай юлдуз атро-фидаги орбитада айланишлари ва кейин яна йўлда да-вом этаверишлари мумкин эди. Улар галактикалараро дайдилар эди, бироқ эндиликда шу узоқ йўлнинг ҳам охири кўриниб қолди. Сайёра, менимча, ҳали-хануз ав-валгидек бақувват, чунки уни қувват билан таъминлов-чи машиналар ҳамон олдингидек ишлаб турибди. Сай-ёра учун ҳам қандайдир чегара бўлса керак, хойнаҳой, аммо унғача узоқ ҳали. Бироқ уларнинг ўзлари ирқ си-фатида ҳаётий қобилиятларини йўқотишган, гарчанд ўз хазиналарида иккита коинотнинг донишмандлигини сақлаб келишаётган бўлса ҳам.

– Эллик миллиард йил, — деди Оп охиста. — Эллик миллиард йил мобайнида оламни англаш!

– Бу – энг камида, — қўшимча қилди Максвелл. — Бу муддат янада каттароқ бўлиши ҳам эҳтимол.

Улар мана шу эллик миллиард йилни фикран камраб олишга уриниб, жим қолишди. Ўчоқдаги олов шитир-лар ва нималарнидир шивирларди. Олисдан консерва-ториянинг вақтни ҳисобловчи куранти занг чалаётгани эшитилди.

9

Максвеллни Оп елкасидан туртиб, уйғотди.

– Сенга кимдир келди.

Максвелл устидан одеялни олиб, оёқларини кара-вотдан туширди-да, шимини ахтара бошлади. Оп олиб, кўлига тутқазди.

– Ким экан?

– Лонгфелло эмиш. Ёқимсиз бир нусха-ю, димоғи осмонда. У ташқарида кутиб турибди. Бирон касаллик юктириб олмаслик учун кулбага киришдан кўркаётгани аник.

– Унакада бир йўла даф бўла қолсин! – дея Максвелл одеялни устига тортишга уринди.

– Э, йўқ, – эътироз билдирди Оп. – Бунақа нусхаларнинг нимасидан хафа бўламан. Ранжишга ҳам арзимаёди.

Максвелл шими, ботинкасини кийиб, ер тепинди.

– Кимлигини ҳам айтмадимиз?

– У айтишни лозим кўрмагандан кейин мен ҳам сўрашни лозим топмадим.

Максвелл бурчакдаги ўриндикда турган пақирдан тоғорага сув қуйиб, юзини ювиб олди.

– Соат неча бўлди?

– Саккиздан ошди.

– Мистер Лонгфеллнинг шунчалик ошиғич иши бор экан-да.

– У оёғи қуйган товукдек у ёқдан-бу ёққа бориб келаяпти. Диккати ошиб кетган-ов.

Лонгфелло чиндан ҳам сабрсизлик билан кутаётган экан. Эшикда Максвелл кўриниши биланоқ кўлини чўзганча шошиб кела бошлади.

– Профессор Максвелл!– дея хитоб қилди у. – Сизни тополганимдан беҳад хурсандман. Бу осон бўлмади. Лекин менга айтишларича, сизни шу ердан топишим мумкин экан, – у кулбага қараб, узун бурнини жийирди. – Таваккал қилиб келаверганим.

– Оп, – деди Максвелл хотиржамлик билан, – менинг яқин ва кадрдон дўстим.

– Балки бироз сайр қилармиз? – дея таклиф этди Лонгфелло. – Бағоят тароватли тонг! Сиз нонушта қилгандирсиз? Э-ҳа, кечирасиз!

– Мабодо сиз кимлигингизни айтсангиз, ишимиз балки осонлашармиди.

– Мен ректоратда ишлайман. Стивен Лонгфелло хизматингизга тайёр. Ректорнинг шахсий котиби.

– Сизни худонинг ўзи етказди! – деб юборди Максвелл. – Мен ректор билан учрашишим керак ва иложи бориचा тезрок.

Лонгфелло бош чайқади.

– Ҳозирок айтишим мумкинки, бунинг иложи йўк.

Улар шоссега элтувчи сўқмоқдан оҳиста боришарди. Сўқмоқка соя ташлаган азим каштаннинг кизғиш-олтин япроқлари майин учиб, йўлга пойандоз тўшаяпти. Нарирокда, тонгдаги зангори осмон фонида заранг алвон-арғувон барглари билан машъаладек ёнади. Юксак-юксакларда ўрдаклар арғимчок солиб, жанубга парвоз килмоқда.

– Иложи йўк?– такрорлади Максвелл. – Бамисоли илтимосимни аввалдан ўйлаб кўргандек узил-кесил хулоса чиқариб қўйдингиз-ку!

– Агар доктор Арнолдга бирон нимани хабар қилишни истасангиз, – деди Лонгфелло совук оҳангда, – тегишли боскичларга мурожаат қилишингиз керак. Ректор ниҳоятда банд эканлигини нахотки тушунмасангиз.

– О, мен буни тушунаман! Тушунганда қандай! Бирон-бир масала боскичма-боскич ўтадиган бўлса, ундан ҳамма хабар топса топадики, аммо ишнинг ҳал бўлиши орқага сурилаверади, охири кўринмайди асло.

– Профессор Максвелл, – деди Лонгфелло, – мен сиз билан очикчасига гаплашаман. Сиз қатъиятли одамсиз ва, билишимча, ўзингизга етгунча ўжарсиз, бундай одамлар билан эса гапни айлантириб ўтиришнинг сира ҳожати йўк. Ректор сизни қабул қилмайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам қабул қилиши мумкин эмас.

– Иккита бўлиб колганим учун бўлса кераг-а? Ва биттамыз ўлганимиз учун?

– Тонгги газеталарнинг бари шунга тўла бўлади. Ҳаммасида ўлган одам тирилди, маъносидаги йирик сарлавҳалар! Балки кеча радио эшитгандирсиз ёки қандайдир телевизион дастурни кўргандирсиз-а?

– Йўк, – деди Максвелл.

– Барча шов-шув сиз атрофингизда! Тан олиб айтишим керакки, ниҳоятда кўнгилсиз вазият юзага келди.

– Хуллас, жанжал чиқадиган шароит.

– Айни ҳақиқат. Ректоратнинг эса сиздан бошқа ташвишлари ҳам бошдан ошиб ётибди. Шекспир кўлимизда ва шундан келиб чиқадиган ҳар қандай натижа ҳам бўйнимизда. Бу ўринда биз четда қололмаймиз, сизнинг воқеангиз эса ортикча ғалвадан бошқа нарса эмас.

– Наҳотки ректоратнинг Шекспир билан мenden бошқа иши бўлмаса? – деб сўради Максвелл. – Гейделбергда дуэл тиклангани-чи? Ўзга оламлик айрим талабаларни футбол жамоаларига олиш ахлоқ-одоб доирасига кирадими, деган баҳс нима бўлади? Қолаверса, яна...

– Лекин тушунсангиз-чи! Энг муҳими – шу шаҳарчада рўй бераётган воқеалар! – деди инграгудек бўлиб Лонгфелло.

– Ректорат шу ерга кўчирилгани учунми? Тўғри Оксфорд, Гарвард ва бошқа ўнлаб...

– Агар менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, – деди Лонгфелло куруқкина килиб, – васийлик кенгаши бироз ўйламай иш тутган деб ҳисоблайман. Бу ҳам ректорат учун кўплаб кийинчиликлар келтириб чиқаради.

– Башарти мен адир тепасига кўтарилиб, ректорат биносига кирсам ва қабул этишларини талаб қилсам-чи, нима бўлади? – деб сўради Максвелл.

– Нима бўлиши ўзингизга яхши маълум. Сизни чиқариб ташлашади.

– Агар ўзим билан журналистлару телетасвирчиларни бошлаб келсам ва улар мени кутиб туришса-чи?

– У ҳолда сизни чиқариб ташлашмаса керак ҳар қалай. Сиз ҳатто ректор қабулхонасига бостириб киришингиз ҳам мумкин. Бирок ишонч билан айта оламанки, бу аҳволда сиз ҳеч нимага эриша олмаслигингиз олдиндан аниқ.

– Бинобарин, ҳар қанчалик уринмай, муваффақиятсизликка маҳкум эканман-да! – деди Максвелл.

– Сирасини айтганда, ҳозир олдингизга буткул бошқа масалада келганман, – дея хабар қилди Лонгфелло. – Сизга хушxabар етказишга вакил этилганман.

– Шак-шубҳасиз! Тинчгина ғойиб бўлишим учун мени бирон нима билан алдамоқчисиз.

– Ҳеч қанака алдов йўқ! – дея ранжиди Лонгфелло. – Мен сизга университетимиз Готика Тўртинчида ташкил этаётган экспериментал институтда деканлик лавозимини таклиф қилишга вакил этилганман.

– Сехргар-жодугарлар сайёрасидами?

– Сизнинг соҳангиздаги мутахассис олдида бу лавозим улкан имкониятлар очади, – деди Лонгфелло ишонч билан. – Магиявий хусусиятлар Ерда бўлганидан бошқачароқ, яъни онгли мавжудотлар ҳалақит бермайдиган шароитда ривожланадиган сайёра...

– Ва Ердан бир юз эллик миллион ёруғлик йили узоқликда, – деди Максвелл. – Анчагина олис ва чама-си, зерикарли. Лекин бу лавозимга яхшигина ҳақ тўланса керак-а?

– О, жуда юқори, – жавоб қилди Лонгфелло.

– Йўқ, раҳмат, – деди Максвелл. – Шу ердаги ишим мени етарлича қониқтиради.

– Ишим дейсизми?

– Ҳа, албатта. Сизга эслатиб қўяйки, мен ғайритабиий ҳодисалар факультетининг профессориман.

Лонгфелло бош чайқади.

– Йўқ, – дея эълон қилди у, – Энди мен эслатиб қўяйки, сиз уч ҳафта муқаддам вафот этгансиз. Лавозим эса, биласиз, бўш турмайди.

– Демак, ўрним банд бўлган?

– Турган гап, – деди Лонгфелло. – Ҳозирги вақтда сиз ишсиз одамсиз.

10

Официант тўш гўштили куймокни келтирди ва қахвани куйиб, Максвеллни ёлғиз қолдирди. Улкан дераза ортида Мендот кўлининг ложувард кўзгуси ястаниб ётибди, олис соҳилдаги тепаликлар нафармон туман бағрига сингиб кетган. Йўғон эманнинг шохи бўйлаб югуриб кетаётган олмахон дераза қаршисида бирдан тўхтади ва столча ёнида ўтирган одамга митти кўзларини қадади. Эманнинг қизғиш-қўнғир япроғи шохчадан узилди ва оҳиста чайқала-чайқала ерга тушди. Тонгнинг осуда сукунати ичра соҳилдаги тошлок қиялик бўйлаб йигит-қиз қўл ушлашиб борарди.

Лонгфеллони таклиф этиб, бирга нонушта қилганимиз маъқулроқ бўлармиди, деб ўйлаб колди Максвелл. Бироқ ўша дақиқада у ректорнинг котибидан тўйиб турганди. Фақат бир нарсани истар – ёлғиз ўзи қолиб, вазиятга баҳо бериши ва баъзи нарсаларни ўйлаб олиши керак эди. Балки ўйлаб кўришга ҳам фурсати қолмаганмикан ҳали, яна ким билади.

Кўнгли сезган экан – ректор билан учрашиш имконияти қарийб йўқ эди. Ва бунинг сабаби ректор ниҳоятда бандлигининг ўзидагина эмас. Шунингдек, унинг

кўли остидаги ходимлар бюрократик сансалорликнинг жамики нозик жиҳатларига қатъиян риоя этилишини талаб қилиб, оёқ тираб туриб олганларида ҳам эмас. Асосий сабаб шундаки, Питер Максвелл иккита бўлиб қолиши воқеасидан жанжалнинг ҳиди келиб турибди, Арнолд эса бунақа ишқалликдан иложи борица узоқроқ туришни хоҳлайди. Олмаҳоннинг ирғиб чиққан кўзларига тикилган кўйи Максвелл ректор ўзини тутишида нозир Дрейтон билан суҳбатнинг таъсири йўқмикан, дея чамаларди. Хавфсизлик хизмати Арнолдга тирғалиб қолдимикан балки. Бунинг эҳтимоли камроғ-у, лекин ҳар қалай бор. Ҳар нима бўлганда ҳам унга Готика IV дан лавозим қанчалик шошилишч таклиф этилганининг ўзиданок Арнолднинг асабийлик ҳолатини тушуниш мумкин. Ректорат бу – иккинчи Питер Максвелл билан қандай бўлмасин мулоқот қилишни истамайдигина эмас, балки уни Ердан энг олисдаги сайёрага жўнатиб юборишни ва шу билан уни тез орада ҳамма унутиб юборишини маъқул кўраяпти.

Бошқа Питер Максвеллнинг ўлиmidан сўнг унинг факультетдаги ўрни бўш қолмаслиги табиий ҳол – талабалар ўқишлари ва кимдир унинг курсини ўтиши керак. Шунга қарамай, шу ернинг ўзида ҳам бирон иш топиб беришлари мумкин эди. Бирок бунинг ўрнига дарҳол Готика IV дан лавозим таклиф этишдими, деяк, Ерда у ҳалакит бераяпти.

Лекин барибир ғалати! Чунки иккита Питер Максвелл мавжудлиги ректоратга куни кечагина маълум бўлган, унга эса ҳеч қандай муаммо йўқ эди. Бундан чиқди, дея хулоса қилди Максвелл, кимдир ректоратда бўлишга улгурган – у ҳалакит беришидан хавфсирётган, ундан қутулишга интилаётган кимдир... Аммо у нимага ҳалакит бериши мумкин? Бу саволга жавоб

ўз-ўзидан аён эдики, айнан ана шу енгиллик Максвеллда у янглишаётгани ҳиссини уйғотди. Бироқ у қанчалик ўйлаб кўрмасин, жавоб бор-йўғи биттагина эди – биллур сайёрадаги кутубхона хазинасидан яна кимдир хабардор ва унга эгалик қилишга уринаяпти.

Ҳар ҳолда унга битта – Черчилл деган ном маълум. Кэррол айтдики, Артефактнинг сотилиши тўғрисида Вакт институти олиб бораётган музокараларга аллақандай Черчилл деган кимса дахлдор. Биллур сайёра кутубхонасини олиш учун балки Артефакт унинг нархидир? Тўғри, бунга жудаям ишониш керакмас, лекин шунга қарамай... чунки Артефакт нима эканлиги ҳеч кимга маълум эмас, ахир.

Агар ўйлаб кўрилса, Черчилл – шундай савдони уюштириш учун энг мос одам. Фақат воситачи шахс, ўзи очик қатнаша олмайдиган кимнингдир топшириғи бўйича иш кўрувчи одам. Зотан, Черчилл профессионал воситачи ва бу соҳадаги баланд-пастликларни жуда яхши билади. Унинг алоқалари бор, узок йиллар мобайнида энг хилма-хил нуфузли муассасаларда ахборот манбаларига эга бўлган, ҳойнаҳой.

Бироқ бу ҳолда, деб ўйлади Максвелл, унинг вазифаси янада мураккаблашади. Энди у агар одатдаги босқичларга мурожаат қилгудек бўлса, бу иш овоза бўлиб кетишининг ўзидангина хавотирланмаслиги керак – энди унинг маълумотлари душманлар қўлига тушиб қолиб, ўзига қарши ишлатилиши хавфи туғилганди.

Олмаҳон шохдан тушиб, сохилга нишаб майсазорда куймаланар, аввал кўрмай қолган бўлсам, биронта эман ёнғоғи топилса зора, деган умидда ҳазонларни титкиларди. Йигит-қиз кўринмас, енгил шабада кўлнинг кўзгудек сатҳини мавжлантирар эди.

Зал деярли бўм-бўш – нонуштани барвактроқ бошлаганлар кетиб бўлишган. Юкори каватдан овозлар ва тапир-тупир товушлар эшитилар, – талабалар машғулотлардан бўш пайтида одатдагидек клубга йиғилишарди.

Бу бино шаҳарчадаги энг кадимги ва Максвеллнинг назарида энг ажойиб бино эди. Мана, беш юз йилдан зиёдки, бу маскан кўплаб авлодларнинг учрашув ва машғулотлар учун шинам жойи, талай ғаройиб анъаналар уни минг-минглаб талабаларнинг кадрдон уйига айлантирган. Улар шу ерда фикрлаш ва шуғулланиш учун осудалик ва сукунат, дўстона суҳбатлар учун холи жой, билирд ва шахмат ўйнаш учун хоналар, ошхоналар, мажлислар заллари, деворлари китоб жавонларидан иборат тинч ва мўъжаз кироатхоналарни топа олишади.

Максвелл стулини сал оркага сурди, аммо ўтирган жойида колаверди – ўрнидан туриб кетишни истамас, чунки шу осойишга жойни тарк этса, ўша заҳотиёк мураккаб муаммолар гирдобига шўнғиб кетишини тушунарди. Ташкарида кузнинг олтин тонги куёш нурларида эркаланар, куёш эса тобора юқорилаб, каттикроқ иситар, шохлардан узилаётган япроқларнинг тилла бўронига тўлиқ кунни, олис адирларда зангори туманни, гулзорларда хризантемаларнинг тантанали улуғворлигини, майсазору ялангликларда олтингул билан кўконгуллар нимранг тусда яркирашини ваъда киларди.

Орка томонда оғир пойабзалдаги кўплаб оёқларнинг шошилинич тапир-тупури эшитилди ва у ўгирилиб караб, шу оёқлар эгаси полнинг қизил плиткалари бўйлаб унга шитоб билан яқинлашиб келаётганини кўрди.

Бу мавжудот курукликда яшовчи баҳайбат қисқичбакага кўпроқ ўхшаб кетарди – бўғим оёқлар, бесўнақай эгилган тана, номутаносиб кичкина бош устидаги жуда узун ғалати бўртмалар (чамаси сезги аъзолари) кулранг-

оқиш тусда. Узун-узун новдалар учида учта қора сокка-кўз титраб турибди.

Мавжудот столча қаршисида тўхтади, учта новда бирлашиб, кўзлар Максвеллга қаради. Ингичка ва чийилдок овоз эшитилиб, митти бошча томоғидаги тери тез-тез кўтарилиб туша бошлади.

– Менга айтишди, сиз профессор Максвелл.

– Сизни алдашмабди. Мен чиндан ҳам Питер Максвеллман.

– Мен сизлар Найза Учи Йигирма Етти деб атайдиган оламда яшовчи. Номим сизга қизик эмас. Мени ёллаган одам берган топширик билан келдим. Мисс Нэнси Клейтон номи сизга маълум балки.

– Ҳа, уни танийман! – деди Миксвелл ва хабарчи сифатида ўзга оламлик ғаройиб мавжудотни ёллаш Нэнсининг табиатига жуда мос, деб ўйлади.

– Билим олиш учун меҳнат қилаяпман, – дея тушунтирди Қисқичбака. – Топган ишимни бажараяпман.

– Жуда соз.

– Вакт математикаси курсини ўтаяпман. Коинот чизиклари шакли бўйича ихтисослашаяпман. Мен берилиб қизикаман.

Қисқичбаканинг кўринишига қараб, унинг қизиқишига ва яна берилиб қизиқишига ишониш қийин эди.

– Лекин бундай қизиқишнинг сабаби нимада?– деб сўради Максвелл. – Она сайёрангизнинг қандайдир хусусиятларига боғлиқми бу? Ёки маданий анъаналарингизгами?

– О, жудаям-жудаям! Мутлақо янги ғоя бор. Менинг сайёрамда вақт ҳақида тасаввур йўқ, вақт деган ҳодисани ҳеч қандай идрок қилиш йўқ. У ҳақда билишдан жуда ларзадаман. Қизикаман. Аммо жуда четлаб кетдим. Бу ерга топширик билан келганман. Мисс Клейтон

билишни истайдики, бугун кечкурун унинг қабулига боришга қодирмисиз? Соат саккизда.

– Бораман. Унга айтиб қўйингки, унинг қабулини ўтказиб юбормасликка доим ҳаракат киламан.

– Бағоят мамнунман! У сиз боришингизни жуда-жу-да истайди. Сиз ҳамма ерда гап-сўздасиз.

– Гап бу ёқда денг!

– Сизни топиш оғир. Мен тез ва оғир югураман. Кўп жойларда сўрадим. Ва ғолиб бўлдим.

– Сизни шунчалик ташвишга қўйганимдан ғоят аф-сусдаман, – деди Максвелл ва чўнтагидан қоғоз пул чиқарди.

Мавжудот олдинги оёқларидан бирини чўзиб, қоғоз-ни қискичи билан олди ва бир неча марта буклаб, кўк-рагида очилган халтачага солиб қўйди.

– Сиз кутилгандан зиёд яхшисиз, – дея чийиллади у. – Яна бир маълумот. Қабулнинг сабаби – яқинда сотиб олинган картинани меҳмонларга кўрсатиш. Анча-анча олдинлари йўқолган ва ғойиб бўлган картинани. Бу су-ратни эсквайр Алберт Ламберт чизган. Мисс Клейтон учун бу катта ғалаба.

– Шак-шубҳасиз. Мисс Клейтон – ғалабалар бўйича мутахассис.

– У ёлловчи сифатида яхши, – таъна аралаш эътироз килди Қичкичбақа.

– Албатта, албатта, – дея уни юпатди Максвелл.

Мавжудот оёқларини тез-тез ишга солиб, залдан тапир-тупир қилганича югургилаб кетди. Максвелл у кўчага чиқарувчи зинапоя бўйлаб кўтарилаётганини эшитиб турди. Кейин ўзи ҳам туриб, эшикка йўл олди. Модомики қабул картинага бағишланган экан, му-саввир ҳақидаги маълумотларни билиб қўйиш фойда-дан холи эмас. Ва беихтиёр жилмайди – Нэнси таклиф

этган меҳмонларнинг қарийб ҳаммаси бугун шу билан овора бўлса кераг-ов.

Ламберт? Таниш фамилияга ўхшайди. У тўғрида нимадир ўқигандай... анча олдинроқ. Зерикиб ўтирганда бирон-бир журналдаги мақолага кўзи тушганмиди-ей.

11

Максвелл китобни очди.

“Алберт Ламберт, – деб ёзилганди биринчи саҳифада, – 1973 йил 11 январда Чикаго (Иллинойс штати) шаҳрида туғилган. Ғаройиб рамзийат ва муболаға услубида яратилган картиналари унга шон-шухрат келтирди, бироқ унинг дастлабки асарлари келажакда истеъдоди юксалишидан дарак бермасди. Улар юкори маҳорат билан яратилган бўлиб, муаллиф мавзуга теран кириб борганидан далолат берса-да, буюк асарлар деб бўлмасди. Рассомнинг ижодида муболаға эллик ёшга тўлганидан кейин бошланди, аммо унинг қобилияти аста-секин ривожланмай, балки кескин равишда, бир кундаёқ гуллаб-яшнаб кетди. Бамисоли мусаввир бу йўналишда яширинча ижод қилаверган-у, яратган асарларидан тўлиқ қониқиш ҳис қилмагунча янги услубдаги картиналарини ошқора этмай тургандек бир таассурот туғилади. Лекин шундай фаразни тасдиқловчи ҳеч қандай далил-исбот йўқ, аксинча, шундай маълумотлар борки...”

Максвелл ўқишни тўхтатиб, китобнинг рангли репродукциялар берилган саҳифаларини очди ва рассомнинг илк ижодий намуналарини тез-тез варақлаб чиқди ва бирдан қайсидир саҳифада картиналар мутлақо ўзгариб кетди – мавзу, ўзига хослик ва ҳатто услуб бошқача, деб ўйлади Максвелл. Унинг кўз олдига иккита

мусаввирнинг асарлари тургандек эди – улардан бири ўз-ўзини изчил ифодалаш орқали маънавий эҳтиёжларини юзага чиқарган, иккинчиси эса уни ларзага солган аллакандай кечинмалар гирдобидида колган бўлиб, улардан қутулиш учун матога кўчиргандек туюларди.

Ноаник, қорамтир ва қўрқинчли гўзаллик саҳифалардан чиқиб кетишга уринар, Максвеллнинг назарида кироатхонанинг ғира-шира сукунатида қора қанотларнинг шатирлаши эшитилаётгандек эди. Ақл бовар қилмас мавжудотлар ақл бовар қилмас ландшафтлар узра парвоз қилиб юрар, лекин шунга қарамай, Максвеллнинг назарида, шу ландшафт ҳам, шу мавжудотлар ҳам оддий ҳаёлот маҳсули, атайлаб қарахтланган онгнинг ўзига хос ўйини эмасдек, аммо ўзи шу пайтгача дуч келган ҳамма нарсага бегона бўлган мантик ва ҳиссиётга таянувчи аллакандай ажойиб уйғунлик доирасига аниқ мос тушадигандек туюларди. Шакл, ранг, мавзуга ёндошув ва унинг талқини инсон тасаввурларининг шунчаки бузилиши эмасди; аксинча, томоша қилаётган одам улар инсон тасаввурлари чегарасидан ташқарида ётувчи алланиманинг яққол қайта тикланиши эканлигига ишонч ҳосил қиларди. “Ғаройиб рамзият ва муболаға” дейилган эди кириш сўзида. Эҳтимол шундайдир, деб ўйлади Максвелл, бироқ у ҳолда бу рамзият аслиятни бағоят синчиклаб ўрганиш натижасида ва шунинг асосида вужудга келган.

У кейинги саҳифани очди ва яна инсонийликка хос бўлган жамики нарсадан мутлақо фаркланувчи манзарани кўрди – ўзгача ландшафт фонида бошқача мавжудотлар бошқача ҳолатда турибди, лекин улар ниҳоятда жонли, ҳақиқий воқелик шу қадар яққол сезиладики, ҳайратланмай ҳеч илож йўқ. Мусаввир буларнинг барини ўз кўзлари билан кўргани шак-шубҳасиз, лекин

кейин уларни ўз онги ва хотирасидан ситиб чиқариб, шу манзараларга кўчирган. Масалан, деб ўйлади Максвелл одам қўлларини ўювчан ва дағал совун бўлагида зўр бериб ювади ва қайта-қайта ишкалайди, яъни ўзи дуч келган рухий изтироб изларидан моддий воситалар ёрдамида кутулишга уринади. Балки мусаввир бу манзарани бевосита эмас, балки аллақачонлар йўқолиб кетган ва эндиликда ҳеч кимга маълум бўлмаган ирққа тегишли кўрув мосламаси орқали томоша қилгандир.

Максвелл китоб саҳифасига махлиё бўлиб ўтирар экан, ундан кўз узолмас, ўзи англаб ета олмаётган мудҳиш ва машъум гўзалликнинг пинҳона ва даҳшатли маъноси асирига айланган эди. Қискичбака Вакт унинг ирқига маълум эмаслигини, шу универсал омил унинг сайёрасидаги маданиятга ҳеч қандай таъсир кўрсатмагани ҳақида гапирди. Шунга ўхшаб мана шу рангли суратларда ҳам одамлар етти ухлаб тушида кўрмайдиган аллақандай бир нима яширинган эди.

Максвелл китобни ёпмокчи бўлган чоғида бирдан тараддудланиб қолди, қандайдир сабабга кўра китобни ёпмаслиги керакдек, нима учундир суратга янада синчиклаброк қараши зарурдек туюлаверди.

Айнан ана шу лахзада суратда аллақандай сирли, идрок илғаб ололмаётган ва жозибадор бир нарсa борлигини сизди.

У қўлларини тиззасига қўйиб, суратга тикилиб турди. Кейин саҳифани оҳиста очиб, учинчи суратга назар солди ва тўсатдан унга туткич бермаётган бир нарсани тутиб олди – ўзига хос ранглар кўз илғамас ҳаракатни, ғира-шира мавҳумликни яратган, атиги бир сония аввал шу ерда жимираб турган алланима дархол ғойиб бўлган, нигоҳ қамровидан чиқиб кетган, аммо шундоққина шу ерда турарди.

Ҳайратдан оғзи сал очилган кўйи Максвелл сирли жимирлашга каттиқроқ тикилди – бу мусаввирнинг бемисл маҳорати яратган кўз алдануви эди, албатта. Бoringки, ҳатто шундай бўла қолсин ҳам. Бирок шу кўз алдануви биллур сайёрада бўлган ва унинг шаффоф эгаларини кўрган одам учун бениҳоя таниш эди.

Ва шу аснодаёқ ғира-шира кироатхонанинг теран сукунати бир саволдан жаранглаб кетди: Алберт Ламберт биллур сайёра эгалари ҳақида қаердан билган бўлиши мумкин? Бирок бу саволга жавоб йўқ эди.

12

– Қайтиб келганинг ҳақида менга хабар қилишди, – деди Аллен Престон. – Лекин мен бунга ишоналмагандим. Бирок шу хабарни етказган манба шу қадар ишончли эдики, натижада сени топишга уриндим. Ҳозирги ҳолат менга жудаям ёқмаяпти, Пит. Ҳуқуқшунос сифатида айтишим керакки, сен ниҳоятда мураккаб вазиятга тушиб қолгансан.

Маквелл Престон столи ёнидаги оромкурсига чўкди.

– Нимасини айтасан. Авваламбор ишсиз қолдим. Шундай ҳолатда мени ўрнимга қайта тиклашлари мумкинмикин, нима дейсан?

– Шундай ҳолатда? – қайта сўради Престон. – Аслида ўзи қандай ҳолат? Буни ҳеч ким яққол тасаввур қилолмайди. Гап-сўз кўп, лекин ҳеч кимга ҳеч нарса маълум эмас. Мен ўзим ҳам...

Максвелл ҳорғин илжайди.

– Ҳа, албатта. Сен аниқ бир фикрга келсанг, хурсанд бўлардинг. Лекин ҳозир эсанкирагансан, ҳайратдасан, ақл-хушинг жойидалигидан хавотирдасан. Мана шу тобда мен чиндан ҳам Питер Максвеллманми, йўқми, шуни ўйлаяпсан.

– Сен чиндан ҳам Питер Максвеллмисан?

– Бунга ишончим комил. Аммо сен ишонмаётган бўлсанг, асло хафа жойим йўк... Шунингдек, бошқа бировдан ҳам. Биз, шубҳасиз, икки киши бўлиб қолганмиз. Менинг тўлқин схемамга нимадир бўлган. Биримиз Енот Териси тизимига йўл олган, иккинчимиз – бошқа ёкка. Енот Терисига кетганимиз Ерга қайтиб келган ва ўлган. Мен эса кеча қайтиб келдим.

– Келиб, ўлганингни билдинг.

Максвелл бош ирғади.

– Квартирам бошқа бировга берилган, ҳамма нарсам ғойиб бўлган. Университет ўрнимга бошқа ўқитувчи олинганини хабар қилди, демак, ишсиз қолдим. Ана шунинг учун ҳам ўрнимга қайта тикланишим мумкинми, деб сўраяпман.

Престон ўзини оромкурси суянчиғига ташлади ва Максвеллга кўз қири билан қаради.

– Қонун нуқтаи назаридан университет тўғри иш қилган, албатта. Чунки сен мархумсан, тушунаяпсанми? Сенинг олдингда уларнинг ҳеч қандай мажбурияти йўк. Ҳар қалай, ҳақ-ҳуқуқларинг тасдиқланмагунига қадар.

– Охири кўринмайдиган судлашувлардан кейинми?

– Бошқа иложи йўк. Сенинг саволингга эса мен ҳозирча аниқ жавоб беролмайман. Зотан, бу мисли кўрилмаган ҳодиса. Шахс нотўғри аниқланган, айтайлик, мархум аслида тирик бўлган бошқа бир одамга чалкаштирилган ҳоллар маълум, албатта. Бироқ бу ўринда ҳеч қандай янглишув рўй бермаган. Питер Максвелл эканлиги шак-шубҳасиз бўлган одамнинг ўлганлиги ҳам шак-шубҳасиз, ушбу ҳолда мархумнинг шахсини аниқлашга ҳеч қандай ҳожат йўк. Мазкур ҳолатда биз ниҳоятда синчковлик билан ҳуқуқий тадқиқотлар олиб боришимиз керак бўладики, бу жараён бир неча

йилларга чўзилиши эҳтимол. Очиғини айтганда, ишни нимадан бошлаш кераклигини ҳам аклимга сиғдира олмаёпман. Қаердадир калаванинг учи топилиб қолиши турган гап ва у ёғига ҳамма нарсa ойдинлашади, аммо бу мураккаб ишларни ва олдиндан тайёргарлик кўришни такозо этади. Биринчи галда эса сен ким эканлигингни ҳукукий жихатдан аниклашга тўғри келади.

– Мен ким эканлигимни? Худо ҳаққи, Аллен, буни шундоғам биламиз-ку!

– Биз биламиз, лекин конун билмайди. Ҳозирги аҳволингда конун учун сен йўксан. Ҳукукий жихатдан ҳеч ким эмассан. Мутлақо ва узил-кесил. Барча ҳужжатларинг аллақачон архивга топшириб юборилган...

– Барча ҳужжатларим ёнимда, – деди Максвелл хотиржамлик билан. – Манави чўнтагимда турибди.

Престон унга гарангсиб қаради.

– Э-ҳа, дарвоқе! Улар ёнингда бўлиши керак, албатта. Ана жумбоғу мана жумбок!

У ўрнидан туриб, кабинети бўйлаб бош чайкаганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин столи ёнига қайтиб, яна ўтирди.

– Бироз ўйлаб олай, – деди у. – Масаланинг тагига етишим учун маълум вақт керак... Бирон нима ўйлаб топарман. Калаванинг учи чиқиши керак-ку, ахир. Хуллас, жуда кўп иш қилишимиз зарур. Мисол учун васиятномангни олайлик...

– Васиятномамни? Оббо, буткул унутиб юборибман-ку уни. Ҳатто бир мартаям хаёлимга келмабди-я.

– Васиятноманг нотариатда кўриб чиқилаяпти. Аммо мен бу ишни орқарокка сураман.

– Мен ҳамма нарсамни Коинот тадқиқотчилари корпусида хизмат қилувчи укамга васият қилганман. Мен у билан боғланишим мумкин, лекин бу анча қийин бўлса

керак. Чунки у бир экспедициядан кайтиб келади-ю, деярли шу заҳотиёк кейингисига жўнаб кетади. Энг муҳими – бу масала осон ҳал қилинади. У нима гаплигини билган замониёк...

– Афсуски, – деди Престон, – бу масалани у эмас, суд ҳал қилади. Ҳамма нарса ўз жойига тушиб кетиши керак, албатта, аммо бунга кўп вақт кетиши эҳтимол. Унгача эса ўз мол-мулкингга сенинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқинг йўқ. Шу тобда эгнингдаги кийимингу чўнтагингдаги нарсаларингдан бошқа ҳеч ниманг йўқ.

– Университет менга Готика IV даги Экспериментал институтдан деканлик лавозимини таклиф этди. Лекин мен бунга кўнмаяпман.

– Пулинг борми?

– Ҳозирча етарли. Он унинг кулбасида яшаб туришга таклиф этди. Яқин орада пулга зорикмайман. У ёғига эса заруратга қараб вақтинча иш топишим мумкин. Керак бўлса, Харлоу Шарп ҳам қараб турмаса керак, албатта. Жилла курса, бирон экспедицияга олар. Бу қизқарли иш бўлса керак.

– Бироқ бундай экспедицияларга одамларни Вақт институтининг дипломисиз олишмайди-ёв.

– Ёрдамчи ишчи сифатида олишади. Бироқ бирон масъулиятлироқ иш учун диплом кераклиги аниқ.

– Мен шу масалада ишга киришмасимдан олдин, – деди Престон, – айнан нима ҳодиса юз берганини аниқ билишим зарур. Жамики тафсилотлари билан.

– Мен сен учун барча воқеа-ҳодисаларнинг тўлиқ баёнини ёзиб бераман. Нотариусдан тасдиқлатиб ҳам оламан. Қисқаси, нима десанг ўшани қиламан.

– Менинг фикримча, – деди Престон, – биз Транспорт бошқармасига даъво билан мурожаат этишимиз мумкин. Чунки ўшаларнинг айби билан сен шу аҳволга тушиб қолдинг.

– Ҳозир эмас, – мужмал жавоб берди Максвелл. – Бу билан кейинроқ шуғулланиш ҳам мумкин.

– Бўлмаса, ёзадиганларингни бошлайвер. Мен ҳозирча ўйлаб олай ва конунларни титкилаб чиқай. Ана ўшанда иш бошлаймиз. Сен газеталарни кўрдингми? Телекўрсатувларни-чи?

Максвелл бош чайқади:

– Қўлим тегмади.

– Мухбирлар нақ жазавага тушган, – деди Престон. – Улар сени излаб топишолмаганининг ўзи бир мўъжиза. Аммо изингга тушишгани аниқ. Ҳозирча уларнинг тахмин-фаразлардан бошқа ҳеч нималари йўқ. Кеча окшом сени “Чўчка ва Хуштак”да кўришибди. Ўша ерда сени анча одам таниганга ўхшайди, ҳар қалай ўзлари шундай дейишяпти. Ҳозирча сени ҳамма ўлиб қайта тирилган, деб ҳисобляпти. Сенинг ўрнингда бўлганимда мухбирлардан узоқроқ юрардим. Лекин барибир қўлга тушиб қолсанг, уларга ҳеч нима дема. Мутлақо ҳеч нима!

– Бу ёғидан хотиржам бўл, – деди Максвелл.

Улар жим қолишди ва сукунат ичра бир-бирларига бирпас тикилиб туришди.

– Ана жумбоғу мана жумбоқ! – деди Престон ўйланганича. – Акл бовар қилмайдиган ҳодиса! Биласанми, Пит, бу масала билан жон-жон деб шуғулланишимни сезиб турибман.

– Дарвоқе, – деди Максвелл, – Нэнси Клейтон мени бугунги кечага таклиф этди. Бунинг ҳам шу воқеага алоқаси йўқмикан, деб ўйлаб турибман... ё унчалик эмасмикан-а? Негаки, у авваллари ҳам мени баъзан таклиф қилиб турарди.

– Лекин ҳозир энг машҳур одамсан!– жилмайди Престон. – Демакки, Нэнси учун энг ажойиб ўлжасан.

– Бунисини билмадим, – деди Максвелл. – Қайтганимни кимдандир эшитган кўринади. Ва, албатта қизиқиб колган.

– Бўлмаса-чи, – деди Престон куруккина қилиб. – Қизикмасинми яна.

13

Максвелл уни Опнинг кулбаси ёнида мухбирлар кутиб турганига деярли шубҳа қилмаганди, аммо у ерда ҳеч ким йўқ экан. У қаерга қўнгани исини ҳали олишолмаганга ўхшайди.

Кулба оқшом арафасидаги сукунат ичра мудрар, куз куёши у қурилган тахталарни олтин рангга бўяган эди.

Эшик олдидаги кафтдек гулзорда икки-учта асалари қўконгуллар узра ғувиллайди, туман пардаси ичра шоссега тушиб борган ёнбағирлик устида эса тилларанг капалаклар чарх уради.

Максвелл эшикни очиб, ичкарига каради. Кулба кимсасиз эди. Демак, Оп қаердадир юрибди, Арвоҳ ҳам кўринмайди. Ўчоқда бир ҳовуч чўғ қизариб ётибди.

У эшикни беркитиб, девор тагидаги ўриндикка чўкди.

Кунботарда олисдаги тўртта кўлдан бири мовий шишадек ярқирайди, шаҳарча шулар орасида жойлашган. Қуриган қиёқ ва сўлиётган майса манзарага сарғиш-кўнғир тус берган. Ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп бўлиб турган дарахтлар оловдек ёнади.

Иликлик ва осудалик, деб ўйлади Максвелл. Жимгина ўйлаш мумкин бўлган гўша. Бир неча йил муқаддам Ламберт яратган мудҳиш ва машъум манзараларга мутлақо ўхшамайди.

Бу ландшафтлар унинг онгига нима учун чакамуғдай ёпишиб колганини тушунмасди. Ва яна, биллур сайёранинг шаффоф эгалари қандай тарзда жимирлашини

мусаввир қаердан била олганини ҳам англаёлмасди. Бу шунчаки тасодиф эмас, бундай нарсани ўз холича, йўқ жойдан тасаввур қилишга ҳеч ким қодир эмас. Ақл-хуши айтиб турибдики, Ламберт бу шарпа-одамлар ҳақида бирон нарса билиши керак: Ва яна ўша ақл-хуш гувоҳлик бераптики, бундай бўлиши мумкин эмас.

Бирок бошқа барча мавжудотлар, Ламбертнинг жонсиз мўйқалами мато юзига қаҳр билан сочиб ташлаган мудҳиш маҳлуқларнинг бари-чи? Уларни қандай изоҳлаш мумкин? Улар қаердан пайдо бўлган? Ёки улар шунчаки бетизгин ҳаёлот маҳсули, азоб-кийноқлар ичра алаҳлаётган онг-тафаккурдан ғаройиб тарзда — қон аралаш суғуриб олинган телбавор таҳайюлот парчаларими? Биллур сайёра эгалари Ламберт тасвирлаган жамики мавжудотлар орасида яккаю ягона ҳақиқий жонзотлар эдими? Шундай бўлиши эҳтимоли кам. Қаердадир, қачонлардир, қандайдир тарзда Ламберт уларни ҳам, бошқаларни ҳам кўрган. Ландшафтларни-чи? Ёки улар фақат тасаввур маҳсули, ажабтовур мавжудотлар яратган таассуротни мустаҳкамловчи фон эдими? Ёхуд биллур сайёра ақл бовар қилмас қадим замонларда, уни коинотнинг бошқа барча қисмидан абадиятга яшириб қўйган қобикқа ўрамасларидан олдинги даврда шундай бўлганмикан? Э, йўқ, деди у катъиян, бундай бўлиши мумкин эмас! Чунки сайёра ҳозирги коинот вужудга келмасдан аввал қобикқа ўралган. Яъни, ўн миллиард йиллар муқаддам, башарти бир йўла эллик миллиард йил бурун бўлмаса.

Максвелл безовталиқ ичра ҳўмрайди. Буларнинг баарида маъно йўқ. Заррача ҳам. Унинг ўзи эса Ламбертнинг картиналарисиз ҳам ташвишларга кўмилиб ётибди. У ишини йўқотди, мол-мулки хатга олинган, ўзи ҳуқуқий жиҳатдан мавжуд эмас.

Бирок буларнинг бари унчалик муҳиммас, ҳар қалай ҳозирги вақтда. Энг муҳими – биллур сайёрадаги билимлар хазинаси. Коинотнинг маълум қисмидаги жамики онгли мавжудотлар тўплашга муваффақ бўлган барча илмлардан ҳам шак-шубҳасиз устун турувчи бу бебаҳо билимларнинг бари университетга тегишли бўлиши керак. Нималардир эски кашфиётларнинг шунчаки такрори бўлиши табиий ҳол, бироқ металл варақлар ҳозирги коинотнинг тушига ҳам кирмаган жуда кўп нарсаларни сақлаётганига унинг ишончи комил. У танишиб улгурган ниҳоятда оз нарсаларнинг ўзиёқ шу ишончни тасдиқлайди.

Бирданига унинг назарида жавондан бир даста металл варақларни олиб, журнал столчасига ўхшаш курси устига қўйгани ва улар устига энгашгани кўриниб кетди. Кўзларига эса ўқишга ёки таржима қилишга мўлжалланган мослама тақилган... Нимаиди-я у, ҳа майли, гап номда эмас!

Металл варақлардан бирида онг тўғрисида метафизик ёки фалсафий тушунча сифатида эмас, балки механизм сифатида сўз юритиларди, бироқ у атамаларда чалкашиб кетиб, мутлақо янги тушунчаларни идрок этолмади. Шунга роса урингани ёдида, чунки олдида идрокнинг ҳали ҳеч ким кашф этмаган соҳаси ҳақидаги асар турганини сезарди, лекин унга тиши ўтмай, варақни четга суриб қўйишига тўғри келди. Бошқа бир варақ, чамаси, муайян математик принципларни ижтимоий фанларга нисбатан қўллаш бўйича қўлланма эди. Тўғри, эслатиб ўтилган фанлардан айримларининг моҳияти тўғрисида у фақат тахмин қила олар, зотан, ғоялар ва тушунчалар орасида баайни кўзи ожиз одам чарх ураётган капалакларни тутиб олишга урингандек кўр-кўрона пайпасланар эди, холос.

Тарихлар тўплами-чи? Бир эмас, икки коинот тарихи-я! Ҳаёт шакллари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий биология фанини олинг – ҳаёт шакллари ўз асоси ҳамда вазифаларига кўра шу қадар ҳаёлийки, улар воқелик эканига ишониш қийин. Баайни қоғоздек юпқа, эгилувчан ва ўралувчан ғаройиб варақ-чи – унинг мазмуни шу қадар мураккаб ва тиш ўтмас эдики, ҳатто гап нима тўғрисида бораётганини ҳам илғай олмади. Шунда у калин, анчагина калинрок варақни олди ва аллақачонлар йўқолиб кетган мавжудотлару маданиятларнинг фикрлари ҳамда фалсафалари билан танишиб чиқди. Шунда уларнинг мутлақо ғайриинсонийлигидан журъатсиз хайрат аралаш эсанкираб қолди, жирканиш ва ғазабга тўлди, бекиёс даҳшатга тушди.

Биллур сайёрада олимларни мана шуларнинг бари, янаям аниқроғи, булардан анча кўпроқ, триллион марта каттарок нарсалар кутиб турибди.

Ҳа, у зиммасига юклатилган вазифани бажариши шарт. Биллур сайёра кутубхонасини Ер олишига эришуви зарур, гарчи ҳеч қандай муддат белгиланмаган бўлса ҳам шу ишни имкон қадар тезроқ адо этиши керак. Мабодо у муваффақиятсизликка учрагудай бўлса, сайёра эгалари ўз хазиналарини галактиканинг бошқа қисмидаги ёки, эҳтимол, умуман бошқа галактикадаги яна қимгадир тақлиф этишлари шак-шубҳасиз.

Уларни Артефакт кизиктираётган бўлиши мумкин, деб ўйлади Максвелл, лекин бу унчалик ишончли эмас. Бироқ Артефактни қимдир сотиб олишга уринаяпти, қолаверса, бу савдога Черчилл аралашган, худди шу боис ҳам бу тахмин ҳақиқатга ўхшайди. Аммо-лекин шундай бўлиб чикмаса-чи мабодо? Артефакт қимгадир бутунлай бошқа сабабга кўра керак бўлиб қолгандир балки – айтайлик, ўша қимдир у нималигини билиб қол-

ган... Максвелл бу сир нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қилишга уриниб кўрди, аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Осмондан қораялоқ тўдаси шитоб билан пастлади, кулбанинг нақ томи тепасидан учиб ўтиб, шоссе томонга бурилди. Қора кушчалар шоссе ортидаги мўъжаз ботқокликда ўсган сарғайиб кетган супурги ўтлар устига кўнди ва эгилган пояларда нафис чайқала бошлади. Улар шом қоронғусигача шу ерда донлашади, кейин ўрмоннинг бирон-бир хилватроқ гўшасига бориб тунни ўтказишади ва эрта тонгдан яна жанубга йўл олишади.

Максвелл ўрнидан туриб, керишди. Олтинранг куннинг сокин-осойишталиги уни элитган эди. Бирпас мизғиб олсаммикан, деб ўйлади. Кейин Оп келиб уйғотади, икковлари тамадди қилиб, суҳбатлашишга ҳам улгуришади, кейин эса у Нэнсининг қабулига йўл олади.

У эшикни очиб, кулбага кирди ва қаравотга ўтирди. Шу пайт ҳаёлига келиб қолди — окшомга кийиб бориши учун тоза кўйлак ва пайпоғи бормикан ўзи, бир кўриб қўйса ёмон бўлмасди. У жомадонни олиб, қаравот устига қўйди ва қопқоғини очди. Шимини чиқариб, унинг остидан кўйлагини ҳам қидириб топди. Ва бу ерда улардан ташқари яна бир нарсаси — катта кўзойнакка биркитиб қўйилган жажжи бир мосламага ҳам кўзи тушди.

Максвелл бу мосламани дарҳол таниди ва хайратдан оғзи очилиб қолди. У биллур сайёрада металл варақларни ўқишига ёрдам берган автоматик таржимон эди! У қурилмани олиб, кафтида салмоқлаб кўрди. Мана бу бошни ўраб олувчи тасма, ортида қувват генератори бор, қурилма қийилганидан кейин кўзойнакни кўзга тушириш керак.

Уни жомадонга беихтиёр солиб қўйган бўлсам керак, деб ўйлади Максвелл, чунки нега бундай қилга-

нини эслай олмади. Лекин энди уни нима килсайкин? Майли, тураверсин-чи, бирон нимага яраб қолар. Ўша сайёрада чиндан ҳам бўлганининг далил-исботи сифатида келажакда асқотиб қолиши мумкин. Лекин қанчалик ишончли бўлсайкин бу далил? Кўринишидан, аригулик бирон нарсага ўхшамайди. Аммо механизмига қарасангиз, бу қурилма жудаям оддий нарса эмаслиги маълум бўлар балки...

Енгил тақиллаш товушидан Максвелл сесканиб кетиб, вужуди кулокка айланди. Шамол кўтарилиб, шохча томни тақиллатаяптимикин? Лекин шохчанинг товуши одатда бошқачароқ чиқади.

Тақиллаш тўхтаб, кейин яна давом этди, аммо энди у узилиб-узилиб, худди сигналдек эшитиларди – учта тез-тез зарба, сукунат, яна иккита тез-тез зарба ва яна сукунат. Кейин ҳаммаси бошидан такрорланди.

Кимдир эшикни тақиллатаётган эди.

Максвелл ирғиб турди-ю, тараддудланганича тўхтаб қолди. Балки мухбирлар изига тушиб, ниҳоят топиб келишгандир. Аммо улар уни шу ерда деб ўйлаб, шунчаки тахмин қилаётган бўлишса-чи? У ҳолда ўзини тутиб бермагани маъқулроқ. Бироқ ҳатто битта мухбир бўлган тақдирда ҳам анча қаттиқроқ ва ишонч билан тақиллатарди. Келувчи кимлигидан қатъи назар оҳиста ва журъатсизлик билан тақиллатаяпти, гўёки нимадандир хавфсирагандек ёки тортинаётгандек. Башарти мухбирлар бўлишса, индамай кутиб туришдан наф йўқ – эшик қулflanмаган, жавоб бўлмагач, уни бемалол очиб тақлифсиз ҳам кириб келишаверади.

Тақиллаш бир лаҳзага тиниб, сўнг яна бошланди. Максвелл оёқ учида яқинлашиб бориб, эшикни катта очди. Остонада турган Қисқичбака ботаётган қуёш нурларида баайни арвоҳдек оқариб кўринарди. Унинг

оёкларидан бири бу сафар қўл вазифасини бажараяпти шекилли, катта пакетни тутиб турарди.

– Кира колинг тезрок! – деди Максвелл шошилиб. – Яна биронтанинг кўзи тушиб қолмасин.

Қичкичбақа ичкарига кирди ва Максвелл эшикни ёпаётиб, бу мавжудотни кулбага киришга нима учун ундаганидан ажабланди.

– Янгилик овловчилар масаласида хавотирланмасангиз ҳам бўлади, – деди Қичкичбақа. – Мен эҳтиёт бўлдим, ҳамма ёққа қарадим. Ортимдан ҳеч ким кузатмади. Кўринишим шунақанги беўхшовки, изимдан ҳеч қачон кузатишмайди. Чунки мен бирон-бир мақсад билан ҳаракатланишим мумкинлиги ҳеч қачон ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди-да.

– Жуда фойдали хусусият, – деди Максвелл. – Менимча, бу химоя ранги, деб аталса керак.

– Мен яна мисс Нэнси Клейтоннинг кўрсагмаси бўйича пайдо бўлаяпман, – дея давом этди Қичкичбақа. – Саёҳатга юксиз кетганингизни ва кийим ювиш ёки янгисини сотиб олишга вақтингиз бўлмаганини у билади. Яна алоҳида тайинлаб айтдики, сизга мана бу либосни бериб юборганини кўнглингизга олмас экансиз.

У оёклари остидан бир ўрам олиб, Максвеллга узатди.

– Нэнси бағоят илтифотли.

– У – ғамхўр шахс. Менга яна бир нарсани тайинлаган.

– Айтаверинг.

– Сизни унинг уйига олиб бориш учун ғилдиракли экипаж келади.

– Нега энди? – ажабланди Максвелл. – Шоссе унинг уйи ёнидан ўтади-ку.

– Яна бир бор кечирим, – катъиян эълон қилди Қичкичбақа, – аммо у шундай қилиш керак, деб ҳисоблайди. Турли-туман мавжудотларнинг жуда кўплаб нус-

халари сиз бор жойни излаб, ҳамма ерда изғиб юришибди.

– Дарвоқе, бу ерда эканлигимни мисс Клейтон қаердан билибди?

– Буниси менга маълум эмас.

– Ҳа, майли. Марҳамат қилиб, менинг миннатдорчилигимни мисс Клейтонга етказиб қўйсангиз.

– Бажонидил ва мамнунлик билан.

14

– Сизни орқа эшикка олиб бораман, – дея тушунтирди ҳайдовчи. – Асосий эшик олдида мухбирлар ғиж-ғиж. Кейинчалик тарқалиб кетишади, лекин ҳозир ғужғон ўйнашяпти. Мисс Клейтон ўйлаяптики, улар билан учрашишни сиз балки маъқул кўрмассиз.

– Раҳмат, сиз жуда эътиборли экансиз.

Нэнси одатдагидек ҳамма нарсани олдиндан кўради, деб ўйлади у, бошқа кишиларнинг ҳаётини уюштиришни ўзининг вазифаси, бурчи деб билади.

Унинг уйи шундоққина сохил бўйида, унчалик баланд бўлмаган тепалик устида жойлашган эди.

Йўлдан чап томонда яқинда кўтарилган ой нурларида сув яркирайди. Уй олди кўплаб чироқлардан чароғон, орқа томони эса қоронғиликка чўмган.

Машина хиёбондан бурилди ва икки томонида азим эманлар саф тортган камбар ва баланд йўл бўйлаб охишта кўтарила бошлади. Хуркиб кетган қуш жон-жаҳди билан қанот қокканича чироқлар олдидан кичқирган ҳолда ўқдай учиб ўтди. Қаердандир машина қаршисига иккита жаҳлдор ит югуриб чикди ва икки тарафда худди кўрикчилардек чопа бошлади.

Ҳайдовчи илжайди:

– Пиёда юрганингизда сизни бурда-бурда килиб ташлашарди.

– Қачондан бери Нэнсини итлар кўриқлайдиган бўлиб қолди? – деб сўради Максвелл.

– Мисс Клейтоннинг бунга дахли йўқ. Улар уни кўриқлашмаяпти.

Максвелл яна ниманидир сўрамоқчи эди, индамай кўя қолди.

Машина равоқ остига бурилиб, тўхтади.

– Мана шу эшикдан кирасиз,– тушунтирди ҳайдовчи. – Тақиллатишга ҳожаг йўқ. Холл орқали тўғри бориб, айланма зинапоя ёнидан ўтасиз. Мехмонлар катта залда.

Максвелл эшикни очишга уринган жойида иккиланиб қолди.

– Итлардан хавотир олманг,– деди ҳайдовчи. – Улар бу машинани танишади. Ундан чиққан одамларга ҳеч қачон тегишмайди.

Итлар ҳеч қаерда кўринмасди. Максвелл учта пиллапоядан тезгина кўтарилиб, эшикни очди.

Холл қоп-қоронғи эди. Иккинчи қаватда чироқ ёнаётган бўлса керак, айланма зинапояга ёғдуси тушиб турибди. Атроф эса зимзиё. Қаердандир мусика товушлари ва овозлар салгина эшитилади.

Максвелл бир неча лаҳза кимирламай туриб қолди, кўзлари қоронғиликка кўникканидан кейин холл зинапоядан у ёғига ҳам давом этишини кўрди. Ўша ерда эшик ёки йўлак бўлса керак...

Ғалати ҳол! Модомики Нэнси ҳайдовчи уни орқа эшикка олиб келишига кўрсатма берган экан, уни шу ерда кутиб олувчи биронта одамни нега тайинламаганикин? Жуда бўлмаганда чироқни ўчириб қўйманглар, дейиши мумкин эди-ку – шунда у йўлни ўзи топиб оларди.

Жудаям бемаъни вазият – меҳмонга чакирилсанг-у, коронғида йўл тополмай, тимирскиланиб юрсанг. Бундан кўра, шартга бурилиб, кетворган маъкулрокмикан? Опнинг ёнига қайта колади... Лекин шу ўринда Максвелл итларни эслаб колди. Улар уй атрофида изғиб юришгани аниқ, важоҳатларига қараганда ўлжани осонлик билан қўлдан чиқариб юборишмайди.

Барибир тушунарсиз аҳвол. Бу Нэнсининг иши эмас! Мутлақо! У Максвеллни ҳеч қачон шундай аҳволга тушириб қўймаган бўларди. Ҳа, бу ўринда бошқа гап борга ўхшайди.

У холл бўйлаб эҳтиёткорона борар, йўлда учраши мумкин бўлган стол-стулларга тўкнашиб кетмаслик учун қўлларини олдинга чўзиб олган эди. Ҳозир анча яхшироқ кўринаётган бўлса ҳам холл худди аввалгидек коронғи ғорга ўхшаб турар, нигоҳ тафсилотларни илғай олмасди.

У айланма зинапоядан ўтгандан кейин ёғду ҳам ортда колди-ю, холл янада коронғилашиб кетгандай туюлди. Туйқусдан кимдир сўради:

– Профессор Максвелл? Бу сизмисиз, профессор Максвелл?

Максвелл чап оёғида турганча қотди, қадам ташлаш учун кўтарилган ўнг оёғини оҳиста туширди ва эtlари жимирлашиб кетаётганини сезди.

Профессор Максвелл! – дея такрорлади овоз. – Сиз холлда эканингизни биламан.

Сирасини айтганда, бу асл маънодаги овозга ҳам ўхшамайди. Холлдаги сукунатни бирорта ҳам товуш бузмаганига Максвеллнинг ишончи комил, аммо шунга карамай, бу сўзларни у яққол эшитди... балки бу сўзлар унинг кулоқларида эмас, миясининг қайсидир бурчагида янграгандир.

Максвеллнинг бутун борлигини кучли даҳшат қоплаб олди, бу туйғуни ҳайдашга уринди, аммо у йўқолмади – даҳшат ёнгинасидаги зулмат ичра яшириниб турар, исталган сонияда уни қора тўлқинлари қаърига тортиб кетишга тайёр эди.

Максвелл гапиришга чоғланди, лекин оғзини оча олмади. Яна овоз эшитилди:

– Мен сизни шу ерда кутиб тургандим, профессор. Сиз билан гаплашиб олишим керак. Бу иккаламиз учун ҳам бирдек қизиқарли.

– Сиз қаердасиз?– деб сўради Максвелл.

– Чап томонингиздаги эшик ортида.

– Мен ҳеч қандай эшикни кўрмайман.

Соғлом фикр Максвеллга тезроқ бу ердан қочиб қол, оёғингни қўлингга олиб югур, деб турарди.

Бироқ у югуролмас, бунга мажоли келмасди. Қаерга ҳам югурсин, ахир? Орқага қайтиши мумкинмас – ташқарида итлар кутиб турибди. Зимзиё холл бўйлаб олдинга югурсинми? Йўлда учраган ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб, шовқин-сурон кўтарсинми? Барча меҳмонлар югуриб келиб, уни ҳамма ёғи моматалоқ, кўркувдан титраётган ҳолда кўришсинми? Югурган заҳотиёқ унинг бутун борлигини ваҳима қамраб олишини у жуда яхши билиб турарди.

Бошқалар уни эсанкираган, саросимага тушган ҳолда кўришсинми? Йўқ! Уйга ўғринча, орқа эшикдан кириб келганингни ўзиёқ етиб ортади.

Агар бу оддий овоз – қанақа бўлганида ҳам ҳақиқий овоз бўлганида уни бунчалик даҳшатга солмасди. Бироқ бу овоз мудҳиш таассурот уйғотар, чунки ҳеч қандай оҳанги йўқ, бир хил, механик, худди темир ғичирлашидек эшитиларди! Биронта ҳам одам шундай гапира олмайди, деб ўйлади у. Қоронғида унинг шундоқкина ёнида ўзга оламлик мавжудот тургани аниқ.

– Бу ерда эшик бор, – деди ўша курук ва қаттиқ овоз. – Чапга бир кадам ташлаб, уни очинг.

Вазият кулгули тус олаяпти, деб ўйлади Максвелл. Ё у ўша эшикка киради, ёки орқасига карамай қочиб қолади. Тўғри, хотиржам кетиши ҳам мумкин, аммо у билადики, кўринмас эшикка орқа ўгирдими – тамом, ваҳима ичида югуриб кетиши тайин.

Максвелл чап томонга бир кадам ташлади ва эшикни пайпаслаб очди. Хона қоронғи, аммо ташқаридаги чирок ёғдуси хона ўртасидаги халтасимон мавжудотга тушиб турибди – унинг осилган корни заифгина шуьлаланади, баайни юмалоқ аквариум ичида денгиз тубида яшовчи ва ўзидан нур таратувчи жонзотлар уймаланишиб ётгандай кўринади.

– Ҳа, – деди мавжудот, – сиз мутлақо ҳақсиз. Мен коинотнинг сизлар “ғилдиракчилар” деб атайдиган аҳолисига мансубман. Бу ерга сафарим мобайнида шундай ном олдимки, уни сизларнинг онгингиз осонгина идрок этади. Сиз мени “мистер Мармадюк” деб аташингиз мумкин. Бу шунчаки қулайлик учун эканлигини, аслида номим бундай эмаслигини тушуниб турибсиз, албатта. Нафсиламрини айтганда, бизларда исм умуман йўқ. Бизнинг шахс сифатидаги тафовутларимизга бошқача усулда эришилади.

– Сиз билан танишганимдан хурсандман, мистер Мармадюк, – деди Максвелл сўзларни аста ва аниқ айтишга уриниб, чунки бутун танаси каби лаблари ҳам бирданига музлаб кетиб, қовушмай қолганди.

– Бу танишувдан мен ҳам мамнунман, профессор.

– Мен кимлигимни қаердан билдингиз? – деб сўради Максвелл. – Чамамда, сиз ўзингизни комил ишонч билан тутдингиз. Демак, мен холлдан ўтишим сизга маълум экан-да?

– Табиий хол.

Энди Максвелл суҳбатдошига тузукрок назар ташлай олди – иккита ғилдирак ўртасига осилган юмшоқ тана, унинг пастки шаффоф қисмида ҳашаротга ўхшаган алланималар ғужғон ўйнаб ётибди.

– Сиз Нэнсининг меҳмонларидан бири бўлсангиз керак-а?

– Ҳа, шундай,– жавоб берди мистер Мармариюк. – Ва агар янглишмасам, шарафига шу зиёфат уюштирилган фахрий меҳмонман.

– Бирок у ҳолда сиз кечага таклиф этилган бошқа меҳмонлар билан бирга залда бўлишингиз зарур-ку.

– Мен толиққанимни баҳона қилдим, – дея тушунтирди мистер Мармариюк. – Бу ҳақиқатдан жиндек чекиниш, холос, аслида мен ҳеч қачон чарчамайман. Хуллас, дам олиш учун ёлғиз қолдим...

– Ва мени кутиб турдингиз?

– Айнан шундай.

Ҳа, Нэнсининг бунга ҳеч қанака дахли йўқ, деб ўйлади Максвелл. У ниҳоятда енгилтабиат, бир-бирига уланиб кетувчи зиёфатларни уюштириш билан банд доимо, бунақанги бекитикча ўйинларга мутлақо лаёқатсиз.

– Биз бир мавзуда гаплашиб олишимиз мумкин, – деди мистер Мармариюк. – Менимча, бу иккаламиз учун ҳам фойдали. Янглишмасам, сиз маълум бир мулк учун харидор излаяпсиз. Ана ўша мулк мен учун муайян қизиқиш уйғотиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Максвелл бир кадам ортга чекиниб, бирон-бир жавоб топишга уриниб кўрди. Аммо шу тобда миясига ҳеч нарса келмасди. Ваҳоланки, буни билиши мумкин эди! Олдиндан сезиши ёки жила курси шубҳаланиши мумкин эди-ку, ахир!

– Сиз ҳеч нима деб жавоб бермаяпсиз, – деди мистер Мармариюк. – Бирок мен адашган бўлишим мум-

кин эмас. Бу савдода сиз чиндан ҳам воситачисиз ва бу ўринда ҳеч қандай англашилмовчилик йўқ.

– Ҳа, – деди Максвелл. – Мен воситачиман.

Энди бунни яширишга зарурат йўқлигини у биларди. Ёилдираклардаги бу мавжудот биллур сайёра ва у ерда тўпланган билимлар хазинасидан қандайдир тарзда хабар топган. Балки хазина учун белгиланган баҳо ҳам маълумдир унга? Артефактни сотиб олишга ҳам мана шу ёилдиракчи уринмаяптимикиан мабодо?

– У ҳолда, – деди мистер Мармадюк, – биз зудлик билан музокараларга киришиб, шартларни келишиб олишимиз керак. Сизга тегишли воситачилик ҳақини ҳам унутмаган ҳолда, албатта.

– Ҳозирча бунинг иложи йўқ, – деди Максвелл. – Мен савдо шартларини билмайман. Тушунинг, мен аввало харидорни топишим керак, ана ундан кейин...

– Бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ, – дея эълон килди мистер Мармадюк. – Чунки сизда бўлмаган маълумотлар менда бор. Савдо шартлари менга маълум.

– Сиз талаб қилинган баҳони тўлашга тайёرمىсиз?

– Шак-шубҳасиз, – деди ёилдиракчи. – Бунга бор-йўғи бироз вақт – жуда озгина вақт керак. Бир тижорат тадбирини амалга ошириш зарур. Ана шундан кейин иккаламиз бу ишни ортиқча шов-шувларсиз ниҳоясига етказиб қўйишимиз мумкин. Менинг назаримда фақатгина бир нарсани – воситачилик ҳақини сизнинг хизматларингизга яраша ҳажмда белгилашимиз қолган, холос.

– Менимча, – деди Максвелл паришонлик билан, – у дурустгина бўлса керак...

– Бизнинг мўлжалимизда, – деди мистер Мармадюк, – сотиб олаётганимиз мулкка нисбатан сизни... “кутубхоначи” десакмикиан? – шунга ўхшашроқ бир ла-

возимга тайинлаш нияти бор. Мазкур мулкни тартибга солиб, каталогини тузиб чиқиш бўйича олдинда катта иш турибди. Бунинг учун бизга сиз каби мавжудот зарур, менинг назаримда, сизнинг вазифангиз ўзингиз учун ниҳоятда қизиқарли бўлади. Энди ойлик маошга келадиган бўлсак... Профессор Максвелл, шу маош ҳажмини ва ушбу лавозимни эгаллашга рози бўлишингиз учун бошқа зарур шартларни шахсан ўзингиз айтишингизни ўтиниб илтимос қиламиз.

– Буларнинг барини ўйлаб кўришим керак.

– О, албатта, албатта! – деди мистер Мармадюк. – Бунақанги ишларда биров ўйлаб олиш фойдали. Мутлақо чекланмаган саҳийлигимизни ана ўшанда кўрасиз.

– Сиз мени тушунмадингиз, – деди Максвелл. – Мен савдонинг ўзи ҳақида ўйлаб кўришим зарур. Уни амалга оширишни лозим деб топаманми, йўқми.

– Балки сиз кўрсатиб ўтилган мулкни сотиб олишга биз муносиб эканлигимиздан шубҳаланяпсиз, чоғи?

– Бу ҳам бор.

– Профессор Максвелл, – деди ғилдиракчи, – сиз шубҳаларингизни батамом йиғиштириб қўйсангиз, ўзингиз учун бениҳоя яхши бўларди. Ишонинг, бизга нисбатан муносабатда ҳеч қандай шубҳага бормаслигингиз керак, чунки биз сиз таклиф этишингиз мумкин бўлган нарсани қўлга киритишга қатъиян аҳд қилганмиз. Бинобарин, сиз биз билан музокараларни ихтиёрий равишда ва мамнунлик билан олиб боришингиз зарур.

– Хоҳишимдан қатъий назарми? – деб сўради Максвелл.

– Мен бу қадар очикчасига ўтмаган бўлардим, – деди мистер Мармадюк. – Бирок сиз ўзингиз вазиятга бағоят тўғри баҳо бердингиз.

– Сизларнинг мавкеингиз сизга бундай оҳангда суҳбатлашишга асос бермайди! – деди Максвелл.

– Бизлар қандай мавқега эга эканлигимизни сизлар тасаввур қилолмайсизлар, – деди ғилдиракчи. – Сизларнинг маълумотингиз коинотнинг ўзингизга маълум қисми билангина чекланган. Бу чегара ортида нималар борлигини эса била олмайсизлар.

Бу сўзларда ва уларнинг айтилишида Максвеллнинг аъзои баданини музлатиб юборгудек бир нима бор эди, коинотнинг номаълум қаъридан учиб келган совук гирдоб хонага ёпирилиб киргандек бўлди гўё.

Сизларнинг маълумотларингиз коинотнинг ўзингизга маълум қисми билан чекланган, деди мистер Мармадюк... Хўш, бу сарҳаддан у ёғида нималар борикин? Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди – инсоният разведкачилари ҳали кириб боролмаган бу омонат чегаранинг нариги томонидаги айрим жойларда ғилдиракчилар салтанат яратишгани маълум, холос. Ана ўша сарҳад ортидан коинотнинг ўзлаштирилган қисмига улар тўғрисидаги мудҳиш воқеа-ҳодисалар стиб келади, ўша олис чегараларда улардан сал нарида яширинган номаълумлик оламининг сирларини билишга интилган инсон тасаввурини озиклантирувчи бир-биридан дахшатли мишмишлар пайдо бўлади ҳамиша.

Ғилдиракчилар билан мулоқотлар нихоятда кам ва ўткинчи тусда, улар ҳақида деярли ҳеч нима маълум эмас, ана шунинг ўзиёқ ҳеч қандай яхшиликдан дарак бермайди. Ҳеч ким дўстлик қўлини чўзмайди, ҳеч ким хайрихоҳлик кўрсатмайди, яхши ниятини билдирмайди – на ғилдиракчилар, на инсонлар, на инсонларнинг дўстлари ва иттифоқдошлари. Космик фазонинг улкан қисмидан сокин ва машъум чегара ўтган, уни у томон ҳам, бу томон ҳам бузмайди.

– Агар, – деди Максвелл, – менинг маълумотларим батафсилроқ бўлганида, сизлар ҳақингизда кўпроқ нар-

са билганимизда бир қарорга келишим ҳам осонроқ кечарди.

– Сизлар бизни суваракчалар деб биласизлар, – деди мистер Мармадюк захархандалик билан. – Бизга тоқат килолмайсизлар...

– Мутлақо ундаймас, – деди Максвелл унинг сўзини бўлиб, аччиқланган ҳолда. – Биз сизларни суваракчалар деб ҳисобламаймиз. Сизларни ҳашаротлар қурамаси, деб биламиз. Биламизки, ҳар бирингиз биз Ерда ҳашаротлар деб атайдиган жонзотларга ўхшаш мавжудотларнинг тўдасидан иборатсиз ва бу, албатта, ўртамизда катта тафовутни келтириб чиқаради. Лекин ҳар қалай сизлар биздан ўзга юлдузлар атрофида яшовчи бошқа талай мавжудотларга нисбатан кўпроқ фаркланмайсизлар. “Тоқатсизлик” деган сўз менга ёкмайди мистер Мармадюк, зотан, унинг замирида “тоқат қилиш” маъноси ётади, бу эса сиз учун ҳам, мен учун ҳам, коинотдаги исталган бошқа мавжудот учун ҳам ҳақоратлидир.

У ғазабдан титраётганини сезиб, қандайдир бир сўз уни шу даражага олиб келганидан ажабланди. Ҳатто биллур сайёра билимларини ҳадемай ғилдиракчилар илиб кетишади, деган фикрдан ҳам у ўзини йўқотиб қўймаган эди, мана энди биттагина сўз деб қаҳр-ғазабга тўлиб кетса-я. Кўплаб хилма-хил ирқлар бир-бирлари билан ўзаро тинч-тотув яшашлари керак бўлган жойда “тоқатсизлик” ва “тоқат қилиш” деган сўзлар баайни ҳақоратдек эшитиладиган бўлиб қолгани учун ҳам шу қадар асабийлашиб кетдим шекилли, деб ўйлади у.

– Сиз ишонч ва илтифот билан баҳс юритаяпсиз, – деди мистер Мармадюк. – Балки сиз тоқатлироқдирсиз...

– Башарти тоқатсизлик мавжуд бўлган тақдирда ҳам, – деди Максвелл унинг сўзини бўлиб, – бунчалик жаҳлингиз чикканининг сабабини тушунолмай туриб-

ман. Чунки бундай туйғунинг намоён бўлиши у йўнали-тирилган мавжудотни эмас, балки шу туйғуни сезган мавжудотнинг ўзини камситади, чунки у шу билан на-фақат тарбиясизлигини, балки ўтакетган жоҳиллигини ҳам ошкора қилади. Тоқатсизликдан ҳам кўра аҳмоқона нарса йўк.

– У ҳолда нима учун иккиланаяпсиз? – деб сўради гилдиракчи.

– Сотиб оладиган мулкингиздан қай тарика фой-даланмокчи бўлаётганингизни билишим керак. Мақ-садингизни аниқлашим зарур. Сизлар ҳақингизда яна жуда кўп нарсалардан хабардор бўлишим даркор.

– Ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга бўлиш учунми?

– Хўш, бундай ҳолатда қандай қилиб ҳукм чиқариш мумкин ўзи? – деб сўради Максвелл алам аралаш.

– Биз жуда кўп гаплашаяпмиз, – деди мистер Мармадюк. – Аммо ҳеч қандай маъно чиқмаяпти. Кўриб ту-рибманки, бу савдони бизнинг фойдамизга ҳал қилиш нияти йўк сизда.

– Айнан шундай. Ҳар қалай, ҳозирча савдоимиз пишмади.

– У ҳолда, – деди мистер Мармадюк, – биз бошқача йўл топишимизга тўғри келади. Рад жавобингиз билан бизга анчагина ташвиш орттирасиз, ортикча вақтимиз кетади ва сиздан қаттиқ хафа бўламиз.

– Менимча, сизларнинг хафагарчилигингизга бир амаллаб чидасам керак.

– Мухтарам жаноблари, – деди мистер Мармадюк таҳдид билан, ғолиб томонида бўлиш қатта афзалликка эга.

Максвелл ёнгинасидан йирик бир нарса шув этиб ўтганини пайқади. Кўз қири билан иржайган қилич тишларни ва оч жигарранг тананинг шиддатли парво-зини илғаб қолди, холос.

– Силвестр, керакмас! – деб кичкирди у. – Тегма унга, Силвестр!

Мистер Мармадюк эсанкираб қолмади. Ғилдираклари шитоб билан айлана кетди-ю, у сакраган Силвестрға эпчиллик билан чап бериб, эшикка қараб отилди. Йўлбарсчанинг тирноқлари пол тахталарини тирнади ва танаси бир лаҳзадаёқ ортга бурилди. Максвелл унга томон жон-жаҳди билан келаётган ғилдиракчидан ўзини четга олди, лекин барибир ғилдирак елкасига урилиб, деворга иткитиб юборди. Мистер Мармадюк эшик ортига яшиндек учиб ўтди. Узун ва эгилувчан тана унинг ортидан отилди – Силвестр оёқлари ерга тегмай, ҳавода шувиллаб бораётгандек эди.

– Силвестр, керакмас! – деб бакирганича Максвелл унинг изидан югурди, холлда кескин бурилди ва мувозанатини саклаб қолиш учун оёқлари чалкашиб кетаёзди. Олдинда холл бўйлаб ғилдиракчи шиддат билан елиб борар, аммо Силвестр унга яқинлашиб қолганди. Максвелл бефойда бакир-чакирларга кучини ҳам, вақтини ҳам сарфлаб ўтирмай, улар ортидан шошилди.

Холлнинг олис чеккасида мистер Мармадюк кескин чапга бурилди, уни чангаллаб олай деган Силвестр эса бу қадар тез ва чакқон бурила олмай, бир неча кимматбаҳо лаҳзаларни бой берди. Вазиятни баҳолашга улгурган Максвелл шу югуришида тўхтамай бурчакни айланиб ўтган эди, олдинда ёруғ йўлакни ва пастга тушган мрамар зинапояни кўрди. Пастдаги залда эса кичик гуруҳларга бўлинган кўплаб одамлар қўлда қадах тутиб туришарди.

Мистер Мармадюк зинапояга шиддат билан яқинлашяпти. Силвестр Максвеллдан бир сакраш олдинда, ғилдиракчидан эса уч сакраш орқада.

Максвелл кичкирмокчи бўлганди, нафаси чикмай қолди, лекин ҳар қанча бакирик энди ҳеч нарсани ўз-

гартиролмас, вокеалар бениҳоя шиддат билан ривожланиб борарди.

Ғилдиракчи биринчи пиллапояга сакраб тушганида Максвелл кўлларини олдинга чўзганича сакради. Йўлбарсчанинг устига тушгани захоти бўйнидан маҳкам кучоклаб олди. Улар биргаликда полга чўзилиб қолишганида Максвелл кўз кири билан илғашга улгурди – ғилдиракчи иккинчи пиллапоядан баландга сакраб кетиб, хавотирли тарзда ёнбошига оға бошлади.

Шу лаҳзадаёқ аёл кишининг кўркув аралаш чинқириб юборгани, эркакларнинг эсанкираган кичкириклар ва қадахлар жаранглаб сингани эшитилди.

Мана бу гал, деб ўйлади Максвелл киноя билан, Нэнси етти ухлаб тушида кўрмаган шов-шувга эга бўлди. У зинапоя тепасидаги девор ёнида ётар, кўкраги устига яхшилаб жойлашиб олган Силвестр унинг юзини яхшилаб ялашга шай эди.

– Силвестр, – деди Максвелл, – охири ниятингга етинг – бошингга зўр ғалва орттириб олдинг.

Йўлбарсча унинг юзларини ялаб, маза килиб хуриллади.

Максвелл уни устидан тушириб, деворга суянганча ўтирди. Мистер Мармадюк зинапоя пойида ёнбошлаб ётар, ҳар иккала ғилдираги жон-жаҳди билан айланишига қарамай, ўзини ҳеч ўнглай олмасди.

Зинапоядан югуриб чиққан Кэрол икки қўлини белига тираганича Максвелл билан йўлбарсчага ўқрайиб қаради.

– Ўхшатмагунча учратмас, деганларидек роса топишибсизлар! – дея қичқирди ва у ёғига ғазабдан овози бўғилиб қолди.

– Биз атайлаб қилмадик.

– Фаҳрий меҳмонни-я! – деди қиз йиғлаб юборгудек овозда. – Сизлар икковингиз эса фаҳрий меҳмонни худди сичкон қувлагандек қувлаб юрибсизлар!

– Менимча, унга айтарли шикаст етказмадик, – деди Максвелл. – У бус-бутунлигини кўриб турибман. Аммо-лекин унинг корни ёрилиб, ёқимтой кўнғизчалар ҳар томонга тарқалиб кетганида ҳам ажабланмаган бўлардим.

• – Нэнси нима деб ўйлайди энди? – деб сўради Кэрол зарда билан.

– Менимча, жуда хурсанд бўлади, – жавоб килди Максвелл. – Унинг нуфузли окшомларида Қичитқи Ўт тизимидан келган олов пурковчи амфибия Янги йил арчасини ёкиб юборганидан бери қизиқарлироқ ҳеч қандай воқеа бўй бермаганди.

– Бундай бўлмаган! Сиз тўкиб чиқаряпсиз!

– Ўлай агар ёлғон гапирсам! Ўшанда мен шу ерда эдим, ҳамма нарсани ўз кўзим билан кўрганман ва ёнғинни ўчиришга ёрдамлашганман.

Бу орада меҳмонлар мистер Мармардюкни ўраб олиб, ўрнидан турғаза бошлашди. Митти роботлар зал бўйлаб қадах синикларини йиғиштиришар, коктейлларни артиб олишарди.

Қаердандир Нэнси етиб келиб, мистер Мармадюкдан ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Меҳмонлар уларни куршаб олиб, диққат билан тинглашарди.

– Сизнинг ўрнингизда бўлганимда бу ердан тезроқ корамни ўчирадим, – дея маслаҳат берди Кэрол. – Чунки сизни энди кучок очиб кутиб олишмаса керак.

Максвелл зинапоядан туша бошлади. Силвестр эса унинг ёнида салобат билан ҳаракатланарди. Нэнси ўгирилиб, унга кўзи тушди ва шошилганича пешвоз чиқди.

– Пит! – дея хитоб килди. – Демак, бу гаплар рост экан-да! Сен чиндан ҳам қайтибсан.

– Ҳа, шундай, – деди Максвелл ўнғайсизланиб.

– Шу ҳақда газеталарда ўкиб, ишона олмагандим. Қандайдир найранг ёки бир ўйин, деб ўйлагандим.

– Лекин мени таклиф этдинг-ку...

– Таклиф этдим? Сени-я?

Нэнси ҳазиллашмаётгани ажабланаётганидан яккол аён эди.

– Бундан чиқди, Қичқичбақани сен юбормаган экансан-да...

– Қанақа қичқичбақа?

– Улкан қичқичбақага ўхшаб кетувчи мавжудотни айтаяпман.

Нэнси бош чайқади, Максвелл эса унинг юзларига тикилиб турар экан, туйқусдан у қарий бошлаганини кўриб, юраги увишиб кетди. Нэнсининг кўзлари ва лаблари бурчакларида ажинлар пайдо бўлган, ҳеч қандай пардоз-андоз уларни яшира олмай қолган эди.

– Қисқичбақага ўхшаш мавжудот, – деди Максвелл беихтиёр такрорлаб. – У сенда югурдак бўлиб ишлашини, сен мени бугунги окшомга таклиф этганингни айтди. Менга автомобил юборилишини ҳам билдирди. Ҳатто менга кийим ҳам келтириб, уни...

– Пит, – деди Кэрол унинг сўзини бўлиб. – Илтимос, ишон менга. Сен айтганларингнинг ҳеч бирини қилмаганман. Сени бу окшомга ҳам таклиф этмаганман. Аммо келганингдан жудаям хурсандман.

У яқин келиб, Максвеллнинг қўлидан тутганича қулиб юборай деди:

– Мистер Мармадюк билан сенинг ўртангда нима воқеа юз берганини билишга ўлгудай қизиқиб кетаяпман.

– Мен жуда афсусдаман шундай бўлганига...

– Бекор қиласан. Тўғри, у менинг меҳмоним, меҳмонни эса иззат-хурмат қилиш керак. Аслида эса бағоят кўркинчли. Ўлгудай куруқ, ўзига бино қўйган ва...

– Жим! – дея огоҳлантирди Максвелл.

Мистер Мармадюк меҳмонлар куршовидан чикиб, шу томонга ғилдираётган эди. Нэнси ўгирилиб, унга илтифот кўрсатди:

– Сиз шикастланмадингизми? Ҳеч қаерингиз лат емадимиз?

– Мен шикастланганим йўқ, – деди мистер Мармадюк.

У Максвеллга яқинлашди ва юмалок танасининг тепа кисмидан қўл ўсиб чикди – уч бармоқли қискичи бўлган бу эгилувчан ўсимта қўлдан ҳам кўра кўпроқ пайпаслагичга ўхшаб кетарди. Мистер Мармадюк шу қўли билан Максвеллнинг елкасидан кучди, у эса бу қўлни суриб ташлаб, ўзини орқага олишни истади-ю, аммо бу беихтиёр туйғуни енгиб, жойида тураверди.

– Сизга катта раҳмат, сэр, – деди мистер Мармадюк. – Сиздан беҳад миннатдорман. Ҳаётимни саклаб колганингиз эҳтимол. Йикилиб тушаётган пайтимда сиз бу хайвоннинг устига сакраганингизни кўриб колдим. Бу катта жасорат.

Силвестр Максвеллнинг бикинига янада тикилиб, бошини кўтарди ва бесас ўкирикда қилич тишларини яраклатди.

– У сизга шикаст етказмасди, сэр, – дея қўшилди Кэрол. – У мушукчадек беозор. Агар қочмаганингизда қувламаган бўларди. Бу тентак у билан ўйнаясиз деб ўйлади, чунки ўйинни жуда яхши кўради.

Силвестр эснаб, барча тишларини намойиш этди.

– Бу ўйин, – деди мистер Мармадюк, – менга ёқмайди.

– Йикилиб тушганингизда хавотир олиб, қўркиб кетдим, – дея мавзунини ўзгартирди Максвелл. – Назаримда, сиз ёрилиб кетадигандек туюлдингиз.

– О, беҳудага қўркибсиз, – деди мистер Мармадюк. – Мен ниҳоятда тарангман. Танам ўта пишиқ ва ҳаддан зиёд қайишқоқ материалдан яратилган.

У кўлини Максвеллнинг елкасидан олди, кўл бами-соли мой шимдирилган арқондек ҳавода буралиб-буралиб, тана ичига тортилиб кетди, Максвелл қанча тикилиб қарамасин, тана сиртида ҳеч қандай из кўринмади.

– Мени кечиришингизни ўтиниб сўрайман, – деди мистер Мармадюк. – Биров билан учрашувим бор эди.

Шундай деб бурилди-ю, тез ғилдираганича кетди.

Нэнси бир сесканиб тушди.

– Уни кўрсам, этларим жимирилашиб кетади, – деди у шикоятомуз оҳангда. – Тўғри, у бу окшомнинг беағи бўлганини инкор этолмайман. Унча-бунча салон бекаси ғилдиракчини чорлашга эриша олмайди. Сенга тан олиб айтсам, Пит, у менинг уйимга келиши учун барча алоқаларимни ишга солишга тўғри келди. Эндиликда эса бундан афсусдаман – унда аллақандай шилимшик бир нарса бор.

– У нега бу ерда эканлигини билмайсанми мабодо? Умуман, Ерга нима учун келган?

– Ундан беҳабарман. Менимча, оддий бир сайёҳ бўлса керак. Лекин бунаканги мавжудотлар шунчаки кўнгил ёзиш учун саёҳат қилиб юришларига ишонгим келмайди.

– Мен ҳам.

– Пит, менга ўзинг ҳақингда гапириб бер! Газеталар ёзишича...

Максвелл илжайди.

– Ўлиб тирилган эмишманми?

– Бироқ аслида қайта тирилмагансан-ку, ахир? Бундай бўлиши мумкинмаслигини тушунаман. Лекин у ҳолда биз кимни дафн этдик бўлмаса? Дафн маросимида ҳаммамиз бўлдик, эшитаяпсанми, ҳаммамиз ва марҳум сен эканлигингга ҳеч қайсимиз шубҳаланмадик. Бироқ у сен бўлишинг мумкин эмасди. Хуллас...

– Нэнси, – дея унинг сўзини бўлди Максвелл. – Мен куни кечагина қайтдим. Қайтдим-у, ўлганимни, турар

жойимдан ҳам, иш жойимдан ҳам айрилганимни билдим...

– Бирок бундай бўлиши мумкин эмас-ку! – такрорлади Нэнси. – Ҳақиқатда бундай ходисалар юз бермайди. Аслида нима бўлганини эса сираям тушунолмаяман.

– Бу ўзимгаям унчалик тушунарлимас, – иқрор бўлди Максвелл, – Балки кейинроқ тафсилотларини аниқлай оларман.

– Лекин нима қилганда ҳам сен ҳозир шу ердасан, демак, ҳаммаси жойида. Агар шу ҳақда гаплашишни истамасанг, мен барчага тайинлаб қўяман, сендан ҳеч нарса сўрашмайди.

– Жонкуярлигинг учун сендан жуда миннатдорман, ammo барибир бундан ҳеч қандай фойда йўқ.

– Мухбирлардан хавотирланмасанг ҳам бўлади. Бу ерда йўқ улар. Авваллари менга ишончли кўринганларидан айримларини атайин танлаб олиб, таклиф қилардим. Бирок мухбирларга умуман ишонч йўқлигига аччиқ тажрибамда гувоҳ бўлдим. Қисқаси, улардан хавфсирамаслигинг мумкин.

– Тушунишим бўйича, сенда бир картина бор экан...

– Хабар топиб улгурибсан-да! Юр, бориб томоша қиламиз. Бу картина – коллекциямнинг гултожи. Бир ўйлаб кўргин-а – Ламбертнинг аслиятдаги асари! Яна десанг, шу пайтгача ҳеч кимга маълум бўлмагани. У қай тарзда топилганини сенга кейинроқ айтаман, менга қанчага тушганини эса айтмай қўя қолай. Сенга ҳам, бошқа бировга ҳам умуман билдирмаганим маъкул. Шу тўғрида ҳатто ўйлашга уяламан.

– Нархи жуда кўпми ёки жуда камми?

– Жуда кўп. Боз устига нечоғли эҳтиёткорлик зарурлигини айтмайсанми. Чунки чув тушиб қолишдан осони йўқ! Асарни эксперт назоратидан ўтказганимдан

кейингина савдо бўйича музокарага киришдим. Янаям аникроғи иккита экспертга кўрсатдим, бирининг хулосасини иккинчисига текширттирдим. Шу ўринда сал оширвордим, чоғи.

– Лекин бу Ламбертнинг асари эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқми?

– Заррача ҳам. Ҳатто менинг ўзимга ҳам бу аввал бошдан яққол аён эди. Биронта ҳам мусаввир Ламбертчалик ишламаган. Бироқ ҳар қалай ундан ҳам нусха кўчиришлари мумкин-ку, ахир. Шу боис ҳам узил-кесил ишонч ҳосил қилишни истадим.

– Ламберт ҳақида нималарни биласан ўзи? – деб сўради Максвелл. – Ҳамма биладиган, маълумотномаларда бор нарсалардан ташқари.

– Ҳеч нима, яъни, унчалик кўп эмас. Яна, ўзи ҳақида ҳам эмас. Аммо сен нега бундай деб ўйлаяпсан?

– Бунчалик ваҳима қилаётганингга қараб-да.

– Ана холос! Ламбертнинг номаълум асари топилиши арзимаган нарсами сен учун? Менда унинг иккита бошқа асари бор, лекин буниси – бутунлай бошқача, чунки у йўқолган экан. Шу ўринда “йўқолган” деган сўз қанчалик ўринли эканлигини ўзим ҳам билмайман, очиғи. Каталогда тилга олинмаган. Шу асарни яратгани ҳақида ҳеч қандай гап йўқ, ҳар қалай сақланиб қолган маълумотларда бу учрамайди. Вахоланки, бу асар унинг муболағали услубига мансуб эканлиги шак-шубҳасиз! Унинг шундай асарларидан бири ном-нишонсиз йўқолиб кетганига ёки мутлақо унутиб юборилганига – ҳуллас, шунга ўхшаш бирон-бир иш бўлганига ишониш ниҳоятда қийин. Башарти, ижодининг илк даврига оид бирон асар ҳақида гап борганида ҳам бир нави эди.

Улар зални кесиб ўтиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб турган меҳмонлар орасида айлана бошлашди. Ва, ниҳоят, кар-

тина осиглик девор олдида тўпланган томошабинлар орасини ёриб ўтиб, олдинга чиқишганида Нэнси деди:

— Мана у.

Максвелл бошини кўтариб, деворга каради.

Бу картина у эрталаб кутубхонада кўрган рангли ре-продукциялардан бироз фаркланарди. Бу асар йирикли-ги, ранглар ёркин ва тоза эканлигидан бўлса керак, деб ўйлади у ва бирдан... бу ерда яна бошқа нарса борлиги-ни ҳам пайқади. Ландшафт ҳам, у ерда тасвирланган мавжудотлар ҳам ўзгача эди. Ландшафт Ер табиатига кўпроқ ўхшаш — кулранг адирлар тизмаси, кўнғир тус-ли буталар, тарвақайлаб кетган, папоротникка ўхшаш дарахтлар. Олисдаги адир ёнбағрида гномлар каби махлуқлар тушиб келишяпти; дарахт остида унинг та-насига суяниб, гоблинга ўхшаган бир мавжудот ўти-рибди — шляпасимон нарсани кўзларига бостириб олиб, мизғияпти, чоғи. Олдинги планда тасвирланган ва тир-жайиб турган мудҳиш махлуқларнинг танаси ҳамда ба-шараси шу қадар даҳшатлики, кўзи тушган одамнинг юраги орқасига тортиб кетади.

Олисдаги адир пойида кўплаб хилма-хил мавжудот-лар тўпланган, ясси тепаликда эса сурмаранг осмон фонида тиник кўриниб турган кичкина ва коп-қора бир нарса ётибди.

Максвелл хаёлан оҳ деб юборди-ю, тезда олдинга бир кадам кўйди ва хаяжонини сездирмаслик учун тош-дек қотди. Наҳотки шу пайтгача буни ҳеч ким сезмаган бўлса? Балки кимдир пайкагандир-ку, бу кашфиётга ҳеч қандай ахамият бермаган ёки янглишяпман, деб ўйлаган.

Бироқ Максвелл янглишмаётганини биларди. Зар-рача ҳам шак-шубҳага ўрин йўқ. Олис тепаликда ётган кичкина қора нарса Артефакт эди!

Максвелл гуллаб-яшнаган аллақандай бир ўсимлик бор улкан мрамор ваза орқасида кўздан пана жой топди-ю, ўша ердаги стуллардан бирига ўтирди.

У ваза ортидан залдаги меҳмонлар аста-секин товсилиб бораётганини кузатиб турарди. Ҳатто хали кетишга отланмаётганлар ҳам бироз ҳовридан тушган. Агар яна кимдир унга нима бўлганини сўраса, жағига бир мушт туширади-ю, тамом вассалом, деган қарорга келди Максвелл.

Кеча у Кэролга нима бўлганини шу яқин орада ҳаммага тушунтириб чиқишига тўғри келишини айтган эди. Шу окшом айнан шундай килди – ҳақиқатдан жиндек чекинган ҳолда – аммо унга ҳеч ким ишонмади. Ҳамсуҳбатлар унга ишонмай қарашар, ё маст, ёки ўйин қилапти, деб ўйлашарди.

Ҳолбуки унинг ўзи қандайдир ўйинга қурбон бўлиб турибди. Уни бугунги окшомга таклиф этишди, аммо таклиф Нэнси Клейтондан чикмаган. Нэнси унга кийим юбормаган, ҳайдовчига ҳам уни олиб келиб, орқа эшик олдида туширишни тайинламаган – у холлдан ва ортида ғилдиракчи кутиб турган эшик ёнидан ўтиши учун керак бўлган бу нарса. Итлар Нэнсига тегишли эмаслиги ҳам аниқ, гарчи буни унинг ўзидан сўрашни унутган бўлса ҳам.

Кимдир ғилдиракчи билан унинг учрашувини уюштириш учун ниҳоятда мураккаб усулни қўллаб бўлса ҳам роса урингани яққол кўриниб турибди. Буларнинг бари беўхшов ўйин-найрангларга шунчалик тўлиб-тошиб кетганки, ҳатто кулгули туюлади. Лекин нима учундир... унинг кулгуси келмасди.

Қадахни кафтида сикканича Максвелл охирлаб бораётган окшом шовқинига кулоқ тутиб ўтирибди. Мар-

мар ваза тепасидан, ўсимликнинг калин япроклари орасидан қарийб бутун зал кўринадиди, аммо ғилдиракчи ҳеч қаерда йўқ, ваҳоланки, сал олдинроқ меҳмонлар орасида айланиб юрганди.

У қадахни бир кўлидан иккинчисига олди-ю, энди ичмаслигини тушунди, ўзи шундоғам ортикча ичиб юборди – сархушлигидан эмас, бу ерда ичишнинг ўрни эмаслигидан шундай қилиши керак. Бу катта ва бефайз залда таниш-нотаниш одамларнинг сершовкин тўдаси орасида ичгандан кўра бу мамнуниятни кимнингдир одатдаги шинамгина хонасидаги чоғроккина дўстлар давраси учун асраб қўйгани маъқулроқ... Туйқусдан роса толиқканини сезиб қолди. Ҳозир ўрнидан туради, агар топа олса, Нэнси билан хайрлашади ва жимгина Опнинг кулбасига йўл олади.

Эртага-чи? Эртага у кўп иш қилиши керак. Бирок ҳозир бу ҳақда ўйламагани дуруст. Ҳаммасини кейинга қолдиради.

Максвелл қадахни мармар ваза чеккасига яқинлаштириб, коктейлни ўсимлик илдизларига қуйди.

– Сизнинг соғлигингиз учун! – деди унга, кейин чайқалиб кетмаслик учун аста эгилиб, қадахни полга қўйди.

– Силвестр! – деган овоз янгради унинг ортида. – Бу ерда нима бўлаётганини кўраяпсанми?

Максвелл ўгирилиб, Кэролнинг нигоҳи билан тўқнашди, у вазанинг нариги томонида кўлини йўлбарсчанинг бошига қўйиб турарди.

– Кираверинглар, кираверинглар, – деди у хушмуомала билан. – Бу менинг махфий жойим. Агар икковингиз ўзингизни яхши тутсангиз...

– Мен бутун окшом мобайнида сиз билан юзма-юз гаплашишга уриндим, – деди Кэрол. – Лекин қаёқда!

Ғилдиракчини овлаш Силвестр икковингизга нима учун керак бўлиб қолганини билмоқчиман.

У вазани айланиб ўтиб, жавоб кутганича тўхтади.

– Мен сиздан ҳам кўпроқ ажабландим, – деди Максвелл. – Шошганимдан эсанкираб қолдим. Чунки Силвестрни кўришни умуман кутмагандим. Хаёлимга ҳам келмагандики...

– Мени бунақанги зиёфатларга тез-тез таклиф этишади, – деди Кэрол совуқкина қилиб. – Ўзим учун эмас, бунга ажабланыапсиз, шекилли, Силвестр учун. У шундай мухитда суҳбат учун ажойиб мавзу.

– Сизни таклиф этишибди-ку, ҳар қалай. Мени умуман таклиф қилишмаган.

– Шунга қарамай бу ердасиз!

– Мен бу ерга қандай келиб қолганимни сўраб ўтирмасангиз ҳам бўлади. Негаки, ишонарли изоҳ топа олишим жуда қийин.

– Силвестр ҳамма вақт яхши тарбия кўрган мушукча эди, – деди Кэрол айбловчи оҳангда. – Балки иштаҳаси яхшидир, аммо у жентлмен.

– Тушундим. Мен ярамасга қўшилиб қолиб...

Кэрол яқин келиб, унинг ёнига ўтирди.

– Саволимга жавоб бериш ниятингиз борми?

Максвелл бош чайкади.

– Жавоб беришим оғир. Ҳамма нарса чигаллашиб кетган.

– Менимча, суҳбатдошининг асабини ўйнатиб юборадиган сиз каби одамни ҳеч қачон учратмаганман. Умуман, бу одобдан эмас.

– Айтмоқчи, сиз анави картинани кўрдингизми?

– Албатта! Ғаройиб ғилдиракчи билан иккови шу окшомнинг гултожи-ку, ахир.

– Ҳеч қандай ғалати нарсани сезмадингизми?

– Ғалати нарсани?

– Ҳа. Картинада.

– Менимча – йўқ.

– Адирлардан бирида мўъжаз куб тасвирланган. Адир тепасида коп-қора бўлиб турибди. Артефактга жудаям ўхшаб кетади.

– Эътибор бермабман... Унга кўпам қараганим йўқ.

– Лекин гномларни кўргандирсиз?

– Ҳа. Ҳар қалай, ўшаларга ўхшашроқ мавжудотлар эди.

– Олдинги пландаги махлуқлар-чи? Улар мутлако бошқача.

– Бошқача? Кимга нисбатан?

– Ламберт одатда тасвирлайдиган мавжудотларга нисбатан.

– Ламберт бўйича мутахассис эканлигингизни билмаган эканман.

– Мен мутахассис эмасман. Шунчаки, бугун эрталаб шу зиёфат ва Нэнси сотиб олган картина ҳақида эшитганимда кутубхонага бориб, мусаввир асарларининг албоми билан танишиб чиққандим.

– Ҳатто улар бошқача мавжудотлар бўлса ҳам нима қилибди? Рассом нимани хоҳласа, ўшани тасвирлайди.

– Тўппа-тўғри. Лекин гап бунда эмас. Чунки суратда Ер тасвирланган. Яъни, агар бу Артефакт бўлса, бунга шубҳам йўқ, демак, суратда Ер тасвирланган бўлиши керак. Бироқ биз билган Ер эмас, балки олис юра давридаги Ер акс эттирилган.

– Сизнингча, мусаввирнинг бошқа асарларида тасвирланган сайёра Ер эмас экан-да? Аммо бундай бўлиши мумкин эмас! Ламберт шундай даврда яшаганки, кўрганларидан бошқа ҳеч нарсани тасвирлай олмасди. Чунки у пайтда фазога ҳали ҳеч ким чиқмаган – олис коинотга парвоз у ёқда турсин, ҳатто Ой ва Марсга ҳам инсон қадами етиб бормаганди.

– Йўқ, фазога учишган, – дея эътироз билдирди Максвелл. – Хаёлот канотларида. Қадимда тасаввурнинг қудрати билан коинотга ҳам парвоз қилишган, вақт бўйлаб ҳам саёҳат қилишган. Ҳеч қандай мусаввир ҳеч қачон “ҳозир” ва “шу ерда” деган тушунчалар қафаси билан чекланиб қолмаган. Ламбертни ҳам барча хаёлот мамлакатини акс эттиряпти, деб билган. Бироқ мана энди мен ўйлаб қолаяпман – мусаввир ҳақиқий манзараларни ва ҳақиқий мавжудотларни тасвирламаганми-кан? Яъни, ўзи бевосита бўлган жойларни ва ўзи кўрган мавжудотларни акс эттирмаганмикан мабодо?

– Башарти сиз ҳақ бўлсангиз, у ўша жойга қандай қилиб бориб қолган? Тўғри, у яратган картинада Артефакт борлигини изохлаш кийин, лекин...

– Йўқ, мен бу ўринда Оп доимо таъкидлаб юрадиган нарсани назарда тутаяпман. У ўзининг неандерталлик давридан гоблинлар, троллар ва адирликнинг бошқа эгалари ҳақидаги хотираларни олиб келган. Аммо айтишича, яна қандайдир “бошқалар” ҳам бор экан. Бироқ улар нихоятда ёмон – маккор ва бешафқат бўлишган, неандерталлар улардан ўлгудай кўрқишар экан.

– Сиз картинада ўшалар ҳам бор, деб ўйлаяпсизми? Яъни, Оп айтган “бошқалар”?

– Ҳа, айнан шу тўғрида ўйлагандим, – иқроор бўлди Максвелл. – Балки эртага Опни бошлаб келиб, суратни кўрсатсам, Нэнси эътироз билдирмаса керак.

– У-ку эътироз билдирмас, лекин бунга ҳожат йўқ. Мен картинани суратга олдим.

– Қандай қилиб? Ахир...

– Бундай қилмаслик кераклигини биламан, албатта. Бироқ мен Нэнсидан рухсат сўрадим ва у қарши эмаслигини айтди. Бошқа нима ҳам дея оларди? Мен картинани суратини сотиш учун эмас, балки шунча-

ки эсдалик сифатида суратга туширдим. Силвестрни олиб келганим ва меҳмонлар уни томоша қилганлари эвазига гўёки. Нэнси бунақанги нозик муомалаларни жуда яхши тушунади, шу боис ҳам “йўқ” дейишга тили бормади. Мабодо шу суратларни Олга кўрсатишимни хоҳласангиз...

– Жиддий айтаяпсизми?

– Бўлмасам-чи. Дарвоқе, картинани суратга олганим учун мен ҳақимда ёмон фикрларга бориб юрманг-а яна. Алам олиш ҳам керак-ку, ахир.

– Алам олиш? Нэнсиданми?

– Ёлғиз ундангина эмас, балки мени мана шунақанги ҳашаматли зиёфатларга таклиф этувчиларнинг ҳаммасидан. Ҳеч бир истисносиз барча-барчасидан. Чунки уларни кизиктирадиган нарсa мен эмасман мутлақо. Аслида улар Силвестрни таклиф қилишади. Гўё у бир ўргатилган айиқ ёки найрангбоздай! Зиёфатларида уни кўриш учун эса мени ҳам таклиф этишга мажбур бўлишади. Бироқ бу киборлар мени нима учун таклиф қилишаётганини ўзим жуда яхши тушунам, шуни тушунишимни улар ҳам билишади, лекин барибир яна чорлайверишади!

– Менимча, тушуна бошлагандекман, – деди Максвелл ҳамдардлик билан.

– Менимча эса ўша киборлар бу билан ўзларининг димоғдорликлари, кеккайганларини ошкора этишади, холос.

– Тўппа-тўғри.

– Агар бу суратларни Олга кўрсатмокчи бўлсак, бу ерда ўтиришимиздан фойда йўқ. Зиёфат адоғига етиб қолгани шундоғам кўриниб турибди. Хулласи калом, ғилдиракчи билан ўртангизда нималар бўлиб ўтганини менга айтишдан бутунлай бош тортаяпсизми?

– Кейинрок, – мужмал жавоб килди Максвелл. – Ҳозир эмас. Бир фурсати келиб қолар эҳтимол.

Улар ваза ортидан чиқишди ва зал бўйлаб эшикларга йўл олишар экан, меҳмонларнинг сийраклашиб қолган гуруҳлари орасидан айланиб ўта бошлашди.

– Нэнсини топиб, хайрлашсак бўлармиди, – деди Кэрол.

– Шу ишни бошқа сафарга қолдира қолайлик, – дея таклиф киритди Максвелл. – Унга хат йўллаймиз ёки кўнғироқ киламиз. Хайрлашиш учун уни ахтариб топа олмаганимизни тушунтирамиз, шундай ажойиб ва ёқимли зиёфат учун миннатдорчилик билдирамиз. Оқшом ниҳоятда кизиқарли бўлди, бундай зиёфатларингизни ҳеч қачон ўтказиб юбормаймиз, картина бағоят ёқди, шундай ноёб асарни қўлга киритишга муваффақ бўлибсизми, демак, чиндан ҳам улуғвор аёлсиз, деймиз...

– Майнавозчилик сизга ярашмас экан. Роса кўпиртираяпсиз-у, аммо ҳеч нарсага эриша олмаяпсиз.

– Ўзимам тушуниб турибман, – тан олди Максвелл, – лекин давом эттираяпман – балки бирон нима чиқиб қолар.

Улар асосий эшикни ёпиб, нақ шоссега элтувчи кенг ва ярим айлана зинапоялардан туша бошлашди.

– Профессор Максвелл! – дея чақирди кимдир.

Максвелл ўгирилди. Зинапоя бўйлаб Черчилл югуриб келарди.

– Сизни бир дақиқага мумкинми, Максвелл?

– Майли, қулоғим сизда.

– Агар хоним рухсат берсалар, ёлғиз гаплашиб олсак.

– Мен сизни шоссе ёнида кутаман, – деди Кэрол.

– Керакмас, – эътироз билдирди Максвелл. – У билан гапни қисқа қиламан.

– Йўқ, – деди Кэрол қатъиян. – Мен кутиб тураман. Фақат қизишманг.

Максвелл тўхтади, Черчилл ҳаллослаганича етиб келиб, унинг тирсагидан тутди.

– Бутун оқшом мобайнида ёнингизга яқинлашишга имкон тополмадим. Чунки бир дакика ҳам ёлғиз қолмадингиз.

– Сизга нима керак? – кескин сўради Максвелл.

– Ғилдиракчи! – деди Черчилл. – Илтимос, у билан суҳбатингизни унутсангиз. У бизнинг одатларимиздан беҳабар. Мен эса унинг ниятларини билмагандим. Буниси ҳам майли-я, уни қатъиян огоҳлантиргандим...

– Демак, ғилдиракчи менга пистирма қўганини билгансиз?

– Мен унга бундай қилмасликни айтдим! – деди Черчилл асабийлашиб. – Уни тинч қўйинг, дедим тўғридан-тўғри! Мен жуда афсусдаман, профессор Максвелл! Ишонинг, қўлимдан келганча уриндим!

Максвелл ўнг қўли билан Черчиллнинг қўйлаги ёқасидан чангаллаб, ҳуқуқшуносни ўзига тортди.

– А-ҳа, демак, ғилдиракчининг малайи сиз экансиз-да! – деб кичкирди у. – Унинг никобиман денг! Артефактни ғилдиракчи қўлга киритиши учун савдо бўйича музокараларни сиз олиб бораётган экансиз-да!

– Нимани лозим топсам, ўшани қиламан! – жаҳлланиб деди Черчилл. – Одамлар хоҳламайдиган ёки ўзлари эплаёлмайдиган ишларда воситачилик қилиш менинг касбим, ахир.

– Ғилдиракчи одамларга мансуб эмас, – эътироз қилди Максвелл. – Ғилдиракчи нималиги ёлғиз Парвардигорнинг ўзига маълум. Биринчидан, у – хашаротлар уяси, иккинчидан, учинчидан, тўртинчидан... у ёғини биз билмаймиз!

– У ҳеч қандай қонунларни бузмаяпти, – деди Черчилл. – Нимани хоҳласа, ўшани сотиб олиш ҳуқуқига эга.

– Сиз эса унга шерик бўлиш ҳуқукига эгасиз, – зарда билан шивирлади Максвелл. – Маош учун унга хизмат қилиш ҳуқукига эгасиз. Бироқ бу маошни ишлаб топиш усуллари танлашда эҳтиётроқ бўлинг! Ва менинг йўлимда қорангизни кўрсатманг!

У Черчиллни силтаб-итариб юборди. Ҳуқуқшунос чайқалиб кетди ва мувозанатини сақлай олмай йиқилди, кейин кенг пиллапоярлар бўйича юмалаб кетди. Сўнгра бир амаллаб ўзини тутиб олди, лекин ўрнидан турмай, қўллари ёйганча ётаверди.

– Аслида сизни зинапоядан бўйнингиз узиладиган қилиб улоқтириш керак эди! – қичқирди Максвелл.

У уй томонга ўгирилиб, эшик олдида анча одамлар тўпланиб, қараб туришганини кўрди. Улар унга қарашар ва ўзаро гаплашишарди.

У шартта бурилиб, зиналардан пастга туша бошлади.

Пастда Кэрл ғазабдан тўлғонаётган йўлбарсчани маҳкам чангаллаб турарди.

– У қўлимдан отилиб чиқиб, анави нусхани бурдалаб ташлайди, деб кўркиб кетдим, – деди у бўғилиб ва Максвеллга ошкора жирканиш билан қаради: – Наҳотки сиз ҳеч ким билан тинчгина ажралишиб кетолмасангиз-а?

16

Максвелл Този Итлар жарлиги бошланган жойда шосседан сакраб тушди ва қоялар ҳамда тик жарликларнинг куз ҳавосидаги тиниқ шаклларига тикилганча бир неча дақиқа туриб қолди. Жарликнинг нариги томонида, сарғиш-кизғиш япроқлар пардаси ортида Мушук Ўнгири номли адирнинг тик ва тошлоқ ёнбағри, адир тепасида эса О’Тул яшовчи кўкка бўй чўзган гоблинлар қасри кўринади. Пастдаги чангалзор ичида эса троллар маскани бўлган йўсин босган тош кўприк яширинган.

Максвелл кун ёришмай туриб йўлга отлангани учун ҳам ҳали анча барвақт. Майсаларда ва қуёш нурлари ҳозирча етиб келмаган буталарда муздек шабнам томчилари нукрадек яркирайди. Ҳаводан шароб таъми келади, осмоннинг зангорилиги шу қадар майин ва ёруғки, гўё умуман ҳеч қандай рангга эга эмасдек туюлади. Ана шуларнинг бари – осмон, ҳаво, қоялар ва ўрмонга тушунарсиз кутиш туйғуси сингиб кетгандек туюлади.

Максвелл шоссе устидаги осма кўприкдан ўтиб, жарликка олиб борувчи сўкмоқ бўйлаб кетди.

Дарахтлар уни қуршаб олишди – у энди нафасини ичига ютган сеҳрли мамлакат сарҳадига қадам қўйганди. У ўрмон сукунати кескин ҳаракат ёки шовқин билан бузиб қўйишдан хавфсирагандек оҳиста ва эҳтиёткорона қадам ташлаётганини туйқусдан сезиб қолди. Боши узра эгилган шох-шаббалар чойшабидан узилган барглар – ранг-баранг ва жонсарақ канотчалар – бамайлихотир айланиб-айланиб тушар ва ер устига майин гилам тўшарди. Камбар сўкмоқдан сичқон югуриб ўтганида ҳазонлар ҳатто шитирлагани ҳам йўқ. Олисда мовий сойка чириллади, аммо дарахтлар орасидан чинкирок овози пасайиб эшитиларди.

Сўкмоқча иккига айрилди – чапдагиси жарлик бўйлаб илонизи тарзда давом этаверар, ўнгдагиси эса тик жарликка қараб қайрилганди. Максвелл ўнг томондагисига бурилди. Тепага олиб чиқадиган йўл узоқ ва толикарли, лекин у ошиқмайди ва тез-тез дам олиб бораверади. Шундай ажойиб кунда вақтни тежаб, шошилиш гуноҳ, аксинча, шу ерда, ранглар ва сокинлик ичра кўпроқ юрган маъқул.

Тик сўкмоқча ерга бағир берган баҳайбат, устини босган оппоқ йўсинлар шокила-шокила бўлиб осилиб қолган харсангларни оралаб-айланиб бораверади. Йўлни ҳамма томондан дарахт таналари ўраб олган – асрий

эманларнинг дағал ва коп-кора пўстлоғи ёнида қайин-нинг комати янада оппокроқ кўринади – фақат айрим, майда жигарранг доғлари бор жойларда юпка пўстлок найча бўлиб буралиб қолган, аммо барибир шамолда титраганича кадрдон дарахтининг бағрига ёпишгани-ёпишган. Синиб тушган шох-шаббалар уюми узра аризема адл кад кўтарган, унинг мевалари алвон тусда товланса, кип-кизил япроқлари йиртилган мантия парчаларидек осилиб турибди.

Максвелл ёнбағирлик бўйлаб аста-секин кўтарилиб бораркан, тез-тез тўхтаб, чор-атрофга назар солади, уни ҳар томондан қуршаб олган кузнинг майин хидини тўйиб-тўйиб симиради. Пировардида у Черчиллнинг автолётини троллар афсун ўкиб ерга туширган ялангликка ҳам етиб келди. Бу ердан сўкмок тўғри гоблинлар қасрига олиб боради.

У майсазорда бироз тўхтаб нафас ростлади ва яна йўлида давом этди. Ходачалар билан ўралган ўтлоқда Доббин – ёки унга жудаям ўхшаб кетувчи бошқа бир от – яккам-дуккам ўтларни чимдим юрибди. Қаср миноралари узра кабутарлар чарх уради, бошқа жиҳатлардан эса у гўё ташлаб кетилгандек бир таассурот қолдиради.

Тонгнинг оромбахш сукунати туйқусдан бузилди-ю, бақир-чақирлар эшитилди ва қаср дарвозаси ланг очилиб, троллар тўдаси отилиб чикди, улар ғалати равишда ҳаракатланишарди. Троллар уч қатор бўлиб тизилишган ва ҳар бир қатор аркон тортарди. Максвелл бир вақтлари қадимги Волга бурлаклари тасвирланган картинани кўрган эди, ҳозир беихтиёр ўшани эслаб кетди. Троллар кўтарма кўприкка чиқишганида уччала аркон ҳам йирик ва йўнилган тошга боғлангани кўринди, тортиб келинаётган тош эса кўприкка чиккач, сакраб-сакраб, гумбурлаб келарди.

Қари Доббин баланд овозда кишнаб юборди-ю, сағрисини тепага отганча тўсик ичра зир югура бошлади.

Троллар ҳаллослаб лўкиллаганларича сўқмоқдан тушиб келишар – корамтир-жигарранг тусдаги, ажин босган ёвуз башаралар, узун-узун ва яркирок қозик тишлар, одатдан ташқари тикқайиб кетган патила сочлар – уларнинг ортидан эса чанг-тўзон кўтарган тош залвор билан судралиб келарди.

Қаср дарвозасидан ғазабга тўлган гоблинлар тўлкини отилиб чиқди, улар сўйил, мотиға, паншахаларни силкитишар, яъни қўлга илинган нарсалар билан қуролланиб олишган эди.

Максвелл дарҳол четга ўтиб, тролларга йўл берди. Улар мик этмай, қатъият билан, арқонни бор кучда тортганча югуришар, уларнинг ортидан эса гоблинлар тўдаси чинқироқ овоздаги жанговар хайқириклар билан қувиб келишарди. Олдинда мистер О’Тул ҳарсиллаб, лапанглаб югурар, юзи ва бўйни қаҳр-ғазабдан кип-қизариб кетган, қўлида ўқловни маҳкам қисиб олган эди.

Максвелл йўл берган жойда сўқмоқ тошлоқ ёнбағирлик бўйлаб пастга – феялар майсазорига тикка тушиб борарди. Троллар судраётган тош нақ пастга тушиш олдидан қоянинг туртиб чиққан ерига урилиб, ҳавога баланд сакради. Арқонлар бўшашиб қолган шу лаҳзада тош яна бир бор урилиб сакради-ю, кейин ёнбағирликдан шиддат билан юмалаб кетди.

Шу пайт троллардан бири орқасига ўгирилиб қаради-ю, бошқаларни огоҳлантириш учун жон-жаҳди билан бакириб юборди. Улар арқонни ташлаб, тумта-рақай қочишди. Тош ҳар думалаганда тезлиги ортиб, Максвеллнинг ёнгинасидан шув этиб ўтди, майсазорга қулагач, яна сакраб, тушган жойида ўйик қолдирганича, майсалар устида дарахтлар томон думалаб кетди.

Феяларнинг ракс зали бўйлаб ағдарилган чимлардан хунук из қолди, тош эса майсазорнинг нариги чеккасидаги азим эман танасига бориб урилди ва, ниҳоят, тўхтаб қолди.

Гоблинлар қулоқни қоматга келтирганча бакир-чакирлар билан ўрмонга отилишди ва тошни ўғирлаганларни қувиб кетишди. Қочаётганлар кўрқувдан дод солишар, қуваётганлар ғазабдан бўкиришар, адирлик бўйлаб акс-садо ҳамда кўплаб таналарнинг оғирлигидан буталарнинг қасир-қусир синган товушлари таралар эди.

Максвелл сўқмоқдан ўтиб, атрофи ўралган ўтлоққа йўл олди. Қари Доббин энди тинчиган бўлиб, бошини худди тиргак керакдек юқори ходачага қўйиб турарди. От адир пойида бўлаётган тўс-тўполонни кизиқиш билан кузатиб борарди.

Максвелл унинг бўйнини силаб, қулоғидан эркалаб тортди. Доббин унга кўз қирида қараб, юқори лабини кимирлатиб қўйди.

– Улар тошни қайтадан қасрга судраб чиқишга сени мажбур қилишмаса гўрғайди, – деди Максвелл уни юпатган бўлиб. – Йўл ниҳоятда тик ва узок.

Бунга жавобан от қулоғини енгилгина кимирлатиб қўя қолди, холос.

– О’Тулни биламан, сени бунчалик қийнамайди. Тролларни тутиб олса, тошни уларга судратади.

Бу пайтга келиб, адир пойидаги шовқин-сурон ҳам тинчиди, қўп ўтмай сўқмоқда О’Тул кўринди ва ҳарсиллаб-пишиллаб, юқорига кўтарилди бошлади. У ўқловни елкасига ташлаб олган, юзи эса энди қаҳр-ғазабдан эмас, балки толиқишдан кўкариб кетганди. У сўқмоқдан ўтлоққа бурилди ва Максвелл шошилиб пешвоз чиқди.

– Ўтиниб узр сўрайман, – О’Тул нафаси қисиб турса ҳам ўзини вазмин тутишга уринди. – Мен сизни пайқа-

дим ва келганингиздан хурсанд бўлдим, аммо ниҳоятда муҳим бир иш мени чалғитиб турганди. Ярамасларнинг бу ифлос килиғига ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз, чоғи.

Максвелл бош ирғади.

– Улар менинг отга ўтиргич тошимни олиб қочишди, – деди мистер О’Тул ғазаб ичра, – ана шу ёвузликлар ва маккорликлари билан мени пиёда юришга маҳкум этмокчи бўлишди.

– Пиёда юришга? – ажабланди Максвелл.

– Кўриб турибманки, сиз рўй берган бу воқеани унчалик тушунолмадингиз-ов. Мен шу тошнинг устига чиққанимдан кейингина Доббинга мина оламан. Ана шу ўтиргич тош бўлмаса, отда юришим ҳам барҳам топади ва мен нафасим қисиб, азоб чекиб, пиёда юришимга тўғри келади.

– Э, гап бу ёқда экан-да! Сиз тўғри пайкаганингиздек, бу масалани дабдурустдан яхши тушуна олмабман.

– Ҳаммаси аблах тролларнинг иши! – мистер О’Тул ғазабдан тишларини ғичирлатди. – Ҳеч нарсадан тап тортишмайди бу малъунлар. Аввалига ўтиргич тошимни ўғирлаб кетишди ва энди бу ёғига, агар индамасам, қасрнинг ўзини ҳам бузиб, бир чеккадан ташиб кетишга тайёр бу лаънатилар. Қарабсизки, бу ерда қуруқ қоянинг ўзи қакқайиб қолади, холос. Бунақанги шароитда уларнинг шум ниятларини иложи борича олдиндан сезиб, бешафқатлик билан яксон қилиб ташлаш керак.

Максвелл пастликка назар солди.

– Хўш, нима билан тугади бу ғалва?

– Биз уларни тиркиратиб қувиб юбордик, – деди гоблин мамнуният билан. – Оёқни қўлга олиб, шунақанги қочиб қолишдики ўзиям. Энди уларни қоялар остидан, чангалзорда яширинган жойларидан биттама-битта суғуриб оламиз, кейин уларни ўзлари ниҳоятда ўхшаб

кетадиган хачирлар сингари жиловлаймиз ва улар ўтиргич тошни каердан олган бўлишса ўша ерга каро терга тушиб бўлса ҳам судраб чикишади.

– Кўприкларини бузганингиз учун сизлардан ўч олишадиган бўлишса керак-да, хойнаҳой.

Мистер О’Тул азбаройи асабийлашганидан бир иргишлаб, аллакандай мукомлар қилди.

– Сиз янглишаяпсиз! – деб қичқириб юборди кейин. – Гарчи троллар раҳм-шафқатга арзимаса ҳам биз буюк бағрикенглик билан кўприкни бузиб ўтирмадик. Озроқ шовкин солдиг-у, кўприкдан атиги иккита митти тошчани номигагина олган бўлдик, холос. Ана ўшанда троллар учар супургидан ва бекиёс октябр элидан афсунни олишди ва биз азбаройи кечиримли, раҳмли ҳамда олижаноб эканлигимиз туфайли ҳам уларнинг бошқа гуноҳларидан ўтдик.

– Улар элдан афсунни олишди? Ахир, айрим кимёвий жараёнларни аввалги ҳолатига қайтариб бўлмайди ва...

Мистер О’Тул Максвеллга нафрат билан қаради.

– Сўз факат адашувлару сафсата учунгина ярокли бўлган илмий тилда пойма-пой сўзлаяпсиз. Илм-фан деган ўша матоҳга намунача сиғинмасангизлар-а, ҳеч тушунолмаيمان. Башарти ўрганишни хоҳлаб қолсангиз ва илтимос қилсангиз, магияни ўргатган бўлардик. Тўғри, адолат юзасидан айтганда, сеҳр-жодуси олинган элни бенуксон, деб бўлмайди, албатта. Таъмида жиндек димикқанлик борми-ей... Ҳай, майли, йўқдан кўра шуниси ҳам маъқул. Мабодо меҳмон бўлишга розилик билдирсангиз, уни биргаликда баҳам кўрардик.

– Бугун кун бўйи бундан ҳам ёқимлироқ гап эшитмагандим!

– Кетдик бўлмаса, – хитоб қилди О’Тул. – Тўғри, қаср гумбазлари остида елвизаклар ўйнаб юрибди – бу

ҳам бўлса сиз – кулгули одамчаларнинг “яхшилигингиз” туфайли, бизни вайроналарни ўлгудай ёктиради, деб тасаввур қилишингиз оқибати. Юринг энди, ўша ерга бориб, серкўпик ичимликдан катта финжонларда ичиб, бир мирикайлик.

Қасрнинг улкан залида, изғирин суяк-суякдан ўтиб кетадиган жойда мистер О’Тул ёғоч эшакларга ўрнатилган баҳайбат бочканинг тикинини олди. Катта финжонларни лим-лим тўлдириб, липиллаган алангасидан аччиқ тутуни кўпроқ бўлган ўчоқ ёнидаги тахта стол устига олиб бориб қўйди.

– Энг куфр жиҳати шундаки, – деди мистер О’Тул финжонни лабларига олиб бораркан, ўтиргич тошнинг муттаҳамларча ўғирланиши айнан биз маъракани бошлаган пайтимизга тўғри келди.

– Маърака дейсизми? Бу гапни эшитиш мен учун жуда оғир. Беҳабар қолибман...

– Йўқ-йўқ, биздан ҳеч ким ўлмади! – деди мистер О’Тул шоша-пиша. – Балки мени истисно қилганда гоблинларнинг бутун қабиласи чўчкадек соппа-соғ. Биз баншига мотам тутаяпмиз.

– Ия, у ҳали ўлгани йўқ-ку, ахир!

– Ҳа, лекин ўлаяпти. Бу бағоят қайғули! У буюк ва олийнасаб қабиланинг шу кўрикхонадаги энг сўнгги вакили, дунёнинг бошқа бурчакларидаги қабиладолларини санаб чиқишга эса битта қўлнинг бармоқлари ҳам етиб ортади.

Гоблин финжонни кўтарди ва унга башарасини даярли ботирган кўйи элни тишлари орасидан симириб, узоқ ичди. Финжонни стол устига қайтариб қўйганида чекка соқолларига кўпик ёпишиб қолгани кўринди, аммо у артиб ўтирмади.

– Биз жуда сезиларли даражада кирилиб бораёпмиз, – деди у маъюслик билан. – Сайёра ўзгарди. Биз

хаммамиз, митти элатнинг бари ва унчалик митти бўлмаганлар ҳам водийга, соялар куюкрок ва зимзиё жойларга тушаяпмиз, жамики тирик мавжудотни тарк этиб бораяпмиз, кунимиз битаяпти. Бу нечоғли қайғули эканлигидан ларзага тушасан, зотан, биз кўплаб нуқсонларимиз борлигига қарамай, шавкатли қабила эдик. Ҳатто троллар ҳам таназзулга юз тутмасдан бурун заифгина бўлса-да, айрим яхши жиҳатларини тўла-тўқис сақлаб қолишганди, лекин энди мен баралла айта оламанки, ҳозир уларда яхшилиқнинг заррача уруғи ҳам қолмаган мутлақо. Илло, ўтиргич тошнинг ўғирланиши энг тубан аблаҳликки, шунинг ўзиёқ улар олижанобликдан буткул маҳрум бўлганларидан яққол далолатдир.

У яна финжонни кўтарди ва ютокиб-ютокиб, охиригача ичиб қўйди. Кейин стол устига тараклатиб қўяр экан, Максвеллнинг ҳали-ҳануз лим тўла финжонига қараб қўйди.

– Ичмайсизми, ахир. Охиригача сипқоринг, мен уларни тўлатаман, томокни дурустроқ хўллаб олайлик-да.

– Мени кутиб ўтирмай, ўзингизга қуяверинг, – деди Максвелл. – Лекин элни сизга ўхшаб ичиб бўларканми? Уни тиш орасидан оҳиста-оҳиста симириб, лаззат олиш керак.

Мистер О’Тул елкасини қисди.

– Очофат чўчка бўлсам керак-да. Лекин бу аввал афсунланган эл-ку, лаззатланишга арзимаёди.

Шунга қарамай, гоблин ўрнидан турди ва лапанг-лаганича бочкага қараб йўл олди. Максвелл хўплаб кўриб, О’Тул ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилди – эл димикқан, таъмида ёндирилган хазонларнинг хиди сезиларди.

– Хўш, қандай?

– Таъми ғалатирок, аммо ичса бўлади.

– Шундай кун келадики, тролларнинг кўпригини парча-парча қилиб ташлайман, – бирдан тутокиб кетди мистер О’Тул. – Сехр-жодуни йўқотиш учун тошларини бирма-бир оламан, йўсинларни ҳафсала билан сидириб ташлайман, кейин тошларни болға билан майда-майда киламан, бўлаklarини энг баланд чўкки устидан тўрт томонга сочиб юбораман, токи уларни абадул абад ҳеч ким қайта йиғолмасин. Фақат бу ниҳоятда машаққатли меҳнат бўлади, – деди у чуқур хўрсиниб. – Аммо-лекин шундай қилишга арзийди. Мана шу эл биз шу пайтгача пишира олган, энг ажойиб, бахмалдай майин ичимлик эди-я! Мана энди кўринг – ювиндининг ўзига айланган қолган. Уни ичишдан ҳатто чўчкалар ҳам ҳазар қилади! Бироқ начора – номи “эл” бўлганидан кейин ҳатто шунака айниганини ҳам тўкиб ташлаш гуноҳи азим-ку, ахир!

У финжонни маҳкам чангаллаб, шартта оғзига олиб борди. То сипқориб тугатгунича кекирдаги бориб-келиб турди.

– Агар мен бу жирканч кўприкка хаддан зиёд шикаст етказсам ва кўркок троллар ҳукуматга арз қилиб, ҳикиллай бошлашса, сиз одамлар мени жавобгарликка тортасизлар, нима учун шундай қилганимни тушунтириб беришимни сўрайсизлар. Аммо-лекин бу аҳволга ҳам тоқат қилиб бўлмайди-ку, ахир. Тартиб-қоидаларга бўйсуниб, рисоладагидек яшашда олижаноблик йўқ, қувонч йўқ. Умуман, ер юзида инсон зоти пайдо бўлган кун бехосият кун бўлган экан-да.

– Ана холос! – деб юборди Максвелл гарангсиб қолиб. – Шу пайтгача бунақанги гап айтмагандингиз менга.

– Сизга ҳам, бошқа бировга ҳам айтмаганман. Сиздан бошқа дунёда ҳеч бир одамнинг олдида бундай хис-туйғуларимни ифодалай олмайман. Балки ортиқча гапириб юбораётгандирман.

– Ҳар қандай гап икковимизнинг ўртамизда қолишини жуда яхши биласиз.

– Тўғри, бу ёғидан хавотир олмайман. Сиз ўзимизникилардан бири бўлиб қолдингиз деярли. Инсон гоблингга қанчалик яқинлаша олишига сиз ёркин мисолсиз.

– Бу – мен учун катта шараф.

– Биз – қадимий қабиламыз, – деди мистер О’Тул. – Инсон ўйлаб кўриши мумкин бўлганидан ҳам қадимийроқ бўлсак керак, менимча. Лекин сиз, балки, мана бу кўнгилни айнитувчи ювиндини ичиб қўярсиз ҳар қалай ва финжонингизни яна тўлдириб оларсиз?

Максвелл бош чайқади.

– Аммо сиз ўзингизга бемалол қуйиб олаверинг. Мен эса элни ютоқиб симирмай, оҳиста майдалаб ўтира қолай.

Гоблин яна бочкага қараб йўл олди, финжонини тўлдириб келиб, стол устига тўқ этиб қўйди-да, кейин ўзи ҳам жойлашиброқ ўтириб олди.

– Қанчадан-қанча замонлар ўтиб кетди, – деди у маъюслик билан бош чайқади. – Шунақанги олис, ақл бовар қилмас даражадаги узок замонлар ўтдики... Кейин эса ифлос ва қилтириқ примат пайдо бўлди-ю, ҳамма ёқни расво қилди қўйди.

– Қадим замонларда... – деди ўйланиб Максвелл. – Қанчалик қадим замонда? Юра давридами?

– Сўзларингиз ғалати. Бу атама менга маълум эмас. Бироқ ўшанда биз жудаям кўп ва турли-туман эдик, эндиликда эса кам қолдик, аввалгилардан кўпчилиги бу кунларгача етиб келолмади. Биз аста-секин, лекин муқаррар равишда қамайиб бораёпмиз. Ҳадемай шундай кунлар келадики, уларни кўриш ҳеч биримизга насиб этмайди. Ана ўшанда буларнинг бари сиз одамларга қолади.

– Бунчалик тушқунликка берилманг, – деди Максвелл эҳтиётлик билан. – Шундай бўлишини биз мут-

лако истамаймиз, буни сиз яхши биласиз. Сизларни асраб қолиш учун қўлимиздан келганча ҳаракат килдик...

– Меҳр-муҳаббат биланми?

– Ҳа, катта меҳр-муҳаббат билан.

Гоблиннинг ёнокларидан кўз ёшлари думалади, у жундор ва серкадоқ панжаси билан арта бошлади.

– Менга эътибор берманг. Жудаям кўнглим бўшашиб кетди. Бу – банши туфайли.

– Банши дўстингизми? – ажабланиб сўради Максвелл.

– Йўқ, у менга дўст эмас! – деди мистер О’Тул қатъият билан. – У тўсиқнинг бир томонида бўлса, мен иккинчи томонидаман. Эски душманимиз, лекин барибир бизлардан бири. Асл қадимийлардан бири. Ҳаммадан узоқроқ умр кўрди. Ва ўлимга каттиқ қаршилиқ кўрсатапти. Бошқалар ҳаммаси ўлган. Бундай пайтларда эски гина-кудураглар унутилади. Виждонимиз буюрганидек унинг ёнида ўтира олмаймиз, аммо бунинг эвазига унга ярашадиган, муносиб келадиган маърака ўтказаяпмиз. Заррача виждони бўлмаган троллар эса худди шундай пайтда...

– Нахотки ёлғиз қолган бўлса... Шу қўриқхонада ўлим чоғида баншининг ёнида ўтиришни ҳеч ким истамадими?

Мистер О’Тул ҳорғин бош чайқади.

– Ҳеч ким. Бу қонунга қарши, қадимий урф-одатларимизга зид келади. Сизга тушунтириб айтдим... у тўсиқ ортида.

– Бирок ёлғиз ўзи қолган-ку, ахир!

– У тиканли бутада. Қулбасининг олдида ўсган тиканли бутада.

– Тиканли бутада?

– Унинг тиканларида сеҳр яширинган, ёғочида эса... – гоблин ҳиқиллаб, шошганича кружкани чангаллади ва оғзига олиб борди. Яна кекирдаги ликиллай бошлади.

Максвелл чўнтагига қўл тикиб, Нэнси Клейтоннинг залида осиглиқ турган Ламберт картинасининг фотосуратини олди.

– Мистер О’Тул, сизга мана буни кўрсатмоқчи эдим. Гоблин финжонни қўйди.

– Қани, кўрсата қолинг. Шунча ишингиз турганида шама, ишораларга бало борми.

У фотосуратни қўлига олиб, диққат билан кўздан кечира бошлади.

– Троллар! Худди ўзлари! Аммо бошқаларни танимадим. Кўзимга иссиқ кўринишаяпти-ку, лекин ҳеч таниёлмаяпман. Жуда-жуда қадимги асотирлар бор...

– Оп кўрди бу суратни. Уни танийсиз-а?

– Сизнинг дўстингизман деб юрган давангирдай ёввойими?

– У чиндан ҳам дўстим. Бу мавжудотларни эслади. Улар ақл бовар қилмас қадим замонларда яшашган экан.

– Бироқ ўшаларнинг тасвирини чизишга қандай сеҳр-жодулар ёрдам берганикан?

– Бунисини билмадим. Бу сурат эса кўп йиллар муқаддам бир одам яратган картинадан олинган.

– Лекин ўша одам у ерга...

– Билмадим. Менимча у ўша ерда бўлган.

Мистер О’Тул финжонига қараб, у бўшаб қолганини кўрди. Чайкалганича бочкага бориб, яна тўлдирди. Кейин столга қайтиб, фотосуратни олди ва яна диққат билан, аммо бу гал сал хира нигоҳ билан қаради.

– Билмадим, – деди охири. – Орамизда бошқалар ҳам бор эди. Ҳозирда йўқолиб кетган кўплаб хилма-хил мавжудотлар бўларди. Биз бу ерда сайёранинг бир пайтлардаги буюк аҳолисидан сақланиб қолган бир ҳовуч жонзотлармиз, холос. – Кейин фотосуратни Максвеллнинг олдига ташлади. – Балки банши айтар. Унинг ил-

дизлари олис ўтмишнинг коронғи қаърига бориб така-
лади.

– Бирок у ўлаяпти-ку.

– Ҳа, ўлаяпти, – хўрсинди мистер О’Тул. – Бугун
унинг учун қора кун, аччиқ кун, чунки ёнида ўтиради-
ган ҳеч ким йўқ.

У финжонни кўтарди.

– Ичинг. Охиригача симириг. Керагича ичганингиз-
дан кейин, балки, ҳамма нарса унчалик ёмон кўринмас.

17

Максвелл ярим вайрона кулбани айланиб ўтиб,
унга кираверишда тиканли бутани кўрди. Унда ғалати
нарса бор эди – гўё зулматнинг бир парчаси бутанинг
тик танасини коплаб олгандек, йўғон танадан тиканли
шоҳ-бутоқлар ҳар томонга чикиб тургандек туюлади.
Агар О’Тул тўғри айтган бўлса, шу қора булут банши
бўлиши керак.

У бутага оҳиста яқинлашиб, уч қадам колганда тўх-
тади. Қора булут безовталаниб тебранди, худди енгил
шабадада тутун чайқалгандек бўлди.

– Сен баншимисан? – деб сўради Максвелл тиканли
бутадан.

– Агар мен билан гаплашгани келган бўлсанг кечик-
динг, – деди банши.

– Гаплашиш учун эмас, ёнингда ўтириш учун келдим.

– Унакада ўтир. Бу ёғи оз колди.

Максвелл ерга ўтирди ва тиззаларини кўкрагига ти-
раб, кафтлари билан куриган майсаларга таянди. Пастда
кузги водий олис уфққа, дарёнинг шимолий кирғоғида-
ги адирларга қараганча ястаниб ётарди. Бу адирлар шу
томондаги – жанубий соҳилдаги адирлардан мутлақо
фарқланган ҳолда сал нишаброқ ва симметрик бўлиб,

бир текисда осмонга кўтарилиб борар ҳамда шу туришида маҳобатли зинапоянинг пиллапояларини эслатарди.

Унинг ортидаги тизмада қанотлар шатирлаши эшитилди ва қораялоқлар тўдаси пастга тикка тушган камбар жарлик узра турган енгил мовий туман ичра шиддат билан учиб ўтди. Қанотлар шовқини тинганидан кейин эса яна майин, эркаловчи осудалик чўкди, таҳдиду хатарлардан холи бўлган, орзу қилишга чорловчи сукунат адирларни ҳаловат пардасига ўради.

– Бошқалар келишмади, – деди банши. – Аввалига ҳар қалай келишар, деб ўйловдим. Гина-кудуратларни унутишар, келишар, деган илинжда бир зумгина ишонгандим. Энди бизларнинг орамизда тафовут бўлмаслиги керак. Ҳаммамиз енгилдик ва бир даражага тушиб қолдик – шу жиҳатдан бир хилмиз. Бироқ эски таомиллар ҳали-ҳануз ҳаёт. Қадимий урф-одатлар ҳамон куч-кудратини сақлаб қолган.

– Мен гоблинлар олдида бўлдим. Улар сенга мотам тутишяпти. О'Тул чукур кайғу ичида ичиб ётибди.

– Сен менинг халкимга мансуб эмассан, – деди банши. – Бу ерга чакирилмаган меҳмондай келдинг. Лекин айтишингча, ёнимда ўтириш учун келибсан? Нега бундай қилдинг?

Шу ўринда Максвелл ёлғон сўзлади, чунки бошқа иложи қолмаганди. Ўлаётган мавжудотга, сендан маълумот олиш учун келдим, деб айта олмайди-ку, ахир.

– Мен сенинг халқинг билан ишлаганман, – деди у ниҳоят. – Унга тегишли ҳамма нарсани кўнглимга яқин оламан.

– Сен Максвеллсан, – деди банши. – Сен ҳақингда эшитганман.

– Ўзингни қандай сезаяпсан? Сенга бирон нима билан ёрдам бера оламанми? Балки бирон нарсани хоҳлаётгандирсан?

– Йўқ, – деди банши. – Энди менда ҳеч қандай истак, эҳтиёж қолмаган. Қарийб ҳеч нимани сезмаяпман. Ҳамма гап шундаки, ҳеч нарсани ҳис этмай қўйганман. Биз сизлар каби ўлмаймиз. Бу физиологик жараён эмас. Қувват мени тарк этаяпти ва пировард оқибатда ҳеч нарса қолмайди. Аланганинг жимираётган тили липиллаб-липиллаб ўчгандек бўлади гўё.

– Мен бундан жуда афсусдаман. Балки, гаплашаётиб, шу жараёни тезлаштираётгандирсан...

– Ҳа, сал-пал, лекин менга барибир. Ҳеч нимага ачинмай қўйганман. Ҳеч нарсага афсусланмай қўйганман. Мен бизникилардан деярли охириман. Агар мени ҳам қўшиб ҳисобласа, бор-йўғи учтагина қолганмиз, аммо мени ҳисобламаса ҳам бўлади энди. Бир замонлари минг-минглаб эдик, мана, атиги иккита қолдик.

– Бирок гоблинлар бор, троллар, феялар...

– Сен тушунмаяпсан, – деди банши. – Сенга айтишмаган, ўзинг эса сўрамагансан. Сен айтаётганларинг анча кечки мавжудотлар, улар биздан кейин, сайёранинг ўсмирлиги ўтганидан сўнг келишган. Биз эса янги, кимсасиз ерларни кашф этувчилар бўлганмиз. Бу нима-лигини сен билсанг керак.

– Шундай фикрлар туғилди менда. Айниқса кейинги бир неча соат ичида.

– Сен буларни билишинг ҳам керак, – деди банши. – Чунки сен катта сайёрада бўлдинг-ку, ахир.

– Буни сен қаердан биласан? – деб юборди Максвелл азбаройи ҳайратланганидан.

– Сен қандай нафас оласан? – деб сўради банши. – Қандай қилиб кўрасан? Сен қандай тарзда нафас олсанг, қандай қилиб кўрсанг, қадимий сайёра билан алоқа боғлаб туриш ҳам мен учун ана шундай табиий ҳол. Менга бирон нимани хабар қилиб ўтиришмайди. Ўзим шундай ҳам биламан.

Мана, гап каерда экан. Гилдиракчи кўлга киритган маълумотларнинг манбаи банши бўлган. Ҳеч ким билмайдиган нарсани банши билиши мумкин эканлигига эса Черчиллнинг акли етган бўлса керак ва бу гапларни гилдиракчига етказган ҳам унинг ўзи.

– Бошқалар-чи? Троллар ва...

– Йўқ, – деди банши. – Фақат биз, баншиларгина учун йўл очик эди. Бу бизнинг ишимиз, яккаю ягона вазифамиз бўлган. Биз катта сайёра билан Ерни боғлаб турувчи ҳалқалар эдик. Биз алоқачилар бўлганмиз. Бир замонлари катта сайёра кимсасиз оламларни ўзлаштира бошлаганида алоқа воситасини яратиш зарурати туғилган. Ўша даврда биз ҳаммамиз мутахассислар эдик, лекин эндиликда бу ихтисосликларнинг маъноси йўқолди, мутахассисларнинг ўзлари ҳам қолмаган ҳисоби. Яъни, дастлабкилар мутахассис бўлишган, кейин келганлар эса шунчаки ўрнашувчилар эди. Уларнинг вазифаси янги ерларни ўзлаштириш бўлган, холос.

– Сен троллар ва гоблинлар ҳақида гапираяпсанми?

– Троллар, гоблинлар ва бошқа барчалар ҳақида. Улар маълум қобилиятларга эга, албатта, аммо ихтисосликларга эга эмас. Биз муҳандислар бўлсак, улар ишчилар эди. Ўртамизда катта тафовут бўлган. Ана шу боис ҳам улар ёнимда ўтириш учун келишни хоҳлашмаган. Қадимий тафовут ҳали-ҳануз барҳаёт.

– Сен толиқаяпсан, – деди Максвелл. – Кучингни асрасанг бўларди.

– Бунинг аҳамияти йўқ. Қувват мени тарк этаяпти, у буткул чиқиб кетганида ҳаётим ҳам поёнига етади. Ҳақиқий танам ҳеч қачон бўлмагани сабабли ўлимим ҳам на моддий, на жисмоний тарзда кечади. Мен қувват қуйқасидан иборат эдим, холос. Дарвоқе, энди бу аҳамиятсиз. Илло, катта сайёра ўлаяпти. Сен уни кўргансан, биласан.

– Ҳа, биламан. Башарти инсонлар бўлмаганида ҳам-маси мутлақо бошқача кечарди-я. Биз келганимизда бу ерда приматлар у ёқда турсин, оддий сут эмизувчилар ҳам йўқ эди. Биз приматлар ривожланишига тўсқинлик қилишимиз мумкин эди. Уларни аввалбошдаёқ йўқотиб юборишга имконимиз бўлган. Бироқ қадимий қонун мавжуд: онг-тафаккур қоинотда шу қадар ноёбки, унинг ривожланиш йўлига тўғаноқ бўлишга ҳеч қимнинг ҳақи йўқ. Илло, унинг кадр-қиймати бекиёс. Биз мутлақо хоҳламаган ҳолда унга йўл бўшатганимиз унинг кадр-қийматини тан олганимиз эди.

– Лекин ўзларингиз шу ерда қолдингиз-ку! – деди Максвелл. – Балки унинг йўлини тўсмагандирсиз, аммо қолишга қолдингизлар.

– Биз кечиккандик, – жавоб қилди банши, – борадиган жойимиз йўқ эди. – Катта сайёра ўша пайтдаёқ ўла бошлаган, унга қайтишимизда маъно қолмаганди. Ушбу сайёра эса, нечоғли ғалати кўринмасин, бизга кадрдон бўлиб қолмади.

– Инсонларни кўришга кўзингиз бўлмаса керак.

– Бир вақтлари сизлардан нафратланганимиз рост. Бунинг излари ҳали-ҳануз сақланиб қолган, чоғи. Вақти-соати келиб, нафрат ҳам йўқолади. Бутунлай ўчмаса ҳам тутаб ётаверади. Сизлардан нафратланган ҳолда сизлар билан жиндек фахрланган бўлишимиз ҳам эҳтимол. Акс ҳолда катта сайёра ўз билимларини сизларга таклиф этмаган бўларди.

– Лекин уларни ғилдиракчига ҳам таклиф этдиларингиз-ку!

– Ғилдиракчига? Э-ҳа. Аммо биз уларга ҳеч нима таклиф этмаганмиз. Қаердадир қоинотнинг олис қаърида бу ғилдиракчи катта сайёра мавжудлиги, у сотмоқчи бўлаётган мулк борлиги ҳақида эшитиб қолган кўрина-

ди. У олдимга келиб, ёлғиз битта савол берди – шу мулкнинг нархи қандайлигини сўради. Сотилаётган мулк аслида нима эканлигини у ақалли тасаввур қила олармикан, бунисини билмадим. У “мулк” деди-ю, бошқа гап айтмади.

– Сен эса унга мулкнинг нархи Артефакт эканлигини айтдинг, тўғрими?

– Тўғри. Чунки ўша пайтда менга сен ҳақингда хабар беришмаганди. Кейинчалик шуни маълум қилишди ва муайян вақт ўтганидан кейин сенга бу нархни айтишим кераклигини билдиришди.

– Сен ҳозир айнан шундай килмоқчи бўлиб турувдинг, тўғрими?

– Тўғри. Мана, вазифамни бажардим ҳам. Тамом вассалом.

– Менга яна бир нарсани айтишинг мумкин. Артефакт нима ўзи?

– Буни айтолмайман.

– Иложинг йўқми ёки хоҳламайсанми?

– Хоҳламайман.

“Хиёнат!” деб ўйлади Максвелл. Инсониятга ўлаётган ана шу мавжудот панд берди – чунки банши нима дейишидан қатъи назар, унга нархни айтишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаган. Илло, банши беҳисоб минг йилликлар мобайнида инсониятга чексиз-чегарасиз нафрат билан қараб келган. Мана эндиликда, йўқликка равона бўлаётган чоғида ҳам ёнига келган одамга инсоният нечоғли панд еганини, қандай нарсадан маҳрум бўлганини билдириш учунгина ҳамма нарсани ҳикоя қилиб бердики, бу қилиш, масхаралаш бўлмай нима яна?

– Гилдиракчига мен ҳакимда хабар берган ҳам сен бўласан! – хитоб қилди Максвелл. – Ана шу сабабли ҳам Ерга кайтганимда Черчилл бекатда мени кутиб

турганди. Мен ҳам сафардан энди келиб турибман, деб баҳона қилди, холбуки ҳеч қаерга бормаган эди.

Максвелл ғазаб ичра ирғиб турди.

– Ўлган ким эди?

У тиканли бутага таҳдид билан яқинлашди, аммо бута бўм-бўш эди. Унинг шохлари орасида липиллаб турган қора булут ғойиб бўлганди. Бутоқлар шом шафағи фонида аниқ-тиник кўриниб турарди.

Ғойиб бўлди, деб ўйлади Максвелл. Ўлгани йўк, ном-нишонсиз йўқолди, холос. Табиий мавжудотнинг моҳияти таркибий унсурларга парчаланиб кетди, ғалати шаклдаги жонли мавжудотни бириктириб турган ақл бовар қилмас ришталар ниҳоят шу қадар заифлашдики, бир ҳовуч чанг шамолда қандай тўзиб кетса, мавжудот ҳам шу зайлда ҳаво ҳамда қуёш нурлари бағрига сингиб кетди.

Тирик банши билан мулоқот қилиш осон эмасди. У ўлганидан кейин ҳам мулоқот осонлашиб қолгани йўк. Атиги бир неча дақиқа бурун Максвелл ўлаётган барча жонзотларга қарагандек унга ҳам ҳамдардлик билан қараб турганди. Бироқ мана энди тушундики, ачинишга ўрин йўк экан – банши инсоният устидан бесас қулганича ўлиб кетди.

Энди ёлғиз бир умид қолди – Вакт институтини Артефактни сотмай туришга кўндириш керак. У Арнолд билан гаплашиб, унга ҳамма нарсани айтиб беради, айтганлари ҳақиқат эканлигига уни ишонтиради. Аммо-лекин Максвеллнинг ўзи ҳам жуда яхши тушуниб турибдики, унинг ҳикояси энди аввалгидан ҳам хаёлийроқ, ақл бовар қилмас даражада ишонарсиз бўлиб туюлади.

У ўгирилиб, жарликка туша бошлади. Ялангликда тўхтаб, адир тепасига қаради. Тиканли бута осмон фонида маҳкам ва моддий бўлиб кўринар, илдизлари заминга чуқур илдиз отган эди.

Феялар майсазори ёнидан ўтаркан, Максвелл у ерда троллар хўмрайганча ишлаётганларини – тошдан кейин қолган ўйдим-чукурларни текислаб, янги чим ётқизаётганларини кўрди. Тошнинг ўзи эса ҳеч қаерда кўзга ташланмасди.

18

Максвелл Висконсин университети шаҳарчасига бо-
радиган йўлнинг ярмидан ўтганида туйқусдан Арвох
пайдо бўлди-ю, унинг ёнидаги ўриндикка чўкди.

– Опнинг топшириғи билан келдим, – деди шу
захотиёқ. – Кулбага қайта кўрма. Газетчилар изингга
тушишган. Улар сўраб-суриштириб келишганида Оп,
менимча, оқилона иш қилмади. У мухбирларга мушт
кўтариб ташланди, аммо улар барибир ўша атрофда йў-
лингни пойлаб айланиб юришибди.

– Огоҳлантирганинг учун раҳмат, – деди Максвелл. –
Бироқ энди бунинг унчалик аҳамияти қолмади шекилли.

– Воқеалар ривожини кўнгилдагидек эмасми?

– Улар умуман ривожланмаяпти, – деди Максвелл ва
бироз тараддудланиб тургач, қўшиб қўйди: – Нималар
бўлаётганини Оп сенга айтгандир, хойнаҳой?

– Оп икковимиз бир одаммиз. Ҳа, у менга ҳаммаси-
ни айтиб берди. Сен бунга эътироз билдирмайсан, деб
ўйлаган бўлса керак-да. Бироқ, ҳар қалай, сен мутлақо
хотиржам бўлишинг мумкинки...

– Мен ҳамма нарсани қайтадан гапириб беришим
керакмасмикан, шуни билмоқчийдим, холос, – дея изоҳ
берди Максвелл. – Ламберт картинасининг фотосурати-
ни кўрсатиш учун кўрикхонага борганимдан ҳам хабар-
дорсан демак.

– Ҳа. Нэнси Клейтоннинг уйидаги картина-да.

– Мен кутганимдан ҳам кўпрок нарса билиб олганга ўхшайман, – дея давом этди Максвелл. – Ҳар қалай, бир нарсани билдимки, бу билан ишимиз осонлашмайди. Биллур сайёра белгилаган нархни ғилдиракчига банши айтган. Унга аслида менга айтиш топширилган, аммо у ғилдиракчини афзал кўрган. Баншининг айтишича, у мен ҳакимда эшитмасидан аввал ғилдиракчи ёнига келган эмиш, лекин мен бу гапга ишонмайман. Менга шуларнинг барини ҳикоя қилиб бераётганида банши ўлаётган эди, аммо бу ҳол у ҳақиқатни айтган, деган гап эмас мутлақо. Баншига ҳеч қачон ишониб бўлмасди ўзи.

– У ўлаяптими?

– Ўлиб бўлди. Охиригача ёнида ўтирдим. Картина фотосуратини унга кўрсатмай қўя қолдим. Шундай пайтда сўраб-суриштиришни эп кўрмадим.

– Ғилдиракчи ҳақида гапириб бердимиз ҳар қалай?

– Инсон зотини тараккиётининг илк давридан бошлаб қанчалик ёмон кўрганини мен билиб қўйишим учунгина гапириб берди. Пировард оқибатда бизни доғда қолдиришга муваффақ бўлганини кўрсатиш учун ҳам айтди. Гоблинлар ҳам, адирларнинг бошқа барча аҳолиси ҳам бизни ёмон кўришини айтишни жуда-жуда хоҳлади-ю, барибир бунга жазм этолмади. Мен барибир ишонмаслигимни билди шекилли. Митти элат билан одамзод ўртасида қандайдир қадимий ёқтирмаслик туйғуси ҳали-ҳануз сақланиб қолган бўлиши эҳтимол, мен бунини анча аввалроқ, О’Тул билан суҳбатдаёқ тушуниб етгандим. Бу шунчаки ёқтирмаслик ҳисси, холос, ёмон кўриш, нафратланиш эмас мутлақо. Бироқ баншининг сўзларидан шуни англадимки, Артефакт чиндан ҳам сотиладиган ва у биллур сайёра белгилаган нарх экан. Шундай эканлигини аввалбошданок кўнглим сезганди ўзи. Кеча эса ғилдиракчи бунини тасдиқлади. Аммо-лекин

хамма нарса айнан ана шундай эканлигига менда комил ишонч йўқ ҳар қалай, қолаверса, бунга ғилдиракчининг ўзи ҳам мутлақо ишонмаётганга ўхшайди. Акс ҳолда мени пистирмада пойлаб туришига ва менга иш таклиф этишига нима ҳожат бор эди? Назаримда, у амалга оширишга зўр бериб уринаётган савдони мен қандайдир тарзда бузиб қўйишим мумкин эканлигини сезгандек, мендан бир амаллаб қутулмокчига ўхшайди.

– Хуллас, келажакда ҳеч қандай яхшилик кўринмаяпти, – деди Арвоҳ. – Сенга жуда ачинаман, дўстим. Биз бирон нимада ёрдам бера оламизмикан? Оп, мен ва балки анави – сен ва Оп билан бараварига ичган қиз. Ҳалиги-чи, йўлбарсчаси бор-ку.

– Мана шу умидсизликларнинг барчасига қарамай, мен яна нималардир қилишим мумкин ҳали, – деди Максвелл ўйланган ҳолда. – Вакт институтига бориб, Харлоу Шарпни савдони орқага суриб туришга кўндираман. Кейин маъмурий бинога бостириб кириб, Арнолднинг гирибонидан оламан. Башарти Харлоунинг дастурларини молиялаштириш учун унга ғилдиракчи таклиф этаётган микдордаги маблағни ажратишга Арнолдни кўндира олсам, Харлоу ғилдиракчи билан ҳар қандай мулоқотдан дарҳол воз кечиши турган гап.

– Бу йўлда ўзингни ўтга-чўкка уришингни биламан, – деди Арвоҳ. – Аммо бу саъй-ҳаракатлар кўнгилсизликдан бўлак ҳеч қандай натижа келтирмасмикан, деган хавотирдаман. Харлоу Шарп сенинг дўстинг, албатта... бироқ ректор Арнолд ҳеч кимга дўст эмас. Агар гирибонидан оладиган бўлсанг, бу унга унчалик ёкмаса кераг-ов.

– Биласанми, нимани ўйлаяпман? – деб сўради Максвелл. – Назаримда, сен тўғри айтаётганга ўхшайсан. Лекин бунга ишонч ҳосил қилиш учун аввал уриниб

кўриш керак. Балки Арнолдда қандайдир инсоний туйғу уйғониб қолар ва у расмий шахс ҳамда бюрократ эканлигини бир лахзага бўлса ҳам унутар!

– Сени яна бир нарсадан огохлантиришим керак, – деди Арвоҳ. – Харлоу Шарп сен учун ҳам, бошқа биров учун ҳам ақалли бир дақиқа бўш вақтини ажратиши даргумон. Ҳозир унинг ташвишлари бошидан ошиб ётибди. Ҳамма гап шундаки, бугун эрталаб Шекспир етиб келди!..

– Шекспир! – кичкириб юборди Максвелл. – Уни бутунлай унутиб қўйибман-ку. Ҳа, ҳа, у эртага кечкурун маъруза ўқиши керак. Омадсизлик деганлари бир келса кетма-кет келаверар экан-да! Уни айнан шу бугун шу ерга судраб келиш шартмиди-а?

– Кўринишидан, – дея давом этди Арвоҳ, – Вилиям Шекспир билан мулоқот қилиш унчалик осонга ўхшамайди. Унга янги аср ҳақида кўп ҳикоя қилиб беришган экан, у билан дарҳол танишишни хоҳлаб қолибди. Вақтчилар жуда бўлмаганда Елизавета даври либосини ҳозирги кийимга алмаштиришга уни аранг қўндиришди. Акс ҳолда уни институтдан чиқармасликларини айтиб, оёқ тираб туриб олишганидан кейингина бунга рози бўлди. Эндиликда улар унга бирон нарса бўлиб қолмасин-да ишқилиб, деган хавотирда юрак ҳовучлаб юришибди. Уни қандай қилиб бўлмасин назоратда сақлашлари ва айна пайтда кўнглига қарашлари ҳам керак. Қўшимча стулларга ва ҳатто ўтиш йўлларида тикка туриш учун ҳам барча чипталар сотиб бўлинган, улар кўпроқ маъруза бузилишидан хавфсирашяпти.

– Буларнинг бари сенга қаердан маълум? – қизиксиниб сўради Максвелл. – Менимча, энг янги ғийбатларни ҳаммадан аввал сен билсанг керак.

– Чунки бир ерда ўтирмайман-да, – камтарона жавоб берди Арвоҳ.

– Ҳа, умид деярли йўқ. Лекин таваккал қилишга тўғри келади. Вақтим қарийб қолмаяпти. Агар Харлоу умуман кимнидир қабул қилиши мумкин бўлса, мени қабул қилади.

– Шунчалик чигал тўсиклар йўлингни тўсиши мумкин эканлигига ишониш қийин, – деди Арвоҳ маъюсла-ниб. – Бюрократик жаҳолат туфайли университет ва Ер икки коинот билимларидан наҳотки абадий маҳрум бўлиб қолса-я?

– Ҳамма гап ғилдиракчи-да, – деди Максвелл норози оҳангда. – Агар унинг таклифи бўлмаганида ҳамма ишни шошмасдан, бамайлихотир амалга ошириш мумкин эди. Фурсатим етарли бўлганида барча режаларимни осонгина амалга оширардим. Харлоу билан гаплашардим, босқичма-босқич Арнолдга ҳам етиб борган бўлардим. Умуман, Харлоуни ишонтира олганимда биллур сайёра кутубхонасини бевосита Вақт институти сотиб олган бўларди ва университетнинг рухсатига ҳам ҳожат қолмасди. Лекин бунга вақтимиз йўқ. Арвоҳ, сен ғилдиракчилар тўғрисида бирон нима биласанми? Яъни, биз билмайдиган нарсаларни?

– Жудаям унчаликмас. Билганим фақат шуки, улар инсоният коинотда учратишдан ҳамиша хавфсираб келган ўша – тасаввурдаги душманларнинг айнан ўзи бўлиб чиқиши эҳтимол. Ғилдиракчиларнинг хатти-ҳаракати шундан далолат берадики, улар ҳақиқий душман – ҳар қалай, ҳозирда бўлмаса ҳам келажакдаги душман. Уларнинг хоҳиш-ниятлари, ахлоқ-одоби, маънавияти ва умуман дунёқараши бизларникидан мутлақо фаркланса керак. Арилару ўргимчаклар бизга яқин бўлса борки, аммо улар бутунлай-бутунлай бегона. Бирок улар ақлли... ва энг ёмон жиҳати ҳам айнан ана шу. Улар бизнинг қарашларимизни шу қадар ўрганиб олишди,

урф-одатларимизни шунчалик ўзлаштириб олишдики, биз билан бемалол мулоқотга киришиб, икки ўртада қандайдир ишлар ҳам олиб боришаяпти... Артефактни қўлга киритиш учун нималар қилаётганларининг ўзиёқ бунга яккол далил. Уларнинг айнан акли ва шароитга мослашувчанлиги мени кўпроқ хавотирга солаяпти. Менимча, худди шундай вазиятда одамлар шароитга шу қадар мослашиб, ундан фойдалана олишмасди.

— Ҳа, сен ҳақсан, — деди Максвелл. — Ана шу сабаб-ли ҳам биз биллур сайёра кутубхонаси уларнинг қўлига ўтиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак. Унда қандай билимлар мавжудлиги Парвардигорнинг ўзигагина маълум. Мен у ерда муайян вақт бўлиб, бекиёс хазинанинг миллиондан бир қисмидаги миллиондан бир улушини ҳам кўриб улгуролмадим. У ердаги илмларнинг аксарияти менинг тушунчамдан юзлаб ёруғлик йиллари йироқликда. Бирок бу, агар фурсатим етганида, шунингдек, ҳозир менда йўқ ва ҳатто борлиги менга номаълум билимларга эга бўлганимда бошқа кишилар ҳам бу хазинани тушуна олмасди, дегани эмас мутлақо. Назаримда, инсониятнинг бу вазифага куч-қудрати етади. Ғилдиракчиларнинг ҳам. Илм-фаннинг улкан соҳалари ҳозирча биздан буткул пинҳона ётибди. Балки айнан шулар ғилдиракчилар билан баҳсимизда ҳал қилувчи рол ўйнар. Башарти башарият билан ғилдиракчилар қачонлардир тўқнашгудек бўлса, ғалабамиз ёки мағлубиятимиз биллур сайёранинг кутубхонасига боғлиқ бўлиб қолар эҳтимол. Мабодо ана шу хазина бизнинг қўлимизда эканини ғилдиракчилар билишса, бундай тўқнашувга бормасликлари аён ҳар қалай. Бошқача айтганда, коинотда уруш ёки тинчлик бўлиши шу кутубхонанинг тақдирига боғлиқ.

Майин кузнинг илик ҳарорати орасидан муздек шамол эпкинени ҳис этиб, Максвелл ўтирган жойида

кунишиб қолди, бу изғирин олтинранг-кўнғир адирлардан ва уларни куршаб турган ложувард осмондан эмас, балки аллақандай номаълум жойдан келаётгандек эди.

— Сен банши билан ўлими олдидан гаплашгансан, — деди Арвох. — У Артефактни тилга олган. У нима эканлигига шама қилмадими мабодо? Агар Артефакт нима-лигини билганимизда, балки...

— Йўқ, Арвох. У ҳеч нима демади. Бирок менда шундай бир таассурот туғилдики... Аникроғи, кўнглимдан шундай бир ноаниқ, ниҳоятда ғира-шира фикр ярқ этиб ўтдики, уни таассурот деб ҳам бўлмайди... Ўша лаҳзада эмас, кейинроқ туғилган бу тахминни тасдиқловчи ҳеч қандай далил-исбот йўқ. Менимча, Артефакт бизнинг коинотимиздан олдинги, биллур сайёра вужудга келган коинотга мансуб нарсас. Ўша коинотдан кейин ўтган миллиард ва миллиард йиллар мобайнида сақланиб қолган қимматбаҳо бир ашё. Яна бир нарсас — баншилар ва Оп эслайдиган бошқа қадимий мавжудотлар ўша коинотнинг аҳолиси эди ҳамда улар билан биллур сайёра эгалари ўртасида қандайдир алоқа мавжуд. Ўтган коинотда вужудга келган ҳаёт шакллари ривожланган, тараккий этган, кейин эса Ерга ва бошқа сайёраларга кўчиб ўтиб, янги тамаддунни яратишга уринишган. Янги тамаддун ҳам биллур сайёра бошлаб берган йўлдан кетиши керак эди, лекин нимадир юз бериб, бу амалга ошмай қолган. Янги сайёраларни ўзлаштириш йўналишидаги жамики уринишлар муваффақиятсизликка учраган — Ерда инсон пайдо бўлиши туфайли, бошқа жойларда, эҳтимол, бошқа сабабларга кўра. Ва бу сабабларнинг айримларини мен тахминан сезаётгандекман. Балки ирқлар ҳам кексайиб, ўз-ўзидан тугаб кетар ва ўрнини қандайдир янгиликка бўшатиб берар. Ким билади, ҳар бир ирқнинг яшаш муддати бордир ва қа-

димги мавжудотларнинг ўлим ҳукми ҳам ўзлари билан биргадир. Чамаси, тараккиёт узлуксиз кечиши учун йўл очувчи, унга ҳеч нима халакит бермаслигини таъминловчи қандайдир принцип, аллақандай табиий жараён мавжуд бўлиши керак, биз – инсоният ҳали жуда ёш бўлганимиз учун ҳам бу тўғрида ўйлаб кўрмаганмиз.

– Мантикий мушоҳада, – деди Арвох. – Яъни, бу тамаддунларнинг барчаси тугаб кетган. Агар бизнинг коинотимизнинг бирон-бир ерида биронта тамаддун омон қолганида биллур сайёра ўз билимларини унга бериши турган гап эди. Уларни бизга ва ғилдиракчиларга, яъни ўзига бегона бўлган мавжудотларга таклиф этиб ўтирмасди.

– Мени бир нарса ўйлантираяпти, – деди Максвелл. – Биллур сайёрага Артефакт нима учун керак экан? Ахир, унинг эгалари аллақачонлар қарийб сояга айланиб улгуришган, буткул йўқ бўлиб кетиш арафасида туришибди-ку? Уларга Артефактдан нима фойда? У нима учун керак?

– Бу саволга жавоб бериш учун аввало Артефактнинг ўзи нима эканлигини билиш зарур, – деди Арвох ўйланган ҳолда. – Бу жумбоқни ечишга ишончинг борми? Шунга туртки берадиган бирон нимани кўрганмисан, эшитганмисан...

– Йўқ, – деди Максвелл. – Ҳеч нима.

19

Харлоу Шарп толиқиб кетгани яққол кўриниб турарди.

– Сени узок куттириб қўйганим учун узр, – деди у Максвеллга. – Жуда серғалва кун бўлди ўзиям.

– Қабулингга кира олганимнинг ўзиданок хурсандман, – деди Максвелл. – Котибанг хайдаб чиқаришига бир баҳя қолди.

– Мен сени кутгандим, – изох берди Шарп. – Эрта-ми, кечми барибир кириб келишингни билардим. Сен тўғрингда жуда ғалати гапларни эшитдим.

– Уларнинг аксарияти ҳақиқатга тўғри келади. Аммо ҳозир келишимдан мақсад бутунлай бошқача. Буни дўстона ташриф эмас, балки иш юзасидан суҳбат, деб билавер. Кўп вақтингни олмайман.

– Жуда соз. Хўш, мендан нима хизмат?

– Артефактни сотаяпсанми?

Шарп бош ирғади.

– Бундан жуда афсусдаман, Пит. Сени ва яна кимнидир нима қизиқтираётганини биламан. Бироқ Артефакт музейда кўп йиллардан буён бекор ётибди, университет меҳмонлари ва сайёҳлар томоша қиладиган бефойда мўъжизадан бўлак ҳеч нарса бўлмай қолган. Институтимизга эса маблағ керак, бу энди ўзингга ҳам маълум. Жамғармалар етарли эмас, бошқа факультетлар ва институтлар ўзлари тузиб чиққан дастурлар учун арзимаган сарик чака ажратишади...

– Харлоу, буларнинг барини биламан. Уни сотишга ҳақинг борлигини ҳам тушунаман. Артефактни бу ёққа олиб келганингизда университет унга қизиқмагани ҳам ёдимда. Жамики сарф-харажатлар ўзларингизнинг бўйингизга тушган...

– Ҳамма нарсада тежаб-тергашга, қарз кўтаришга, тиламчилик қилиб юришга кунимиз қолган, – деди Шарп. – Биз бир-биридан зарурроқ, фойдалироқ бир канча дастурларни ишлаб чиқдик, уларни амалга ошириш сарф-харажатларни юз-минг мартага қоплаган бўларди. Янги маълумотларни тўплашга, янги илмларни қўлга киритишга ёрдам берган бўларди. Бироқ бу дастурлар ҳеч кимни қизиқтирмади, ишонасанми, ҳеч кимни! Бутун ўтмишни тит-пит қилиб ташласак ҳам

кимсанинг парвойига келмайди. Тўғри, ҳозирда кимларнидир бокиб турган айрим севимли назарияларни бир пулга чиқариб ташлашимиз ҳам мумкин, улар шундан хавфсирашади. Ана шу сабабли ҳам тадқиқотларимизга маблағ топиш учун минг бир кўчага бош уриб чиқишимизга тўғри келади. Айтайлик, Шекспир воқеасига ўхшаш нарсаларни ўйлаб топиш учун қай қўйларга тушишимизни билсайдинг. Афсуски, бунақа нарсалар бизга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Улар мавқеимизни мустаҳкамлаш ўрнига, аксинча, зарар келтиради, чунки турган-битгани бош оғриғи, ортикча ташвиш-дахмазадан бўлак нарса эмас. Бу нималигини сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан, Пит. Масалан, шу Шекспирнинг ўзини ола қолайлик. У сайёҳ сифатида аллақерларда сайр қилиб юрибди, мен эса бу ерда унга бирон қор-хол бўлиб қолмаса гўрғайди, деган ваҳимада юрагимни ҳовучлаб ўтиришим керак. Чунки Шекспирдек одамни ўз даврига қайтара олмасак, қанақа тўполон кўтарилишини биласанми? Бу одам...

Максвелл унинг сўзини бўлиб, ўзининг дардига қайтишга уринди.

– Сен билан баҳслашмоқчи эмасман, Харлоу. Мен бу ерга бунинг учун келмадим...

– Ана шу танг вазиятда десанг, бирданига Артефактни сотиш имконияти туғилиб қолди, – Шарп унга қулоқ солмай, ўз дардини давом эттирди. – Яна десанг, университетдаги курумсоқлар икки дунёда ҳам бермайди-ган маблағ эвазига. Бу савдо биз учун қандай аҳамиятга эга эканлигини жуда бўлмаганда мана энди тушунгандирсан, а?! Қанчадан-қанча муҳим тадқиқотлар қўлимиз қалталиқ қилгани учун тўхтаб ётганди, мана энди улар билан енг шимариб шуғулланишга имкон топилади. Тўғри, ғилдиракчилар нима эканлигини мен би-

ламан. Черчилл кўнглимизга кўл солгани келганидаёк кандайдир мавҳум шахснинг вакили эканлиги очик-ойдин кўриниб турувди. Бироқ мен бунга кўнмадим. Очик савдо бўлмаса, мен розимасман деб данғалига айтдим, номаълум шахсга сотадиган нарсам йўқ, деб оёқ тираб туриб олдим. Хуллас, Черчиллнинг гирибонидан олдим – у кимга ниқоб бўлиб хизмат қилаётганини билмагунимча бу тўғрида умуман гаплашмайман, деб шарт кўйдим.

Харидор кимлигини билганимда эса кўнглим озиб кетди, ўлай агар. Аммо шунга қарамай, музокараларни бошладим, чунки бундай имконият бошқа ҳеч қачон такрорланмаслигини билардим. Бунақанги йирик маблағга эга бўлиш учун мен ҳатто Иблиснинг ўзи билан савдолашишга ҳам тайёр эдим!

– Харлоу, – деди Максвелл, – сендан фақат бир нарсани сўрайман: ҳозирча бир қарорга келмай тур. Менга бироз фурсат бер.

– Нима учун?

– Менга Артефакт керак.

– Артефакт? Нега энди?

– Мен уни сайёрага алмаштиришим мумкин. Бир эмас, нақ икки коинотнинг билимларини сақлаётган сайёрага, эллик миллиард йил мобайнида тўпланган билимлар эвазига.

Шарп олдинга эгилди, лекин шу захотиёк яна ўзини оромкурси суянчиғига ташлади.

– Жиддий гапираяпсанми, Пит? Мен билан ҳазиллашаётганинг йўқми мабодо? Сен ҳақингда ғалати гаплар эшитдим – иккита бўлиб қолибсан ва биттангизни ўлдиришибди. Сен эса мухбирлардан ва балки полициячилардан ҳам қочиб юрганмишсан. Боз устига, маъмурият билан орангда қандайдир жанжал ҳам чиққанмишми-ей...

– Харлоу, мен сенга хаммасини тушунтириб беришим мумкин, аммо бунга хожат бўлмаса керак. Гапларимга ишонмассан, хойнаҳой. Лекин ҳақиқатни айтаяпман. Мен сайёрани сотиб олишим мумкин...

– Сен? Ўзинггами?

– Йўк, ўзимгамас. Университет учун. Мана шу сабабли ҳам менга вақт керак – Арнолднинг кабулига киришим осонмас.

– Шу ишга унинг розилигини олиш учунми? Пит, бундан умид килмасанг ҳам бўлади. Лонгфелло билан келиша олмабсан, қабул масаласини эса у ҳал қилади. Ҳатто сен расмий вакил бўлган тақдирингда ҳам...

– Худди шундай! Менга ишонаверишинг мумкин. Мен сайёра эгалари билан суҳбатлашдим, уларнинг кутубхонасини кўрдим...

Шарп бош чайкади.

– Сен билан эски дўстмиз, жуда калин кадрдонлармиз. Мен сен учун ҳар қандай нарсага тайёрман. Фақат бунга эмас. Мен институтимга бу қадар панд беролмайман. Энди у ёғини айтадиган бўлсам, сен барибир кечикдинг.

– Кечикдим? Қанақасига, ахир?

– Келишилган маблағ бугун тўланди. Эртага эрталаб филдиракчи Артефактни олиб кетади. У дарҳол олиб кетмоқчи эди, ташиш муаммоси туғилиб қолди.

Максвелл бу янгиликдан анг-танг бўлиб қолди.

– Мана шунақа ишлар, – деди Шарп. – Энди ҳеч нарса менга боғлиқ эмас.

Максвелл ўрнидан турди-ю, шу заҳоти яна ўтирди.

– Харлоу, агар мен Арнолд билан шу окшом учрашишга муваффақ бўлсам-чи? Агар мен уни кўндира олсам-у, у ўшанча маблағ берса...

– Бемаъни гапларингни қўй! Унга нархни айтишинг биланок ҳушидан кетиши аниқ.

– Шу қадар каттами?

– Шу қадар катта.

Максвелл охиста кўзғолди.

– Ҳа, дарвоқе, яна бир нарса – дея давом этди Шарп. – Ғилдиракчини қандайдир тарзда кўрkitиб қўйибсан. Эрталаб Черчилл олдимга келиб, савдони дарҳол якунлашни талаб қилиб туриб олди. Афсус, менинг ёнимга аввалроқ келсанг бўларкан. Балки бирон йўлини ўйлаб топган бўлармидик. Лекин у нима бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайман.

Ёшиққа йўналган Максвелл тараддудланиб тўхтади, кейин эса Шарп ўтирган стол ёнига қайтди.

– Яна бир савол... Вақт бўйлаб саёҳатларга боғлиқ, Нэнси Клейтоннинг уйида Ламбертнинг картинаси бор...

– Ҳа, эшитдим.

– Унинг орқа планида тепасида тош ётган адир тасвирланган. Ўша тош Артефакт эканлигига имоним комил. Ой эса суратда тасвирланган мавжудотларни эслади – уларни ўзининг тош даврида кўрган экан. Сен эса Артефактни чиндан ҳам юра давридаги бир адир устидан топгансан. У ўша тепаликда ётганини Ламберт қаердан билган бўлиши мумкин? Чунки Артефакт мусаввирнинг вафотидан бир неча аср ўтганидан кейингина топилган. Менинг назаримда, Ламберт Артефактни ҳам, унинг атрофидаги мавжудотларни ҳам ўз кўзлари билан кўриб, суратда акс эттирган. Менимча, у мезозой даврида бўлган. Симонсон ҳақида қандайдир гаплар юрганди-ку, ахир! Тўғрими?

– Гапингнинг нишабини кўриб турибман, – деди Шарп. – Нимаям дердим, шундай бўлиши мумкин. Симонсон йигирма биринчи асрда вақт бўйлаб саёҳат муаммолари устида иш олиб борган, назорат қилишни уддалай олмаган бўлса ҳам нималаргадир эришганини

айтган. У вақт бўйлаб саёҳатда биттами-иккитам сайёҳни йўқотиб қўйгани – уларни ўтмишга юбориб, қайтара олмагани ҳақида бир афсона ҳам юради. Бирок у ҳақиқатан ҳам бирон натижага эришганмиди, йўқми, бу масала жумбоқлигича қолган. Унинг бизда сақланиб қолган қоғозларидаги маълумотлар ниҳоятда кам. У ўз тадқиқотларини эълон қилмаган, аксинча, сир тутган. Чунки вақт бўйлаб саёҳатларда – илмий экспедициялар, ов ишқибозлари ва бошқалар билан шартномалар тузиш орқали ва ҳоказо усулларда эртақлардагидек бойликларни қўлга киритиш мумкин эканлигига ишонган. Ҳаттоки тарихдан олдинги Жанубий Африкага бориб, Кимберли олмос конларини шип-шийдон қилиб кетишни ҳам мўлжаллаб қўйган. Айнан ана шу сабабга кўра ўз ишларини ниҳоятда махфий сақлаган, улар тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди.

– Лекин шундай бўлган бўлиши мумкин-ку, ахир? – деди Максвелл куйиниб. – Симонсон билан Ламберт замондош бўлишган, мусаввирнинг ижодий усули эса туйқусдан кескин ўзгариб кетган... гўёки унга бирон нима бўлгандек. Бу эса вақт бўйлаб саёҳат бўлиши мумкин эди!

– Балки, – деди Шарп. – Аммо мен бундай деб ўйламайман.

20

Максвелл Вақт институтидан чиққанида осмонда юлдузлар чарақлаган, туннинг совуқ шамоли эсиб турарди. Қаршидаги биноларнинг чароғон деразалари фонида азим қайрағочлар нақ зулмат кўланкаларидек кўринади.

Максвелл изғириндан жунжикиб, курткаси ёқасини кўтарди ва томоғидаги тугмани қадади, кейин пилла-

поялардан югурганча йўлкага тушди. Атрофда ҳеч зоғ кўринмасди.

У бирдан жуда очикиб кетганини сезди ва эрталабдан бери туз тотмаганини эслади. Айнан сўнгги умиди узилган пайтда иштаҳаси очилиб кетганини ўйлаб, мийиғида кулиб кўйди. У энди нафақат очикқан, балки кўчада қолганди – Опнинг кулбасига қайтиши мумкинмас, у ерда мухбирлар кутиб туришибди. Дарвоқе, энди улардан қочиб юрадиган жойи ҳам қолгани йўқ! Башарти бошидан кечирганларини гапириб берган тақдирида ҳам бу ҳол энди на зарар, на фойда келтиради. Аммо барибир мухбирлар билан учрашув ёкимсиз эди – Максвелл уларнинг юзидаги ишончсизликни, берадиган саволларини ва ёзадиган мақолаларидаги киноя оҳангини тасаввур қилди.

У хануз йўлкада турган кўйи қайси томонга юришни билмасди. Танишларидан ҳеч ким учрамаслиги аниқ бўлган биронта кафе ёки ресторани эслай олмади. Бугун уларнинг сўраб-суриштиришларини кўтарадиган аҳволда эмасди.

Орқа томонда шарпани илғаб, ўгирилганида Арвоҳни кўрди.

– Э, бу сенмидинг.

– Сени анчадан буён кутаяпман, – жавоб қилди Арвоҳ. – У ерда узоқ қолиб кетдинг.

– Аввалига Шарп банд бўлди, кейин икковимизнинг суҳбатимиз ҳеч тугамади.

– Бирон нимага эриша олдингми ишқилиб?

– Ҳеч нарсага эришолмадим. Артефакт аллақачон сотилган ва пули тўланган. Ғилдиракчи уни эртага эрталаб олиб кетади. Бу ёғига энди ҳаммаси тугади, тамом вассалом. Бугун Арнолднинг қабулига киришга уриниб кўришим мумкин эди, аммо бундан нима наф? Яъни, у билан суҳбатим энди ҳеч нарса бермайди.

- Оп стол буюртирган. Очикқандирсан, хойнаҳой?
- Секин айтасанми.
- Кетдик бўлмаса.

Улар ёнлама йўлакка бурилиб, тор кўчалар ва аллакандай ҳовлилар орқали юриб боришарди.

– Шинамгина ертўла ва у ерда ҳеч кимни учратмаймиз, – дея тушунтирди Арвоҳ. – Лекин таомлари дуруст, вискиси арзон. Айниқса, кейингисини Оп алоҳида таъкидлаяпти.

Яна бир неча дакиқадан кейин улар темир зинапоядан пастга тушишди ва Максвелл ертўла эшигини итарди. Гира-шира ёритилган зал ичкарисидан таомлар хиди келарди.

– Бу ерда оилавий усул жорий этилган, – дея огоҳлантирди Арвоҳ. – Стол устига ҳамма нарсани бир йўла тўкиб ташлашади ва у ёғига ҳар ким ўзини сийлайверади.

Бу ҳам Опга ёкиб тушди. Девор тагидаги стол ёнидан неандерталнинг барваста комати кўтарилди ва уларга қўл силкиди. Максвелл атрофга аланглаб, уч-тўртта столдан бошқаси банд эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

– Бу ёкка, – овози борича ҳайқирди Оп. – Сизларни бир меҳмон билан таништирмоқчиман.

Максвелл Арвоҳ ҳамроҳлигида ўша томонга йўл олди. Нимкоронғи шароитда Кэролни таниди, унинг ёнида яна кимдир бор эди. Соқолли ва яхши танишга ўхшаб кетади.

– Бугунги меҳмонимиз, – эълон қилди Оп. – Муҳтарам Виям Шекспир.

Шекспир ўрнидан туриб, Максвеллга қўлини узатди. Жилмайган эди, соқоли устида оппоқ тишлари яркираб кетди.

– Такдир мени шундай қувноқ ёшлар билан учраштирганидан бениҳоя бахтиёрман, – деди у.

– Бард шу ерда қолишни ўйлаяпти, – хабар қилди Оп. – Давримиз ёқиб қолди.

– Сизлар нега мени бард деб атаяпсизлар? – сўради Шекспир.

– Кечирасиз, – деди Оп, – шунга ўрганиб қолдик...

– Шу ерда қолишни... – деди ўйланиб Максвелл ва Опга ўқрайиб қаради: – Меҳмон бу ердалигидан Харлоунинг хабари борми?

– Қаердан ҳам хабари бўлсин, – дея ишшайди Оп. – Биз бир иш қилсак, исини чиқармаймиз.

– Мен жиловдан чиқиб қочдим, – деди Шекспир илжайиб, шу ишидан жуда мамнунлиги сезилиб турарди. – Бироқ бунда менга ёрдам беришдики, чин дилдан ташаккур айтурман.

– Ёрдам! – дея хитоб қилди Максвелл. – Сиз тентаклар нима иш қилиб қўйганингизни биласизларми ўзи?!.

– Бўғилаверма, Пит! – дея аралашди Кэрол. – Менимча, Оп жуда олижаноб иш қилган. Бошқа даврдан келган инсон одамлар ҳозир қандай яшаётганларини кўришни истаса нима қилибди...

– Балки ўтирармиз, – таклиф қилди Арвоҳ Максвеллга. – Кўринишингга қараганда, ичмасанг ўзингга келолмайсан.

Максвелл Шекспирнинг ёнига ўтирди, Арвоҳ каршидаги стулга чўкди. Оп Максвеллга шиша узатди.

– Қани, бир кўтариб юбор-чи. Тортиниб ўтирма, қадах келтиришларини ҳам кутма. Дўстлар даврасида ўтирибмиз.

Максвелл шишани оғзига олиб бориб, бошини орқага ташлади. Шекспир унга қойил қолиб қараб турди ва ичиб бўлганидан кейин деди:

– Жасоратингизга беш кетдим. Мен бор-йўғи бир марта ҳўплагандим, нақ ичимни қуйдириб юборди.

– Ҳечкиси йўк, ўрганиб кетасиз, – дея юпатди Максвелл.

– Аммо мана бу эл, – давом этди Шекспир пиволи шишани силаб, – бу ажойиб ичимлик тилни сайратади, қоринни яйратади.

Шекспир ўтирган стулнинг оёқлари орасидан Силвестр сиқилиб чиқиб келди ва Максвеллнинг тиззаларига бошини қўйди. У йўлбарсчанинг қулоғи ортини кашлади.

– Яна сизга ёпишаяптими? – сўради Кэрол.

– Силвестр иккаламиз қалин дўстмиз. Ёнма-ён туриб, жанг қилганмиз. Ёдингизда бўлса, кеча икковимиз ғилдиракчига қарши чиқиб, уни яксон этдик.

– Хурсанд кўринасиз, – деди Шекспир Максвеллга қараб. – Бундан чикди, тутилиб қолишингизга сабабчи бўлган иш муваффақиятли яқунланибди-да?

– Аксинча. Агар хурсанд кўринаётган бўлсам, шундай ёқимли даврада ўтирганим туфайлигина.

– Демак, Харлоу рад этган! – Оп портлаб кетди. – Сенга бир-икки кун вақт беришни хохламаган!

– У энди ҳеч нарса қилолмасди, – тушунтирди Максвелл. – Чунки келишилган пулни олган ва эртага ғилдиракчи Артефактни олиб кетадиган.

– Бизда уни бу йўлдан қайтишга мажбур қилувчи имконият бор! – деди Оп таҳдидли ва сирли оҳангда.

– Бундан ҳеч нарса чикмайди, – эътироз билдирди Максвелл. – Бу ёғи энди унга боғлиқ эмас. Савдо пишган. У пулни қайтаришни, энг муҳими – сўзидан қайтишни истамайди. Энди сен айтмоқчи нарсани тўғри тушунган бўлсам, у маърузани бекор қилиб, чипталарни қайтиб олиши кифоя.

– Тўғри айтасан, – бўшашди Оп ҳам. – Биз у ёқда ҳамма нарса аллақачон ҳал этилганидан беҳабар эдик ва ўз мавқеимизни мустаҳкамлашни мўлжаллагандик.

– Сизлар кўлингиздан келганча ҳаракат қилдингиз, – деди Максвелл. – Раҳмат.

– Бир-икки кун вақт бўлганида ҳаммамиз биргалашиб, Арнолднинг қабулига бостириб кирмоқчи ва унга барча нарсани тушунтириб бермоқчи эдик. Бирок энди ҳеч қандай умид қолмаган экан... шишани яна бир кўтаргин-да, менга узатиб юбор.

Максвелл шундай қилди. Шекспир пивони тугатиб, шишани так этиб қўйди. Кэрол вискини Олдан тортиб олиб, ўз қадаҳини тўлдирди.

– Сизлар билганингизни қилаверинг, – деди у. – Аммо мен бутунлай ёввойилашиб кетишдан воз кечаман ва қадахдан ичаман.

– Пиво! – қичқирди Оп. – Мухтарам меҳмонимизга пиво келтиринг!

– Сиздан бениҳоя миннатдорман, судар, – деди Шекспир.

– Бу хилват жойни қандай қилиб топдинг? – деб сўради Максвелл.

– Ушбу илмий шаҳарчанинг жамики пана жойлари менга беш қўлимдай маълум, – хабар қилди Оп.

– Бизга айнан шундай тинч жой керак эди, – дея қўшилди Арвоҳ. – Вақтчилар ҳадемай дўстимизни излаб, ялпи сафарбарлик эълон қилишади. У ғойиб бўлганини Харлоу сенга айтмадими?

– Йўқ, – деди Максвелл. – Лекин асабийлашаётгандек эди. Ҳатто хавотирланиб ўтирганини ҳам айтди, лекин барибир унинг қиёфасидан ҳеч нима билиб бўлмайди. У отилиб турган вулкон кратери ёнида ўтирса ҳам пинагини бузмайдиган одамлар сирасидан... Айтмоқчи, мухбирлар нима қилишаяпти? Ҳалиям кулба атрофида изғиб юришибдими?

Оп бош чайқади.

– Йўк. Бирок кайтиб келишади. Сенга бошқа бошпа-на топмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

– Менимча, энди улар билан учрашсам ҳам бўлаверар, – деди Максвелл. – Барибир эртами-кечми ҳамма нарса ҳақида гапириб беришга тўғри келади.

– Улар сени бурдалаб ташлашади, – аралашди Кэрол. – Опнинг айтишича, ишсиз қолибсиз, устига-устак, Лонгфеллонинг сиздан жаҳли чиққан. Бунақа пайтда матбуот ҳам қасд қилса, сизни ер билан битта қилиб ташлаши мумкин.

– Ҳечкиси йўк, – деди Максвелл. – Ҳамма гап мен мухбирларга нималарни айтишим ва нималарни айтмаслигимга боғлиқ.

– Борини айт уларга, – маслаҳат берди Оп. – Жамики тафсилотлари билан. Нимадан маҳрум бўлганини бутун галактика билиб қўйсин.

– Йўк, – деди Максвелл. – Харлоу менинг дўстим. Бошига ғалва ортишни истамайман.

Официант битта пиво шишаси келтириб, стол устига қўйди.

– Бу нимаси? – бақириб юборди Оп. – Бор-йўғи шуми? Бир яшигини кўтариб келавермайсизми? Дўстимизнинг томоғи қуриб кетди-ку, ахир!

– Лекин ўзингиз айтмадингиз-да, – дея ранжиди официант. – Мен қаердан билиб ўтирибман! – У шундай деб яна пиво келтиргани кетди.

– Мехмондўстлигингиз ҳар қандай таҳсинга сазовор, – деди Шекспир. – Аммо мен ортикчалик қилмаяпманми мабодо? Ташвишларингиз ўзингизга етиб турибди.

– Бу гап тўғри, – жавоб берди Арвох. – Бирок сиз ҳеч қанақасига ортикча эмассиз. Давраимизда сиз борлигингиздан жуда хурсандмиз.

– Опнинг айтишича, бу ерда бутунлай қолиш ниятингиз бор эмиш. Шу тўғрими? – сўради Максвелл.

– Менинг тишларим ярамай қолган, – деди Шекспир. – Ҳаммаси ликиллайди, баъзан қаттиқ оғрийди. Эшитишимча, бу ерда тишларни ҳеч қандай оғриксиз суғуриб олиб, ўрнига янгиларини ўрнатиб берувчи мохир усталар бор эмиш.

– Албатта бор, – тасдиқлади Арвоҳ.

– Уйда мени жанжалкаш хотиним кутаяпти, – деди Шекспир. – Унинг ёнига қайтишни истамаяпман. Бунинг устига сизлар пиво деб атайдиган эл нихоятда ажойиб экан. Яна эшитишимча, сизлар гоблинлар ва феялар билан тил топишибсизлар, бу мўъжизанинг ўзику, ахир. Ва яна мен Арвоҳ билан бир даврада ўтирибман, бу эса ҳар қандай инсоний тушунчадан ҳам юқоридир. Гарчи сезаяпманки, шу ўринда, қаердадир ҳақиқат илдизи пинҳонадир.

Официант бир канча пиво шишаларини келтириб, стол устига тараклатиб қўйди.

– Мана, – деди у хануз ҳўмрайган қўйи. – Ҳозирча етиб турар. Ошпаз айтишича, овқат ҳам тайёр бўлиб қолибди.

– Бундан чикди, сиз бу маърузани ўқиш ниятида эмассиз, шундайми? – сўради Максвелл Шекспирдан.

– Агар уни ўқисам, – жавоб қилди Шекспир, – мени дарҳол уйга қайтариб юборишади.

– Турган гап, – аралашди Оп. – Уни қўлга туширишса бас, чангалларидан қайтиб чиқаришмайди.

– Лекин бу ерда қандай қилиб яшайсиз? – сўради Максвелл. – Чунки сиз билган ва қўлингиздан келадиган нарсаларни бу оламда қўллаш нихоятда даргумон.

– Бирон чорасини ўйлаб топарман, – деди Шекспир. – Танг вазиятларда инсон онги бағоятда топқир бўлиб кетади.

Официант аравачада буғи чиқиб турган таомларни келтириб, стол устига териб қўя бошлади.

– Силвестр! – кичкирди Кэрол.

Чунки йўлбарсча ирғиб туриб, олдинги панжаларини стол устига қўйган ва сингиб пишган иккита рост-бифни ўмариб улгурган эди. У соҳибасининг овозини эшитиб, ўлжаси билан дарҳол стол остига шўнғиди.

– Мушукча очиккан, – деди Шекспир. – Қаердан егулик топса, ўшани илиб кетаверади-да.

– Бунақа пайтда у одобни ҳам унутиб қўяди, – шикоят қилди Кэрол.

Стол остидан мушукчанинг мамнун ғудраниши эшитилди.

– Муҳтарам Шекспир, – деди Арвоҳ. – Сиз бу ерга Англиядан, Эйвон дарёси соҳилидаги шаҳарчадан келгансиз.

– Кўзларни яйратувчи диёр, – хўрсинди Шекспир. – Аммо ҳар хил қаланғи-қасанғиларга тўлиб кетган. Қарокчилар, ўғрилар, қотиллар, э, кимлар йўқ дейсиз.

– Мен эса дарёда сузиб юрган оккушларни эслаяпман, – деди бирдан Арвоҳ. – Соҳил бўйлаб мажнунтолларни ва яна...

– Нима-нима? – кичкириб юборди Оп. – Сен қанақасига эслашинг мумкин?

Арвоҳ стол ёнидан оҳиста турди, бу ҳаракатда шундай бир нима бор эдики, ҳамма беихтиёр қараб қолди. У қўлини кўтарди – лекин бу қўл эмас, энг эди... агар қийим бўлса.

– Ҳа, ҳа, мен эслаяпман, – деди у бўғиқ овозда, гўё овози ҳам қаердандир олисдан эшитилаётгандек эди. Шунча йиллардан бери, ниҳоят, эслаяпман. Авваллари ё унутиб юборгандим, ёки билмасдим. Лекин мана энди...

– Муҳтарам Рух, – деди Шекспир, – сизга нима бўлди? – Қандай ғалати хасталик сизга ёпишди?

– Мен кимлигимни энди биламан! – деди Арвох тантанавор оҳангда. – Кимнинг руҳи эканлигимни биламан.

– Э, хайрият-ей, – деди Оп. – Мана энди аждодларингнинг йўқолган мероси ҳақида ҳикиллаб юришни ҳам бас қиладиган бўлдинг.

– Агар сўрашга ижозат этсангиз, кимнинг руҳи бўласиз? – деди Шекспир.

– Сенинг руҳингман! – чинкириб юборди Арвох. – Мен энди биламан! Мен энди биламан! Мен Вияям Шекспирнинг руҳиман!

Даврага бир лаҳза ҳайратомуз сукунат чўкди, кейин Шекспирнинг бўғзидан даҳшатга тўла бўғик фарёд эшитилди. У ўтирган жойидан ирғиб туриб, стол устидан сакраб ўтди ва эшикка отилди. Стол гумбурлаб Максвеллнинг устига ағдарилди, у стули билан бирга чалқанчасига йиқилди. Стол бурчаги уни полга қапиштирди, қайлали ликопча юзини қоплаб олди. У иккала қўли билан юзини қайладан тозалай бошлади. Қаердандир Опнинг қахр-ғазабга тўла кичкириқлари эшитиларди.

Максвелл бир амаллаб кўзларини ишқалаб очди, стол тагидан чиқиб, ўрнидан турди. Юзлари ва сочларидан ҳануз қайла томчилаб турарди.

Кэрол ўз стулида ўтирар, атрофида эса ағдарилган ликопчалар сочилиб ётар, пиво шишалари думалаб юрарди. Ошхона эшигида эса барваста ошпаз аёл дўмбоқ қўлларини белига тираганича қараб турибди. Силвестр эса қулай фурсатдан фойдаланиб, ростбифларни шоша-пиша тилкалаб, бирин-кетин ютиш билан овора.

Оп оқсоқланганича эшикдан қайтди.

– Ғойиб бўлишди. Икковининг ҳам қораси кўринмайди.

У Кэролга қўлини чўзиб, ўрнидан туришига ёрдамлашди.

– Рух эмас, ғирт аҳмоқ экан-ку! – деди Оп бўғилиб. – Билишга-ку билибсан, мик этмай ўтирсанг ўлармидинг...

– Лекин у кимнинг руҳи эканлигини шу пайтгача билолмай юрарди-да! – хитоб қилди Кэрол. – У хозиргина, мана шу учрашув туфайли билиб қолди. Эҳтимол, Шекспирнинг қандайдир сўзлари унинг хотирасини уйғотиб юборгандир... У доимо фақат шу ҳақда ўйлаб юрарди, ахир, мутлақо қутилмаганда бирдан эслаб қолиши эсанкиратиб қўйди бояқишни...

– Ана томоша-ю, мана томоша! – деди Оп. – Энди Шекспирни тутиб бўлмайди. Жони борича қочаверади, қочаверади!

– Арвоҳ унинг ортидан кетди, чоғи, – тахминлади Максвелл. – Унга етиб олиб, хотиржам қилади ва қайтариб олиб келади.

– Хотиржам қилармиш-а! – кесатди Оп. – Агар Шекспир уни Арвоҳ қувиб келаётганини кўриб қолса, югуришнинг барча турлари бўйича жамики жаҳон рекордларини орқада қолдириб кетади!

21

Улар Опнинг кулбасида тахта стол атрофида хомуш ўтиришарди. Силвестр ўчоқ ёнида чалқанча чўзилганича олдинги панжаларини кўкрагига босиб ва орка оёқларини тепага кўтарганича ётибди. Башарасида аҳмоқона хузур-ҳаловат ифодаси котиб қолган.

Оп шиша банкани Кэрол ёнига сурди. У хидлаб кўриб, бурнини жийирди.

– Керосиннинг ҳиди келаяпти. Таъми ҳам шунга яраша бўлса керак.

У банкани кафтлари орасига олиб кўтарди, яхшигина сипқориб Максвеллга узатди.

– Буни каранглар-а, керосин ичишга ҳам ўрганса бўларкан!

– Бу дурустгина қўлбола арок, – хафа бўлди Оп ва бироз ўйланиб қолди. – Яна бироз вақт турганида роса етиларди. Лекин начораки, мен тайёрлаб улгуришимга нисбатан у тезроқ сарфланиб кетаяпти.

Максвелл хўмрайганича банкани кўтарди. Ўтқир ичимлик томоғини куйдириб ўтди, ошкозонига тушгач, мушаклар отилгандек лов этиб ёниб кетди, аммо бу ҳам ёрдам бермади. У ҳамон ҳушёр ва бадқовоқлигича қолаверди. Шундай пайтлар бўладики, ҳар қанча ичмагин, маст бўлолмайсан. Қанийди ҳозир ҳушидан кетгунча ичса-ю, икки кун ўзига келолмай ётса! Балки ўшанда, ҳушига келганидан кейин кўнглини оғир тошдек босиб ётган ғашлик ҳам тарқалиб кетармиди.

– Бир нарсани тушунолмаяман, – деди Оп. – Қария Билл ўзининг рухидан намунча кўрқиб кетмаса-я? Шунақанги ваҳимага тушдики, бир лахзада нақ кўкариб кетди. Лекин унгача Арвоҳ икковлари апоқ-чапок эди. Тўғри, у аввалига бироз асабийлашди – ўн олтинчи аср одамига нимаям деб бўларди, ахир. Бироқ унга ҳамма нарсани тушунтириб берганимиздан кейин, аксинча хурсанд бўлиб кетди. Айтайлик, йигирманчи аср одамига нисбатан Арвоҳни анча осонлик билан қабул қилди. Чунки ўн олтинчи асрда рухларга ишонишарди-да, шу боис ҳам рух билан учрашув унга аллақандай ғайритабиий ҳодисадек кучли таъсир ўтказа олмади. У ҳар томонлама хотиржам эди. Арвоҳ унинг руҳи эканлигини айтганидан кейин эса бошланди томоша...

– У бизнинг митти элатга муносабатларимизга жуда қизиқиб қолганди, – деди Кэрол. – Уни кўрикхонага олиб бориб, улар билан таништиришимизга биздан ваъда олганди. Рухларга ишонгандек уларга ҳам доимо ишонган экан.

Максвелл банкани яна кўтарди, кейин Опнинг ёнига суриб қўйиб, қўлининг орқаси билан оғзини артди.

– Одам биринчи учраган рухга нисбатан ўзини эркин ва енгил ҳис этиши алоҳида бир нарсa, бироқ ўзининг руҳига тўкнаш келиши мутлақо бошқа нарсa. Инсон ўз ўлимини тушуниш ва қабул қилишга табиатан мойил эмас. Ҳатто рух нима эканлигини билган тақдирда ҳам...

– Худо ҳаққи, қайтадан бошланглар, – ёлворди Кэрол.

Оп ишшайди.

– Ўзиям нақ ўқдек отилиб чиқиб кетди. Ҳатто эшикни очишга улгурмай, тўғридан-тўғри тешиб ўтиб кетибди.

– Мен ҳеч нимани кўролмай қолдим, – деди Максвелл. – Юзимни қайлали ликопча қоплаб ётганди.

– Бу тўс-тўполон ҳеч кимни қувонтиргани йўқ, – деди Оп фалсафий оҳангда. – Манави қиличчишидан ташқари, албатта. Маза қилганда шу маза қилди – рост-бифга тўйиб олди.

– У ҳеч қачон ўзини йўқотиб қўймайди, – деди Кэрол. – Ҳар қандай вазиятдан ҳам фойдаланиб қолади.

Максвелл унга тикилиб қаради.

– Сиздан кўпдан буён сўрамоқчи бўлман, бизнинг давраимизга қандай қилиб қўшилиб қолдингиз? Гилдиракчи билан бўлган воқеадан кейин, назаримда, биздан буткул юз ўгириб кетишингиз керак эди.

– У сени қўриқлаб юрибди, – ҳиринглади Оп. – Боз устига ўлгудек кизиқувчан экан.

– Яна бир гап, – давом этди Максвелл. – Умуман, бу ишга қай тарзда аралашиб қолдингиз? Ҳамма нарсa нимадан бошланганини бир эслаб кўрайлик. Сиз бизни Артефактдан... аниқроғи, унинг сотилишидан огоҳлантирддингиз.

– Ҳеч қанақасига огоҳлантирганим йўқ! Беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. Кейин эса...

– Сиз бизни огохлантирдингиз, – қатъиян такрорлади Максвелл. – Онгли равишда шундай қилдингиз. Хўш, Артефакт ҳақида нима биласиз? Сиз бу тўғрида ниманидир билишингиз керак, акс ҳолда унинг сотилиши сизни хавотирга солмаган бўларди.

– Тўппа-тўғри! – деди Оп. – Қани, сингилжон, бор гапни ўртага ташланг-чи.

– Иккита дағал ва сурбет одам...

– Ҳозир майнавозчиликнинг ўрнимас, – деди Максвелл жиддий оҳангда. – Гап муҳим иш устида борапти.

– Хўп, майли. Сизларга айтганимдек, унинг сотилиши тўғрисида тасодифан эшитиб қолдим. Ва бу мени хавотирга солди. Ниҳоятда ёкмади. Бундай олиб қараганда, бу савдода қонун бузилиши йўқ, албатта. Мен билишимча, Артефакт Вақт институтига тегишли ва агар маъмурият хоҳласа, сотилиши мумкин. Бироқ менинг назаримда, Артефактни ҳатто миллиардларга ҳам сотиш мумкин эмасдек. Чунки мен чиндан ҳам у ҳақида бошқа ҳеч ким билмайдиган бир нарсани биламан, лекин шу тўғрида бировга айтишга хавфсирардим. Артефактнинг умумий аҳамияти ҳақида ўз ходимларимиз билан гаплашиб кўрганимда эса бу нарса уларни бутунлай қизиқтирмаслигини кўрдим. Ўтган куни кечкурун эса сизлар унга қизиқишларингизни тушуниб қолдим...

– Биз ёрдам беришимиз мумкинлигини ўйладингиз.

– Нима ўйлаганимни ўзим ҳам билмайман. Лекин Оп икковингиз Артефакт қизиқтирган дастлабки одамлар эдингиз. Бироқ барибир сизлар билан очиқчасига гаплаша олмасдим. Ҳамма гапни бирданига тўқиб соломасдим. Биринчидан, мен бу нарсани умуман билмаслигим керак эди, иккинчидан, институт ходими бўлганим учун ҳам оғзимга маҳкам бўлишим керак эди. Ана шунда мен мутлақо гарангсиз қолдим.

– Сиз Артефакт билан ишлаганмисиз? Натижада...

– Йўк, – деди Кэрол. – Мен у билан ишламаганман. Бирок бир гал тўхтаб, унга қараганман... Оддий бир сайёҳ сифатида. Чунки мен ички ҳовли орқали ўтаётган эдим, Артефакт эса кизиқарли ва сирли нарсаси. Ана шунда кўрдимки... ё менга шундай туюлдики... Мен билмайман. Менда тўлиқ ишонч йўк. Аммо ўшанда иккиланмаганман. Шу пайтгача ҳали ҳеч ким пайқамаган нарсани кўрганимга мутлақо ишонгандим... Яна ким билади, бошқа биров ҳам сезгандир-у...

Кэрол жим қолиб, олдин Максвеллга, кейин Олга қаради, улар эса индамаган кўйи у яна нималар дейишини кутишар эди.

– Бирок мен ишонмаяпман, – деди у. – Энди ишончим комил эмас. Балки менга шундай туюлгандир.

– Айтаверинг, – деди Ол. – Ҳамма нарсани қандай бўлса шундайлигича гапираверинг.

Кэрол бош ирғади.

– Бу бир лаҳза кечди ва шу заҳотиёқ йўқолди. Лекин ўшанда уни ҳақиқатан ҳам кўрганимга заррача ҳам шубҳаланмаганман. Серкуёш, чароғон кун, Артефактга куёш нурлари тушиб турарди. Менимча, ҳеч ким шу пайтгача Артефактга куёш нурлари айнан ана шундай бурчак остида тушиб турган лаҳзаларда қарамаган бўлса керак. Билмадим яна. Эҳтимол, жумбоқ худди шу ўриндадир. Бирок нима бўлган тақдирда ҳам мен Артефактнинг ичида ниманидир кўрдим, ҳар қалай, менда шундай таассурот қолди. Янаям аниқроғи – бу нарсаси Артефактнинг ичида эмасди. Назаримда, Артефакт атайлаб пресслаб, чўзинчок тўртбурчак шаклга келтириб қўйилган бир нарсасидек бўлиб туюлди, аммо буни муайян ёруғлик ҳолатидагина илғаб олишга муваффақ бўлгандим. Мен гўёки кўзни кўрдим... ўша лаҳзада у жонли кўз бўлиб, менга тикилиб қараганини кўрдим ва...

– Бирок бу қанақаси бўлди? – ажабланди Оп. – Артефакт тошга ўхшайди. Металл бўлагига ўхшайди.

– Ғалати металл! – эътироз билдирди Максвелл. – Ҳеч қандай нарсанинг таъсири ўтмайдиган металл...

– Лекин менга шунчаки кўринган бўлиши мумкинлигини ҳам унута кўрманглар, – дея эслатди Кэрол.

– Ҳақиқатни энди ҳеч қачон билолмаймиз, – деди Максвелл. – Ғилдиракчи эртага эрталаб Артефактни олиб кетади...

– Ва унинг эвазига биллур сайёрани сотиб олади, – дея унинг гапини тугатди Оп. – Менимча, биз бу ерда беҳудага қўл ковуштириб ўтирибмиз. Агар Шекспирни қўлдан чиқариб юбормаганимизда борми...

– Барибир бундан бирон маънили нарса чикмасди, – дея чўрт кесди Максвелл. – Умуман, Шекспирни ўғирлаб кетиш...

– Биз уни ўғирлаб кетганимиз йўк! – ранжиди Оп. – У биз билан ихтиёрий равишда кетди. Ҳатто мамнунлик билан дейиш ҳам мумкин. Шекспирнинг ўзи вақтчилар унга бириктириб қўйган кузатувчидан қандай қилиб қутулишни билмай турган экан. Қисқаси, ташаббус унинг ўзидан чиқди. Биз жиндек ёрдамлашиб юбордик, холос.

– Кузатувчининг бошига уриб, ҳушидан кетказибми?

– Мутлако нотўғри! Ҳаммаси сип-силлик ўтди. Биз кичкина бир қўшимча дастур ёрдамида унинг диққатини чалғитдик, холос.

– Бўлар иш бўлди энди, – деди Максвелл. – Ҳар қандай ҳолатда ҳам режа аҳмокона бўлган. Барибир бу ўринда ниҳоятда катта пул устида гап борапти. Шекспирга ўхшаганлардан нақ ўнтасини ўғирлаб келганингизда ҳам Харлоу Артефактни сотмай колмасди.

– Нахотки ҳеч нарса қилолмасак-а? – хўрсинди Кэрол. – Масалан, Арнолдни ётоқхонасидан судраб чиқсак...

– Харлоуга ғилдиракчи берган маблағни Арнолд топа олган такдирдагина Артефактни сақлаб қолиш мумкин эди. Сизлар буни тасаввур қила оласизларми?

– Буниси қўлимиздан келмайди, – деди Оп ва банка тагида қолганни бир кўтаришда бўшатиб қўя қолди. Кейин махфий жойидан навбатдаги тўла банкани олди, қопқоғини тимирскиланиб очгач, Кэролга узатди. – Фурсатдан фойдаланиб, бугун бир яйраб қолайлик. Эр-тага эрталабдан мухбирлар бостириб келишади, уларни бу ердан улоктириб ташлаш учун эса менга куч-қувват керак.

– Шошма! – деди бирдан Максвелл. – Менда бир фикр туғилди.

Кэрол билан Оп унга индамай қараганча, нима дейишини кутиб туришарди.

– Таржимон қурилма! – хитоб қилди Максвелл. – Биллур сайёрада унинг ёрдамида металл варақларни ўқигандим. Кейин уни жомадонимдан топиб олдим.

– Хўш, нима бўпти? – сўради Оп.

– Балки Артефактда қандайдир ёзувлар бордир?

– Бирок Кэрол айтишича...

– У нима деганини мен биламан. Лекин айтганига ўзининг ишончи қомил эмас-ку. Артефакт ичидан унга бир кўз қараб тургани унга шунчаки туюлган, холос. Бунга эса ишониш қийин.

– Тўғри, – деди Кэрол. – Мен бунга қанолат бера олмаيمان. Аммо Питнинг сўзларида ўзига хос мантик бор. Мабодо у ҳақ бўлса, ўша ёзувлар ниҳоятда муҳим ва батафсил бўлиши керак. Эҳтимол, улар шу пайтгача номаълум билимларнинг бутун бошли оламини очувчи қалитни берар. Балки биллур сайёра Артефактни Ерда қолдирганида уни бу жойдан ҳеч қим изламаслигига ишонган бўлса керак! Яъни, ўзига хос махфий архив!

– Борингки, шундай ҳам бўла қолсин, – деди Оп. – Лекин бундан бизга нима фойда? Музей ёпилган ва Харлоу уни биз учун очиб ўтирмайди.

– Бу ёғини менга қўйиб беринглар! – деди бирдан Кэрол. – Қоровулга қўнғирок қилиб, у ерда ишлашим кераклигини айтаман. Ёки у ердан материал олишим зарур дейман. Менда у ерда исталган пайтда ишлашим учун рухсатнома бор.

– Кейин сиз ҳам ишдан учиб кетасиз, – деди Оп.

Кэрол елкасини қисди.

– Бирон бошқа иш топарман. Бироқ омадимиз келиб қолса борми...

– Жуда қалтис бу иш, – деди Максвелл. – Бирон нарсага эриша олишимиз – миллион эҳтимолнинг бири. Ёки янада камроқ. Очигини айтганда, фаразимни текшириб кўришни жудаям истаяпман, аммо...

– Мабодо шу нарса чиндан ҳам ниҳоятда муҳим бўлиб чиқса-чи? – деди Кэрол. – Ўшанда Шарпнинг олди-га бориб тушунтирган бўлардик ва эҳтимол...

– Буниси кийин-ов, – деди Максвелл. – Харлоу шунча пулни қайтарадиган даражадаги муҳим бир нарса топа олишимиз амримаҳол...

– Ҳар қалай, муҳомаю таклифларга ўралашиб, вақтимизни беҳуда сарфлаб ўтирмаймиз-ку, ахир, – деди Оп. – Ҳаракатда – баракат.

Максвелл Кэролга қаради.

– Менимча, у ҳақ, Пит. Назаримда, таваккал қилсак арзийди.

Оп стол устидаги банкани олиб, қопқоғини зич қилиб ёпди.

22

Уларни ойнаванд кўргазмалар, жавонлар ва тагликларда йўқотилган, унутилган, номаълум ўтмиш қуршаб

турарди. Инсоният тарихининг пинҳона бурчакларини текшириш пайтида экспедициялар вақт бағридан юлиб олган ўтмиш эди бу. Мусаввирлар ва мохир хунармандларнинг ушбу асарлари агар одамлар ўтмишга қайтиб топиб олмаганларида ҳеч кимнинг тушига ҳам қирмай, ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиши аниқ эди. Авваллари нари борса синик парчалар ҳолида учраган кулолчилик буюмлари устанинг қўлидан чиққан заҳоти олинган. Қадимги Мисрдан келтирилган муаттар суртма мойлар эндигина тайёрланган ҳолда – яп-янги. Ибтидоий темир асбоб-ускуналар асл маънода темирчининг устахонасидан келтирилган. Искандария кутубхонасининг ўрамлари даҳшатли ёнғинда куйиб кулга айланиши керак эди, аммо улар аланга тиллари ёпишишидан атиги бир лаҳза олдин қутқариб қолинган. Тайёрлаш сири ақл бовар қилмас замонларда йўқолиб кетган Эламнинг машҳур газламалари ҳам шу ерда. Асл туришида бебаҳо аҳамиятга эга бўлмаган, бироқ замонлар ўтиши билан бекиёс киймат касб этган жуда қўплаб бошқа экспонатларнинг сон-саноғи йўқ. Ана шу ақлга сиғмас хазинанинг бари-бари вақт қаъридан юлқиб олиниб, келажак учун сақлаб қўйилган.

Бу жой канақасига “Вақт музейи” бўлсин, деб ўйлади Максвелл. “Бевақтлик музейи” дейиш балки тўғрироқ бўлар, чунки жамики замонлар шу ерда учрашган, бу ерда ўтмиш ва ҳозир деган тушунчалар ўзаро сингишиб кетган. Мазкур масканда аста-секин тўпланган буюмлар инсоният орзу-умидларининг рўёбга чиқишига яққол далил-исбот, тасаввур моддий буюмга айланишининг ҳақиқий кўргазмаси. Ақл бовар қилмас олис замонларга мансуб бўлган шу нарсалар асл маънода кунги кечагина устанинг қўлидан чиққанига ишониш мутлақо кийин. Бу ерда замин қаъридан казиб олинган

синик парчалардан буюмни асл ҳолида тиклашга ҳожат йўқ асло. Инсон бутун тараққиёти мобайнида яратган ва фойдаланган меҳнат қуролилари, асбоб-ускуналар, мосламаларни бемалол қўлга олиш ва ишлатиб қўриш ҳам мумкин.

Максвелл Артефакт ўрнатилган супа ёнида турган ҳолда бинони яна бир бор айланиб чиқишга кетган қоровулнинг кадам товушлари узоклашиб боришига қулоқ тутарди.

Ҳар қалай, Кэрол уларни музейга олиб киришга муваффақ бўлди, унинг режаси амалга ошмай қолса-я, деб Максвелл ҳавфсираганди ҳам аввалига. Кэрол қоровулга қўнғирок қилиб, у билан яна икки ходим Артефактни олиб кетишларидан аввал унга сўнгги марта қараб олишлари зарурлигини тушунтирди. Қоровул уларни музейнинг томошабинлар учун кенг очиладиган дарвозаларига ўрнатилган мўъжаз эшикча олдида кутиб олди.

– Факат узок қолиб кетманглар, – дея тўнғиллади у. – Ким билади, сизларни балки умуман қўймаслик керакмиди.

Бирок Кэрол уни ҳаммаси жойида бўлади, ҳеч нимадан ҳавотир олманг, деб ишонтирди ва қоровул оёқларини судраб босганича нималарнидир тўнғиллаб, нари кетди.

Чорқирра ва чўзинчок Артефактнинг тим қора деворида ёрқин чироклар шуъласи аксланади.

Максвелл супани ўраб олган баҳмал арқон остидан ўтиб, супа устига чиқди ва Артефактнинг ёнгинасида турган ҳолда энгашиб, чўнтагида таржимон қурилмани пайпаслай бошлади.

Бемаъни таҳмин бу, дерди у ўзига-ўзи. Ҳаттоки таҳмин ҳам эмас, балки иложсизликдан туғилган бир хомхаёл, холос. У вақтини беҳуда сарфлаб, аҳмоқона вазиятга тушгани қолади. Боринги, ўша – минг эҳти-

молнинг бири бўлган фараз ҳатто қандайдир даражада тасдиқланган тақдирда ҳам у энди барибир ҳеч нарса-ни ўзгартира олмайди. Эртага ғилдиракчи Артефактни олиб кетади ва биллур сайёранинг кутубхонасини қўлга киритади, инсоният эса иккита коинотда эллик миллиард йил мобайнида синчиклаб ва меҳнатсеварлик билан тўпланган билимларга эғалик қилишдан маҳрум бўлиб қолаверади. Бу билимлар Ернинг Бирлашган университетларига тегишли бўлиши, уларга насиб этиши керак эди. Ваҳоланки, энди бу хазина сирли тамаддуннинг абадий мулкига айланади, ушбу тамаддун эса Ер фазода учратишдан ҳамиша хавфсираб келган ўша галактик душман бўлиб чиқиши ҳам ҳеч гап эмас.

Унга вақт етишмади! Яна бир-икки кунгина бўлганида ҳам Максвелл бу савдога қаршилиқ кўрсатган бўларди, унинг гапини тинглайдиган одамларни топарди, улар эса тегишли чора-тадбирларни кўришарди. Бироқ шарт-шароит ҳар томонлама унга қарши бўлиб келди, мана энди ҳар тарафлама кеч бўлди.

Максвелл таржимон қурилмани бошига кийди, аммо кўзойнақлар ҳадеганда ўз ўрнига тушавермасди.

– Келинг, мен ёрдамлашиб юборай, – деди Кэрол ва унинг чаккон бармоқлари тасмани чўзиб, тугмаларни қадай бошлади. Максвелл пастга қараб, Силвестрни кўрди. Йўлбарсча супанинг ёнгинасида ўтирар ва Олга қараб, тишларини кўрсатарди. Максвеллнинг нигоҳини пайқаган неандертал деди:

– Мен унинг табиий душмани эканлигимни қилич-тишли сезаяпти. Бир кунмас бир куни бир ҳафсала қилади-ю, менга ташланиб қолади.

– Бемаъни гапларни йиғиштиринг! – деди Кэрол зарда аралаш. – У шунчаки ўйинқароқ мушукча, холос.

– Кўрармиз ҳали.

Максвелл кўзойнакни яна бир бор кимирлатиб кўриб, кўзларига туширди.

Ва Артефактга қаради.

Бу куйма зулмат ичра нимадир бор эди. Чизиклар, шакллар... тушунарсиз шакл-шамойил. Шу пайтгача Артефакт ҳеч нима ўтмайдиган зулмат куйқаси бўлиб, ташқаридан киришга уринувчи ҳар қандай таъсирни қайтарар, ҳеч нимани қабул қилмас ва ўзидан ҳеч нима чиқармас, гўёки “ўз ичидаги нарса”, коинотга бегона бир жисм эди. Мана энди у ўзгарди, лекин бу ўзгариш нимадан иборат эканлигини дафъатан билиб бўлмасди.

Максвелл бошини силкиб, энг қулай кўриш бурчагини топишга уринар, нимани кўраётганини англаб олишга ҳаракат қиларди. Ҳар қалай, булар ёзув эмас... Йўқ, бу мутлақо бошқа нарса! У фокус мурватини пайпаслаб, созлашни ўзгартиришга урина бошлади.

– Нима гап? – деб сўради Кэрол.

– Тушунолмаяман...

Ва шу лаҳзадаёқ тушунди. Кўрди ҳам. Артефактнинг пастки бурчагида... камалакранг парда... ёки тери... ёхуд тангачалар билан копланган панжа кўринди, унинг тирноклари олмосдек яркирарди. Ва бу панжа... кимирлар, нимадандир халос бўлиб, унга қараб чўзилиш учун силтанарди.

Максвелл сесканиб кетиб, ўзини орқага ташлади ва бирданига қулаётганини сезиб қолди. У энса билан урилмаслик учун ўзини ўнглашга уринди. Елкаси бахмал арконга тегиб кетди-ю, арконни тутиб турган тиргаклар тарак-турук билан полга ағдарилди. Бироқ аркон таранглашиб, Максвелл ёнбошига тушди ва ўмров суягини синдириб олишига сал қолди, аммо боши тош полга урилмади. У кўзларини бўшатиш учун кўзойнакни шартта четга сурди.

Унинг тепасида Артефакт шиддат билан ўзгариб борарди. Зулмат куйкаси бағридан нимадир пайдо бўлиб, озодликка чиқиш учун жон-жаҳди билан тўлғонарди. Ғайрат-шижоатга тўла, кўзни қамаштирарли даражадаги гўзал ва жонли нарса эди у.

Нафис ва чўзинчок боши олдинга интилган, пешонадан бошланган тишдор тож бўйин оркали елкага ўтиб кетган. Қудратли кўкрак, қанотлари ярим йиғилган чўзинчок тана, чиройли эгилган олдинги панжаларда олмосдек тирноқлар яркирайди. Афсонавий мавжудот Артефактга – аниқроғи аввал Артефакт бўлган жойга қаратилган чироқларнинг ёркин ёруғлигида яраклайди ва камалакнинг жамики рангларида товланади. Ҳар бир тангача мисранг, олтин, жигарранг ва зангори нур дасталарини акс эттирган кўзгуча мисоли яркирайди.

Аждарҳо, деб ўйлади Максвелл. Артефакт зулматидан чиқиб келган аждарҳо! Зулмат куйкасига хибс этилиб, миллион йиллардан сўнг озодликка чиққан аждарҳо.

Аждарҳо! Шунча йиллик изланиш, мушоҳада ва муваффақиятсизликдан кейин у, ниҳоят, тирик аждарҳони кўра олди! Унинг тасаввурида туғилган, эт ва тангачалардан иборат мавжудот эмас, балки ажойиб тимсол эди у! Биллур сайёранинг, балки бизнинг ҳозирги янги коинотимизга ўрин бўшатиб, ўзи йўқликка юз тутган аввалги коинот гуллаб-яшнаган даврнинг рамзи эди у. Гоблинлар, троллар, феялар ва баншилар заиф ва аянчли авлодлари бўлган аввалги – ғалати, ғайриоддий иркларнинг афсонавий замондоши бўлган қадимий мавжудот эди у. Аждарҳонинг номи минглаб-минглаб авлодлар оша отадан ўғилга ўтиб келаверган, аммо ўзини то шу пайтгача биронта ҳам одам кўра олмаган эди.

Йиқилган тиргаклардан бирининг ёнида Оп юкори-га караганича даҳшат ва ҳайратдан тошдек қотган – унинг

кийшик оёқлари ярим букилган, қўллари ёнларида осилган, панжалари тирноқдек ярим қайрилган, у гўё сакрашга тайёрланган чоғида тош қотиб қолгандек эди. Силвестр полга қапишиб, жағини катта очган, қилич тишларини яраклатган. Оёқларида қалин мўйна остида мушаклари ўйнаб турибди. У хужум қилишга ва ҳимояланишга тайёр ҳолатда.

Максвеллнинг елкасига кимдир кафтини қўйди-ю, у кескин ўгирилди.

– Бу аждархоми? – деб сўради Кэрол.

– Унинг овози ғалати – гўё бу сўздан кўркқандек, уни тилга олишга ўзини катта қийинчилик билан мажбур қилгандек туюларди. Қиз Максвеллга эмас, юқорига – чамаси, ўзининг эврилишини яқунлаган аждархога караб турарди.

Аждархо узун ва қайишқоқ думини кимирлатган эди, Оп зарбага чап бериб, ерга қапишганча қолди.

Силвестр ғазаб билан ириллаб, олдинга ўрмалай бошлади.

– Силвестр, унга тегма! – дея ҳайқирди Максвелл.

Оп шоша-пиша эмаклаганича бориб, Силвестрнинг орқа оёғидан чангаллади.

– Унга бир нима десангиз-чи, ахир! – бақириб юборди Максвелл Кэролга ўгирилиб. – Агар бу тентак унга ёпишиб қолса, охири вой бўлади!

– Силвестр Опга тегмайди, хавотир олманг!

– Опни эмас, аждархони айтаяпман. Агар у аждархога сапчиб қолса борми...

Қоронғулик қўйнидан кимнингдир ғазаб ичра бақиришлари ва тапир-тупир югуриши эшитилди.

– Бу ерда нима тўполон ўзи? – деб қичқирди коровул ёруғ залга югуриб қираркан.

Аждархо супа устида бурилиб, унга караб тушиб келди.

– Эҳтиёт бўл! – дея ўқирди Оп Силвестрнинг оёғини маҳкам чангаллаганича.

Аждарҳо эҳтиёткорлик билан, бирон нарса сўрамоқчидек бошини бир ёнга эгган ҳолда ҳаракат қиларди. У думини бир силкитган эди, талай косалару кўзаларни полга супуриб ташлади. Қасира-кусур товушлар эшитилиб, ярқирок сопол парчалари ҳар томонга сочилиб кетди.

– Эй, бас килинглар! – деб кичқирди коровул ва, чамаси, шу лаҳзада аждарҳога кўзи тушди. У жонҳолатда чинкириб, орқасига карамай қочиб қолди. Аждарҳо кизиксиниш билан бўйнини чўзиб, унинг ортидан охишта кета бошлади. Унинг музей заллари бўйлаб юришига гурсиллаш ва жаранглаш товушлари жўр бўларди.

– Агар уни бу ердан тезроқ чиқариб юбормасак, бу ерда биронта ҳам бутун экспонат қолмайди, – деди Максвелл. – Бунақанги суръатда унга ўн беш дақиқа кифоя. Бутун музейни ер билан яксон қилиб ташлайди. Оп, Худо ҳақки, Силвестрни қўйиб юбора кўрма. Бизга йўлбарс билан аждарҳонинг олишуви етмай турувди энди!

У полдан туриб, бошидан қурилмани олди ва чўнтагига тикди.

– Эшикни очиб, уни ташқарига чиқариб юбориш мумкин, – таклиф қилди Кэрол. – Мен дарвоза қандай очилишини биламан.

– Оп, сен аждарҳо боқишни биласанми? – сўради Максвелл.

Бу орада аждарҳо охирги залга бориб, ортига бурилди.

– Оп! Менга ёрдам беринг, – деди Кэрол. – Бу ерда куч керак.

– Йўлбарс-чи?

– Уни менга қўйиб бер, – деди Максвелл. – Балки ўзига келиб қолар. Ҳар қалай, менга кулок солади.

Янги тасира-тусур, тарақа-туруклар аждархо якинлашиб келаётганидан хабар берарди. Максвелл инграб юборди. Шарп ўлдиради энди уни ва бунга тўлиқ ҳаки бор. Тўғри, улар ўзаро дўст, аммо музей вайрон бўлди, Артефакт эса кўп тоннали кутурган маҳлуққа айланди!

Максвелл навбатдаги гулдурос эшитилаётган жойга оҳиста якинлашиб борди. Силвестр хануз полга қапишган кўйи унинг ортидан эмаклади. Стендлар орасига тикилиб қолган аждархонинг шарпаси ғира-шира кўринарди.

– Яхши аждарча, ақлли аждарча! – дерди Максвелл. – Ювош, ювош, жонивор!

Бу сўзлар ниҳоятда бемаъни ва ишончсиз туюларди. Лекин начора, аждарҳолар билан қандай гаплашиш кераклигини ким билади дейсиз.

Силвестр бўғик ириллади.

– Лоакал сен жим турсанг-чи! – ўшқирди Максвелл. – Сенсиз ҳам ҳамма нарса дабдала бўлиб ётибди ўзи.

Қоровул қаердайкин ҳозир, деб ўйлади у. Ҳойнаҳой полицияга қўнғирок килаётгандир, демак, тўполоннинг каттаси исталган дақиқада бошланиши мумкин.

Оркада дарвозанинг залворли табақалари ғичирлаб очилаётгани эшитилди. Улар ланг очилгунича ақалли аждархо сабр қилиб турсайди кошки! Ўшанда уни музейдан қувиб чиқариш мумкин. Хўш, ундан кейин нима бўлади? Баҳайбат маҳлуқ шаҳарча кўчаларида ва академия ҳовлиларида ўйнаб юришини кўз олдига келтириб, Максвелл сесканиб кетди. Балки қамалган жойида тургани дурустрокмикан ҳар қалай?

У хибсдаги аждархо билан озодликдаги аждархонинг қайси бири кўпроқ салбий оқибатларга олиб келишини чамалаб, бироз тараддудланиб қолди. Музей шундоғам ярим вайрон бўлди, аждархо шаҳарчада қан-

дай хунарлар кўрсатишининг олдида қолгани ҳам вайрон бўла қолгани маъқулроқмикан?

Дарвоза табақалари ғичирлаганича кенг очила бошлади. Шу пайтгача шунчаки оёқ чигалини ёзаётган аждарҳо бирдан шу томонга югургилаб қолди.

Максвелл шартта ўгирилиб:

– Дарвозани ёпинглар! Дарвозани! – деб кичкирди-ю, шиддат билан келаётган аждарҳонинг йўлидан четга чиқишга аранг улгурди.

Табақалар ярим очик қолган, Кэрол билан Оп икки чеккага сакраб, кенгрок жойда ўйнашга ошиқиб, шитоб билан келаётган махлук ўтиб кетишига иложи борица кўпроқ жой қолдиришга уринишарди.

Музей заллари бўйлаб момоқалдирок гумбурлагандек ўкирик эшитилди ва Силвестр аждарҳонинг ортидан қувиб кетди.

Кэрол деворга ёпишганича жонҳолатда кичкирарди: – Тўхта, Силвестр, тўхта! Унга тега кўрма асло!

Югуриб бораётган аждарҳо думини бир силтади. Кўргазмаю столлар парча-парча бўлиб, хайкаллар ўз ўки атрофида чир айланиб кетди. Аждарҳо ортида харобаларни қолдирганича озодликка интиларди.

Максвелл хануз инграганича Силвестр билан аждарҳонинг изидан отилди, лекин нима қилмоқчи бўлаётганини ўзи ҳам тушунолмасди. Лекин шу тобда аждарҳонинг думидан тутиб олишни истамасди ҳар қалай.

Аждарҳо дарвозадан чиқди-ю, осмонга баланд сакради, кема елканлари кучли шамолда каттик тарсиллаганидек товуш чиқариб, қанотлари кенг ёйилди.

Максвелл дарвозадан чиқибок шартта тўхтади, мувозанатини йўқотиб, гандираклаб кетай деди. Зинапоянинг энг пастки пиллапоясида Силвестр ҳам ўзини

аранг тўхтатиб, бутун танаси осмонга интилганча, учаётган аждархога қараб ғазаб ичра ирилларди.

Бу махлиё қиладиган манзара эди. Ой нурлари кўтарилаётган ва тушаётган қанотларда ўйнар, минглаб сайқалланган тангачаларда қип-қизил, олтиндек, зангори шуълалар ёқар, осмонда кўп рангли камалак товланаётгандек туюларди.

Ичкаридан югуриб чиққан Кэрол билан Оп ҳам осмонга қараганча ҳайратдан қотишди.

– Нақадар гўзал-а! – деди Кэрол.

– Таърифи йўқ! – деди Максвелл.

Юз берган воқеанинг туб моҳиятини у айнан шу лаҳзада тўлиқ англаб етди – энди Артефакт йўқ; ғилдиракчи мулкидан маҳрум бўлганди. Бироқ биллур сайёра талаб қилган нархни энди у ҳам беролмайди. Максвелл Енот Териси тизимига йўл олганида унинг тўлқин схемасидан нусха олинишидан бошланган воқеалар занжири шу ерга келиб узилганди. Башарти осмонда учиб юрган камалакни айтмаганда, умуман, ҳеч нарса рўй бермагандек туюлади.

Аждархо янада юксакроққа кўтарилиб, кенгроқ доира ясаб парвоз қилар ва энди кўп рангли бир доғдек кўринарди.

– Ана холос! – деди Оп гарангсиган кўйи. – Энди бу ёғи қанчадан тушди?

– Бунинг ҳаммасига мен сабабчиман, – деди Кэрол.

– Бу ўринда айбдорлар йўқ, – эътироз билдирди Оп. – Воқеалар ривожланишининг мантқиқий якуни бу – тамом вассалом.

– Нима бўлганда ҳам биз Харлоунинг савдосини йўққа чиқардик, – деди Максвелл.

– Мана бу тўғри гап, – деган овоз эшитилди орқадан. – Бу ерда нималар бўлаётганини биронта одам менга тушунтириб бера оладими ўзи?

Улар ўгирилиб қарашди.

Музей дарвозасида Харлоу Шарп турарди. Залда энди барча чироқлар ёкилган, унинг гавдаси дарвозанинг чароғон фонида қоп-қора шарпа бўлиб кўринарди.

– Музей вайрон қилинган, – деди Шарп, – Артефакт йўқолган ва бу ерда икковингизни кўриб турибман, сизларни учратишимни аввалдан билишим ҳам мумкин эди. Мисс Хэмптон, мен хайратдаман. Сизни бу бемаъни даврада кўраман, деб ҳеч қанақасига кутмагандим. Дарвоқе, сизнинг кутурган мушугингиз...

– Марҳамат қилиб, бу ерга Силвестрни тикиштирмасангиз, – хитоб қилди Кэрол. – Бунга унинг даҳли йўк!

– Хўш, Пит, сен нима дейсан? – сўради Шарп.

Максвелл бош чайқади.

– Буни тушунтиришим қийин...

– Шундоқ деб ўйловдим ўзимам, – деди Шарп. – Бугун кечкурун мен билан гаплашганингда мана шуларнинг барини назарда тутганмидинг!

– Йўк. Кутилмаган тасодиф.

– Қимматга тушган тасодиф дегин, – киноя қилди Шарп. – Вакт институтининг ишини энг камида юз йилга тўхтатиб қўйганингни билсанг, балки сенга қизикроқ туюлар. Агар Артефактни шунчаки олиб кетиб, бирон жойга яшириб қўйган бўлсангиз, бу хатони тузатиш мумкин ҳали. Бу ҳолда, кадрдон дўстим, уни менга қайтаришинг учун роппа-роса беш сония муддат бераман.

Максвелл жонҳолатда ютинди.

– Мен уни олиб кетмадим, Харлоу. Унга қўл теккизганим ҳам йўк. Нима бўлганини ўзимам тушунолмаяман. У аждарҳога айланиб қолди.

– Нимага? Нимага?

– Аждарҳога. Биласанми, Харлоу...

– Биламан! – хитоб қилди Шарп. – Сен эскидан аждарҳо жиннисисан. Енот Териси тизимига ҳам аж-

дархони излаб кетувдинг. Мана, ниятингга ҳам етибсан охири. Ишкилиб дурустроғидан топганмисан?

– У жуда гўзал, – деди Кэрол. – Тилларанг ва яркирок.

– Ажойиб. Ниҳоятда қойилмаком! Уни ярмаркаларда кўрсатиб, ҳаммамиз бойиб кетишимиз мумкин. Цирк ташкил қилиб, энг зўр томоша сифатида аждархони намойиш этамиз. Энг йирик ҳарфларда “Дунёда яккаю ягона аждарҳо” деб ёзиб ҳам кўямиз.

– Лекин у бу ерда йўқ, – тушунтирди Кэрол. – У учди-кетди.

– Оп! Сиз нега жим турибсиз? – кизиксинди Шарп. – Сизга нима бўлди? Одатда сергап эдингиз. Нима гап ўзи?

– Мен бағоят афсусдаман! – гудранди Оп.

Шарп неандерталдан ўгирилиб, Максвеллга қаради.

– Пит, нима иш қилиб қўйганингни ўзинг тушунарсан балки. Қоровул менга кўнғирик қилди, полицияни ҳам чакирмоқчи бўлди. Мен унга сабр қилиб туришни буюрдим, чунки нима гаплигини аввал ўзим билай дедим. Очиғи, бу қадар бўлишини мутлақо кутмагандим. Артефакт ғойиб бўлган, демак, мен уни харидорга топшира олмайман ва пулларни қайтаришимга тўғри келади – яна канака пулларни-я! Бу ҳам етмагандай, экспонатларнинг нақ ярми чилпарчин бўлиб ётибди...

– Уларни аждарҳо синдирди, – тушунтирди Максвелл. – Уни чиқариб юбормасимиздан аввал.

– Ҳали уни сизлар чиқариб юборганмисизлар? Демак, ўзи қочиб кетмаган, балки сизлар шунчаки қўйиб юборгансизлар, тўғрими?

– Ахир, у музейни вайрон қилаётганди-да. Биз эсанкираб қолдик ва...

– Пит, менга фақат ростини айт. Аждарҳо бормиди?

– Ҳа, бор эди. Уни Артефактга яшириб қўйишган экан. Балки Артефакт унинг ўзимиди. Бу қай тарзда киниганини мендан сўраб ҳам ўтирма.

– Сехр-жоду билан килинган бўлса керак...

– Ҳали сехр-жоду ҳам бор дегин?

– Сехр-жоду мавжуд, Харлоу. Мен унинг амал қилиш принципини билмайман. Гарчи уни кўп йиллардан буён ўрганиб келаётган бўлсам ҳам аниқроқ бирон натижага эришишга муваффақ бўлолганим йўқ.

– Менинг назаримда бу ерда яна кимдир етишма-япти, – деди Харлоу. – Яна бир шахс борки, бунақа тўс-тўполонларнинг биронтаси ҳам унинг аралашуви-сиз ўтмайди. Оп, марҳамат қилиб айтингчи, сизнинг энг ва кадрдон дўстингиз Арвоҳ қаерда?

Оп бош чайқади.

– Уни кузатиб бўлармиди. Қачон қарама, қаёққадир ғойиб бўлгани бўлган.

– Булар ҳам ҳаммаси эмас ҳали, – давом этди Шарп. – Биз аниқлаб олишимиз керак бўлган яна бир муаммо бор. Шекспир ғойиб бўлди. Сизлардан бирон-тангиз унинг йўқолишига доир бирон-бир гап айта олмайсизларми мабодо?

– У бироз вақт бизнинг даврамизда эди, – деди Оп. – Энди шомлик таомга ўтирганимизда у бирдан кўрқиб кетди-ю, қочиб қолди. Бунга эса Арвоҳ туйқусдан у Шекспирнинг руҳи эканлигини эслаб қолгани сабаб бўлди. Ўзингиз ҳам биласизки, шунча йиллардан бери кимнинг руҳи эканлигини билолмай қийналиб юрарди у бояқиш.

Шарп юқори пиллапояга оҳиста чўкди ва аста-секин ҳаммага бирма-бир қараб чиқди.

– Харлоу Шарпни ер билан яксон қилиш учун сизлар умуман ҳеч нарсани унутмагандисизлар. Ва бу вазифангизни қойилмақом қилиб бажаргандисизлар.

– Биз сизни ҳалокатга учратмоқчи эмасдик, – эътироз билдирди Оп. – Сизга нисбатан муносабатимиз

жуда яхши. Бирок ҳамма нарсa остин-устун бўлиб кетди-ю, тўхтатишнинг ҳеч қандай иложи қолмади.

– Музейга етказган зарарингиз учун сизларни судга беришга тўлиқ ҳақ-ҳуқуқим бор, – деди Шарп. – Мен суд шундай қарор чиқаришига эришган бўлардимки – бу ёғидан хавотир олманг, эришмай қолмасдим асло! – унга кўра, сизларнинг барчангиз то умрингизнинг охиригача Вакт институтига ишлаб беришга мажбур бўлардингиз. Бирок сизларнинг бугунги кўнгилхушлигингиз институтга шунчалик қимматга тушдики, уччовингиз бир бўлиб ишлаган тақдирингизда ҳам бу йўқотишнинг миллиондан бир қисмини ҳам тўлдира олмаган бўлардингиз. Ана шу сабабли ҳам судга мурожаат этишимдан ҳеч бир наф йўқ. Бирок полиция аралашувисиз ҳеч қандай илож йўқ, деган фикрдаман. Мен бу ишлардан полицияни огоҳ қилиб қўйишим шарт. Бинобарин, барчангиз кўплаб саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўраверинг.

– Кошкийди биронتانгиз менинг гапларимни эшитишга рози бўлсангиз, – ўқинди Максвелл. – Ҳамма-ҳаммасини тушунтириб берган бўлардим. Ерга қайтиб келганимдан буён менинг гапларимга қулоқ соладиган ақалли биронта одамга зорман, фақат шундай одамни топиш билан овораман. Кечкурун суҳбатлашганимизда ҳам сенга вазиятни тушунтириб бериш учун роса уриндим...

– У холда, – деди Шарп, – тушунтиришларингни дарҳол бошлайверишинг мумкин. Тан олиб айтаманки, уларни эшитишга жудаям қизиқиб кетаяпман. Менинг хизмат кабинетимга юра қолинглар, ўша ерда суҳбатлашганимиз қулайроқ бўлади. Бу жуда яқин – йўлнинг у томонига ўтамыз, холос. Ёки бу сизлар учун ноқулайроқми? Вакт институтини батамом яқсон қилиш учун яна бир-иккита чала иш қолгандир эҳтимол, а?

Жудаям унчаликмас, – деди Оп. – Менимча, қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қилиб бўлдик.

Шарпнинг қабулхонасида уларни нозир Дрейтон кутиб олди.

– Хайрият, келдингиз, мистер Шарп. Биласизми, шундай воқеа юз бердики...

Шу лаҳзада Максвеллга кўзи тушди-ю, нозир бир муддат жим қолди.

– Э, бу сизмидингиз! – деди у бир сониялик тарадуддан сўнг, – Кўрганимдан хурсандман. Мени ортингиздан қувиб юришга мажбур қилдингиз-а, барибир.

Максвелл қошларини чимирди.

– Таассуфки, нозир, мен ҳам хурсандман, деб айта олмайман.

Чиндан ҳам шу тобда Максвелл бирон-бир одамни кўргиси келмай турган бўлса, ўша одам, шак-шубҳасиз, нозир Дрейтон эди.

– Сиз ўзингиз ким бўласиз? – кескин оҳангда сўради Шарп. – Бу ерга бостириб киришга қандай ҳақингиз бор?

– Мен хавфсизлик хизмати нозириман. Фамилиям Дрейтон. – Ўтган куни профессор Максвелл билан унинг Ерга қайтиши масаласида қисқача суҳбатлашиб олган эдик. Бироқ ҳали ойдинлаштирилмаган бир-иккита саволлар қолиб кетган экан, шунга...

– У ҳолда, – деди Шарп, – марҳамат қилиб навбатга туринг. Менинг доктор Максвеллга баъзи бир ишларим бор ва улар сизникидан зарурроқ.

– Сиз мени тушунмадингиз? – деди Дрейтон сабр-тоқат билан. – Мен бу ерга дўстингиз билан суҳбатлашгани келганим йўқ. Ёнингизда у ҳам борлиги қувончли ҳолат, албатта. Сизнинг ёрдамингиз эса менга қутилмаганда туғилиб қолган мутлақо бошқа масалада керак бўлиб қолди. Биласизми, мен профессор Максвелл мисс

Клейтоннинг сўнгги кабулига таклиф этилган меҳмонлар қаторида бўлганини билиб қолдим ва шу сабабли мезбоннинг уйига бордим...

– Ҳеч нимага тушунмаяпман! – деб унинг гапини бўлди Шарп. – Бунга Нэнси Клейтоннинг нима дахли бор?

– Биласанми, Харлоу, – деди Нэнси Клейтон унинг кабинетидан чиқиб келаркан. – Мен чалкаш воқеалардан узоқроқда юришга уринаман ҳамиша. Мен шунчаки уйимда дўстларим йиғилишини яхши кўраман ва, тушунишимча, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ!

– Нэнси, илтимос, шошмай тур! – ёлворди Шарп. – Аввалига тушунтириб бер-чи, нималар бўлаяпти ўзи? Сен бу ерга нега келдинг? Нозир Дрейтон нима қилиб юрибди? Ва яна...

– Ламберт туфайли, – деди Нэнси.

– Уйингдаги картинани яратган мусаввирни айта-япсанми?

– Менда унинг учта асари бор! – фахрланиб эълон қилди Нэнси.

– Бирок Ламберт беш юз йилдан ҳам олдинроқ ўлиб кетган-ку!

– Мен ўзимам шундай деб ўйлардим, – жавоб қилди Нэнси. – Аммо у бугун кечкурун уйимга кириб келди. Айтишича, адашиб қолган эмиш.

Нэнсини оҳиста четга суриб, кабинетдан бир киши чиқиб келди – барваста, бақувват, оқ-сарикдан келган юзларини чуқур ажинлар босиб кетган.

– Жаноблар! – деди у. – Гап камина ҳақида бораётган кўринади. У ҳолда суҳбатингизда мен ҳам иштирок этишимга ижозат этолмайсизларми?

Унинг талаффузи ғалати таассурот қолдирарди, аммо йиғилганларга шунақанги қувноқ ва самимий та-

бассум ҳадя этдики, шу заҳотиёк беихтиёр барчага бир-дек ёқиб колди.

– Сиз Алберт Ламбертмисиз? – деб сўради Максвелл.

– Камина куллари, – жавоб килди Ламберт. – Сизларга халал бермадим, деган умиддаман. Бирок бошимга оғир кулфат тушгани боис...

– Оғир кулфат ёлғиз сизнинг бошингизга тушмагандир? – деб сўради Шарп.

– Бу ёғидан беҳабарман, – деди Ламберт. – Кўнгилсиз воқеаларга кўпчилик одамлар дуч келишса керак, ҳойнаҳой. Бирок бундай воқеаларнинг барчасида ҳар бир одам учун битта савол туғилади – шу мушкул вазиятдан қандай қилиб чиқиш керак?

– Мухтарам жаноблар! – хитоб килди Шарп. – Мен ҳам худди сиз каби айнан шу савол устида бош котираяпман.

– Ламберт бу саволга аллақачон жавоб топганини наҳотки тушунмаётган бўлсанг? – деб сўради Максвелл Шарпдан. – Чунки унга ёрдам беришлари мумкин бўлган даврни тўппа-тўғри топиб келибди.

– Йигитча, – дея аралашди Дрейтон, – сизнинг ўрингизда бўлганимда тилимни тийиб турган бўлардим. Ўтган сафар мени лақиллатиб кетдингиз, лекин бу гал осонликча қутулолмайсиз, хомтама бўлманг. Аввалбошига айрим саволларимга жавоб берасиз.

– Нозир, илтимос сиздан, аралашмай тулинг, – сўради Шарп. – Сизсиз ҳам бошим айланиб кетаяпти ўзи. Артефакт йўқолган, музей вайрон бўлган, Шекспир дом-дараксиз кетган.

– Лекин менинг ишим осонроқ, – дея ақллироқ гап айтгандай бўлди Ламберт. – Бор-йўғи уйимга – икки минг йигирма учинчи йилга қайтишим керак, холос.

– Андак сабр қилинг, – талаб килди Шарп. – Сиз навбатсиз тикилаяпсиз. Мен...

– Харлоу, – дея унинг сўзини бўлди Максвелл, – сенга тушунтириб бергандим-ку, ахир. Куни кеча – кечкурун айтгандим. Сендан яна Симонсон ҳақида ҳам сўрагандим. Дарров унутиб юбормагандирсан?

– Симонсон? Ҳа, ҳа! – Шарп Ламбертга қаради. – Сиз Артефакт тасвирланган картинани яратган мусаввисиз-а?

– Қанака Артефакт?

– Адир тепасида ётган катта қора тош.

Ламберт бош чайқади.

– Йўқ, яратмаганман. Энди яратсам керак. Аниқроғи яратмаслигим мумкин ҳам эмас. Мисс Клейтон уни кўрсатди – шак-шубҳасиз менинг асарим. Ўзим баҳо беришим сал ноқулайроғ-у, лекин яхши нарсачиқбди.

– Демак, сиз Артефактни чиндан ҳам юра даврида кўргансиз?

– Қачон, қачон?

– Икки юз миллион йил мукаддам.

– Шунчалик олис даврми? – ажабланди Ламберт. – Ўзимам шундайроқ ўйловдим. Негаки, у ерда динозаврлар юрганди-да.

– Аммо бунга нега билмагансиз? Сиз вақт бўйлаб саёҳат қилгансиз-ку, ахир!

– Ҳамма бало шундаки, – изоҳ бера бошлади Ламберт, – вақтга созланиш мосламаси ҳунар чиқариб қолди. Мен ўзим хоҳлаган даврга бориш қобилиятига эга эмасман энди.

Шарп қўлларини ёйиб, кафтлари билан чеккаларини қисди. Кейин қўлларини олиб, деди:

– Навбат билан гаплашайлик. Шошилмасдан. Аввал битта гап, кейин иккинчиси. Шу тариқа ҳамма нарсани ҳал қилиб оламиз.

– Мен сизга тушунтирдим-ку, ахир, – деди Ламберт. – Менинг масалам жудаям осон – бор-йўғи уйга қайтмоқчиман, холос.

– Вакт машинангиз қани? – деб сўради Шарп. – Уни каерда колдирдингиз? Биз уни созлаб беришимиз мумкин-кинди балки.

Мен уни ҳеч каерда колдирганим йўқ. Уни умуман бирон ерда колдиrolмайман. У доимо ўзим билан бирга – у бошимда-ку, ахир.

– Бошингизда? – инграб юборди Шарп. – Вакт машинаси – бош ичида? Бироқ бундай бўлиши мумкин эмас-ку!

Максвелл Шарпга қараб илжайди.

– Бугун кечкурун шу мавзуда суҳбатлашганимизда нима деганинг эсингдами? Симонсон ўзининг вақт машинаси ҳақида ҳеч қандай маълумотларни эълон қилмаган, деб айтгандинг. Бунинг сабаби мана энди ойдинлашаяпти...

– Ҳа, сенга шундай дегандим, – тасдиқлади Шарп. – Бироқ вақт машинаси тажрибада иштирок этаётган одамнинг миясига муҳрлаб қўйилади, деб ақл-ҳуши ўзида бўлган ким ҳам ўйлай оларди, ахир? Бу қандай бир янги услуб. Биз уни йўл-йўлакай пайкамай ўтиб кетибмиз. – У Ламбертга ўгирилди. – У қандай ишлашини сиз биласизми?

– Бу ҳақда заррача ҳам тасаввурим йўқ, – жавоб қилди мусаввир. – Фақат шунисини биламанки, ўша нарсани бошимнинг ичига тикиб қўйишганидан кейин – ниҳоятда мураккаб жаррохлик бўлганди ўзиям! – мен вақт бўйлаб саёҳат қилиш қобилиятига эга бўлдим. Унчалик мураккаб бўлмаган муайян координатлардан фойдаланган ҳолда каерга боришни ўйласам кифоя – ўша ерда пайдо бўлиб колардим. Бироқ нимадир иш-

дан чикди. Нимани ўйламай, мени олдинга-оркага – у даврдан бу даврга ташлаяпти-ю, ўзим хоҳлаган замонга асло тушолмаяпман.

– Бунинг ўзига хос афзалликлари бор, – деди Шарп ўйланган ҳолда, ҳеч кимга мурожаат этмай. – Мустақил ҳаракатларга имконият мавжудлиги ва қурилманинг кичик ҳажмда эканлиги... биз фойдаланадиганга нисбатан ниҳоятда мўъжазлиги. Акс ҳолда уни мияга ўрнатиб бўлмасди ва... Ламберт, у тўғрисида сизга нима маълум ҳар қалай?

– Сизга айтдим-ку – ҳеч нарса. У қандай ишлаши мени мутлақо қизиқтирмасди. Шунчаки, Симонсон дўстим бўлгани учун...

– Лекин сиз нега бу ерда пайдо бўлдингиз? Айнан шу ерда? Худди шу жойда ва худди шу вақтда?

– Бу соф тасодиф. Аммо шу ерга тушиб қолганимдан кейин бундай бир ўйлаб қарасам, мен бориб қолган бошқа жойларга нисбатан бу шахарча анча маданийроқ кўринди, шундан кейин қаерга келиб қолганимни билиш учун сўраб-суриштира бошладим. Агар билсангиз мен ҳали ҳеч қачон шунчалик узоқ келажакка бориб қолмагандим, қарасам – вақт бўйлаб саёҳат қила бошлабсизлар ва сизларда Вақт институти ҳам бор экан. Шу орада мисс Клейтоннинг уйида менинг асарим борлигини эшитиб қолдим ва асаримни кадрлаган одам ўзимга ҳам хайрихоҳлик билдирар, деган умидда унинг ёнига бордим. Мисс Клейтон мени уйимга жўнатиб юбориш қўлидан келадиган одамлар билан таништириб қўйиши мумкин, деб ўйладим. У билан суҳбатлашиб турганимда эса нозир Дрейтон келиб қолди-ю...

– Мистер Ламберт! – деди Нэнси. – У ёғини давом эттиришдан аввал сизга бир савол бермокчийдим. Нима учун сиз юр... юра... даврида, ҳуллас, Харлоу айт-

ган жойда бўлиб, мана шу картинангизни яратган пайтингизда...

– Кечирасиз-у... – Ламберт унинг сўзини бўлди, – мен бу асаримни хали яратмаганимни унутиб қўйдингиз. Тўғри, кораламаларим бор ва умид киламанки...

– Ҳа, бўпти. Нега уни ярата бошлаганингизда динозаврларни ҳам қўшиб тасвирламадингиз? Картинангизда динозаврлар йўк, ваҳоланки, сиз динозаврларни кўрганингиздан кейингина қандай олис даврга бориб қолганингизни тушунганингизни ҳозиргина айтиб ўтдингиз.

– Динозаврларни тасвирламаганимнинг сабаби жуда оддий, – жавоб килди Ламберт. – Чунки у ерда динозаврлар йўк эди.

– Лекин сиз ҳозиргина ўзим кўрдим, деб...

– Тушунсангиз-чи, ахир, – дея сабр-токат билан изохлай бошлади мусаввир, – мен фақат ўзим кўриб турган нарсани тасвирлай оламан. Яъни, бор нарсани ташлаб кетмайман асло, аммо-лекин ўша ерда йўк нарсани ҳам ўзимча қўшиб қўя олмайман. Ҳеч қачон бундай қилмайман. Динозаврлар йўқлигининг сабаби шуки, асарда тасвирланган мавжудотлар уларни қувиб юборишганди. Ана шу сабабли динозаврларни ҳам, бошқа... мавжудотларни ҳам тасвирлай олмаганман.

– Бошқа мавжудотлар дейсизми? – қайта сўради Максвелл. – Нималарни назарда тутаяпсиз? Улар қандай мавжудотлар эди?

– Анавилар бор-у... ғилдиракда юрадиганлар, – жавоб берди Ламберт.

У атрофдагилар ҳайратга тушганини кўриб, бирдан жим қолди ва барчага бир-бир қараб чиқди.

– Мен бирон ножўя гап айтиб қўйдим шекилли?

– Йўқ, йўқ, асло! – дея уни тинчлантирди Кэрол. – Давом этаверинг, мистер Ламберт. Ўша... ғилдиракда юрганлар хакида хикоя қилиб беринг.

– Сизлар балки менга ишонмассизлар, – деди Ламберт. – Улар қандай мавжудотлар эканлигини тушунтириб беришга мен ҳам ожизман. Эҳтимол, қуллар бўлишгандир. Ёки хизматкорлар, малайлар... иш хайвонлари... юк ташувчи улов... Кўринишдан улар машиналарга эмас, жонли организмларга ўхшаб кетишади, фақат оёқлар ёрдамида эмас, балки ғилдираклар ёрдамида ҳаракатланишади. Умуман олганда, ҳашаротлар уясига – айтайлик асаларилар оиласига ёки чумолилар тўдасига ўхшаб кетишади. Чамаси, жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротлардан иборат. Менга ишонмаслигингиз табиий ҳол, албатта, лекин сўз бериб айтаманки, буларнинг бари ҳақиқат...

Аллакаердан олисдан шитоб билан келаётган ғилдираклар товуши эшитилди ва борган сари кучаяверди. Улар жим қолиб қулоқ солишди ва ғилдираклар йўлак бўйлаб келаётганини тушунишди. Шовкин янада яқинлашаверди ва кучаяверди. Ногоҳ у эшик олдида эшитилди, кейин тинди ва кабинет остонасида ғилдиракчи пайдо бўлди.

– Мана ўшалардан бири! – деб чинкириб юборди Ламберт. – Лекин бу ерда у нима қилиб юрибди?

– Мистер Мармадюк, – деди Максвелл, – сизни яна кўраётганимдан хурсандман.

– Йўқ, – деди ғилдиракчи. – Мистер Мармадюк эмас. Мистер Мармадюк деб аталувчини сиз бошқа кўрмайсиз. У қаҳр-ғазабга учради. У кечириб бўлмас хатога йўл қўйди.

Силвестр олдинга интилган эди, аммо Оп дарҳол қўлини чўзиб, унинг бўйнидан маҳкам тутди ва йўлбарсча канчалик уринмасин, қўйиб юбормади.

– Харлоу Шарп номли ҳумананд савдо битимиға имзо чеккан эди. Сизларнинг қайси бирингиз Харлоу Шарп бўласиз?

– Бу менман, – деди Шарп.

– У ҳолда, сэр, сиздан сўрашим керакки, битимда кўрсатиб ўтилган шартларни қандай қилиб бажармоқчисиз?

– Мен ҳеч нима қила олмайман, – жавоб берди Шарп. – Артефакт йўқолди, бинобарин, уни топшира олмайман. Пулларингиз эса, турган гапки, дарҳол қайтарилади.

– Бу етарли эмас, мистер Шарп, – деди ғилдиракчи. – Мутлақо, мутлақо етарли эмас. Биз қонун бўйича сизга қарши иш қўзғаймиз. Ихтиёримизда нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасини сизларга қарши ишга соламиз. Сизларни хонавайрон қилиш учун қўлимиздан келган барча чора-тадбирларни қўллаймиз ва...

– Ўчир овозингни, ўзюрар аравача! – бирдан портлаб кетди Шарп. – Қайси қонунни назарда тутаяпсиз ўзи? Галактика қонунини сизларга ўхшаш махлуқларга нисбатан қўлланмайди! Агар сиз бу ерга келиб, менга таҳдид қилишни ўйлаётган бўлсангиз...

Шу пайт остонада Арвоҳ пайдо бўлди.

– Келибсан-да охири! – ғазабидан бақириб юборди Оп. – Туни билан қайси гўрда йўқолиб кетувдинг? Шекспирни нима қилдинг?

– Бард хавфсиз жойда, – жавоб берди Арвоҳ, – аммо менда бошқа хабар бор. – Либосининг енги кўтарилиб, ғилдиракчини кўрсагди. – Унинг шериклари гоблинлар кўрикхонасига бостириб кириб, аждарҳони овлашяпти!

Бундан чикди, улар аввалбошданок аждарҳонинг изидан тушишган, дея бироз пала-партиш ўйлади Максвелл. Демак, ғилдиракчилар аждарҳо Артефакт-

да пинҳона эканлигини ҳамма вақт билишган? Ҳа, ҳа, билишган, деб ўз-ўзига жавоб килди. Демак, Ерда юра даврида уларнинг ўзлари ёки аجدодлари яшашган. Юра даврида — Ерда-я? Унакада бошқа хилма-хил сайёра-ларда қайси замонларда яшашган? Ламберт уларни хизматкорлар, юк ташувчилар, иш ҳайвонлари, деб атади. Улар мана шу қадимий мавжудотлар яратган биологик роботлар бўлишганми? Эҳтимол, қўлга ўргатилган уй ҳайвонлари, ирсий жиҳатдан қайта ишлаш усули ёрдамида муайян ишларни бажаришга мослаштирилган жонзотлармикан?

Мана эндиликда ўша собик куллар ўз салтанатларини яратиб, маълум маънода ўзлариники, деб ҳисоблашлари мумкин бўлган нарсага эгалик қилишга уринишяпти. Чунки, собик манзилгоҳларнинг тарқоқ ва тугаб битаётган қолдиқларини истисно этганда, биллур сайёра орзу қилган янги ва ёш коинотни ўзлаштиришдек улкан ғоянинг бўлак излари бутун оламда бошқа ҳеч қаерда қолмаган.

Балки, деб ўйлади Максвелл, эҳтимол, бу мерос уларга тегишлидир? Зотан, бу ғоянинг амалга оширилиши уларнинг саъй-ҳаракатларига асосланади. Эски гуноҳидан эзилаётган банши ўлаётган чоғида ана шунга уринмадимикан — мана шу собик кулларга ёрдам бериш учун биллур сайёрани алдаган чоғида ўша гуноҳини ювишга ҳаракат қилмадимикан мабодо? Мазкур меросни бегоналарга эмас, балки шу буюк ғояни амалга оширишга тайёрлашда гарчи кичик, кичикрок бўлса ҳам ўз ролини ўйнаган мавжудотларга берган маъқулрок, деб ўйлаганмикан ёки?

— Сиз бу ерда менга таҳдид қилаётган пайтингизда, — деди Шарп ғилдиракчига, — сизнинг боскинчи шерикларингиз...

– Бу зулукдай ёпишиб олса, кўйиб юбормайди, – аралашди Оп.

– Аждархо, – деди Арвох, – бу сайёрада ўзига яқин ва кадрдон бўлган яккаю ягона жойни топа олишга муваффақ бўлди. У дарё водийси узра ой нурларига чўмилиб парвоз қилаётган ўз жигарларини кўриш умидида митти элат яшаётган жойга учиб борди. Бу ерда эса ғилдиракчилар осмондан унга хужум қилиб, ерга қўндиришга ва тутиб олишга ҳаракат қилишаяпти. Аждархо уларнинг ҳамлаларини юксак жасорат билан қайтараяпти, бироқ...

– Ғилдиракчилар уча олишмайди, – унинг сўзини бўлди Шарп. – Яна улар кўп деяпсиз. Бундай бўлиши мумкин эмас. Мистер Мармадюк биттагина...

– Улар уча олишмайди, деб ҳисобланар балки, – эътироз билдирди Арвох. – Лекин улар учиб юришибди-ку, ахир! Нима учун кўпайиб кетишганини эса билмайман. Эҳтимол, улар доимо шу ерда бўлиб, яшириниб юришгандир ёки уларга оралик бекатлардан ёрдамчи кучлар келаётгандир.

– Бунга барҳам беришимиз мумкин! – хитоб қилди Максвелл. – Транспортчиларга хабар берсак бас...

Шарп бош чайқади.

– Йўқ. Транспорт тизими Ерга тегишли эмас. У – галактикалараро ташкилот. Уларнинг ишига аралашишга ҳақимиз йўқ.

– Мистер Мармадюк, – деди нозир Дрейтон имкон қадар расмий оҳангда, – ёки ўзингизни ким деб аташингиздан катъи назар, шароит тақозосига кўра, сизни ҳибсга олишим керак.

– Гал-сўзларни йиғиштирсаларингиз-чи! – хитоб қилди Арвох. – Митти элат ёрдамга муҳтож, ахир!

Максвелл стулга ёпишди.

– Етар аҳмоқгарчилик! – деб стулни боши узра кўтариб, ғилдиракчига қаради. – Қани, бор гапни тўкиб солинг-чи, акс ҳолда дабдалангизни чиқараман!

Кўкқисдан ғилдиракчининг кўкрагидан найчалар чиқиб, кучли вишиллаш эшитилди. Одамларнинг юзига токат қилиб бўлмас даражадаги аччиқ, сассиқ ҳид урилиб, ошқозонни ағдар-тўнтар қилиб ташлади, кўнгил айнашига асло чидаб бўлмасди.

Максвелл ўзини тутта олмай, йикилиб тушаётганини сезди, ғилдиракчи юборган бадбўй, қўланса ҳид танасини фалажлаб ташлаганди. У томоғини чангаллаганича нафас олишга уринар, аммо ҳаво етишмас, бўғувчи ҳиддан бўлак нарса йўқ эди.

Унинг боши тепасида кўркинчли чинқирик эшитилди ва у ёнбошига ағдарилиб, Силвестрни кўрди – йўлбарсча олдинги панжалари билан ғилдиракчи танасининг юқори қисмини маҳкам чангаллаб олиб, бақувват орқа оёқларининг тирноқлари билан унинг юмшоқ ва шаффоф корнини зўр бериб тимдалар, у ерда эса оқиш ҳамда жирканч ҳашаротлар ғужғон ўйнаб ётарди. Ғилдиракчининг ғилдираклари жонҳолатда айланар, аммо уларга нимадир бўлган – уларнинг бири бир томонга, иккинчиси иккинчи томонга айланар, бунинг натижасида эса ғилдиракчи турган жойида чирпирак бўлар, Силвестр унга ёпишганча, қорнини тинмай тилкаларди. Бирдан Максвеллнинг назарида икковлари аллақандай беўхшов ва шиддатли рақсга тушаётгандек туюлиб кетди.

Кимдир унинг тирсагидан тутиб, полда судраб кетди. Танаси остонага бориб урилганидан кейингина у озми-кўпми тозароқ хаводан нафас ола бошлади.

Максвелл қорнига ўгирилди ва аввал тўрт оёқлаб, кейин бир амаллаб оёкка турди. Муштлиари билан бе-

тиним ёш оқаётган кўзларини ишкалади. Кўланса хид йўлакка ҳам чиққан, лекин бу ерда ҳар қалай амал-тақал нафас олса бўларди.

Шарп деворга суяниб ўтирар, кетма-кет йўталганча, кўзларини ишқаларди. Кэрол бурчакда ғужанак бўлиб ётибди. Оп икки букилганича, ҳушидан кетган Нэн-сини заҳарли хонадан судраб чикаяпти, ичкаридан эса ҳали-ҳануз душманини тилка-пора қилаётган қилич тишли йўлбарснинг ғазаб билан ўкириши эшитилади, холос.

Максвелл гандираклаганича бориб, Кэролни коп-дек орқалаб олди, ўгирилди ва судралганича йўлакдан ташқарига чиқиш учун юра бошлади.

У йигирма кадамча юриб тўхтади ва ортига қаради. Худди шу лахзада кабулхона эшигидан ғилдиракчи отилиб чиқди. У ниҳоят Силвестр чангалидан қутулган, ғилдираклари ҳам энди бир томонга айланарди. Бирок ғилдиракчи тўғри юролмай, тимирскиланар, оксокланганича – агар ғилдиракларда ҳаракатланувчи мавжудот оксай олса – бориб деворга урилаверарди. Қорнидаги катта ёриқдан эса полга майда ва оқиш бир нималар тўкилиб борарди.

Максвеллга етишига ўн кадамча қолганида ғилдиракчи йиқилиб тушди, чунки ғилдиракларидан бири деворга урилиб, қайрилиб кетганди. Ғилдиракчи оҳиста, аллақандай ғалати салобат билан тўнкарилиб кетди, қорнидан ҳашаротлар дув-дув тўкилиб, полда анчагина тўпланиб қолди.

Силвестр йўлак бўйлаб аста бикиниб келарди. Полга қапишганича ва тумшуғини чўзганича секин-секин юриб, ўлжасига яқинлашди. Йўлбарсчанинг ортидан Оп, унинг изидан бошқалар келишарди.

– Мени ерга туширсангиз ҳам бўлади, – деди Кэрол.

Максвелл уни елкасидан авайлаб тушириб, оёкка туришига ёрдамлашди. Қиз деворга суялиб, норози оҳангда деди:

– Менимча одам ташишнинг бундан ҳам бесўнақай-рок усулини ўйлаб ҳам топиб бўлмаса керак. Аёл кишини бир қоп латтадек орқалаб юришса-я! Одоб-назо-катингиз қани?

– Кечирасиз, – деди Максвелл. – Сизни ётган жойингизда қолдираверишим керак эди.

Силвестр тўхтаб, бўйнини чўзди ва ғилдиракчини искади. Бурнини жийирди, башарасида жирканиш аралаш тушунмаслик ҳолати сезилди. Ғилдиракчида эса тирикликдан ҳеч бир белги кўринмасди. Силвестр мамнун бўлиб тисланди ва орқа оёқларига ўтирганича юзларини юва бошлади. Ғилдиракчининг қилт этмай ётган танаси ёнида ҳашаротлар ғимирлашарди. Улардан ўнтакаси ташкарига қараб йўл олди.

Шарп ғилдиракчининг танаси ёнидан тезгина ўтди.

– Юринглар. Бу ердан чиқиш керак.

Йўлакда ҳамон қўланса хид анкирди.

– Лекин нима бўлди ўзи? – аянчли овозда сўради Нэнси. – Мистер Мармадюк нима учун...

– Э, у бир ҳовуч сассик қўнғиздан бошқа нарса эмас! – дея тушунтирди унга Оп. – Тавба, тасаввур қилиш қийин-а! Сассик қўнғизларнинг галактик ирки! Шулар бизни кўрқитиб юрибди-я!

Нозир Дрейтон йўлакни тўсиб олди.

– Билишимча, – деди у савлат тўкиб, – ҳаммангиз мен билан юришингизга тўғри келади. Кўрсатмаларингизни олишим керак.

– Қанақа кўрсатмалар? – деди Шарп ижирғаниб. – Ёсингиз жойидами ўзи? У ёқда аждарҳо озодликка чиқиб кетди-ю, сиз бу ерда кўрсатмалар дейсиз-а!..

– Бирок ўзга оламлик мавжудот ўлдирилди! – дея эътироз билдирди Дрейтон. – Яна денг, ўзга оламлик оддий мавжудот эмас, балки бизнинг эҳтимолий душманларимиз вакили. Бу эса мутлако кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

– Оддийгина қилиб “Ёввойи ҳайвон чангалида ўлди” деб ёзиб кўя қолинг, – маслаҳат берди Оп.

– Бу нима деганингиз? – ловуллаб кетди Кэрол. – Силвестр ёввойи эмас мутлако. У мушукчадек беозор. Умуман, ҳайвон ҳам эмас!

– Арвоҳ қаерда қолди? – деб сўради Максвелл атрофга аланглаб.

– Аллақачон куён бўлган, – деди Оп. – Жанжал чиқа бошлаган жойдан жуфтакни ростлаб қолиш унинг доимий одати-ку. Ўлгудай кўрқок-да ўзиям.

– Лекин у айтгандики...

– Тўппа-тўғри, – деди Оп. – Бу ерда беҳуда гап сотиб ўтирибмиз. У ёқда О’Тулга мадад керак.

24

Мистер О’Тул уларни шоссе бўйида кутиб турган экан.

– Албатта етиб келишингизни билардим, – деди у дўстлар йўлкадан тушишлари биланок. – Арвоҳ сизларни излаб топиб, хабар қилишини айтганди. Бизга эса тролларни инсофга чакирадиган бирон одам ниҳоятда зарур, улар эса кўприк остига яшириниб олганча ўзаро тўнғиллаб ётишибди-ю, гап-сўзга умуман кулоқ солишмаяпти.

– Ақалли шу тикилинчга тролларни тикмай тура олмайсизми-а? – деб сўради Максвелл асабийлашиб. – Жуда бўлмаганда умрингизда бир марта ўшаларни унутиб турсангиз-чи.

– Қанчалик аблах бўлишмасин, ҳозир бизга фақат ўша тролларгина ёрдам бера олади, – дея эътироз билдирди мистер О’Тул. – Улар кўплаб қулайликларга эга бўлган тамаддун мазасини тотиб кўрмаган ягона мавжудотлар. Шу сабабли ҳам қадим замонларнинг сеҳр-жодулари бўйича малака-кўникмаларини сақлаб қолишган ва энг расво, энг зарарли афсунлар йўналишида ихтисослашганлар. Тўғри, феялар ҳам мозий бисотларини сақлаб қолишган, албатта, аммо уларнинг сеҳргарликлари ёлғиз эзгуликка йўналтирилган, бироқ ҳозир биз мухтож бўлган нарса бу эмас-да.

– Нималар рўй бераяпти ўзи, сиз тушунтириб беролмайсизми мабодо? – деб сўради Шарп. – Арвоҳ тайинли бир гап айтмай ғойиб бўлди.

– Бажонидил, – деди гоблин. – Фақат, пайсалламай йўлга тушмасак бўлмайди, ҳамма гапни йўл-йўлакай айтиб беравераман. Вақт шундай тиғизки, фурсатни бой бериб бўлмайди, троллар эса ўзига етгунча қайсар, бизга ёрдам беришга кўндириш учун анча пайт керак. Улар аҳмоқона кўприклари остидаги йўсин қоплаган тошлар устида ўтириб олганча, худди аклдан озгандек ҳиринглашгани-ҳиринглашган. Ҳақиқат нечоғли аччиқ бўлмасин, тан олиб айтиш керакки, бу мараз троллар ҳеч нима йўқотишмайди-да.

Улар иккита адирлар тизмасини ажратиб турган камбар жарлик бўйлаб турнакатор бўлиб, юқорига кўтарила бошлашди. Шарп осмони оҳиста ёришиб келаяпти, бироқ қалин дарахтлар остида буталарни ора-лаб, илонизи бўлиб бораётган сўкмоқ қоп-қоронғи. У ер-бу ерда уйғонган қушлар чуғиллашади, қаердадир адирда енот овоз беради.

– Аждарҳо Ерда ўзига яқин мавжудотларни топиши мумкин бўлган яккаю ягона жойга – бизнинг ёнимизга

учиб келди, – деб ҳикоя кила бошлади О’Тул. – Қадим замонларда мутлақо бошқача ном билан аталган ғилдиракчилар эса жанговар ҳолда саф тортган учар супургилар мисоли унга ҳужум қилишди. Уни мажбурлаб ерга қўндиришларига йўл қўймаслик керак, чунки ерда уни осонгина тутиб олиб, ўзлари билан олиб кетишади. Аждархо ўзига хос шиддат билан жанг қилиб, ҳамлаларини қайтариб турибди, аммо у толиқа бошлади, агар унга оғир пайтда ёрдам беришни истасак, шошилишимиз керак.

– Тушунишимча, – деди Максвелл, – сиз троллар автолётни парвоз чоғида тўхтатиб қўйганларидек ғилдиракчиларни ҳам ҳавода тўхтатиб қўя олишларига умид қилаяпсиз.

– Топдингиз, дўстим. Айнан шуни ўйлаганман. Бирок лаънати троллар худди шу қалтис пайтдан фойдаланиб қолиш пайдалар.

– Ғилдиракчилар уча олишини мен ҳеч қачон эшитмаганман, – деди Шарп. – Кўрганларимнинг ҳаммаси фақат каттик ерда ғилдираб юришарди.

– Уларнинг қўлидан ҳар бало келади, – жавоб қилди О’Тул. – Улар ўз танасидан шунақанги хилма-хил мосламаларни чиқара олишадики, бу нарсаларнинг номини билиш у ёқда турсин, ҳатто кўринишини тасавур этиш амримаҳол. Қўланса ҳид таратувчи найчалар, душманларни ажал келтирувчи момақалдироклар билан ўлдирувчи тўппончалар, ақл бовар қилмас тезликда учувчи супургилар учун реактив двигателлар ва ҳоказо. Улар доимо қабихлик ва ёвузликни ўйлашгани ўйлашган. Қанчадан-қанча замонлар ўтмасин, улар ҳали-ҳануз ёвузлик ва қасосга тўлиб-тошиб, коинотнинг кўз илғамас қаърида пинҳона юришибди, чиркин мияларида қандай қилиб юксак даражаларга эришиш йўлларини

излаб режа тузишганини тузишган. Бироқ ҳеч қачон ўша даражаларга эриша олишмайди, илло улар ҳамиша хизматкор бўлиб келишган ва шундай бўлиб қолажаклар.

– У ҳолда троллар билан овора бўлиб ўтиришга нима ҳожат бор? – деб сўради Дрейтон гарангсиган қиёфада. – Мен тўплар ва самолётларни чақиришим мумкин...

– Бемаъни гапни йиғиштиринг, – деди Шарп зарда билан. – Биз уларга қўл теккизишимиз мумкин эмас. Бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмайди асло. Одамлар бу ишга аралашмаслиги маъқул, адир соҳиблари билан уларнинг собиқ хизматкорлари ўз жанжалларини ўзлари ҳал қилишлари керак.

– Лекин йўлбарс биттасини ўлдирди-ку...

– Йўлбарс ўлдирди. Одам эмас. Бизнинг аралашишга ҳақимиз йўқ...

– Силвестр бизни фақат ҳимоя қилди! – қўшилди Кэрл.

– Намунча тез юрмасангизлар, – дея зорланди Нэнси. – Мен чарчаб кетдим...

– Қўлимга суянинг, – таклиф қилди Ламберт. – Сўқмоқ чиндан ҳам жуда тик экан.

– Биласанми, Пит, – деди Нэнси кувонч билан, – мистер Ламберт бир-икки йил меҳмоним бўлиб, мен учун бир неча картина чизиб беришга розилик билдирди. Илтифот, ҳиммат деганлари шунчалар бўлар-да, тўғримасми?

– Ҳа, – деди Максвелл. – Бундан ортиқ бўлмайди.

Шу пайтгача ёнбағирлик бўйлаб юкорига иланг-биланг қилиб кўтарилаётган сўқмоқ бирдан пастга – жарликка қараб шўнғиди. Бу ерни коплаб ётган баҳайбат тошлар эса субҳидам ғира-ширасида сакрашга чоғланган букри ҳайвонларга ўхшаб кетарди. Жарлик устидан кўприк ўтган, у гўё ўрта асрлардаги йўлларнинг биридан тўғри шу ерга олиб келиб ташлангандек туюларди.

Унга қараб туриб Максвелл бу кўприк чиндан ҳам атиги бир неча ўн йил аввал, кўрикхона яратилган пайтда қурилганмиди, деган ҳаёлга ҳам борди ҳатто. У Ерга қайтиб, тўғри нозир Дрейтоннинг кабинетига тушиб қолганидан буён наҳотки бор-йўғи икки кун ўтган бўлса-я, ажабо. Бу орада шунча воқеа-ҳодисалар рўй бердики, ҳаммасини йиғиштириб келса, қирқ саккиз соатнинг ичига ўла қолса ҳам сиғмайдигандек туюлади. Умуман ақлга сиғмайдиган ҳодисалардан қанчадан-қанчаси юз берди ва ҳатто ҳанузгача давом этаяпти! Башариятнинг ҳамда инсон юлдузлар оралиғида яратган дўстона иттифокнинг тақдири айнан ана шу воқеа-ҳодисаларнинг натижасига боғлиқдир эҳтимол.

У кўнглида ғилдиракчиларга нисбатан нафрат уйғотишга уриниб кўрди, аммо нафрат йўқ эди. Улар одамларга шу қадар бегона, шу қадар йироқ эдики, ҳатто нафрат ҳам уйғота олмасди. Улар ашаддий ёвуз мавжудотлар эмас, балки ёвузликнинг мавҳум бир тимсоли эди, холос, лекин бу билан уларнинг хавфи камайиб қолмасди асло. Масалан, анави, бошқа Питер Максвеллни олайлик. Уни ғилдиракчилар ўлдиришган, албатта, чунки мурдаси топилган жойда ғалати ва жирканч ҳид сезилганки, мана энди, Шарпнинг кабинетидаги бир неча дақиқадан кейин ўша ҳид қандайлигини Максвелл жуда яхши билиб олди. Ғилдиракчилар уни нима учун ўлдиришганининг сабаби ҳам тушунарли. Уларнинг маълумотига кўра, Ерга биринчи бўлиб, биллур сайёрада бўлган Максвелл қайтиб келиши керак эди. Ғилдиракчилар уни Артефакт савдоси ҳақидаги музокараларни бузмаслиги учун ҳам ўлдиришган. Иккинчи Максвелл пайдо бўлганида эса улар бу усулни яна қўллашга журъат этишолмаган ва шу боис ҳам мистер Мармадюк уни қўлга олишга уринган.

Шу ўринда Максвелл бу ишларнинг барчасида Монти Черчилл қандай роль ўйнаганини эслаб қолди. Ҳа, майли, шошмай турсин. Қандай натижа билан тугашидан катъи назар шу тонг поёнига етсин, ана ундан кейин уни албатта излаб топиб, барча ҳунарлари учун у билан яхшилаб ҳисоб-китоб қилмасам юрган эканман, дея кўнглига маҳкам тугиб қўйди.

Бу орада улар кўприкка етиб келишди ва остидан ўтиб, тўхташди.

– Эй, бадбахт троллар! – дея бўқирди мистер О’Тул бесас тошларга мурожаат қилиб. – Сизлар билан гаплашишга бу ерга кўпчилик бўлиб келганмиз!

– Сиз жим турунг, – деди Максвелл О’Тулга қараб. – Умуман аралашманг. Троллар билан муомала қилишни билмайсиз-ку, ахир.

– Улар билан ким ҳам муомала қила оларди! – деди О’Тул жиғибийрон бўлиб. – Ақл билан иш юритиш, инсоф деган нарсалар бу қайсарларга мутлако бегона!

– Бас, оғзингизни очманг бошқа!

Ҳамма жим қолди ва ўртага субҳидамнинг терак сокинлиги чўкди. Кейин кўприкнинг нариги чеккаси тагидан чийилдоқ овоз эшитилди.

– Кимсизлар ўзи? Агар бизга зулм ўтказиш учун келган бўлсангизлар, энди биз ҳам бўш келмаймиз! Бакироқ О’Тул шу пайтгача бизни сўкиб, хўрлаб-ҳақоратлаб келди, ортиқ тоқат қила олмаймиз.

– Менинг исмим Максвелл, – деди Максвелл кўринмас элчига мурожаат этиб. – Мен сизларга ёмонлик қилишга эмас, балки аксинча, сизлардан ёрдам сўрашга келдим.

– Максвелл О’Тулнинг яқин дўстими?

– Барчангизнинг яқин дўстингиз. Ҳар бирингизнинг. Мен ўлаётган баншининг ёнида ўтирдим, сўнгги

дакиқаларида унинг ёнига келишни истамаганларнинг вазифасини адо этдим.

– Барибир О’Тул билан бирга ичасан. Ҳа, ҳа! У билан суҳбатлашасан. Ёлғон-яшиқ гапларига лакка тушасан.

О’Тул қахр-ғазабдан ирғишлаб, олдинга отилди.

– Мана шу гапларингни қайтиб олмаганларингга қўймайман ҳали! – дея чинқирди у. – Ифлос гирибонларингдан бўғиб олсам бас, у ёғига боплаб таъзирларингни...

У бирдан жим қолди, чунки Шарп орқасидан келиб, иштонидан баланд кўтарган, жонҳолатдаги дод-войларига парво ҳам қилмасди.

– Гапиравер, – деди у Максвеллга. – Агар бу мактанчоқ яна оғиз очгудек бўлса, дуч келган қўлмакда чўмилириб оламан.

Силвестр Шарпга яқинлашиб, тумшуғини чўзди ва осмонда типирчилаётган О’Тулни эҳтиётлик билан искай бошлади. Гоблин қўлларини ёйиб силкитишлари шамол тегирмон парракларига ўхшаб кетарди.

– Уни нарирок олинглар! – дея чинқирди у.

– У сени сичқон деб билаяпти, – тушунтирди Оп. – Овора бўлишимга арзирмикан, деб ўйлаяпти.

Шарп бир қадам чекиниб, Силвестрнинг бикинига тепди. Йўлбарсча ғингшиб, ўзини четга олди.

– Харлоу Шарп! – Кэрол кичкирганича унга отилди. – Агар сиз Силвестрни яна бир марта урадиган бўлсангиз, мен... мен...

– Жим бўласизларми, йўкми?! – Максвелл ғазабдан ҳайқириб юборди. – Овозингизни ўчирсангизлар-чи! У ёқда аждархо холдан тойиб бораёпти-ю, сизлар бу ерда ғалва билан оворасизлар!

Ҳамма жим бўлиб, бир чеккага ўтди. Максвелл бир зум тин олиб, кейин тролларга мурожаат қилди.

– Орангизда авваллари нима гап ўтгани менга номаълум. Жанжалингизнинг сабабларини ҳам билмайман. Бирок бизга ёрдамларингиз керак, ёрдам бермасангизлар бўлмайдиган. Сизларга ваъда бериб айтаманки, ҳамма нарса ҳалоллик ва адолат билан ҳал қилинади. Бироқ, мабодо ақл билан иш тутмайдиган бўлсангизлар, кўпригингизни таг-туғи билан портлатиб ташлашимиз аниқ.

Кўприк остидан оҳиста ва чийилдок овоз эшитилди:

– Биз бор-йўғи битта нарсани – бакирок О’Тул биз учун бир бочка хушбўй октябр элидан қайнатиб беришини истагандик. Бор-йўғи шуни сўрагандик, холос.

– Шу гап ростми? – деб сўради Максвелл гоблингга қараб.

Шарп О’Тулни жавоб бериши учун ерга қўйди.

– Бу кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ҳодиса! – дея дод солди О’Тул. – Жамики урф-одат, анъаналаримизга ҳилоф келади! Азал-азалдан фақат биз, гоблинларгина кўнгилни яйратувчи элни қайнатамиз. Ва ўзимиз ичамиз. Ўзимиз ича оладиганимиздан ортикчасини қайнатишимиз мумкин эмас. Агар бугун тролларга эл тайёрлаб берсак, эртага феялар ҳам талаб қилишади...

– Феялар эл ичишмайди, – дея гапга аралашди Оп, – буни ўзинг ҳам яхши биласан. Улар сутдан бошқа ҳеч нарса ичишмайди. Шунингдек, элфлар ҳам.

– Сизлар туфайли биз ҳаммамиз ташналикдан қийналиб кетамиз! – дея хануз фарёд қиларди О’Тул. – Ўзимизга етарли эл тайёрлаш учун биз ниҳоятда машаққатли меҳнат қиламиз. Қанчадан-қанча вақт, ўй-фикр, саъй-ҳаракат сарфлаймиз!

– Агар гап кўпроқ тайёрлашда бўлса, – дея аралашди Шарп, – биз ёрдам беришимиз мумкин.

Мистер О’Тул турган ерида ирғиб тушди.

– Хўш, қўнғизчалар-чи? – деди у куйиб-пишиб. – Қўнғизчалар нима бўлади? Токи эл батамом ачимагунча сизлар унга қўнғизчаларни яқинлаштирмайсизлар, буни жуда яхши биламан. Э, ўргулиб кетдим ўша санитария-гигиена коидаларингиздан, бир-биридан беш баттар бемаза! Ваҳоланки, октябр эли рисоладагидек бўлиши учун унга қўнғизчалар ва бошка ҳар хил жирканч нарсалар тушиши керак, акс ҳолда унда бекиёс муаттар ҳид бўлмайди!

– Биз унга қўнғизчалардан соламиз, – ваъда қилди Оп. – Керак бўлса, бир пакирини ағдарамиз!

О’Тул қаҳр-ғазабдан бўғилиб қолди. Башараси бўғрикиб кетди.

– Нодонлик, жаҳолат! – дея чинкирарди у. – Қайси аҳмоқ қўнғизларни пақирлаб ағдаради? Қўнғизлар унга ажойиб тарздаги танланиш билан ўзаро тушишади ва...

Унинг гапи хирилдоқ чийиллаш ҳамда Кэролнинг чинкириғи билан бўлиниб қолди:

– Силвестр! Тега кўрма унга!

О’Тул оёқ-қўлларини силкитганича Силвестрнинг жағидан осилиб турар, йўлбарсча бошини баланд кўтаргани учун гоблин бечоранинг оёқлари ерга тегмасди.

Оп куриган майсалар устига ўзини ташлаб, ерга муштрларини урганча хохолдай бошлади.

– У О’Тулни сичқон деб ўйлаяпти! – дея қичкирарди неандертал. – Мана бу мушукчага бир қаранглар-а! У сичқон тутиб олди!

Силвестр О’Тулни бағоят авайлаб тутиб турар, гоблиннинг фақатгина иззат-нафси лат еганди, холос. Йўлбарсча жағини деярли қисмаган, аммо бахайбат қилич тишлар гоблин чиқиб кетишига йўл қўймасди.

Шарп тепиш учун оёғини кўтарди.

– Йўк! – қичқирди Кэрол. – Қани тегиб кўринг-чи!

Шарп бир оёғини кўтарганча қотиб қолди.

– Кўявер, Харлоу, – деди Максвелл. – О’Тул билан ўйнайверсин. Бугун кабинетингда Силвестр яхши хизмат кўрсатди, хизмати мукофотга лойик.

– Бўпти! – жонҳолатда додлади О’Тул. – Биз уларга бир бочка эл тайёрлаб берамиз! Икки бочка!

– Уч бочка! – деган чийиллаш эшитилди кўприк остидан.

– Бўпти, уч бочка! – рози бўлди О’Тул.

– Ғирромлик бўлмайдими? – сўради Максвелл.

– Биз гоблинлар, – деди О’Тул, – ҳеч қачон ғирромлик қилмаймиз!

– Майли, Харлоу, – деди Максвелл. – Уни яхшилаб бир теп.

Шарп яна оёғини кўтарди. Силвестр О’Тулни қўйиб юбориб, ортига тисланди.

Кўприк остидан троллар селдек тошиб чиқишди ва хаяжонли бақир-чақир билан адирга отилишди.

Одамлар улар ортидан ёнбағирлик бўйлаб кўтарила бошлашди.

Максвеллдан олдинда бораётган Кэрол қоқилиб, йиқилиб тушди. Максвелл унинг қўлидан тортиб турғазиб қўйган эди, қиз қўлини тортиб олиб, ғазабдан ловлов ёнганча унга ўтирилди:

– Менга қўлингизни теккиза кўрманг! Гапиришга ҳам журъат этманг! Сиз Харлоуга Силвестрни яхшилаб тепишни буюрдингиз! Ва менга бақирдингиз! Овозингизни ўчиринг, дедингиз!

Қиз бурилди ва ёнбағирликдан юқорига деярли югуриб чиқиб кетди. Максвелл унинг орқасидан бирпас гарангсиб қараб турди, кейин буталар ва тошларга ёпишганча тик жарлик устига кўтарила бошлади.

Адир тепасидан шодон қийқириқлар эшитилди ва Максвелл осмондан ғилдирақларини чир-чир айлан-

тирганча катта қора шар тушиб келаётганини кўрди, шар ундан ўнг томонда шохларни касир-кусур синдирганича ўрмон ичра ғойиб бўлди. Максвелл тўхтаб, бошини кўтарди ва дарахтлар тепасида иккита қора шар бир-бирига қараб шиддат билан учиб келаётганини кўрди. Улар четга бурилишмади, тезликни ҳам пасайтиришмади. Лаҳза ўтмаёқ ўзаро тўқнашиб, портлаб кетишди. Максвелл уларнинг парчалари ҳавода умбалок ошаётганини кузатиб турди. Кейинги лаҳзада улар ўрмон устига ёмғирдай ёғилишди.

Тепада, тик жарлик устида ҳали-ҳануз кувончли ҳайкириқлар янграрди. Жарликнинг нариги томонида қад кўтарган адирлик устида, олисда кўздан пинҳона нимадир ерга залвор билан урилгани эшитилди.

Максвелл юқорига тирмашиб чиқишда давом этди. Атрофда ҳеч ким йўқ эди.

Мана, тугади ҳаммаси, дерди у ўзига-ўзи. Троллар ўз ишларини қилишди ва энди аждарҳо ерга тушса ҳам бўлаверади. Максвелл беихтиёр илжайди. У неча йиллар сарсон бўлиб, аждарҳони излаганди, мана, ниҳоят, аждарҳо ҳам бор, лекин ҳаммаси шунчалик оддий ва осонмикан? Аждарҳонинг ўзи нима ва нега Артефактга камалганди? Ёки Артефактга айлантирилганди ва ҳоказо? Нима учун, ахир?

Артефакт шунча пайтгача ҳар қандай таъсирга қаршилиқ кўрсатиб келгани, ичига киришга йўл бермагани бежиз эмас экан-да. Токи у таржимон қурилмани такиб, зимзиё зулмат қаърига кўзойнак орқали қарамагунча. Хўш, аждарҳони бу тилсимдан халос этган нарса нима ўзи? Таржимон қурилма бунга қандайдир туртки бергани шак-шубҳасиз, бироқ жараённинг ўзи сирлигича қолаверди. Бу сир ҳам биллур сайёра эгаларига маълум — янги коинот аҳолиси учун ҳали мавҳум бўлган бошқа

кўплаб-кўплаб сир-синаатлар каторида, албатта. Сирасини айтганда, таржимон қурилма унинг жомадонига тушиб қолгани ҳам тасодиф бўлмаса керак. Максвелл эврилиш жараёнини чакириши учун уни атайлаб солиб қўйишмаганмикан мабодо? Умуман олганда, эврилиш-ни бошлаб берган бу асбоб чиндан ҳам ўша таржимон қурилма эдими ёки унга ўхшатиб ясалган мутлақо бош-ка ускунамиди?

Максвелл бир пайтлари Артефакт митти элатнинг ёки Ер тарихининг субхидамида митти элат билан мулоқотга киришган номаълум мавжудотларнинг маъбуди эмасмикан мабодо, деб ўйлаб юрганини эслаб қолди. Ўхтимол, у янглишмагандир? Аждарҳо ақл бовар қилмас қадимги замонлардан биридаги маъбуд эмасмикан?

У яна тик жарликка тирмашиб чиқа бошлади, аммо энди шошилмасди, чунки энди шошиладиган жойнинг ўзи йўқ эди. Бир дақиқа фурсатни ҳам бой бермай ошиқиш туйғуси биллур сайёрадан қайтиб келганидан буён илк марта уни тарк этганди.

Максвелл адир пойига етган пайтида бирдан мусика садоларини эшитди. Бу майин оҳанглар оҳиста инграй бошлаганидаёқ менга шундай туюлмаяптмикан, дея гумонсираганди ҳам аввалига.

У тўхтаб, кулоқ тутди. Ҳа, бу шак-шубҳасиз мусика садолари эди.

Уфқ ортидан қуёшнинг бир чеккаси кўринди, Макснинг тепасидаги, ёнбағирликдаги дарахтларнинг учлари олтинранг нурлардан ёришиб кетиб, кузнинг жамики ёркин нурлари билан товлана бошлади. Бирок ёнбағирликнинг пастдаги қисми ҳали-ҳануз ғира-шира қоронғилик оғушида эди.

Максвелл турган жойида тинглар – мусика садолари бахтиёр тошлар бўйлаб ўйноклаб оқаётган нуқра тусли

сувнинг шўх жилдирашидек ёқимли эди. Баайни бошқа оламдан таралаётган оҳанглар. Феялар мусикаси. Ҳа, ҳа. Ундан чап томондаги феялар майсазорида уларнинг оркестри куй ижро этарди.

Феялар оркестри! Майсазорда ракс тушаётган парилар! Бу мўъжизавий манзарани у ҳеч қачон кўрмаган, мана энди кўриш насиб этганга ўхшайди! Максвелл чапга бурилиб, майсазор томон бесас одимлар билан якинлашиб борди.

– Илтимос! – дея шивирларди у ўзича. – Ўтиниб сўрайман, ғойиб бўлиб қолманглар. Мендан чўчиманглар асло. Ёлвораман, кетиб қолманглар, сизларни бир бора кўрай.

У яширинганча жуда якин борди. Мана шу харсангтош ортида улар! Мусика эса ҳануз давом этарди.

Максвелл тўрт оёқлаб харсангни айланиб ўтаркан, нафас олмасликка уринарди.

Ва ниҳоят – у кўрди!

Чолғучилар яланглик чеккасидаги йиқилган дарахт танасида тизилиб ўтиришган кўйи куй чалишар, куёшнинг тонгги нурлари уларнинг камалакранг жажжи қанотларида жилоланар, созларида яркираб, кўзни камаштирарди. Бироқ майсазорда феялар йўқ. У ерда фақат бир жуфтлик ракс тушардики, Максвелл уларни шу ерда кўришни сира-сира кутмаганди. Икки беғубор ва содда қалб, феялар мусикаси остида ракс тушишга ёлғиз уларгина муносиб.

Майсазорда юзма-юз турганча сеҳрли садолар оҳангига Арвоҳ билан Вилиям Шекспир ракс тушишарди.

25

Аждарҳо қасрнинг кунгурадор девори устида жойлашган, ранго-ранг танаси куёш нурларида бамисолинак порларди. Анча пастда, водийда Висконсин дарёсининг унутилган ёз осмонидек кўм-кўк сувлари япроқла-

ри аланга тусли ўрмон оралаб оқаяпти. Қаср ҳовлисида кувноқ базм шовқин-сурони эшитилади — гоблинлар ва троллар эски гина-кудуратларни вақтинчага бўлса ҳам унутиб, биргаликда яйрашар, шу тантана муносабати билан залдан олиб чиқилган столлар устида баҳайбат финжонларни тарақлатиб октябр элини ичишар ва Инсон деган мавжудот ҳали хаёлда ҳам бўлмаган олис замонларда яратилган қадимий қўшиқларни куйлашарди.

Максвелл ердан чиққан харсанг устида ўтирганча водийга тикилган. Ундан ўн қадамча нарида, жарлик соҳили юз футдан зиёдроқ пастликка тикка тушган жойда кекса кедр ўсган, шу водий бўйлаб беҳисоб йиллар мобайнида эсган шамоллар унинг танасини эгри-бугри қилиб ташлаган. Унинг пўстлоғи кулранг-кумушранг, игналари баргикарам тусида ва хушбўй. Унинг бардам-тетик қилувчи муаттар ҳиди ҳатто Максвелл ўтирган жойгача таралиб турибди.

Мана, ҳаммаси яхшилик билан тугади, дерди у ўзига ўзи. Тўғри, кутубхона эвазига биллур сайёра эгаларига таклиф этиш мумкин бўлган Артефакт уларнинг қўлида йўқ энди, бироқ ана, қаср деворида аждарҳо ётибди, кутубхонанинг асл нархи ўшадир, эҳтимол. Лекин мабодо шундай бўлмаган тақдирда ҳам ғилдиракчилар ўйинни бой бериб доғда қолишди, шунинг ўзиёқ янада муҳимроқ эмасми.

Ҳамма нарсанинг охири бахайр бўлди. Ҳатто у умид қилиши мумкин бўлганидан ҳам яхшироқ якун топди. Аммо, энди барча ундан ранжиганини айтмаганда, албатта. Максвелл Харлоуга Силвестрни тепишни буюргани, қизга эса овозингизни ўчиринг дегани учун Кэрол ундан хафа. О'Тул уни Силвестрнинг жағида қолдиргани ва шу билан тролларга ён босишга мажбур қилгани

сабабли ранжиган. Харлоу эса Артефактнинг савдоси бузилгани ва музей вайрон қилингани учун уни кечир-маса керак, ҳойнаҳой. Яна ким билади, Шекспирни қай-тариб олгани туфайли бироз шаштидан тушар балки. Бу ёқда Дрейтон уни яна сўроққа тутишнинг пайида юрган кўринади. Ректоратдаги Лонгфелло эса унга нисбатан бўлган ёмон муносабатини ўлса ҳам ўзгартирмайдиган нусхалар хилидан.

Гоҳида кимнидир севиш, нима учундир курашиш ҳам анча қимматга тушар экан. Балки ҳаётнинг асл маъносини Нэнси Клейтонларга ўхшаганлар англаб етишгандир, негаки у калласи бўм-бўш бўлса ҳам машҳур кишиларни меҳмонга чорлаб, эртақлардагидек зиёфатлар уюштиради.

Максвелл елкасида майин турткини сезиб, орқасига ўгирилди. Силвестр шу заҳотиёқ унинг юзларини каттиқ ва ғадир-будир тили билан ялаб чикди.

— Э, кўйсанг-чи! — деди Максвелл. — Тилинг тил эмас, нақ қумқоғознинг ўзи-ку, ахир.

Силвестр мамнунлик билан ғудраниб, унинг ёнига жойлашди ва биқинига қапишиб олди. Ва икковлари биргаликда водийни кузата бошлашди.

— Сенга маза-да, — деди Максвелл йўлбарсчага. — Ҳеч қандай ғам-ташвишинг йўқ. Ҳеч нимага бошингни котирмайсан.

Кимнингдир кадамлари остида майда тошчалар ғичирлади. Кимнингдир овози эшитилди:

— Сиз йўлбарсимни ўзингизга оғдириб олдингиз. Мен ҳам ёнингизда ўтириб, ундан фойдалансам бўладими?

— Марҳамат, бемалол ўтираверинг! — деди Максвелл. — Мана, сурилдим. Назаримда, мен билан бошқа гаплашмайдигандек кўрингандингиз.

– Сиз пастда ўзингизни ниҳоятда ёмон тутдингиз ва менга мутлако ёқмадингиз. Бироқ ўшанда бўлак чорангиз йўқ эди, шекилли.

Кедрга кора булут тушиб келди.

Кэрол чўчиб, Максвеллнинг пинжига тикилди. Максвелл бир қўли билан уни маҳкам кучоклади.

– Ҳаммаси жойида. Бу банши, холос.

– Лекин унинг танаси йўқ-ку! Юзи ҳам! Бешакл булут, холос...

– Бунинг ҳеч қандай ғалати жиҳати йўқ, – деди унга банши. – Биз – охирида қолган иккимиз шундай яратилганмиз. Осмонда тебранаётган катта кир сочиқларнинг ўзгинаси. Сиз кўркманг, ёнингизда ўтирган одам бизнинг дўстимиз.

– Бироқ учинчи шерикларингиз менинг ҳам, бутун инсониятнинг ҳам дўсти эмасди, – деди Максвелл. – У бизни ғилдиракчиларга сотиб юборди.

– Лекин бошқалар келишни хоҳламаганда унинг ёнида сен ўтирдинг ҳар қалай.

– Ҳа. Бу – бурч ва уни ҳатто ашаддий душмандан ҳам дариғ тутмаслик керак.

– Демак, – деди банши, – сен нималарнидир тушунишга қодирсан. Ғилдиракчилар аслида бизларнинг биримиз эди ва яна шундай бўлиб қолишар эҳтимол. Қадимий ришталарнинг узилиши осонмас.

– Назаримда, мен тушунаётгандекман, – деди Максвелл. – Сен учун нима қилишим мумкин?

– Мен сенга бир гапни етказиш учунгина келдим, – деди банши. – Сизлар биллур сайёра деб атайдиган жой ҳамма нарсадан хабардор қилинган.

– Уларга аждархо керакми? – деб сўради Максвелл. – У ҳолда бизга уларнинг координаталарини беришингга тўғри келади.

– Координаталар Транспорт марказига берилади. Сизлар – сен ва кўплаб бошқалар у жойга бориб, кутубхонани Ерга келтиришларингизга тўғри келади. Бирок аждарҳо Ерда, шу жойда, гоблинлар кўрикхонасида қолади.

– Тушунмадим. Ахир уларга...

– Артефакт керак эди. Аждарҳони озод қилиш учун. У тутқунликда жуда узок вақт қолиб кетганди.

– Юра давридан буён. Ҳа, чиндан ҳам жуда узок муддат.

– Лекин бу ҳол бизнинг ихтиёримизга боғлиқ бўлмаган тарзда юз берди, – дея изоҳлади банши. – Биз унга озодлик беришга улгурмасимиздан бурунрок сизлар унга эга чиқиб қолдингизлар. Биз эса уни ном-нишонсиз йўқолиб кетди, деб ўйлаб юргандик. Ердаги колония уни асраб-авайлайдиган даражада ўрнашиб олгунига қадар Артефакт унинг хавфсизлигини таъминлаши керак эди.

– Асраб-авайлаш? Уни нега асраб-авайлаш керак эди?

– Чунки, – жавоб берди банши, – у ўз қавми ичида энг охиргиси ва барчамиз учун бағоят қадрли. У энг сўнгги... ҳалиги... қандай ифодалашни ҳам билолмаяпман... Сизларда ўзингиз ит ва мушук деб атайдиган мавжудотлар бор.

– Ҳа, – деди Кэрол, – мана улардан бири ёнимизда ўтирибди.

– Эрмак, овунчок, – давом этди банши. – Бирок, ҳар қалай, улар шунчаки эрмак, овунчок бўлишдан ҳам юқори, анчагина юқори аҳамиятга, қадр-қимматга эга. Бу мавжудотлар тарихингизнинг дастлабки кунлариданоқ сизларнинг йўлдошларингиз, ҳамроҳларингиз бўлиб келишган. Биллур сайёра эгалари учун аждарҳо ҳам айнан шундай. Уларнинг сўнгги тўрт оёкли дўсти.

Улар кексайиб қолишган, ҳадемай йўк бўлиб кетишади. Бирок тўрт оёкли дўстларини ўз ҳолига ташлаб кетишга кўнгиллари бўлмапти. Бу жониворни уни севадиган, ардоқлайдиган ғамхўр кўлларга топшириб кетишни хоҳлашяпти.

– Гоблинлар уни ниҳоятда асраб-авайлашади, – деди Кэрол. – Троллар ҳам, феялар ҳам, адирликда яшовчи бошқа барча мавжудотлар ҳам уни ардоқлашади. Улар аждархо билан фахрланишади. Уни ҳали жудаям эркалатиб юборишади.

– Одамлар ҳамми?

– Одамлар ҳам.

Банши қандай ғойиб бўлганини улар илғамай қолишди. Ҳозиргина шу ерда эди – энди эса йўк. Осмонда ҳатто кир сочиқ ҳам тебранаётгани йўк. Кедр бўм-бўш эди.

Тўрт оёкли дўст, деб ўйлади Максвелл. Маъбуд эмас – уй ҳайвони. Лекин ҳар қалай бу нарса шунчаки оддий ва одми тушунча эмас. Одамлар биомеханик организмларни яратишни ўрганиб олишганида дастлаб нимани яратишди? Бошқа одамларни эмас – ҳар қалай, бошланишида – иш ҳайвонлари ёки муайян бир вазифани бажаришга мўлжалланган роботларни ҳам эмас. Улар биринчи галда тўрт оёкли дўстларини яратишди.

Кэрол унинг елкасига юзларини суйкади.

– Нималарни ўйлаяпсиз, Пит?

– Сизни биргаликда тушлик қилишга таклиф этсам-микан, деб ўйлаяпман. Бир марта розилик билдирган эдингиз, аммо кейин у ёғи унчалик ўхшамай қолувди. Балки яна бир марта уннаб кўрарсиз?

– “Чўчка ва Ҳуштак”дами?

– Мабодо маъкул кўрсангиз.

– Опсиз ва Арвохсиз. Тўполончилардан ҳоли бўлайлик.

– Лекин албатта, Силвестр билан.

– Йўк, – деди Кэрол. – Факат сизу мен. Силвестр эса уйда колади. Энди бу ёғига ёш эмаслигига кўника бошласин.

Улар харсангтош устидан туриб, каср томонга йўл олишди.

Силвестр кунгурадор девор устида ястаниб ётган аждархога каради ва ўкирди.

Аждархо букилувчан бўйинли бошини пастга тушириб, йўлбарсчанинг кўзларига тик боқди. Кейин унга узун ва айри тилини чиқариб кўрсатди.

Адабий-бадний нашр

Клиффорд Саймак

ГОВЛИНЛАР ҚЎРИҚХОНАСИ

Роман

Мухаррир *Илҳом Зойиров*

Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*

Бадний муҳаррир *Шўҳрат Мирфаёзов*

Мусаххих *Доно Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Алиева*

Нашр. лиц. АИ № 290. 04.11.2016.
2018 йил 18 майда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108^{1/32}. Офсет босма.
Times New Roman гарнитураси.
12,39 шартли босма табок. 10,1 нашр табағи.
Адади 2000 нусха. 271-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

Клиффорд САЙМАК



Доблинлар қўриқхонаси



ISBN 978-9943-5293-9-



9 789943 529397